

МОҲАНДАС КАРАМЧАНД ГАНДИ



МЕНИНГ ҲАЁТИМ

N1 32372 2018/63
3 | A 5172

~~ТРЕУГОЛЬНИК~~
~~ГОС. КОПИЯ~~
~~ИЗДАНИЕ~~
~~1918-1919 г. 2018-~~

2018/63-A 5172

МОҲАНДАС КАРАМЧАНД ГАНДИ

МЕНИНГ ҲАЁТИМ



ТОШКЕНТ — «O'ZBEKISTON» — 2018



85421-349 8 Хисно
КБК 63.3(5Ҳинд)-8

УЎК 94(540)(092)

Г 19

Русчадан Амир Файзулла таржимаси.

Ганди, Моҳандас Карамчанд.

Г 19 Менинг ҳаётим [Матн] / М.К. Ганди. — Тошкент: Ўзбекистон, 2018. — 256 б.

ISBN 978-9943-25-636-1

Социологларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, XX асрнинг биринчи шахси Альберт Эйнштейн булса, иккинчи шахси Маҳатма Ганди экан. Бу бежиз эмас, албатта. Маҳатма Ганди узининг кечинмаларга бой ҳаёти билан Ҳиндистон халқи учунгина эмас, бутун дунё халқлари учун намуна бўлиб қолди. Ҳинд халқининг асрий мустамлакачилик зулмидан абадий халос бўлиши айнан мана шу ғоявий раҳбар, давлат ва сиёсий арбобнинг фидокорона ва жанговар ҳагти-ҳаракатлари билан бевосита боғлиқ эди. Айниқса, унинг “аҳимса” — куч ишлатмаслик сиёсати жаҳондаги озодлик ҳаракатлари учун ибрат ҳисобланади.

“Менинг ҳаётим” — таржимаи ҳол китоби. Аммо у фақат муаллиф ҳаётигагина чизгилар бермайди. балки таржимаи ҳол баҳонасида Ганди узининг бутун дунёқарашларини, ҳаётда кузлаган мақсадларини ошқора ва холисона ифодалаб беради. Бундан ташқари, мустамлакачиликдай сиёсатнинг нақадар жирканчилигини, унинг алоҳида халқлар эмас, умуман жаҳон халқлари бошига беқийс мусибатлар солишини ҳар жиҳатдан асослаб, фош этади. Инглиз мустамлакачиларини Ҳиндистондай катта мамлакатдан ҳайдаб чиқариш осон иш эмасди, бунинг учун сермилат ҳинд халқининг ватанпарвар кучларини бир ёқдан бош чиқариб курашга бошлаш зарур эди. Бу вазифани уз ҳинду динига солиқ Маҳатма Ганди удалади.


“Менинг ҳаётим” мазмун бойлиги боис узига хос кичик қомусни эслатади. Унда тилга олинган ҳинду урф-одатлари, бонққа динларга оид таъриф ва шарҳлар китобхон дунёқарашининг шаклланишига таъсир курсатиши тайин. Ҳар бир миллатнинг шаклланиши, албатта, биринчи галда унинг фарзандлари қалбидаги ватанпарварлик туйғусига таянади. Бу жиҳатдан Маҳатма Гандининг ҳаёт йули энг яхши мисолдир. Китоб равон, тушунарли тилда ёзилган бўлиб, китобхон учун англашилиши қийин булган уринлар деярли учрамайди.

“Менинг ҳаётим” китобининг ўзбек тилида жузъий қисқартишлар билан нашр этилиши, уйлаймизки, ўзбек маданий ҳаётида узига яраша воқса бўлиб қолади ва унинг барча китоб шайдолари учун мақбул бўлишига ишонамиз.

КБК 63.3 (5Ҳинд)-8

УЎК 94(540)(092)


ISBN 978-9943-25-636-1



№ 32342
391

© А. Файзулла (тарж.), 2018

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2018



КИРИШ

Беш йил муқаддам ишдаги энг яқин уртоқларим қистови билан мен таржимаи ҳолимни ёзишга рози булдим. Бироқ биринчи саҳифани тугатиб ҳам улгурмаган эдимки, Бомбейда ғалаёнлар бошланиб кетди ва ишимни тухтатишга мажбур булдим. Сунг қатор воқеалар содир булди, улар мени Йервади қамоқхонасига тиқиш билан ниҳоясига етди. Қамоқхонада мен билан булган оқловчи Жерандос бошқа ҳамма ишимни ташлаб, таржимаи ҳолимни ёзиб тугаллашимни маслаҳат берди. Бироқ мен ўзимга машғулотлар дастури тузиб олганимни ва токи уни бажариб булмагунимча бошқа ҳеч нимани хаёлимга ҳам келтирмаслигимни айтдим. Агар муддатимни тўла адо этганимда таржимаи ҳолимни тугаллаган булур эдим, аммо мени бир йил олдин озод қилишди. Энди Свамий Ананд бу таклифини такрорлади, мен Жанубий Африкадаги Сатяграҳ тарихини тугатганим боис “Навживан” учун таржимаи ҳол ёзишга киришишга қарор қилдим. Свамий таржимаи ҳолимни алоҳида китоб қилиб чиқаришини хоҳларди, бироқ бунинг учун менда буш вақт йуқ эди: ҳар ҳафтада бир бобдан ёза олар эдим. “Навживан” учун мен барибир ҳафтасига бирон нарса ёзишим шарт эди. Бу ҳолда нега энди таржимаи ҳол билан машғул булмас эканман? Свамий бунга рози булди ва мен энг шимариб ишга тушиб кетдим.

Бу орада менинг худодан қурқадиган дустларимдан бирида шубҳалар пайдо булди ва у менинг “сукут сақлаш” кунимда фикрларини менга очиб солди.

— Сизни бу шаккокликка нима мажбур этди? — суради у мендан. — Таржимаи ҳол ёзиш — Фарбга хос булган одат. Фарб таъсирига тушиб қолган шахслардан бошқа Шарқда бундай иш билан шуғулланган биронта одамни билмайман.

Хўш, сиз нима туғрисида ёзасиз? Фараз қилайлик, бугун ўз тамойилларингиз деб ҳисоблаган қоидалардан эртага воз кечасиз ёки келажакда бугунги режаларингизни қайта куриб чиқасиз. Шунда ўз ишларида сизнинг муборак сузингиз билан иш тутаятган одамлар чалғиб қолмайдиларми? Бундан бутунлай воз кечганингиз ёки бирмунча кейинроққа сурганингиз маъқул эмасмикан?

Бу гаплар менга анча-мунча таъсир қилди. Аммо мен ҳақиқий таржимаи ҳол ёзмокчи ҳам эмасдим. Ҳақиқатни қидириш тарихини шунчаки ҳикоя қилиб бермокчийдим, холос. Бундай изланишлар бутун ҳаётим мазмунини ташкил этгани сабабидан улар ҳақидаги ҳикоя ҳақиқатан ҳам таржимаи ҳолга ухшаган бир нарса булади-да. Бироқ таржимаи ҳолимнинг ҳар бир саҳифасида фақат менинг изланишларим туғрисида гапирилишига қарши эмасдим. Бу ҳақидаги силсилавий ҳикоя ўқувчига фойда келтиришига ишонар ёки ҳеч бўлмаганда ишонишга ҳаракат қилар эдим. Сиёсат соҳасидаги менинг изланишларим фақат Ҳиндистонда эмас, балки қандайдир даражада бутун “тамаддунлашган” оламга энди маълуми машҳур эди. Мен учун улар катта қиммат касб этмас эди. Шу изланишларим туфайли олган “маҳатма” унвони мен учун янада камроқ қимматга эга эди. Бу унвон кўпинча мени қаттиқ хафа қиларди ва у мени қачон бўлмасин суюнтирганини сира эслолмайман. Аммо сиёсат соҳасидаги фаолиятим учун куч йиққан ва фақат ўзимгагина маълум бўлган маънавий изланишларим ҳақида ҳикоя қилишни, ўз-ўзидан равшанки, хоҳлар эдим. Модомики, изланишларим ҳақиқатан ҳам маънавий тусга эга экан, унда ўзимни ўзим мақташимга ҳожат йўқ ва ҳикоям итоаткорлигимни оширишигина мумкин, холос. Қанча кўп мушоҳада қилганим ва ўтмишга қайрилиб боқганим сайин ўз нозорлигимни шунча яққолроқ ҳис қилардим.

Ўттиз йил мобайнида фақат бир нарсага — ўз-ўзимни англашга интилиб келдим. Мен худони ўз кўзим билан кўришни, мокш ҳолатига етишишни истайман. Фақат шу мақсадга етмоқ учунгина яшайман, қимирлайман ва бор буламан. Нимаики гапирсам ва ёзсам, ҳаммаси, бутун сиёсий фаолиятим — барча-барчаси шу мақсадга йуналтирилган. Бир киши учун имкони бўлган нарса ҳамма учун имкониятли деган ақидага ишонган ҳолда ўз изланишларимни сир сақ-

ламайман. Бу уларнинг маънавий қимматини пасайтиради, деб уйламайман. Фақат сенга ва яратгангагина маълум булган нарсалар бор. Уларни овоза қилиб бўлмайди, албатта. Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган изланишлар — бу бошқа гап. Улар маънавий ёки кўпроқ ахлоқий маънодаги нарсалардир, зеро диннинг моҳияти ахлоқ ҳисобланади.

Ўз ҳаётим тафсилотларида диннинг катталарга ҳам, болаларга ҳам бирдек тушунарли бўлган масалаларини тилга оламан. Борди-ю, улар ҳақида ҳовлиқмасдан ва шошмасдан ҳикоя қилишнинг уддасидан чиқсам, ҳақиқатни қидирган кўп одамлар бундан кейин олға ҳаракат қилишлари учун бу ерда кучга кириб оладилар. Мен ўз изланишларимга, гарчанд уларни гоаят аниқ, диққат билан ва ҳар тарафлама уйлаб утказаетган бўлсам-да, аммо ўз хулосаларимнинг тугаллигига ҳеч қачон даъво қилмайдиган ва мушоҳадалар учун катта имкониятлар берадиган олим сифатида қарайман. Мен ўзимни чуқур таҳлил қилдим, диққат билан текширдим, барча руҳий ҳолатларни тадқиқ ва таҳлил этдим. Аммо барибир ўз хулосаларимнинг тугаллигига ёки беқусурлигига даъво қилиш фикридан узоқман. Мен фақат бир нарсанигина даъво қиламан: улар менга мутлақо туғридай ва айни дам учун тугалдай кўринади. Агар бу бундай бўлмаганида, мен уларни фаолиятимга асос қилиб олмаган бўлардим. Аммо ҳар қадамда мен уларни ё эътироф этар, ё инкор қилар эдим ва шунга мувофиқ тарзда иш тутар эдим. Ҳозирча ҳаракатларим ақлим ва қалбимни қаноатлантираётган экан, ўзимнинг дастлабки хулосаларимда қаттиқ туришим керак бўлади.

Борди-ю, ҳамма нарса мени куруқ назарий тамойиллар муҳокамасига олиб келадиган бўлса, ўз-ўзидан равшанки, таржимаи ҳолни ёзиб ўтирмаган бўлардим. Бироқ бу тамойилларнинг турли ҳолларда амалий қўлланишини намоеън этишни ўзимга мақсад қилиб қўйгандим ва шу боисдан энди ёзишга киришаётганим ушбу бобларни “Ҳақиқатни излашларим тарихи” деб номладим. Бу ерга хулқ-атворнинг, одатда, ҳақиқатдан қандайдир алоҳида деб қараладиган куч ишлатмаслик, браҳмачария (турмуш қурмаслик) ва бошқа тамойилларини қўллаш соҳасидаги изланишлар кириши керак. Аммо мен учун ҳақиқат — бошқа жуда кўплаб тамойилларни ўз ичига олувчи бош тамойилдир. Бу ҳақиқат фақат сузлардаги эмас, балки фикрлардаги туғрилиқдир, фақат тушун-

чаларимиздаги нисбий ҳақиқат эмас, балки мутлақ ҳақиқат, абадий тамойил, яъни худо ҳамдир. Худонинг чексиз равишда куп белгилари бор, зеро унинг зуҳурлари сонсиз. Улар мени ҳайратга ва ҳузурбахш титроққа соладилар ва қандайдир лаҳзаларда эсанкиратиб ҳам қўядилар. Аммо мен худога фақат ҳақиқат деб сиғинаман. Мен ҳали уни топганим йўқ, аммо қидираяпман. Уз қидирувларимда узим учун энг азиз булган нарсани қурбон қилишга тайёрман. Агар керак булса, ҳатто ҳаётимни ҳам бераман, уйлайманки, бунга тайёрман. Барибир ҳали токи бу мутлақ ҳақиқатни билмагунимча, узимнинг тушунишимдаги нисбий ҳақиқатга амал қилишим керак бўлади. Бу нисбий ҳақиқат менинг йулчи юлдузим ва қалқоним булиши керак. Гарчи бу йул туғри ва қилич дамидай ингичка булса-да, мен учун у энг тез олиб борадиган ва энг осон юриладиган йул. Шу йулни маҳкам тутганим шарофати ила ҳаттоки улкандан-улкан хатоларим ҳам менга ҳеч булиб куринар эди.

Бу йул мени ғам-андуҳдан асраб қолди ва ботиний нурдан фойдаланиб, олға ҳаракат қилдим. Купинча бу йулда мутлақ ҳақиқат — худонинг заиф жилваларини кўрдим ва кундан-кун менда фақат у ҳақиқатдир, бошқа ҳаммаси — руё, деган эътиқод уса борди. Хоҳлаганлар менда бу эътиқод қандай ўсганини билиб олсинлар; агар қўлларидан келса, изланишларим, шунингдек, эътиқодим борасида мен билан фикр алмашсинлар. Менда шундай эътиқод пишиб етилдики, мен етган нарсага чақалоқ ҳам ета олади; мен буни тўлиқ асос билан айтаяпман. Бу изланишлар амалиёти қанчалик оддий булса, шунчалик қийин ҳам. Унга етишиш калондимоғ одам учун мутлақо қийин булиб куриниши ва бегуноҳ гудак бемалол етишиши мумкин. Ҳақиқатни излаётган одам пардан ҳам юмшоқ булиши керак. Дунёларни оёқости қилаяпти, аммо ҳақиқатни изловчи одам шу қадар ювош булиши керакки, ҳатто пар уни оёқости қила олсин. Фақат шундагина, бундан олдин эмас, у ҳақиқат жилваларини кўради. Бу Васиштҳ ва Вишвамित्र уртасидаги суҳбатдан ҳам мутлақо равшан бўлади. Насронийлик ва ислом ҳам буни тула тасдиқлайдилар.

Борди-ю, укувчига сўзларимдан такаббурлик ҳиди келгандай туюлаётган булса, демак, изланишларимнинг аллақаерида хато қилган ва мен ҳақиқат жилваларини эмас, балки

бор-йўғи саробни кўрган буламан. Мендайлардан юзтаси қирилиб кетса кетар, аммо ҳақиқат тантана қилади. Мен каби гумроҳ бандалар устидан ҳукм чиқарганда, ҳақиқатдан қилча ҳам чекиниш керак эмас.

Илтимос, кейинги бобларга сочиб юборилган маслаҳатларимни ҳеч ким рад этиб бўлмайдиган маслаҳатлар деб уйламасин. Мен тасвирлаб бераётган изланишларга фақат намуналар деб қаралмоғи керак. Улар билан танишган ҳар ким ўз мойиллиги ва қобилиятига қараб мустақил равишда изланиш олиб бориши мумкин. Ўйлайманки, шунда мен таклиф этган намуналар фойдали бўлади, чунки гапирилиши керак бўлган нарсаларни яширмоқчи ёки хаспушламоқчи эмасман. Уқувчини узимнинг барча хато ва янглишувларим билан таништираман деб умид қиламан. Менинг вазифам — қанчалик яхши одам эканим ҳақида гапириш эмас, балки сатяграҳ соҳасидаги изланишларимни тасвирлаб беришдир. Ўзимга ўзим баҳо бера туриб, ҳақиқатдек мустаҳкам бўлишга ҳаракат қиламан ва бошқалар ҳам шундай бўлишларини истаيمان. Ўзимни шундай андозага солиб, Сурдас сингари дангал айтишим мумкин:


Дунёда мендай ифлос ва муртал
Ярамас одам борми?
Мен уз яратганимдан юз угирдим,
Шу қадар аблаҳ, осийман.

Зеро, ундан ҳали шу қадар узоқлигим мен учун абадий азобдир, у менинг ҳар бир нафасимни бошқариб туришини ва ундан ибтидо олганимни аниқ биламан, тан оламан. Биламан, аҳмоқона хатти-ҳаракатларим мени ундан узоқлаштиради, аммо улардан қутулиб кетишга жуда ожизлик қиламан.

Бўпти, гапни шу ерда тўхтатайлик. Кейинги бобда уз ҳаётим ҳақида ҳикоя қилишга киришаман.

Ашрам, Сабармати
1925 йил 26 ноябр.

М.К. ГАНДИ



ОИЛАМИЗДАГИЛАР ВА ҚАРИНДОШ-УРУҒЛАР

Гандилар афтидан бир вақтлар боққоллик қилган бания тоифасига мансуб. Бироқ бобомдан бошлаб сунгги уч авлод вакиллари Катҳиёварнинг бир қанча хонликларида бош вазирлар бўлган. Бобом Уттамчанд Ганди, ёки кўпинча уни Ўта Ганди деб атаганлар, жуда қаттиққўл одам бўлган экан. Давлат ичидаги фисқ-фужурлар туфайли у Пурбандардаги девонбегилик лавозимидан воз кечиб, Жунагарҳга паноҳ излаб кетишга мажбур бўлган. У ерда у одатда навобга чап қўлини силкитиб салом берган. Унинг очиқ-ойдин бундай беодоблигини кўрган кимдир нега бундай қиласиз, деб сўраганида, у: “Унг қўлим Пурбандарга қарашли,” — деб жавоб берган экан.

Ўта Гандининг хотини улиб, иккинчи бор уйланган. Биринчи хотинидан тўрт, иккинчисидан икки ўғил қолган. Эсимда, болалик пайтимда бобомнинг ўғиллари икки онадан эканлигини ҳаёлимга ҳам келтирмагандим. Шу олтовлон оғайни ичидан бешинчисининг исми Карамчанд Ганди ёки Каба Ганди эди, олтинчисининг исми эса Тулсидас Ганди бўлган. Шу иккала ака-ука бирин-кетин Пурбандарнинг бош вазирлик лавозимида ишлаган. Каба Ганди — менинг отам. У Рожастон судининг аъзоси эди. Ҳозир бу суд йўқ бўлиб кетган, аммо ўша пайтда бу ғоят муътабар идора бўлиб, сулола бошлиқлари ўртасидаги можароларни барта раф этиб турган. Каба Ганди бирмунча вақт Ражкотда, кейинроқ Ванканерда бош вазир бўлган. То улимигача у Ражкот ҳукуматидан нафақа олиб турган.

Каба Ганди тўрт марта уйланган. Дастлабки уч хотини улган. Биринчи ва иккинчи хотинидан икки қиз қолган. Тўртинчи хотини Путлибай унга бир қиз ва уч ўғил туғиб берган. Мен энг кенжаси эдим.

Отам уз наслига содиқ, ҳақгуй, мард ва бағрикенг, аммо жиззаки одам бўлган. Маълум даражада ҳиссий лаззатларга уч ҳам бўлган, туртинчи марта уйланганида у эндигина қирққа кирган эди. У ҳеч кимга сотилмаган ва ҳақгуйлиги туфайли оилада ҳам, ўзгалар орасида ҳам ҳурматга сазовор эди. Ражкот давлатига нисбатан мойиллиги ҳам яхши маълум эди. Бир куни сиёсий агент ёрдамчиси Ражкотнинг тҳакур соҳиби ҳақида ҳақоратомуз гапларни айтиб қолади. Отам айнан шу тҳакур соҳиб қўлида ишларди. Ҳақоратга отам ҳақорат билан жавоб қилади. Агент жаҳли чиқиб, отамни кечирим сурасин, деб туриб олади. Отам кечирим сурамайди ва ҳибсга олинади. Бироқ қарасаки, Каба Ганди буйин эгадиганлардан эмас, бир неча соатдан кейин агент отамни озод қилиб юборади.

Отам ҳеч қачон бойлик туплашга интилмаган ва бизга арзимаган бисот қолдирган. У ҳеч қандай маълумот олмаган, фақат катта ҳаёт тажрибаси туплаган; жуда нари борганда гужарот мактабининг бешинчи синфигача ўқиган, холос.

Отам тарих ва жуғрофиядан ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаган. Аммо бой ҳаётий тажриба унинг энг мураккаб масалаларни ҳал этишда ва юзлаб одамларнинг бошини бириктиришда қул келган. Дин борасида ҳам унинг билими ҳаминқадар эди, бироқ эҳромларга қатнаш ва диний ваъзаларни тинглаш туфайли унда кўплаб ҳиндуларга хос бўлган диний маданият бор эди. Ёши бир жойга етганида бир олим браҳман даъвати билан (у оиламизнинг дўсти эди) “Бҳагавад-гита”ни қироат қила бошлаганди ва ибодат вақтида ҳар куни ундан бир қанча мисраларни овозини чиқариб қироат қиларди.

Онам ҳақида менда муқаддас аёлга хос таассурот қолган. У жудаям художўй эди ва ибодат қилмасдан овқат ейишни ҳаёлига ҳам келтирмасди. У вишнупарастлар ибодатхонаси — ҳавелийга ҳар куни боришни ўзи учун фарз деб биларди. Агар янглишмасам, онам чатурмасни бирон марта ҳам қанда қилган эмас. У қаттиқ риёзат чекар ва расм-русумларни қунт билан адо этар эди. Эсимда: бир куни чандраян вақтида у оғриб қолди, аммо касаллик ҳам унинг рўзасини тутишга ҳалал бермаганди. Сурункасига икки-уч кун рўза тутиш унинг учун ҳеч гап эмас эди. У ҳатто чатурмас вақтида кун-

да бор-йўғи бир мартагина овқатланишга одатланган эди. Бу ҳам етмагандай, чатурмаслардан бирида у кунора руза тутта бошлаганди. Бошқа бир гал эса чатурмас вақтида то қуёшни кўрмагунча овқат емасликка онт ичганди. Шундай пайтларда биз, болалар, онамизга қуёш чиққанини тезроқ айтиш ниятида осмондан кўз узмас эдик. Маълумки, барсат (ёмғирлар фасли)да куп кунлар қуёш умуман қуринмайди. Бир гал қуёш тусатдан қуриниб қолганида бу ҳақда онамга хабар қилиш учун оёғимизни қулга олиб югурганимиз сира эсимдан чиқмайди. У қуёшни уз кузи билан қургани юғуриб келганди, бироқ қуёш яна беркиниб олганди ва онам яна туз тотмай қолаверганди. “Ҳеч нима қилмайди, — дидил туриб деганди у, — бугун овқат ейишимни худо хоҳламапти”. Шундай дея яна уз ишига уннаб кетганди.

Онам фикри тиниқ аёл эди, у давлат ишларини яхши биларди ҳамда девондаги аёллар унинг ақллилигини мақтаб гапирар ва ҳурмат қилар эдилар. Болалигимдан фойдаланиб, мен аксар онамга эргашиб, девонхонага борардим ва унинг тҳакур соҳибнинг бева онаси билан қизгин суҳбатлашганларини ҳалигача эслайман.

Мен Пурбандар, яъни Суданпурийда 1869 йил 2 октябрда дунёга келганман. Болалигим ҳам уша ерда ўтган. Биринчи марта мактабга борганим ёдимда. Мактабда кўпайтириш жадвалини зурга ёд олганман. Эсимда фақат бошқа болалар билан ўқитувчимизга турли-туман лақаблар қўйганимиз ҳақидаги таассуротларгина қолгани уша пайтда ақлим ғур, хотирам эса заиф бўлганидан дарак беради.

БОЛАЛИК

Отам Рожастон суди аъзоси этиб тайинланиб, Пурбандардаги Ражкотга кўчиб ўтганида мен еттиларда эдим. Бошланғич мактабга қатнай бошладим. Бу кунларни ва мени ўқитган ўқитувчиларнинг исмию феъл-атворларини яхши эслайман. Бироқ Пурбандарда бўлганидек, бу ердаги машғулотларим ҳақида деярли ҳеч гап айтолмайман. Шунга қараганда, мен ғоят тортинчоқ ўқувчи бўлганман. Бу мактабдан шаҳар ташқарисидагига, кейинроқ эса урта мактабга ўтганман. Ушанда ўн иккида эдим. Ўқитувчиларга ёки мактабдош ўртоқларимга бирон марта ёлгон сузлаганимни эслол-

майман. Мен улгудай одамови эдим ва болалардан узимни тортар эдим. Менинг бирдан-бир дустларим китоблар ва дарслар эди. Мактабга уз вақтида етиб келиш ва дарс тугаши ҳамон уйга қараб чопиш менга одат бўлиб қолганди. Мен туғри маънода уйга қараб чопардим, чунки битта-яримта билан суҳбатлашишга тоб-токатим йўқ эди. Тусатдан менга таъна қилиб қолишларидан улгудай қўрқардим.

Урта мактабга келганимнинг биринчи йили имтиҳондаги воқеани ҳикоя қилиб бермасам булмайди. Халқ таълими но-зири мистер Жайлос мактабимизда текширув утказди. Туғри ёзиш буйича билимимизни синаш учун у бешта, шу жумладан “қозон” сузини ёздирди. Мен бу сузни нотуғри ёздим. Уқитувчим огоҳлантирмоқчи бўлиб оёғи билан туртиб қўйди. У қўшнимдан қараб ёзишимни хоҳлаган эди. Бироқ мен бировдан кўчириб олмаслигимиз учун уқитувчи синфда булади, деб ҳисоблардим. Барча уқувчилар сузни туғри ёзганди. Битта мен хижолатли аҳволда қолгандим. Кейинроқ уқитувчим аҳмоқлик қилганимни бот-бот юзимга солмоқчи булди, бироқ муддаосига етолмади. Мен барибир ҳам “кўчириб ёзиш” санъатини англолмадим.

Лекин бу воқеа уқитувчига булган ҳурматимни заррача камайтиргани йўқ. Катталардаги камчиликларни кўрмаганга олиш менга сут билан кирган эди. Кейин ҳам шу уқитувчимда яна куплаб камчиликлар борлигини билдим, аммо унга булган ҳурматимни сақлаб қолавердим, чунки катталарни танқид қилишга эмас, балки уларнинг буйруғини бажаришга одатлангандим.

Уша даврга тегишли яна икки воқеа хотирамда сақланиб қолган. Умуман китоб уқишга ҳушим йўқроқ эди ва фақат дарсларимнигина ўқир эдим. Мен ҳар куни дарсларни кунт билан тайёрлардим, бироқ уқитувчининг танбеҳидан қочиш учунгина тайёрлардим; туғриси, уни алдашни истамасдим. Шу боис барча дарсларни ҳеч қандай қизиқишсиз қилардим. Модомики, дарсларни шу тахлит бажарар эканман, бошқа китоблар уқишни гапирмаса ҳам булади. Бироқ бир гал кўлимга отам сотиб олган “Шраван питрибҳакти наътак” (Шраваннинг ота-оналарга меҳри ҳақидаги пьеса) тушиб қолди. Мен уни зур қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Айни шу пайтларда бизникига сайёр актёрлар гуруҳи келиб қолди. Бошқа томошалар қаторида улар бир саҳнани ҳам уйнаб

курсатишди, унда қадамжоларга йул олар экан, елкасидан ошириб олган камаридан ушлаб олган кур ота-онасини Шраван етаклаб борар эди. Китоб ва мана бу сахна менда учмас таассурот қолдирди. “Сен мана шундан ибрат олишинг керак”, — дедим мен узимга узим. Шраваннинг улимдан қон-қон йиғлаётган ота-она фарёди ҳанузгача хотирамдан кетгани йуқ. Аянчли куй мени қаттиқ ҳаяжонга солди ва бутунлай узига ром қилиб олганди. Мен уни тўхтовсиз куришга тайёр эдим. Лекин қани эди бунинг учун менга рухсат этишса! Шу уй менга сира тинчлик бермай қуйганди ва “Ҳаришчандр” сахнасини доим узим уйнайдиган булдим. “Барча одамлар Ҳаришчандр сингари туғри булишса нима қиларди?” Мен кечасию кундузи узимга узим шу саволни берар эдим. Ҳақиқат йулидан юриш ва Ҳаришчандрга ухшаб барча синовлардан утиш керак — пьесадан ҳосил булган менинг олий гоям ана шу эди. Мен Ҳаришчандр ҳақидаги ривоятнинг туғрилигига заррача шак келтирмасдим. Уни хаёлимга келтирдим дегунимча кузимга ёш қалқирди. Энди бундоқ уйлаб қарасам, Ҳаришчандр тарихий шахс булиши мумкин эмас экан. Барибир ҳам Ҳаришчандр ва Шраван мен учун ҳақиқатда бор одамлар булиб қолаверади ва борди-ю, ушбу пьесаларни ҳозир уқиганимда ҳам улар олдингидан кам таассурот қолдирмаган булар эди.

БОЛАЛИК НИКОҲИ

Ушбу бобни сира ёзгим йуқ эди: бунинг учун озмунча кунгилсиз хотираларни жонлантириш керак булмайди. Аммо бу қулимдан келмайди, чунки ҳақиқат юзига оёқ босишни истамайман. Мени ун уч ёшимда уйлантирганлари ҳақида ҳикоя қилишни узимнинг оғир мажбуриятим деб ҳисоблайман. Ихтиёримдаги шу ёшли болаларга қараганимда уз никоҳимни эслайман, узимга раҳмим келиб кетади ва буларнинг қисмати мендай эмаслигини уйлаб, севинаман. Ёш никоҳланишнинг бу қадар бемаънилигини англаш мумкин булган ҳеч қанақа ахлоқий сабаб тополмайман.

Китобхон чалкаш хаёлга бормасин: мени унаштиришмаганди, балки уйлантиришганди. Катҳиёварда икки хил маросим бор — унаштирув ва никоҳдан утиш. Унаштирув — бу уғил ва қиз болани бирлаштиришнинг улар ота-оналари ол-

диндан қилган аҳд-паймон. Аҳду паймон бузилиши мумкин. Уғил боланинг улими қиз боланинг бева қолишини билдирмайди. Бу ота-оналар уртасидаги битим булиб, болаларга мутлақо тааллуқли эмас. Кейинчалик улар бир-бирларини билмайдилар ҳам. Нафсиламрини айтганда, узим билмаган ҳолда уч марта унаштирилганман. Айтишларича, менга унаштирилган қизлар бирин-кетин улиб кетишган экан, шундан келиб чиқиб узимни уч марта унаштирилганман дея оламан. Етти яшарлигимда унаштирилганим ҳақидаги таассурот хотирамда элас-элас сақланиб қолган. Бу ҳақда гапиришганлари ҳам ёдимда йуқ. Ушбу бобда гап уйланиш тугрисида кетмоқдаки, буни яхши эслайман.

Аввал айтганимдай, бизлар уч оғайни эдик. Бу пайтга келиб тунғичимиз оилали эди. Ота-онамиз бирваракайига мендан икки-уч ёш катта булган угай акамни, амакиваччам ва мени ҳам уйлантиришга қарор қилишган. Бунда улар бизларнинг фаровонлигимизни унча уйлашмаган, хоҳишимизни-ку гапирмаса ҳам булади; улар фақат катталаримиздаги қулайлигу иқтисодий жиҳатларнигина эътиборга олишган.

Ҳиндуларда никоҳ — қийин иш. Никоҳ расм-русумлари харажатлари купинча келин ва кўёвнинг ота-оналарини хонавайрон қилиб ташлайди. Улар жуда кўп мол-мулки ва вақтларини исроф қиладилар. Кийим-кечак тикиш ва тақинчоқлар ясашга, зиёфат учун пул топишга неча ойлар керак булади. Ҳар бири тортиладиган таомларнинг хиллари билан бир-бирини мот қилишга интилади. Овози яхши ва ёмон хотинлар буғилиб қолишгунча қуни-қушниларга тинчлик бермай қўшиқ-лапар айтганлари-айтган, ҳатто баъзилари шундан оғриб ҳам қолишади. Бу шовқин-суронга, зиёфатлардаги бу исрофгарчиликларга қушнилар парво қилишмайди, чунки улар биладилар — вақги келиб узлари ҳам худди шундай қиладилар. Ана шундай исрофгарчиликка йул қўймаслик мақсадида учала уғилнинг туйини битта қилишга келишилган эди.

Шундай қилиб, мен ва акамни Ражкотдан Пурбандарга олиб келинди. Сунг томошагача қандайдир ғалати ишлар қилинди (масалан, баданимизга занжабил мойи суртишди ва ҳ.к.), аммо бу тафсилотларни ташлаб утаман.

Отам гарчи девонбеги булса-да, барибир хизматчи эди, Тҳакур соҳибнинг эътиборини қозонгани эса уни бадтар

қийин аҳволга солиб қуйганди. Тҳакур соҳиб сунгги дам-гача отамни қуйиб юбормади. Ниҳоят, охири изн бергач, саёҳатни икки кунга қисқартириш учун отамга алоҳида извош тайин қилади. Бироқ тақдирнинг айтгани бошқача бўлиб чиқди. Пурбандар Ражкотдан 120 мил узоқликда бўлиб, отда беш кунлик йул эди. Отам бу йулни уч кунда босиб ўтади, бироқ извош учинчи марта алиштирилганда, извош тункарилиб тушади ва отам қаттиқ лат ейди. У бошдан-оёқ докага ўралган ҳолда етиб келади. Бунинг оқибатида булажак тантаналарга нисбатан бизнинг ва унинг қизиқиши тенг ярмига камайди, аммо туйни утказмаса ҳам булмасди. Ушанда вақти келиб мени ёш уйлантиргани учун отамдан хафа булсам керак, деб уйламаган эдим. Чунки шу куни ҳамма нарса тўғри, зарурий ва ёқимли туюлаётганди. Уша кунги воқеалар кечагидай эсимда: бизлар туй чодирини тагида утирибмиз, сантанад расмини ижро этамиз, ёш келин ва куёвлар ширин кансардан олиб, бир-биримизнинг оғзимизга соламиз ва биргаликда яшай бошлаймиз. Биринчи тун! Икки маъсум бола, уйламай-нетмай ҳаёт баҳри уммонига улоқтириб ташланган бир жуфт ёш жон. Катта акамнинг хотини — келинойим биринчи тунда ўзимни қандай тутишим кераклигини астойдил ўқидирганди. Хотинимга ким ўқидирган — буниси менга қоронғи. Бу ҳақда ҳеч қачон ундан сурамаганман, ҳозир ҳам сураш ниятим йўқ. Китобхон хоҳ ишонсин, хоҳ ишонмасин, шуни айтаманки, бизлар азбаройи асабийлашганимиздан ҳатто бир-биримизга қарашга ҳам ботинолмаганмиз. Ўз-ўзидан равшанки, бизлар ҳаддан ташқари журъатсиз эдик. Қайлигим билан қандай гаплашай, унга нима дей? Берилган маслаҳатлар бу қадар чуқур эмас эди-да. Бундай ҳолларда маслаҳатларнинг кераги ҳам булмайди. Одамнинг болаликдан орттирган ҳаётий таассуротлари шу қадар кучли буладики, ҳар қандай йул-йуриқлар ортиқча бўлиб қолади. Аста-секин бизлар бир-биримизга куника бошладик ва бемалол суҳбатлашадиган бўлиб қолдим. Гарчанд ёшимиз тенг булса-да, мен эрлик обруйимни тиклашга шошилар эдим.

Мен никоҳдан утган вақтларда нархи бир пайсаликми ё бир пайликми (аниқ эсимда йуқ) унча катта бўлмаган китобчалар босиларди. Уларда эр-хотинлик муҳаббати, хушёрлик, болалар никоҳи ва ҳоказолар туғрисида гапириларди. Мен уларни бошдан-оёғигача ўқир ва ёқмаганларини дарҳол унутиб юборар эдим, ёққанларини эса эсимда тутиб қолардим. Бу китобчаларда эрнинг бир умр хотинга садоқатли бўлиб қолиши кераклиги ҳақидаги гаплар юрагимга муҳрланиб қолганди. Боз устига узим ҳам ашаддий ҳақиқатпараст бўлиб, хотинни алдашим туғрисида гап-суз булиши мумкин эмасди. Бундай ёш чоғимда унга хиёнат қилишим эса умуман ақлга сиғмайдиган иш эди.

Бироқ вафодорлик сабоғи узининг нохуш жиҳатига ҳам эга. “Модомики мен хотинимга вафодор эканманми, хотиним ҳам менга вафодор булиши керак”, — деб уйлардим. Бу фикр мени рашкчи эр қилиб қуйди. Хотинимнинг мажбурияти ундан вафодорлик талаб қилишимга осонгина йул очиб берди, уни муттасил тергаб туришимга мажбур қиларди. Хотинимнинг вафодорлигига шак қилишимга ҳеч қандай асосим булмаса-да, рашк деган бало одамни кур қилиб қуяркан. Мен хотинимнинг ҳар бир қадамини кузатардим, мендан рухсатсиз остона ҳатлаб кучага чиқмасди. Бу орамизга низо уруғини сепди. Мен жорий қилган тақиқ аслида қамоқхонадан қолишмасди, аммо Кастурбай бундай талабларга дарровгина хуп деб кетаверадиган анойи қизлардан эмасди. У қаёққа хоҳласа ва қачон хоҳласа кетаверишни истарди. Мен тақиқлаганим сайин у бадтар кажлик қилар ва унга сайин ғазабга минар эдим. Биз, турмуш қурган болалар, бир-биримиз билан дам гаплашмай қуяр эдик. Уйлашимча, Кастурбайнинг тақиқларимни писанд қилмаслиги остида ҳеч қандай ғаразли уй булмасди. Эҳромга ёки дугоналари олдига кетган оқ кўнгил қизалоқ қанақа риёкорлик қилиши мумкин? Борди-ю, мен унга бирон нарсани тақиқлаш ҳуқуқига эга бўлсам, унинг ҳам шундай ҳуқуққа эга бўлиши мумкин эмасми? Ҳозир менга буларнинг барчаси беш қўлдай аён. Аммо ушанда мен ўз эрлик обрўйимни сақлаб қолишим керак деб ҳисоблар эдим-да!

Бироқ азиз китобхон ҳаётимизни бошдан-оёқ изтироблардан иборат экан, деб уйламасин. Менинг барча қаттиққўлликларим муҳаббатдан келиб чиқар эди. Мен хотинимнинг аъло даражадаги хотин булишини истардим. Унга соф ҳаёт кечиришга, узим урганган нарсани урганишга, мен билан бир хил яшаб, бир хил фикр юритишга мажбур булишини уз олдимга мақсад қилиб қўйгандим.

Кастурбай узи ҳам шунга интилармиди ё йўқ — буни билмайман. У саводсиз эди. Табиатан у оддий, мустақил, тиришқоқ ва жуда булмаганда мен билан оғир-вазмин эди. Узидаги жаҳолатдан сира ташвишланмасди ва менинг машғулотларим ҳеч қачон унинг ҳам шундай қилишига туртки бўлган-бўлмаганини эсламайман. Шу боис, уйлашимча, билимга интилишимда мен ёлғиз эдим. Барча иштиёқларим бир хотинга жамланган эди ва бунинг муздини шу билан тўлашларини талаб этар эдим. Бироқ шундай катта фарқларга қарамай, ҳаётимиз нуқул изтироблардан иборат булиши мумкин эмасди, зеро, ҳеч булмаганда, бир томондан бу ерда дарҳақиқат муҳаббат бор эди.

Тан олишим керакки, уни қаттиқ севиб қолган эдим. Ҳатто мактабда ҳам нуқул у ҳақда уйлардим. Олдиндаги тун ва висол ҳақидаги уй сира мени тарк этмасди. Айрилиққа бардош қилолмасдим. Узимнинг сергаплигим билан кеч тунгача унга уйқу бермасдим. Агар бу тариқа тизгинсиз ҳирсим устига ривожланган бурч туйғуси бўлмаганида, эҳтимол, касаллик ё бемаврид ажал қурбонига айланган ёки бир умр аянчли ҳаёт кечириб утган булардим. Бироқ мен ҳар куни эрталаб уз мажбуриятимни бажарар эдим, алдаш эса қўлимдан келмасди. Мана шу нарса мени куплаб фалокатлардан асраб қолди.

Мени озми-купми даражада эҳтироснинг тажовузкор таъсиридан сақлаб қолган бир ҳолат ҳақида илгари эслатиб утган эдим. Яна бир нарсани таъкидлаб утиш жоиз. Куплаб мисоллардан шундай тухтамга келдимки, фикр-уйлари соф бўлган бандани худо албатта қўллар экан. Шафқатсиз болалар никоҳи удуми билан бир қаторда, ҳинду жамиятида маълум даражада биринчиликнинг ҳалокатли оқибатини заифлаштирувчи бошқа яна бир удум ҳам бор. Ота-оналар ёш келин-куёвнинг узоқ вақт бирга қолишларига рухсат бермайдилар. Гудак-хотин купроқ вақтини уз отаси уйида утказди. Шун-

дайн, 13 дан 18 ёшгача биз ҳаммаси булиб атиги уч йилга яқин бирга бўлдик. Хотинимнинг ота-оналари уни олти ойга қолмаёқ ўзлариникига чақириб олишди. Уша пайтларда бундай чақирувлар ғоятда кўнгилсиз эди, аммо улар ҳар иккаламизни сақлаб қолишди. Ун саккиз ёшимда мен Англияга кетдим. Бу биз учун узоқ ва шарофатли айрилиқни англатарди. Бироқ Англиядан қайтиб келганимдан кейин ҳам биз ярим йилдан куп бирга турмадик, чунки мен Ражкот билан Бомбей уртасида бузчининг мокисидай зир қатнадим. Сунгра мени Жанубий Африкага таклиф этишди. Бироқ бу пайтга келиб мен ҳиссий эҳтиросларимга хийла жилов уриб олишга улгургандим.


ЎҒИРЛИК ВА УНИНГ МУЗДИ

Мен ҳали гушт еган ва унғача, яъни уйланишимгача ёки ундан дарҳол кейинги пайтгача бўлган даврга тааллуқли бир қанча воқеалар туғрисида сузлаб беришим керак.

Бир неча қариндош-уруғларимга таассуб қилиб, чекишга ружу куйдим. Чекиш ёки тамаки ҳиди бизга лаззат бағишларди деб айтолмайман. Шунчаки оғзимиздан паға-паға тутун чиқариш бизларга ёқарди, холос. Амаким чекувчи эди, биз ундан урнак олишга қарор қилдик, бизда пул булмагани боис бизлар амаким ташлаган қолдиқларни териб ола бошладик.

Бироқ сигарета қолдиқлари ҳадеганда топилавермасди, бундан ташқари, уларда чекишга лойиқ ҳеч нарса қолмаган буларди. Шунда биз хизматкорнинг чўнтагидаги майда мис чақаларни ўғирлашга ва уларга ҳинд сигареталари сотиб олишга тушдик. Лекин уларни қаерда сақлаш керак? Катталар олдида чекишга ботинолмасдик, албатта. Бир неча ҳафтагача бизлар ўғирланган мис чақалар билан қаноатланиб юрдик. Бу орада қулоғимизга қайсидир усимликнинг пояси говак бўлади ва уни сигарета ўрнига чекиш мумкин, деган гап чалиниб қолди. Биз ўша поялардан топиб, кашандалик қила бошладик.

Лекин бу камлик қиларди. Бизлар астойдил чекувчи булишни хоҳлардик. Катталарнинг рухсатисиз қўлимиздан бирон иш келмаслиги ҳамма нарсанинг белига тепарди. Норозилигимиз охири шу даражага бориб етдики, бизлар ўз жонимизга қасд қилишга қарор қилдик.



Аммо буни қандай уддаланади? Заҳарни қаердан топамиз? Датура уруғи кучли заҳардай таъсир қилади, деган гапни эшитиб қолдик. Ҳаммамиз урмонга йул олдик ва шундай уруғлардан териб олдик. Ишимизни амалга ошириш учун энг қулай пайт менга оқшом булиб туюлди. Бизлар Кедаржий ибодатхонасига бордик, эритилган сарёғни эҳром шамдонига қуйдик, бутларга сажда қилдик-да, хилват бурчак қидирдик. Бироқ тусатдан вужудимизни қурқув эгаллади. Агар биз дарров улиб қолмасак-чи? Бунинг устига узимизни узимиз улдиришимиздан нима фойда? Катталарнинг измидан чиқмай юраверганимиз яхши эмасми? Бироқ барибир ҳам икки-учтадан донача ютиб юбордик, ундан ортигига юрагимиз дов бермасди. Икки ака-ука амал олдидаги қурқувимизни енгдик-да, тинчланиб, жонимизга қасд қилиш туғрисидаги фикрни миямиздан ҳайдаш учун Ром жий ибодатхонасига йул олдик.

Ўз жонига қасд қилишдан кура у ҳақда уйлаш осонмаслигини англадим. Шундан буён қачон узини узи улдириш туғрисидаги гапни эшитиб қолсам, бу менга чивин чаққанчалик ҳам таъсир қилмайдиган булган.

Ўз жонига қасд қилиш воқеаси шу билан анжом топдики, биз икковимиз ҳам сигарета қолдиқларини теришни ва сигарета сотиб олиш учун хизматкорлардан чақалар уғирлашни бас қилдик.

Катта булганимда ҳам менда чекишга рағбат пайдо булмади. Бу одатни мен жаҳолатпарастлик, ифлос ва зарарли деб биламан. Бутун дунёда чекишга бир қадар мойиллик борлигини ҳеч қачон тушуниб етолмаганман. Купеда чекувчилар кўп булса, саёҳат қилолмайман — нафасим буғилиб кетади. Бирмунча муддатдан кейин янада жиддийроқ уғирликка қўл урдим. Сариқ чақаларни уғирлаганимда ун икки-ун уч ёшларда эдим. Навбатдаги уғирликни мен ун беш ёшимда содир этдим. Бу сафар гўшт истеъмол қиладиган акамнинг билагидаги олтин балдоқдан бир парча олтин булагини уғирладим. Ундан олтин булагини чиқариб олиш қийин эмасди. Акам 25 рупия қарз булиб қолганди.

Хуллас, бир амаллаб қарзни тулаб қутулдик. Лекин мени виждон азоби қийнай бошлади. Энди ҳеч қачон уғирлик қилмайман деб узимга узим суз бердим ва ҳаммаси учун отамдан кечирим сўрашга аҳд қилдим. Бироқ отам билан бу ҳақда

гаплашишга менда журъат бор эканми. Йуқ, бошлаб калтак ейишдан қурққаним йуқ. Бизлардан бирортамизни отам бирон марта калтаклаганини эслолмайман. Мен уни хафа қилиб қуйишдан қурқардим. Лекин таваккал қилиш кераклигини, то чин дилдан иқрор булмагунча виждонни поклаш мумкин эмаслигини ҳис қилар эдим.

Охири ёзма равишда тавба қилишга, бу тавбани отамга ҳавола этишга ва кечирим сўрашга жазм этдим. Мен бир варақ қоғозга тавбамни ёздим-да, отамга бердим. Бу хатда мен нафақат уз гуноҳларимга иқрор булган эдим, балки менга тегишли жазо беришни ҳам сўрагандим. Хат сунггида жазони ўзингиздан бошқа одам берсин, деб илтимос қилган, бошқа минбаъд уғирлик қилмасликка онт ичган эдим.

Отам бу пайтда бемор эди: унда тешик яра бўлиб, қўзғалмай ётишга мажбур эди. Унинг тушаги оддий ёғоч сўри эди, холос. Мен унга хатни тутқаздим-да, рупарага чўкдим.

Отам хатни уқиб чиқди-да, йиғлаб юборди. Инжу томчилари унинг юзидан думалаб, қоғозга тушарди. Бир дақиқага у уйчан қўзларини юмиб турди-да, сунг хатни майда-майда қилиб йиртди. Хатни уқийётганда утириб олганди, энди эса яна ётиб олди. Мен ҳам ҳунграб юбордим. Отамнинг қанчалик изтироб чекаётганини кўриб турардим. Рассом булганимда бугун ҳам бу манзарани чизган булар эдим — у хотирамда шунчалик аниқ қолган.

Муҳаббатнинг инжу томчилари юрагимни мусаффо қилиб, гуноҳларимни ювиб юборди. Шундай муҳаббати булган одамгина унинг нималигини ҳис этади. Ахир муқаллас битикларда ҳам: “Муҳаббат уқлари санчилган одамгина унинг қудратини биледи”, — деб бежиз айтилмаган.

Мен учун бу аҳимса¹ буйича амалий сабоқ булди. Ушанда мен содир булган воқеада фақат ота муҳаббатининг зуҳуринигина кўрган эдим, аммо бугун бу ҳақиқий аҳимса эканини биламан. Аҳимса кенг қамровга эга булгач, у дахл қилган ҳамма нарсани узгартириб юборади. Шунда унинг ҳокимиятига чек қўйиб булмайди.

Олийжаноблик билан кечириб юборавериш отамга мутлақо хос булмаган одат. Мен уни жаҳли чиқади, қовоғини

¹ *Аҳимса* — куч ишлатмаслик сиёсати.

уяди ва мени боплаб сукади, деб уйлагандим. Лекин у ҳаддан ташқари хотиржам эди.

Уйлайманки, менинг самимий тарзда иқроор булганим туфайли шу ҳол содир булди. Қабул қилиш ҳуқуқига эга булган одамга қилинган самимий иқроор ва бошқа гуноҳ қилмаслик учун берилган ваъда, онг тавба-тазаррунинг энг тоза шакли ҳисобланади. Менинг иқроорим отамни мутлақо хотиржам этганини ва унинг менга булган муҳаббатини янада оширганини билиб турардим.

ОТАМНИНГ ВАФОТИ ВА МЕНИНГ ҚУШАЛОҚ ШАРМАНДАЛИГИМ

Ун олти ёшли усмирман. Отам тушакка михланиб қолган. У боя айтганимдай, тешик (оқма) ярадан азоб чекарди. Унга асосан онам, кекса оқсоч ва мен гамхурлик қилардик. Менинг чекимга беморга қараш, яъни ҳамширалик мажбурияти тушганди, отамнинг ярасини боғлаш, дори ичириш ва агар уйда тайёрланган булса, ош-овқатини едириб-ичиришдан иборат эди. Ҳар куни тунда отамнинг оёқларини уқалардим ва энди борақол демагунча ёки ухлаб қолмагунча унинг бошидан кетмасдим. Бу вазифаларни бажариш менга ёқимли эди ва бирон марта булсин, ундан буйин товлаганимни эслолмайман. Кундалик мажбуриятларимни адо этиб булгандан қолган вақтимни мактаб ва отамга қарашга тақсимлардим. Уйнагани фақат кечқурунлари чиқардим, шунда ҳам у рухсат берганда ёки узини яхши ҳис қилган дамларда, холос.

Хотиним уша вақтларда фарзанд кутаётганди. Бу ҳолат, ҳозир тушунишимча, менинг хулқимни икки баравар уятга кўяр эди. Биринчидан, уқувчиларга жоиз булганчалик узимни тия олмаётгандим; иккинчидан, жисмоний хоҳиш нафақат уқиш мажбуриятидан, балки ундан ҳам муҳимроқ нарсадан — ота-онамга содиқлигимдан устун келмоқда эди: ахир Шраван болалигимдан энг олий орзум эди-да. Бунинг устига ҳар куни тунда отамнинг оёқ-қулларини уқалар эканман, хаёлан хобгоҳимизда булар эдим ва бу тағин дин ҳам, тиббиёт ҳам, соғлом ақл ҳам жинсий алоқани ман этган пайтда! Мен ҳар доим уз мажбуриятларимдан суюниб озод булардим-да, отам билан хайрлашиб, туғри хобгоҳга йул олар эдим.

Отамнинг аҳволи кундан-кун ёмонлашиб борарди. Аюр-веда табиблари узларининг барча суртмаларини, ҳакимлар эса узларининг барча малҳамларини, маҳаллий азайимхон эса узининг барча касални ҳайдовчи воситаларини синаб кўрдилар. Инглиз жарроҳи ҳам ёрдамга чақирилди. У ягона ва сунгги восита сифатида жарроҳликни таклиф этди. Бироқ уй табибимиз бунга йул қўймали. Бундай кекса ёшда жарроҳлик қилиш мумкин эмас, дели у. Уй табибининг обриси жуда баланд эди ва унинг фикри ҳамманикидан устун чиқди. Жарроҳликдан воз кечишга туғри келди, дорилар эса отамга сира наф бермаётганди. Менда шундай таассурот пайдо булгандики, агар уй табиби жарроҳликка рухсат берганида, яра тезроқ тузалиб кетарди, бунинг устига жарроҳликни Бомбейдаги таниқли жарроҳ амалга ошириши лозим эди. Бироқ худонинг хоҳиши бошқа эди. Ажал етиб тургандан кейин халоскорлик воситасини қидиришдан нима маъно бор? Отам Бомбейдан жарроҳлик амали учун зарурий барча ашёлар билан қайтиб келганди, бироқ энди булар барчаси бир пулга чиқиб турибди. У тузалиб кетишга умид боғламаётганди. Кундан-кун заифлашиб борарди. Уни табиий эҳтиёжларни тушакдан турмай бажаришга ундар эдилар. Бироқ сунгги сониягача у бундан бош тортиб келди. Ташқи тозалик бора-сида вишнупарастлар қоидалари гоят қаттиқ эди.

Бундай бадан софлиги, шубҳасиз, катта аҳамиятга эга, ammo Фарб табобати уқдиришича, барча ҳожатларни тушакда чиқарса ҳам булавереди, ҳеч бир ноқулайлик туғдирмасдан, беморни ювиб-чайиб қўйиш ҳам шу жумлага кирали, фақат тушак ифлосланмаса булгани. Мен буни вишнувийлик талабларига мутлақо мос деб ўйлайман. Бироқ отамнинг қаттиқ азоб чекишига қарамай, тушакдан турмасам булмайди, деб оёқ тираб олиши мени ҳайратга солар ва ич-ичимдан ғурурланардим.

Даҳшатли тун чуқди. Амаким бу вақтда Ражкотда эди. Отам узини ёмон ҳис қилаётгани хабарини олиб, у дарҳол етиб келди. Акаларим бари бир жон-бир тан бўлиб олганди. Амаким беморнинг ёнида кун буйи утирди, тунда эса бизни бориб ухлашимизни айтиб, бемор ёнидаги тушакка чузилди. Бу тун нечоғли машъум бўлиши ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди. Тунги соат ун ярим ё ун бирлар эди. Мен отамни уқалардим. Амаким урнимга бошқамизни алмаш-

тирди. Мен суюниб, туғри хобгоҳга йул олдим. Бечора хотинжонгинам тош қотиб ухлаб ётарди. Кошки уни тинч ухлагани қўйсам. Шартта уйғотдим. Бироқ беш ёки олти дақиқадан сунг хизматкор эшикни чертди. Мен қўрқиб, сапчиб тушдим.

— Туринг, — деди хизматкор, — отангизнинг аҳволлари ёмонлашди.

Мен, албатта, отамнинг аҳволи оғирлигини билардим, бироқ бундай пайтларда бу сузлар нимани англатишини фаҳмладим. Мен тушакдан ирғиб турдим.

— Нима булди, гапир.

— Отангиз жон бердилар.

Ҳаммаси тамом булган эди! Менинг икки қўлим бошимда булиб қолавермасдан бошқа иложим йўқ эди. Уятдан ер ёрилмадию ерга кирмадим, ўзимни дунёдаги энг бадбахт одамдек ҳис қилдим. Мен отам ётган хонага югурдим. Агар балои нафсим ғолиб келмаганида улимидан бир неча дақиқа олдин отам билан айро гушганим учун бу қадар афсус-надоматлар чекмаган булардим. Мен уни уқалаётган ва у менинг қўлимда жон берган булар эди. Энди эса бу имтиёздан амаким фойдаланиб қолди. У азбаройи акасига меҳри зурлигидан унга сунгги бор хизмат қилиш шарафига муяссар булди! Отам сунгги он етиб келганини сезган экан. У қоғоз ва қалам беришни сураб, қуйидаги ёзувни ёзибди: “Сунгги расм-рисулар учун ҳамма нарсани тайёрлаб қуй”. Кейин у билагидан туморини ва буйнидан тулсий доналаридан қилинган мунчоқни олибди-да, уларни бир четга итқитибди. Бир дақиқадан кейин у жон берибди.

Мен ҳозир гапириб турганим шармандалик шундан иборат эдики, балои ҳирс ғамхурликка жуда-жуда муҳтож булиб турган отамнинг ўлим соатида вужудимни қамраб олган эди. Бу шармандаликни ҳеч қачон унутолмайман ва ҳеч нарса билан юволмайман. Мен ота-онамни ҳаддан ортиқ севардим — улар учун ҳамма нарсдан воз кечишга тайёр эдим. Бироқ бу муҳаббатим кечириб булмас даражада енгилтак эди ва бундай пайтда мен ҳирс қули булиб қолган эдим. Шу боис мен ҳар доим, гарчи вафодор булсам-да, ўзимни ҳирсли эр деб ҳисоблаб келаман. Мен узоқ вақтгача ҳирс кишанидан қутулолмай юрдим ва улардан қутулишдан олдин куплаб синовлардан утишимга туғри келди.

Узимнинг қўшалоқ шармандалигим ҳақидаги ушбу бобни тугатар эканман, яна шу нарсани айтмоқчиманки, хотиним туққан шўрлик бир парча жиш бор-йўғи уч-турт кунгина яшади. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Менинг бу қилмишим барча уйланганларга ибрат бўлсин.

Дин билан биринчи танишув

Мақтабга олти-етти ёшдан ун олти ёшгача қатнадим. У ерда менга диндан бошқа ҳамма нарсани ургатишди. Мен ўқитувчилардан, сирасини айтганда, улар ортиқча қийинчиликларсиз менга тақдим этишлари мумкин булган нарсани олмагандим. Аммо атрофдагилардан билимларнинг қандайдир майда-чуйда увоқларини туплашга улгургандим. “Дин” атамасини бу ўринда кенг маънода — ўзликни англаш ёки узини ўзи англаш сифатида қўллайман.

Вишнупараст бўлиб туғилганимдан мен купинча ҳавелийга қатнаб туришим шарт эди. Лекин у мени ўзига тортмасди. Унинг маҳобати ва дабдабаси менга ёқмасди. Бундан ташқари, у ерда содир этилган беадаб ишлар ҳақидаги мишмишлар қулоғимга етиб келганди ва менинг ундан бутунлай кунглим қолганди. Шундай қилиб, ҳавелий менга ҳеч нарса бера олмасди.

Бироқ у ерда олмаган нарсани менга энагам, оиламизнинг кекса оқсочи берди. Унинг менга булган муҳаббати ҳақида ҳали-ҳануз миннатдорлик билан эслайман. Мен руҳлар ва инжинслардан кўрқар эдим. Рамбҳа — энагамнинг исми шундай эди — менга Рамном дуосини такрорлаб юришни ва шу билан бу кўрқинчли нарсалардан халос топишимни таклиф қилди. Унинг менга берган воситаларидан кура ўзига кўпроқ ишонардим, бироқ руҳлар ва жин-ажиналар олдидаги кўрқувдан паноҳ топиш учун илк болалик дамларимдан Рамном дуосини замзама қилардим. Бу узоқ чузилмаганди, албатта, аммо бола қалбига ташланган яхши уруғ зое кетмайди. Назаримда, меҳрибон Рамбҳа шарофати билан Рамном мен учун ҳозир ҳам мутлақо ишончли дори ҳисобланади.

Тахминан шу вақтларда “Рамаяна” мухлиси, амакиваччам мени ва иккинчи акамни “Рам Ракша”ни ёд олишга ундаб қолди. Биз уни ёдлаб олдик ва ҳар куни муттасил эрта-лаблари ювиниб олгандан кейин овоз чиқариб такрорлардик.

Биз то Пурбандарда эканмиз, бу одатни сира канда қилмадик, бироқ Ражкотга кучиб утгач, “Рам Ракша”ни унутиб юбордим. Мен унга у қадар ишонмасдим ва “Рам Ракша”ни туғри талаффуз билан ёддан айтиб бера олишимни курсатиш истагидагина аҳён-аҳёнда овоз чиқариб уқир эдим.

Отамга уқиб беришганида “Рамаяна” менда катта таасурот қолдирганди. Касаллигининг дастлабки даврида отам Пурбандарда яшаган эди. Ҳар куни шомда у “Рамаяна”ни тингларди. Уни Рамнинг катта мухлиси — билешварлик Ладҳ Маҳараж уқирди. У ҳақда гап кетганида айтишардики, у моховларни дори-дармонлар билан тузатмас экан, балки ириб тушган жойларга Билешвар эҳромидаги Маҳодев сиймосига садақа (инъом) қилинган билва япроқларини суртар ва ҳар куни эринмай Рамномни такрорлар экан. “Уни динга эътиқод тузатди”, — дер эди одамлар. Бу туғрими ёки йўқми, аммо биз бунга ишонардик. Нима булганда ҳам Ладҳ Маҳараж отамга “Рамаяна”ни уқиганида отам мохов билан огримаганди. Ладҳ Маҳаражнинг овози гоят ёқимли эди. У дуҳа (байтлар) ва чоупай (тўртликлар)ни куйлаб талаффуз қилар ҳамда мушоҳадаларга берилиб ва тингловчиларни маҳлиё қилиб, уларни шарҳлашга тушиб кетар эди. Мен ушанда тахминан ўн учларда эдим, бироқ унинг қироати мени узига бутунлай ром қилиб қуйганди. Шу вақтдан бошлаб мен “Рамаяна”га муккамдан кетдим. Энди Тулсидаснинг “Рамаяна”сини муқаддас китоблар ичида энг буюги деб ҳисоблайман.

Бир неча ойдан кейин биз Ражкотга кучиб утдик. У ерда “Рамаяна”ни қироат қилишмасди. Бироқ ҳар экадашида “Бҳагавад-гита” уқиларди. Гоҳо қироатда мен ҳам иштирок этардим, аммо қори мени писанд қилмасди. Ҳозирги вақтда мен “Бҳагавад-гита”ни зур диний рағбат пайдо қилишга қодир китоб деб биламан. Гужаротий тилида мен уни катта қизиқиш билан уқиб чиқдим. Бироқ бир куни менинг уч ҳафталик рузадорлигим вақтида уни асил нусхада пандит Мадан Муҳан Малвия уқиб берганида, “Бҳагавад-гита”нинг Малвиядек ашаддий мухлиси оғзидан болалигимда эшитмаганимдан қаттиқ афсусландим. Ушанда мен бу китобни болалигимдан севиб қолган булар эдим. Болаликда олинган таасуротлар чуқур илдиз отади ва мен ҳар доим ушанда менга купроқ шундай китоблар уқиб беришмаганидан ачинаман.

Бироқ Ражкотда ҳиндувийликнинг барча мазҳабларига ва турдош динларга нисбатан яхши муносабатда булишни ургандим. Ота-онам фақат хавелиига эмас, балки Шива ва Рам эҳромларига ҳам бориб туришарди. Гоҳида улар бизларни ҳам бирга олиб борар, гоҳо эса узимни юборар эдилар. Жайн роҳиблари отамнинг уйида тез-тез булиб туришар, уз удумларига хилоф равишда, гарчи бизлар жайн динига эътиқод қилмасак-да, биз пиширган овқатлардан тановул қилишар эди. Улар отам билан диний ва дунёвий мавзуларда суҳбатлар қураар эдилар.

Отамнинг мусулмонлар ва парс (зардуштий)лардан ҳам дустлари бор эди. Улар отамга уз динлари ҳақида сузлар, отам ҳар доим уларнинг гапларини ҳурмат ва аксар қизиқиш билан тинглар эди. Уларнинг хизматида булиб, мен купинча шундай суҳбатларда иштирок этардим. Булар ҳаммаси бир булиб менда бошқа динларга нисбатан ҳурматни, муросани тарбиялади.

Уша вақтда насронийлик бундан истисно эди. Унга нисбатан юрагимда нафрат бор эди. Бу бесабаб эмасди, албатта. Насроний мубашширлар, одатда мактабдан сал нарида жойлашиб олишарди-да, ҳиндулар ва уларнинг маъбудларини ҳақоратларга кўмиб, оғзиларидан боди кириб, шоди чиқарди. Мен бунга чидаб туролмасдим. Бир мартагина тухтаб, уларнинг гапини тинглашим старли булган эди — улардан қаттиқ кўнглим қолди. Айни уша пайтларда мен гоьтда таниқли бир ҳинду насронийликка кирганини билиб қолдим. Бутун шаҳарда дув-дув гап: чуқинганидан кейин у гушт еб, шароб ича бошлаганмиш, либосини узгартирганмиш, оврупоча куйлакда юриб, ҳатто шляпа кийиб олганмиш, бундан жуда ғазабим қузиди. Одамни гушт ейишга, спиртли ичимлик ичишга ва либосини алиштиришга мажбур қиладиган дин қанақа дин узи? Яна менга айтишларича, янги ғайридин энди уз аждодлари дини, уларнинг урф-одатлари ва ватани шаънини булғаётганмиш. Булар барчаси менда насронийликка қарши чуқур нафрат пайдо қилганди.

Мен бошқа динларга нисбатан ҳам холис булишни урганган эдим, бироқ бу менда худога нисбатан жонли бир ишонч яшар эди, деган маънони англатмасди. Бир гал кўлимга отамнинг йиғноғидан “Манусмрити” номли бир китоб тушиб қолди. Дунёнинг яралиши ва бошқа ривоятлар менда катта

таассурот қолдирмади, балки, аксинча, хийла атеизм (худосизлик)га тортиб кетди.

Бир амакиваччам бор эди (у ҳозир ҳам ҳаёт). Унинг ақлу зеҳнини юксак кадрлардим ва шу боис кўнглимдаги шубҳаларни унга изҳор қилдим. Бироқ у масалани ҳал этолмади ва узини мендан олиб қочаркан, деди: “Катта бўлганимда узинг билиб олаверасан. Сенинг ёшингда бундай саволлар бериш эрталик қилади”. Мен индамадим, аммо тинчланмадим. “Манусмрити”даги овқат ва шунга ухшаш нарсалар билан боғлиқ боблар мен кундалик ҳаётда кузатганимга қаршидек туюлмоқда эди. Бироқ бу боралаги саволларга ҳам узил-кесил жавоб ололмадим. “Ўз ақлимни кучлироқ ривожлантираман, кўпроқ ўқийман ва шунда ҳаммасини яхшироқ билиб оламан”, — қарор қилдим мен.

“Манусмрити” мени аҳимсага ургатмади. Бир гал мен гушт ейишга ҳаракат қилиб кўрган эдим. “Манусмрити” шуни маъқуллагандек эди. Мен шундай хулосага келдимки, ахлоқ жиҳатидан илонларни, каналарни ва шунга ўхшаган зараркундаларни ўлдириш мутлақо жоиз. Эсимда, уша йиллари кана ва бошқа ҳашаротларни ўлдирад эканман, тўғри қиляпман, деб ҳисоблагандим. Ахлоқ барча нарсаларнинг негизи, ҳақиқат эса — ахлоқнинг моҳияти деган эътиқодгина онгимга чуқур ўрнашиб қолганди. Ҳақиқат менинг ягона мақсадим бўлиб қолди. Бу фикр шууримда кундан-кун мустаҳкамланиб ва ҳақиқат борасидаги тушунчам камайиб борарди.

Гужаротий тилидаги ахлоқ-одобга оид бир дostonдаги бир банд шеър ақл ва қалбимни баравар банд этган эди. Ундаги “ёмонликка яхшилик билан жавоб бер” ҳикмати менинг йул бошловчи тамойилим бўлиб қолган. Бу ҳикмат мени шу қадар ўзига маҳдиё этдики, кўплаб тажрибалар утказишга киришиб кетдим. Мана уша шеърдан сатрлар:

Бир пиёла сув ҳақини яхши таом билан қайтар;
Самимий саломга чуқур таъзим билан жавоб қайтар;
Сариқ чақа олганингни сариқ олтин билан қайтар;
Агар ҳаётингни сақлаб қолишса, сен ҳаётингни шуларга бағишла.
Донишмандлар сўзи ва ишининг маъноси шундай;
Зиғирдай қилган хизматинг шоҳ хазинаси бўлиб узингга қайтади,
Чинакам олийжаноб инсон барча одамларни битта одамдай билади
Ва унга қилинган ёмонлик учун бажонидил яхшилик билан

қайтаради.

АНГЛИЯГА ТАРАДДУД

Етуклик аттестатига битириш имтиҳонларини 1887 йилда топширдим. Ушанда имтиҳонлар Бомбей ва Аҳмадободда топширилди. Мамлакатда ҳукм сурган қашшоқлик, табиийки, Катҳиёвар ўқувчиларини яшаш арзонроқ жойга яқин жойлашган шаҳарга боришга мажбур этарди. Оиламизнинг ғарибона маблағи мени ҳам шундай йул тутишга мажбур этди. Бу менинг Ражкотдан Аҳмадободга биринчи сафарим эди ва биринчи марта ёлғиз кетаётган эдим.

Ота-онам етуклик шаҳодатномаси олганимдан кейин коллежга киришимни хоҳлашарди. Коллежлар Бавнагар ва Бомбейда бор эди. Мен Бавнагардаги Самалдас коллежига боришга қарор қилдим, чунки бу арзонроқ эди. Коллежга келгач, бутунлай гангиб қолдим: англаш у ёқда турсин, маърузаларни тинглаш ҳам мен учун ғоятда қийин эди. Айб биринчи даражали ҳисобланган ўқитувчиларда эмас, балки ўзимда эди, чунки мутлақо тайёрланмагандим. Биринчи семестрни тугатгач, уйга қайтдим.

Доно ва олим браҳман Мавжи Даве оиламизнинг эски дусту ва маслаҳатчиси эди. У билан дўстона алоқаларимиз отам вафотидан кейин ҳам сақланиб қолганди. Таътил кунларимдан бирида у бизникига келди-да, онам ва акам билан менинг машғулотларим борасида суҳбатлаша бошлади. Менинг Самалдас коллежида ўқиётганимдан хабар топиб, деди:

— Замонлар ўзгариб кетди. Зарурий маълумотга эга бўлмай туриб, бирортангиз отангиз гадисини олишга умид боғламай қўя қолинг. Мана, бола ўқияпти экан, у ана шу гадини оладиган бўлиши учун сизлар ҳозирдан барча тараддудни кўриб қўйишингиз керак бўлади. Бакалавр бўлиш учун тўрт-беш йил керак бўлади, бу жуда нари борганда 60 рупия маошли иш ўрни келтиради, холос, бироқ девонбегилик унвони бермайди. Агар у менинг ўғлимдай ҳуқуқшунослик йулидан кетса, унинг узоқроқ ўқишига тўғри келади, у ўқишини тугатган вақтга келиб эса девонбегилик лавозимига даъвогар оқловчилар дунёни тутиб кетади. Ўрнингизда булганимда уни Англияга жўнатган булардим. Ўғлим Кевалрамнинг айтишича, оқловчи бўлиш унча қийин эмас экан.

Яна уч йилдан кейин у қайтиб келади. Чиқимлар турт-беш минг рупиядан ошмайди. Англиядан қайтиб келган оқловчини бир куз олдингизга келтириб қўринг-а! У шоҳона яшайди! Биринчи талабдаёқ у девонбегилик тахтига утиради. Мен Муҳандосни шу йилиёқ Англияга жўнатишингизни жуда хоҳлардим. Кевалрамнинг у ерда дўстлари куп. У уларга тавсиянома ёзиб беради-да, Муҳандос осонгина жойлашиб олади.

Жуший жий — кекса Мавжи Давени биз, одатда шундай деб чақирардик — менга юзланди ва тасдиқ жавобини олишга заррача шубҳа қилмай, суради:

— Бу ерда эмас, Англияда ўқишни афзал кураб экансан, шу туғрими?

Бундан маъқулини тасаввуримга келтирмасдим. Машғулотлар юки остида абжағим чиқиб бўлган эди. Темирни қизигида бос қабилда, мени қанча тез жўнатишса, шунча яхши буларди, дедим. Бироқ имтиҳонларни топширишнинг узи булмасди. Мени тиббиёт факультетига юборишса буларми-кан?

Акам сузимни булди:

— Отамиз доим шу касбни ёмон кураб эди. Вишнупарастлар уликларни ёриш билан шуғулланмаслиги керак деб, сени назарда тутиб айтар эди. Отамиз сени оқловчилар касби учун мўлжаллаб юраб эди.

Жуший жий гап қотди:

— Табиблик касбига мен қарши эмасман. Шастрларимизда бунга зид келувчи бирон гап айтилмаган. Аммо табиблик дипломи сени девонбеги қилмайди, мен эса сенинг девонбеги ё булмаса ундан каттароғи булишингни хоҳлайман. Шунда сен узингнинг катта оиланг рузгорини тебрата оласан. Замонлар жуда тез узгараяпти, яшаш эса кундан-кун огирлашиб бораяпти. Шунинг учун энг яхшиси — оқловчи булганинг маъқул.

Сунг у онамга юзланди:

— Энди мен борай. Айтганларимни яхшилаб уйлаб қўринглар. Бу ерга яна келганимда, худо хоҳласа, Англияга жўнатиш тарадудини кураётган буласиз, деб умид қиламан. Агар ёрдам керак булса, менга хабар қилинг.

Жуший жий кетди, мен эса кўкнори хаёлларга берила бошладим.

Тунгич акам қаттиқ безовта эди. Менинг сафаримга маблагни қаердан топади? Қолаверса, мендай муштдеккина болани ёлғиз чет элга жунатиб буларканми?

Онам бутунлай эс-хушини йуқотиб қуйди. У мени қуйиб юбормоқчи эмас эди.

— Амакимиз, — деди у, — ҳозир оиламизнинг каттаси. Энг аввал у билан маслаҳат қилмоғимиз керак. Агар у рози булса, шунга қараб иш тутамиз.

Акамнинг миясига бошқа фикр келиб қолди:

— Пурбандар ҳукумати олдимизда биринчи бурчли. Ҳукумат амалдори мистер Лели бизнинг оиламиз туғрисида яхши фикрда ва амакимни юксак қадрлайди. Балки Англияда уқиши учун давлат стипендиясини у берар?

Бу менга жуда маъқул келди ва мен Пурбандарга боришга қарор қилдим. У пайтларда у еқларда темир йул йуқ эди, ҳукиз аравада беш кун йул юриш керак буларди. Қўрқоқман деб аввал ҳам айтиб ўтган эдим. Бироқ Англияга бориш мени шу қадар узига маҳлиё қилиб қуйган эдики, қўрқув ҳам кузга курунмай кетганди. Мен ҳукиз қушилган арава ёлладим, Даражийгача, сунг бир кун олдин етиб бориш учун Пурбандаргача туя кира қилдим. Бу менинг туяда қилган биринчи сафарим эди.

Амакимнинг олдига келиб, ҳамма гапни унга батафсил айтиб бердим. У ўйланиб туриб, деди:

— Англияда яшаб туриб, динингга шикаст етмаслигига кўзим етмаяпти. Бундай деяётганим бежиз эмас, буни мен уз кўзим билан кўрганман. Йирик ҳинду оқловчилари билан кўришганимда уларнинг турмуш тарзи ва овруполиклар турмуш тарзи ўртасида фарқ сезилмайди. Улар туғри келган нарсани еб кетаверадилар ва оғизларидан сигарета тушмайди, кийимлари ҳам худди инглизларга ўхшаб беҳаёдан-беҳаё. Булар бари оиламиз анъаналарига сира туғри келмайди. Яқинда мен зиёратга кетаман, умрим ҳам охирлаб қолган. Бир оёғим гурда туриб, Англияга боришингга, денгизлардан сузиб утишингга қандай рухсат берай? Аммо йулингга гов ҳам булолмайман. Бундай пайтда онадан рухсат олиш муҳим. Ахир у рози булса — бу ёғига худо подшо. Унга айт, мен тухтатиб қолмоқчи эмасман. Сенга мен оқ фотиҳа бераман.

— Сиздан шундан бошқа ҳеч нарса кутганим ҳам йуқ, — дедим мен.

— Сиз менга мистер Лели номига тавсиянома ёзиб беролмайсизми?

— Йўқ, ёзмайман, — жавоб берди амаким, — аммо у яхши одам. Ундан стипендия сураб кўр; бор гапни очиқ айт. Унинг ёрдам беришига шубҳа қилмайман.

Амаким нима учун менга тавсиянома ёзиб бермаганини тушунолмадим. Назаримда, унинг фикрича, диний бўлмаган иш бўйича сафаримда бевосита иштирок этишни хоҳлаган.

Мен мистер Лелига мактуб киритдим ва у мени уз қароргоҳига таклиф қилди. У зинадан кутарилиб келаётганида бизлар туқнаш келдик. У гапни қисқа қилди:

— Аввал бакалаврга имтиҳон топширинг-да, кейин менинг олдимга келинг. Ҳозирча сизга ҳеч қандай ёрдам кўрсатолмайман, — деди ва шошиб йулида давом этди.

Мен у билан суҳбатлашишга қунт билан тайёрланган, унга айтмоқчи бўлган гапларни ёдлаб олган, чуқур таъзим билан қўлларимни куксимга қўйиб салом беришни роса машқ қилган эдим. Ҳаммаси бир пулга чиқди! Мен хотинимнинг тақинчоқларини эсладим. Тунгич акамни уйладим. Ҳаммадан ҳам шу одамга умид боғлаётгандим. У ҳаддан ташқари олийжаноб бўлиб, мени ўғлидай севарди.

Пурбандардан Ражкотга қайтиб келиб, бўлган гапларни оқизмай-томизмай ҳикоя қилиб бердим. Жуший жий билан суҳбатлашдим. У керак бўлган тақдирда битта-яримтадан зарурий миқдорда пул қарз олишни маслаҳат берди. Мен хотинимнинг тақинчоқларини сотишни таклиф қилдим — бу камида икки, бўлмаса уч минг рупия турар эди. Акам ҳам бирмунча пул топишга ваъда берди.

Онам ҳамон қаршилиқ кўрсатмоқда эди. У Англия ҳақида сураб-суриштиришга тушиб кетганди. Кимдир унга Англияда ёш йигитлар жувонмарг бўлиб кетади дебди; яна бошқалар у ерда гушт ейишга урганиб қолади, дейишибди, учинчи бирлари бўлса у ерда спиртли ичимлик ичмай туролмайди, дебди.

— Хуш, буларнинг ҳаммасини нима қиласан? — суради мендан онам.

— Сиз менга ишонасизми? — дедим мен. Мен сизни алдамайман. Мана шу нарсаларга қўлимни теккизсам, худо

урсин! Агар менга қандайдир хатар хавф соладиган бўлса, Жуший жий боришимга рози бўлармиди?

— Энди мен сенга ишонаман, — деди онам. — Аммо шунча узоқда бўлганингда мен сенга қандай ишонай? Нима қилишимни ҳам билмай қолдим. Бечар жий Свамийдан сураб курай-чи.

Бечар жий Свамий илгари мўд-бания тоифасига мансуб эди, бироқ кейин жайн роҳиби булиб олганди. У, Жуший жий каби, оиламиз маслаҳатчиси эди. У менинг тарафимни олиб, онамга деди:

— Мен болани уч нарсага қасам ичдираман, шунда унга рухсат берса булади.

У маросим учун ҳамма нарсани шай қилди ва мен шаробга, аёлга ва гуштга дахл қилмайман деб онт ичдим. Шундан кейин онам менга рухсат берди.

Мақтаб мени кузатиш маросимини утказди. Англияга жўнаётган ражкотлик бир йигит чинакам муъжиза кўрсатаётган эди. Уйда мен миннатдорчилик сўзларини қоғозга туширган эдим, бироқ тантанали кузатув чоғида уларни тутила-тутила базур айтолдим. Кузатаётганлар қаршисида турар ва миннатдорлик сўзларини айтар эканман, бошим айлангани ва вужудим титрагани эсимда.

Купчиликнинг оқ йўл тилаб айтган дуолари остида мен қайдасан Бомбей, дея йулга тушдим...

Ниҳоят, 4 сентябрда мен Бомбейни тарк этдим.

НИҲОЯТ, ЛОНДОНДАМАН

Менда денгиз касаллиги йўқ эди, аммо сузиб борганимиз сайин мени безовталиқ чулғаб олмоқда эди. Ҳатто кемадаги хизматкорлар билан гаплашишга ҳам уялардим. Мазмудар (йўлда ҳамроҳ бўлган оқловчи)дан бошқа иккинчи класс йўловчиларининг барчаси инглизлар эди, мен эса инглизча гапиришга куникмаган эдим. Менга келиб гапирганларида зурга тушунардим, борди-ю тушунганимда ҳам жавоб қайтаришга қийналардим. Бундан ташқари, пичоқ ва санчқидан қандай фойдаланишни мутлақо билмасдим, гуштдан қандай таомлар пиширилишини сурашга қўрқардим. Шу боис ҳар доим каютада асосан узим билан олган ширинлик ва меваларни ер эдим. Мен билан бирга кетаёт-

ган вакил (оқловчи) Мазмудар ҳеч қанақа уялишни билмас ва ҳамма билан жуда тез тил топишиб кетар эди. У палубада бемалол айланиб юрарди, мен эса уззукун каютада яшириниб олардим ва одам бўлгандагина палубага чиқар эдим. Мазмудар мени йуловчилар билан танишишга ва узимни бемалол тутишга ундар эди. Оқловчининг тили узун бўлиши керак, дер эди у. Узининг оқловчилик тажрибаси ҳақида ҳикоя қилар ва чет тилда суҳбатлашганда муқаррар учрайдиган хатолардан уялмай, инглиз тилида гапиришнинг ҳар қандай имкониятидан фойдаланишни маслаҳат берарди. Бироқ ҳеч нарса менинг тортинчоқлигимни енга олмасди.

Йуловчилардан бир ёши мендан катта инглиз одам узига мени яқин олиб, бир куни мени суҳбатга тутди. У нима ейишимни, кимлигимни, қаёққа бораётганимни ва нега бунча одамови эканимни суриштирди; у яна менга умумий дастурхонда бирга овқатланишни маслаҳат берди ва гушт ейишдан астойдил бош тортганимдан кулди. Биз Қизил денгизда бўлганимизда у дўстона тарзда менга деди:

— Ҳозирча бу яхши, аммо Бискай қўлтиғида сиз бу ужарлигингиздан воз кечасиз. Англияда шунақанги совуққи, гушт емасдан яшашнинг сира иложи йўқ.

— Лекин мен у ерда гуштсиз ҳам кун утказаётган одамлар бор деб эшитгандим!

— Ишонинг гапимга — бу эртак. Менга маълум бўлишича, у ерда гушт емайдиган битта ҳам одам йўқ. Ахир, гарчи узим ичсам-да, мен сизни шароб ичишга ундаётганим йўқку. Лекин мен сизнинг у ерда гушт ейсиз деб ҳисоблайман, чунки усиз яшашингиз мумкин эмас.

— Маслаҳатингиз учун ташаккур, аммо мен гуштга бармоғимнинг учини ҳам теккизмайман деб тантанали сувратда онамга суз берганман ва ҳатто бу ҳақда уйлашга ҳам журъат қилолмайман. Борди-ю, у ерда гуштсиз яшай олмасам, яхшиси Ҳиндистонга қайтиб кетаман, аммо у ерда қолиш учун ҳам гушт емайман.

Биз Бискай қўлтиғига кириб келдик, аммо на гуштга, на майга эҳтиёж сездим. Менга гушт емаслигим ҳақида маълумотномаларни ғамлаб қўй, деб маслаҳат беришди. Мен таниш инглиздан шундай ишончнома беришини сўрадим. У бажонидил рози булди, уни бирмунча вақтгача асраб юрдим. Бироқ шундай маълумотномани олиб туриб ҳам гуштни

бсмалол ураверишим мумкинлигини билганимдан кейин бу маълумотнома мен учун кераксиз бир матоҳга айланди-қолди. Модомики, сузимга ишонишмас экан, бунақа қоғознинг менга нима кераги бор?

Саутҳемптонга биз, эслашимча, шанбада етиб келдик. Кемада мен ҳар доим қора костюмда юрардим, дўстларим берган оқини эса етиб келиш кунига асраб қўйгандим. Узимча оқи менга купроқ ярашади деб ҳисоблардим ва қирғоққа оқ костюмда тушиб келдим. Сентябрнинг охири бўлиб, оқ костюм кийган битта мен эдим. Бошқалар қандай йул тутишганига қараб туриб, узимнинг барча юкларимни калидлар билан Грингдлей ва К агентига қолдирдим.

Менда туртта тавсиянома бор эди: доктор П.Ж.Меҳтага, оқловчи Далиатрам Шуклага, валиаҳд Ранжитсинҳжийга ва Дадабхай Наорожийга. Ҳали кемадаёқ бизга Лондондаги “Виктория” отелида қунишимизни маслаҳат беришганди. Биз Мазмудар билан уша ёққа йул олдик, узим оқ костюмим туфайли уятдан лов-лов ёнаётгандим. Отелда менга Грингдлейдаги юклар эртага етиб келишини айтишди, чунки биз Лондонга якшанба кунини етиб келган эдик. Нима қилишимни билмай ҳайрон эдим.

Мен Саутҳемптондан қўнғироқ қилган д-р Меҳта келган кунимиз кечкурун саккизда кириб келди. У мен билан жуда самимий куришди, бироқ оқ костюмимни кўриб, жилмайди. Суҳбат асносида мен унинг цилиндрини олдим-да, унинг нечоғли силлиқлигини билмоқчи бўлиб тукларини тескари йуналишда авайлаб силадим. Д-р Меҳта хиёл ижирганиб мени тухтатди. Бу келажакка огоҳлантириш ва д-р Меҳта менга ҳадис тариқасида ургатган оврупоча тарздаги дастлабки сабоқ эди.

— Ҳеч қачон бировларнинг нарчасига тегманг, — деди у. — Ҳиндистонда булганидек, биринчи танишувдаёқ суҳбатдошингизни саволга кўмиб ташламанг; овозингизни кутариб гапирманг, бизлар Ҳиндистонда қилганимиздек, ҳеч кимга “сэр” деб мурожаат этманг; бу ерда қаролларгагина ана шундай мурожаат қиладилар.

Ва ҳоказо, ва ҳоказо... у яна менга отелда яшаш жуда қимматга тушади, деди ва хусусий тарзда биронта оилада жойлашиб олишни маслаҳат берди. Биз бу муаммони ҳал этишни душанбагача очиқ қолдирдик.

Вакил Мазмудар ҳам отелда яшаш ноқулай ва боз устига жуда қиммат деб айтди. Йулда у Мальта оролидан келган бир синдҳ билан дусланиб қолди. У Лондонда куп марта булган эди ва бизга хона топиб бермоқчи бўлди. Биз рози булдик ва юкларимизни олиб, ҳисоб-китоб қилиб, душанбада янги танишимиз топиб берган хонага кучиб кирдик. Эсимда, отел менга уч фунт стерлингга тушганди, мен ҳангманг булиб қолдим, деярли оч қолган эдим. Ҳамма нарса менга бемаза туюларди, ёқмаган таомимни бошқасига алмаштиргудек бўлсам, барибир иккаласига ҳам ҳақ тўлашим керак бўларди. Мен деярли узим билан олиб келган озиқ-овқатларни еб кун курардим.

Янги хонада ҳам мен ўзимни яхши ҳис қилмаётгандим. Мен ҳар доим уй ҳақида, ватан ҳақида ўйлардим. Онамни қаттиқ соғингандим. Тунлари кўз ёшларим юзимни ювар, уйни соғинганимдан уйқум келмасди. Дардимни эшитадиган ҳеч кимим йуқ эди. Бор булганда ҳам бундан нима фойда? Изтиробларимни юмшатадиган ҳеч бир воситани билмас эдим. Ҳамма нарса ёт эди: халқ ҳам, унинг урф-одатлари ҳам ва ҳатто уй ҳам. Мен инглизча одобдан мутлақо беҳабар эдим ва ҳамма вақт ўзимни ҳушёр тутиб туришим керак буларди. Менинг гушт емаслик онтим эса менга бадтар ноқулайликлар туғдирарди. Мен ейдиган таомлар камқувват ва таъмсиз эди. Мен Сцилла билан Ҳарибда уртасига тушиб қолгандим. Англия менга тўғри келмас эди. Бироқ Ҳиндистонга қайтиб кетиш ҳақида эса гап ҳам булиши мумкин эмасди. “Модомики бу ерга келдингми, энди нима қилиб бўлса ҳам уч йил чидайсан”, — дер эди ичимдаги бир овоз.

МЕН ТАНЛАГАН ЙЎЛ

Якшанбада д-р Меҳта менинг олдимга “Виктория” отелига келибди. У ерда манзилимни билиб, ўша заҳотиёқ мени қидириб топибди. Аҳмоқлигимга бориб, ўзимга тери касаллиги (қичима)ни орттириб олгандим. Кемада биз денгиз сувида ювинардик, унда совун купирмасди, бироқ тамаддун белгиси деб мен ҳар доим совундан фойдаланардим. Бундан терим тоза бўлиш у ёқда турсин, аксинча, бадтар кирларди ва менда қутирлар пайдо булганди. Мен уларни д-р Меҳтага кўрсатдим ва у теримни сирка ишқори билан ювиш-

ни буюрди. Ишқор куйдирарди ва оғриқдан йиғлардим. Д-р Меҳта хонамни, аҳволни куздан кечирди ва норози қиёфада бош чайқади.

— Бу хона булмайди, — деди у. — биз Англияга фақат уқигани келмаймиз, балки инглизча урф-одатлар ва хулқ-атворлар билан танишиш учун ҳам келамиз. Шу боис сиз инглиз оиласида туришингиз керак. Ҳозирча эса бироз муддат дусларимникида тура тулинг ва ул-бул нарсаларни урганг.

Мен бу таклифни миннатдорчилик билан қабул қилдим ва д-р Меҳта дустининг хонадонига кучиб утдим. Самимият ва меҳрибонлик тажассуми булган унинг дусту менга уз жигаридай муносабатда булди, инглизча урф-одатлар билан таништирди ва инглизча гаплашишни ургатди. Овқат менга кўп ташвиш келтирди. Мен қайнатилган сабзавотларни, тузсиз пиширилган таомларни ва бошқа зирваларни еёлмас эдим. Бека мени қандай овқатлантиришни билмасди. Нонуштага менга сули бутқасини беришарди, бу анча тўйимли эди. Бироқ иккинчи нонушта ва тушликдан кейин мен бутунлай оч қолардим. Ошнам мени гўшт ейишга ундарди, бироқ мен ичган онтимга таяниб, бу мавзуда гаплашишни бас қилдим. Иккинчи нонушта ва тушликка исмалоқ, нон ва мураббо беришди. Мен тўйиб овқатланишни яхши кўрардим ва ошқозоним ҳам кенггина эди. Бироқ мен икки-уч бурдадан ортиқ нон олишга уялардим, чунки буни беадаблик деб уйлардим. Бунинг устига нонуштада ҳам, тушликда ҳам сут беришмасди. Охири ошнам жаҳли чиқиб деди:

— Агар уз укам булганингизда, мен сизни аллақачон қайтариб юборган булардим. Бу ердаги шароитлардан мутлақо беҳабар бир жоҳил онага ичилган қасам нима булибди? Бундай қасамнинг кучи булмайди ва унга риоя қилиш гирт хурофотдир. Бундай ўжарликнинг охири вой. Ахир узингиз яхши биласиз, илгари гўшт егансизлар ва бунга ҳеч қандай эҳтиёж булмаган вақтларда егансизлар. Энди эса зарур булиб турганида йўқ деб туриб олаяпсиз, афсус, афсус!

Аммо мен сузимдан қайтгучилардан эмасдим.

Худонинг берган куни ошнам ўша гапни такрорлагани-такрорлаган, мен эса нафсимни тийишга узимда куч топа олардим. У ундагани сайин мен тобора қаттиқ туриб олмоқда эдим. Узинг қўлла, деб Худога ёлборар эдим ва У қўллар эди. Худо туғрисида муайян тасаввурим бор эди, деб айта

олмайман. Бу шунчаки эътиқод, иймон эди, унинг уруғи-ни юрагимга меҳрибон энагам Рамбҳа эккан эди.

Бир гал дўстим менга Бентамнинг “Утилитаризм назарияси”ни ўқий бошлади. Мен мутлақо ҳанг-манг бўлиб қолдим. Тили шу қадар қийин эдики, мен ҳеч нарсани тушунмадим. У шарҳлай бошлади. Шунда мен дедим:

— Илтимос, мени кечиринг. Бу мураккаб фикрларни тушунишга қодир эмасман. Дейлик, гўшт ейиш, зарур. Аммо мен ичган онтимга шак келтиролмайман ва бу борада баҳслашишни истамайман. Фикрларим сизникидан заифлигига имоним комил. Бироқ, илтимос, мени тинч қуйинг, бир аҳмоқ ва уjar одам билан баҳслашиб барака топмайсиз. Муҳаббатингизни қадрлайман ва менга яхшилик қилмоқчи эканингизни тушунаман. Яна шуни ҳам биламанки, сиз ҳар доим шу мавзуга қайтаверасиз, чунки мен учун жонингиз куяпти. Аммо менинг қўлимдан ҳеч нарса келмайди. Онт бу онт, уни бузиб бўлмайди.

Дўстим ҳайрон бўлиб менга қаради. Сўнг китобни ёпдида, деди:

— Бупти, ортиқ бу мавзуда гапирмайман.

Мен хурсанд эдим. Биз чиндан ҳам бу мавзуга бошқа қайтмадик. Лекин у менга гамхўрлик қилишини қўймади. У чекарва ичар эди, бироқ ҳеч қачон ўзига ўхшашимга ундамасди. Тўғриси айтганда, у ҳатто тамаки ёки спиртли ичимликка даҳл қилмаслигимни ўқдириб турарди. Уни бир нарса безовта қиларди — гўштсиз мен жуда заифлашиб бормоқда эдим ва Англияда ўзимни уйдагидек ҳис этолмаётгандим.

Англияга келганимнинг биринчи оyi ана шундай ўтди...

МЕН ИНГЛИЗ ЖЕНТЛЬМЕНИ **БЎЛАЯПМАН**

Ўтхўрлик (вегетарианлик) фойдасига бўлган эътиқодим кундан-кун мустаҳкамланиб борарди. Говард Уильямснинг “Парҳезли овқатланиш одоби” китоби “инсоний парҳез буйича адабиёт тарихи ва энг қадим замонлардан бизнинг кунларгача бўлган ўтхўрлар таржимаи ҳоллари”ни ўз ичига олган. Муаллиф шу нарсани исботлашга интиланганки, Пифагор ва Исо Масиҳдан тортиб то бизнинг кунларгача яшаб ўтган барча файласуф ва пайғамбарлар — ўтхўрлар бўлган.

Анна Кингсфорднинг “Парҳезли овқатланишни такомиллаштириш йуллари” китоби ҳам ғоят мароқли. Д-р Аллинсоннинг соғлиқ ва тозалик тўғрисидаги илмий ишлари менга куп ёрдам берди. У беморлар парҳезини бажаришга асосланган давлат тизимини тарғиб қилади. Узи утхур улароқ, у беморларига утли овқатларни купроқ истеъмол қилишга ундайди. Бу барча адабиётларни мутолаа қилиш натижасида парҳезлик тажрибалари ҳаётимда муҳим уринни эгаллади. Бу тажрибаларим бошланиши учун соғлиқ борасида қайғуриш асосий жиддий мушоҳада булиб хизмат қилди. Аммо кейинчалик асосий сабаб дин булиб қолди.

Шундай қилиб, дустим менга ғамхурлик қилишда давом этаверди. Унинг муҳаббати менга бир фикрни тиқиштиради: борди-ю, мен аввалгидай гушт емай юраверадиган бўлсам, нафақат жисман заифлашаман, балки ақлим ҳам усишдан тухтайди, бинобарин, ҳар доим инглиз жамиятида узимни ёт ҳис қилиб юравераман. Менинг утхурлик бўйича китобларга қизиқа бошлаганимни билиб қолиб, у бу машғулот миямни айлантириб юборишидан қўрқиб кетди. Унинг ҳисоблашича, бундай тажрибалар утказиб, мен кучимни икир-чикирларга сарфлаб, исроф қиламан, асосий вазифамни унутаман ва ношуд бўлиб қоламан. Шу боис у мени тузатиш учун сунгги бор уриниб кўрди. Бир куни у мени театрга таклиф қилди. Томошадан олдин биз “Холборн” ресторанида овқатланиб олишга келишдик. Унинг улугвор булиб кўринишига яна бир сабаб шу эдики, “Виктория” отелидан кетгандан буён мен бундай йирик ресторанда сира бўлмаган эдим. Бу отелдаги ҳаёт менга куп нарсани ургатган эди. Дустим мени ресторанга таклиф қилганида бир нарсани ҳисобга олиб қўйганди — камтарлик юзасидан мен саволлар бермаслигим керак эди. Бизлар столга утирдик, атрофимизда купсонли улфатлар ҳам бир-бирига қарама-қарши утирибди. Суюқ овқатга шўрва тортилди. Унинг нимадан пиширилганини билмасдим, аммо бу ҳақда дустимдан сурашни эп кўрмадим. Шу боис официантни чақирдим; буни куриб, дустим стол оша “нима гап?” деб суради. Узоқ иккиланишлардан кейин мен унга бу шўрва гуштлими ё гуштсизми эканини билмоқчиман, дедим.

— Зодагонлар жамоасида узингни жуда қўйиб юбораяпсан, — газаб билан деди у. — Агар узингни тутолмасанг,

кетганинг яхши. Бошқа ресторанда овқатлан-да, мени кучада кут.

Бундан қувониб кетдим. Мен кетдим. Яқин орада утхурлик ресторани бор эди, аммо у ёпиқ экан ва мен оч қолдим. Биз театрға бордик. Дустим бу воқеа ҳақида бошқа ҳеч қачон эслатмади. Мен ҳам уз-узидан равшанки, чурқ этганим йуқ.

Бу бизнинг охирги дустана туқнашувимиз эди. Бу туқнашув бизнинг муносабатларимизга заррача таъсир қурсатмади. Унинг барча қилмишлари замирида менга нисбатан муҳаббат ётишини тушунардим ва буни қадрлардим. Фикрлаш тарзимиз ва ишларимиздаги тафовутга карамай, унга булган ҳурматим ортиб борарди.

Мен уни тинчлантиришга, бошқа қуполлик қилмайман, узимни яхши тутаман ва утхурлигимга олий жамиятда бўлишимга халақит бермайдиган шакл бераман деб ишонтиришга аҳд қилдим. Бунинг учун зиммамга қурбим етмайдиган вазифа — англиз жентльмени бўлиш вазифасини олдим.

Бомбейда тиктирган костюмларим англиз жамияти учун ярамайди, деган қарорга келдим ва армия ҳамда флот дуконидан янгиларини сотиб олдим. Яна 19 шиллингга — уша вақтда бу анча баланд нарх эди — цилиндр ҳам олдим. Бунга қаноат қилмасдан. Лондон модалар маркази — Бонд Стритдаги дуконда оқшом либосига 10 фунт стерлинг сарф-ладим. Бундан ташқари, мен меҳрибон ва олийжаноб акамга соатим учун қушалоқ олтин занжир юборишини тайинладим. Тайёр галстукларни тақиш урф эмасди. Ва мен галстук боғлашни урганиб олдим. Ҳиндистонда ойна ҳашам буюми саналарди. Менга ундан оила сартарошимиз соқолимни қириб қуйгандагина фойдаланишга рухсат беришарди. Бу ерда эса ҳар куни ун дақиқадан вақтимни баланд тошойна олдида галстук тақиб ва соч тараб утказардим. Сочим қаттиқ эди ва уни чўтка билан узоқ тарардим. Ҳар куни тошойна олдида шляпамни кияр ва ечар, иккинчи қўлим билан беихтиёр сочимни силар эдим. Мен зодагонлар жамиятида урф булган бошқа нарсаларни ҳам узлаштириб олдим.

Англиз жентльмени бўлиш учун бу кифоя эмаслиги боис мени мақсадга яқинлаштирувчи бошқа чораларни кўрдим. Менга айтишларича, рақс, фаранг тили ва нотиклик сабоқларини олишим керак экан. Фаранг тили қушни Франциянинг тили бўлибгина қолмай, мен саёҳат қилишни орзу қилиб

юрган қитъа тили ҳам экан. Мен ракс синфига киришга қарор қилдим ва бир курс учун уч фунт стерлинг туладим. Уч ҳафта мобайнида менга олти дарс утилиши керак эди. Бироқ ритмик (бир маромдаги) ҳаракатлар мен учун мутлақо тушунарсиз эди. Мен мусиқага эргашолмас ва издан чикиб кетар эдим. Нима қилиш керак? Бир эртақда айтилишича, каламушларни тутиш учун бир дарвеш мушукни олибди, мушукни сут бериб боқиш учун сигир олибди, сигирга қараш учун одам ёллабди ва ҳоказо. Ҳазимга бино қуйганлигим тахминан шу йулдан олиб бормоқда эди. Эфт мусиқасига қулогимни ургатиш учун гижжак чалишни ургана бошладим. Гижжак сотиб олишга уч фунт стерлинг сарфладим ва ундан купроқ пулни дарсларга туладим. Сунг нотиқлик санъатидан муаллим ёлладим ва унга олдиндан бунак бердим. У менга Беллинг нотиқлик дарслигини тавсия қилди. Бу дарсликни сотиб олдим ва Питт нутқидан иш бошладим.

Бироқ Белл¹, соат қунғироғидай жиринглаб юборди ва мен уйғониб кетдим.

Ахир Англияда абадий қолиб кетиш ниятим йуқ-ку, — дедим Ҳазимга Ҳазим. Унда нотиқлик санъатини урганиш менга чикора? Рақслар қандай қилиб мени жентльмен қилади? Гижжак чалишни Ҳиндистонда ҳам ургансам булади. Мен талабаман ва Ҳазим билан шуғулланишим керак. Мен ҳуқуқшунослар корпорациясига киришга тайёрланишим керак. Жентльмен булсам-ку, ҳай-ҳай, булмасам — бу ниятдан воз кечганим маъқул. Ана шундай фикрлар хаёлимни чулғаб олганди ва мен уларни нотиқликдан дарс берувчи ўқитувчимга ёзма равишда ҳавола этдим, шунингдек, бундан кейин мени бу дарслардан халос қилишини сўрадим. Худди шундай хатни рақс ўқитувчимга ҳам йулладим, гижжак муаллимнинг олдига эса Ҳазим бордим ва гижжакимни истаган нархига сотиб олишни илтимос қилдим. Муаллима мен билан яхши муомалада булди ва унга тушунишимча нотўғри йулдан кетганимни айтиб бердим. У мени қўллаб-қувватлади.

Менинг кўр-кўроналигим уч ойга чўзилди. Кийимларга нисбатан олифталигим куп йиллар сақланиб қолди. Аммо айна пайтдан бошлаб мен талабага айлангандим.

¹ Белл — (инг. "bell") — қунғироқ.

Англияга келишимнинг иккинчи йили охирларида мен икки илоҳиётшунос билан танишиб қолдим — улар ака-ука бўлиб, иккаласи ҳам буйдоқ эди. Улар мен билан “Гита” (“Бҳагавад-гита”) ҳақида гаплашиб қолишди. Улар Эдвин Арнольд таржимасидаги “Самовий қушиқ”ни ўқишган экан ва менга ўзлари билан аслиятни ўқишни таклиф этишди. Бу илоҳий дostonни на санскритда, на гужаротийда ўқимаганимни тан олишим улимдан қийин бўлди. Бироқ “Гита”ни ўқимаганимни айтишга мажбур эдим ва уни улар билан бажонидил бирга ўқишимни, гарчи санскритни ёмон билсам-да, таржимоннинг аслиятни беришга муваффақ бўлмаган жойларни курсата олишимни ҳам айтдим. Биз “Гита”ни ўқишга тушдик. Иккинчи бобдаги шеърлар менда чуқур таассурот қолдирди ва ҳали-ҳамон қулоғим остида жаранглаб туради.

Агар туйғулар йуналган жой ҳақида уйласа
 Мойиллик пайдо булади; мойилликдан хоҳиш келиб чиқади,
 Хоҳиш тухтатиб булмайдиган иштиёққа айланади, иштиёқ
 узи билан
 Бемуроҳазаликни олиб келади, сунг фақат хотира қолади — ва
 булар бари саробга ухшаб қолади.
 Мақсад ақл ва инсон ҳалок бўлгунча
 Олийжаноб мақсад ғойиб бўлсин-да, онгни кунфаякун қилсин.

Китоб менга бебаҳодай қуриниб кетди. Вақти келиб мен уз фикримда янада купроқ собит бўлдим ва эндиликда бу китобни ҳақиқатни билишнинг асосий манбаи деб ҳисоблайман. Мен “Гита”нинг деярли барча инглизча таржималарини ўқиб чиқдим ва Эдвин Арнолд таржимасини энг яхшиси деб биламан. У жуда аниқ чиққан ва шу билан бир вақтда унинг таржима эканлиги билинмайди. Ўша вақтларда дустларим билан бирга “Гита”ни ўқир эканман, уни ушанда урганмагандим. Фақат бир неча йилдан кейингина у менинг столим устидан доимий жой олди.

Ака-укалар яна менга Эдвин Арнолднинг «Осиё зиёси»ни ўқишимни айтишди. Шу пайтгача мен уни фақат “Самовий қушиқ”нинг муаллифи сифатида билардим. Мен бу китобни “Бҳагавад-гита”дан ҳам каттароқ қизиқиш билан

уқиб чиқдим. Бир уқишни бошлаганимча ундан бошимни кутаролмай қолдим.

Улар мени яна Блаватская сойлигига олиб боришди ва у ерда мадам Блаватская ва миссис Безант билан таништиришди. Миссис Безант ушанда эндигина илоҳиётчилар жамиятига аъзо булган эди ва унинг мурожаати муносабати билан билдирилган турли фикрларни катта қизиқиш билан тингларди. Дустлар мени ҳам шу жамиятга аъзо булишимни маслаҳат беришди, бироқ узимнинг диним соҳасида билимим саёзлигини айтиб, одоб билан рад этдим, ҳеч бир диний жамиятга аъзо булиш ниятим йуқ эди. Эсимда, ака-уканинг ундови билан мадам Блаватскаянинг “Илоҳийшуносликка кириш”ини уқиб чиқдим. Китоб менда ҳиндувийлик буйича китобларни уқиш истагини пайдо қилди. Ҳиндувийлик бошдан-оёқ хурофотлардан иборат деган мутафаккирларга ортиқ ишонмай қуйдим.

Тахминан уша вақтда мен утхурлар пансионатида манчестерлик бир насроний билан танишиб қолдим. У мен билан насронийлик ҳақида суҳбатлаша кетди. Мен унга Ражкот ҳақидаги хотираларимни сузладим. У гапларимни оғриниб тинглади. “Мен утхурман. Ичмайман. Туғри, куплаб насронийлар гушт ейдилар ва сигарета чекадилар, аммо унис ҳам, буниси ҳам муқаддас битикларда учрамайди. Инжилни уқинг-а!” — деди у менга.

Мен унинг маслаҳатига кирдим. Унинг узи Инжил сотиб тирикчилик қиларди. Мен ундан хариталар, курсаткичлар ва бошқа ёрдамчи ашёлари булган нашрни сотиб олдим ва уқий бошладим, бироқ “Куҳна китоб”ни ҳеч тушунолмадим-тушунолмадим. Мен “Борлиқ китоби”ни уқиб чиқдим, бироқ бошқа қисмларида нуқул ухлаб қолавердим. Бироқ Инжилни уқиб чиқдим, деб айта олишим учун мен бошқа китоблар устида ҳам қунт билан утиришда давом этдим. Бу мендан катта меҳнат талаб қиларди ва зигирча ҳам қизиқиш пайдо қилмасди. Бунинг устига мен мутлақо ҳеч нарса тушунмасдим. Айниқса, менга “Сонлар Китоби” ҳеч ёқмади.

“Янги Китоб” менда бошқача таассурот қолдирди, айниқса Тоғ устидаги ваъз қалбимни туб-тубигача ларзага келтирди. Мен уни “Гита” билан тенглаштирдим. Қуйидаги сатрлар мени таъриф қилиб булмас ҳаяжонга солди:

Мен эса сизга айтаман: сени хафа қилаётганга қаршилик курсатма; бироқ борди-ю биров сенинг унг юзини га урса, унга бошқа юзингни тут; кимки сен билан тортишиб, биров куйлагингни олмоқчи булса, сен унга чопонингни ҳам қушиб бер.

Шамал Буаттнинг “Бир пиёла сувни мазали таом билан қайтар” деган сўзлари ёдимга тушди ва ҳоказо. Менинг мурғак ақлим “Гита”, “Осиё зиёси” ва Тоғ устидаги ваъзни бирлаштиришга ҳаракат қилди. Курдимки, диннинг олий шакли — воз кечиш экан, бу эса менинг юрагимга маҳкам урнашиб қолди.

Инжилнинг мутолааси бошқа диний даъватларнинг ҳаёти билан танишиш истагини пайдо қилди. Бир ошнам менга Карлейлнинг “Қаҳрамонлар ва тарихдаги қаҳрамонликлар” китобини тавсия қилди. Мен қаҳрамон пайгамбарлар ҳақидаги бобни ўқиб чиқдим ва пайгамбарларнинг улуғлиги, мардлиги ва дарвешона ҳаёти ҳақида билиб олдим.

Уша даврда динлар билан танишишда бундан ортиқ боролмасдим, чунки имтиҳонларга тайёргарлик бошқа машғулотлар учун вақт қолдирмасди. Бироқ мен кейинчалик диний мазмундаги китобларни кўпроқ мутолаа қилишга ва барча асосий динлар билан танишишга қарор қилдим.

Аммо кошки мен атеизм билан танишишдан узимни тилсам! Брадло исми ва унинг атеизм деган нарсаси ҳар бир ҳиндга отнинг қашқасидай таниш. Бир қанча атеистик китобларни ўқиганман, уларнинг нашрларини эслолмайман. Улар менда ҳеч қандай таассурот қолдирмаган, чунки мен атеизм саҳросини аллақачон босиб ўтган эдим. Ушанда урф булганидек, миссис Безантнинг атеизмдан теизмга ўтиши менинг атеизмга булган нафратимни бадтар ошириб юборди. Мен унинг “Қандай қилиб илоҳиётчи бўлдим” деган китобини ўқиб чиқдим.

Худди шу вақтларда Брадло оламдан ўтиб қолди. Уни Уокинг қабристонига кумишди. Мен бу жанозада иштирок этган эдим ва менимча у ерда Лондонда истиқомат қиладиган барча кишилар бор эди. Дафн маросимига марҳумни сунгги йулга кузатиб қуйишга келган бир қанча руҳонийлар ҳам ташриф буюришганди. Қайтишда поезд кутиб платформада тўхтадик. Бир вақт оломон ичидан бир худосиз шу руҳонийлардан бирининг ғашига тега бошлади:

— Хуш, сэр, худонинг борлигига ишонасизми?
— Ҳа, — жавоб берди руҳоний оҳиста.
— Ернинг айланаси 28 милга тенглиги ҳақида ҳам биласизми? — суради худосиз узига ишонган киши жилмайиши билан.

— Албатта.

— Унда айтинг-чи, худоингизнинг катталиги қанча ва у қаерда турибди?

— Оҳ, кошки билсак. У — бизнинг юрагимизда.

— Э, қўйсангиз-чи, мени бола деб уйлаясизми? — деди худосиз ва бизга тантанавор қараб қуйди.

Руҳоний одоб билан сукут сақлади.

Бу суҳбат атеизмга қарши менинг эътиқодимни яна кўпроқ кучайтирди.

МЕНИНГ НОЧОРЛИГИМ

Оқловчи булиш қийин эмасди, аммо ҳуқуқшунослик амалиёти билан шуғулланиш — улимдан қийин. Мен қонунларни ўқиб чиққанман, аммо уларни қўллашни билмасдим. Жуда катта қизиқиш билан “Қонунийлик тамойиллари”ни ургандим, аммо уларни уз фаолиятимда қандай туғри қўллашни тасаввур этолмасдим. “Sic uter tuo ut alienum non laedas” (“ўз мулкингдан шундай фойдаланки, бошқаларнинг мулки зарар кўрмасин”) — тамойиллардан бири шу эди, аммо мижоз учун улардан қандай фойда ундиришни билмасдим. Мен мазкур тамойилга асосланган барча суд ишлари ҳақида ўқиб чиқдим, аммо уни ҳуқуқшунослик амалиётида қандай қўллашни тушунолмасдим.

Бундан ташқари, мен ҳинд ҳуқуқини урганмаган эдим ва на ҳинду, на мусулмон ҳуқуқи ҳақида заррача тасаввурга эга эмасдим. Мен ҳатто қандай иш қўзғашни билмасдим. Суддаги мажлислар вақтида сэр Ферузшоҳ Меҳта арслондай ўтиради деб эшитгандим. У Англияда бу санъатни қандай қилиб ургана олган экан? Ҳуқуқшунослик масалаларида у эга булган зукколик ҳақида мен ҳатто орзу ҳам қилолмасдим. Мен бир нарсадан чучир эдим: оқловчилик амалиёти билан шуғулланиб, нон топа олармиканман?

Англияда ҳуқуқни урганиб юрган вақтимда мана шундай шубҳа ва гумонлар менга тинчлик бермасди. Бир гал бу

ҳақда дустларимга ёрилдим. Улардан бири менга Дадабхай Наорожийга мурожаат қилишимни маслаҳат берди. Англияга кета туриб, гарча бундай улуғ инсонни безовта қилишни хоҳламаган булсам-да, унга бир тавсиянома олволган эдим. Унинг маърузасини эълон қилганларида купинча мен бир бурчакка бориб утирардим ва охирида курган ва эшитганларимдан маза қилиб кетардим. Талабалар билан яқинлашиш учун Дадабхай уюшма ташкил этганди. Мен аксар уюшма йиғилишларига келар, унинг талабаларга ғамхурлигидан гурурланардим. Талабалар, уз навбатида, унга ҳурмат билан жавоб қайтарар эдилар. Охири тавсияномани унга топширишга жазм этдим. “Олдимга истаган вақтингизда киришингиз мумкин”, — деди у. Бироқ мен бу имкониятдан фойдаланмай қолдим, чунки жудаям зарур булмаган нарса деб уни безовта қилишга кўнглим бўлмади. Шу боис дустимнинг маслаҳатига киришдан воз кечдим ва ушанда Дадабхайга мурожаат қилмадим. Менга мистер Фредерик Пинкатт билан учрашишни ким тавсия этгани ёдимда йўқ. У эскиликпараст эди, аммо унинг ҳинд талабаларига муносабати тоза ва беғараз эди. Куплаб талабалар унга маслаҳат сураб мурожаат қилар эдилар. Мен ҳам у билан учрашишни сураган эдим, у рози бўлди. У билан суҳбатимни сира унутмайман. У мени дўстидай қарши олди ва нолишларимдан кулди.

— Ҳамма Ферузош Мехтага ухшаган бўлиши керак деб уйлайсизми? Ферузош ва Бадриддиндай одамлар жуда кам учрайди. Амин бўлдимки, алоҳида маҳоратга эга бўлмай туриб ҳам оддий оқловчи бўлиш мумкин экан. Нон топиш учун ҳалол ва меҳнатсевар бўлиш мутлақо етарли. Барча ишлар мураккаб эмас. Сиз умуман қандай китоблар ўқиганингиз ҳақида менга сўзлаб беринг-чи.

Мен ўқиб чиққаным уша озроқ китобларни номма-ном айтган эдим, англашимча, унинг ҳафсаласи жуда пир бўлди. Аммо бу узоққа чўзилмади. Куп утмай унинг чеҳрасида ёқимли табассум пайдо бўлди.

— Сизнинг ташвишингизни тушунаман, — деди у. — Сиз ўқиган китоблар ҳечам кифоя қилмайди. Вакил учун олам ҳақида *Sin qua non* (зарурий, шарт) ҳисобланувчи чуқур билим сизда йўқ. Сиз ҳатто Ҳиндистон тарихини билмайсиз. Вакил инсон табиатини билиши керак. У инсон фик-

рини унинг юзига қараб билиши керак. Ҳар бир ҳинд эса Ҳиндистон тарихини билиши шарт. У ҳуқуқшунослик амалиётига туғридан-туғри дахл қилмайди, аммо уни билиш зарур. Тушунишимча, сиз ҳатто Кей ва Маллесоннинг 1857 йилги қўзғолон тарихини ҳам ўқимагансиз. Аввал шуни ўқинг, кейин эса инсон табиатини англаш учун яна иккита китоб ўқинг.

Булар Лаватор ва Шеммельпенникнинг физиогномика буйича китоблари эди. Мен олий даражада ҳурматли дустимдан беҳад миннатдор эдим. Унинг ҳузурида булган чоғимда барча ваҳималарим гойиб бўлди, бироқ улардан чиқиб кетишим ҳаманоқ яна гулгулалар бошланди. Инсонни унинг изидан қандай билиб бўлади? Уйга қайтар эканман, бу савол менга ҳеч тинчлик бермасди. Эртаси кuni мен Лаваторнинг китобини сотиб олдим. Шеммельпенникнинг китоби дуконда йуқ эди. Мен Лаваторнинг китобини ўқиб чиқдим ва унинг Снеллнинг “Ҳаққоният ҳуқуқи”га қараганда анча қийинлигини билдим ва унча қизиқ эмас экан. Мен Шекспирнинг юзини ўргандим, бироқ Лондон кучаларида кезиш одати Шекспирда қаёқдан пайдо бўлганини тушуна олмадим.

Лаваторнинг китоби менга янги билим бермади. М-р Пинкаттнинг маслаҳати менга деярли ҳеч нарса бергани йуқ, аммо унинг самимияти менга дурустгина хизмат курсатди. Унинг кулиб турувчи очиқ чеҳраси хотирамда сақланиб қолди. Унинг бир фикри менга фойдали бўлди: омадли ҳуқуқшунос бўлиш учун Ферузшоҳ Меҳтадек зийрак, хотираси мустаҳкам ва қобилиятли бўлиш у қадар шарт эмас: ҳалол ва меҳнатсевар бўлса, шу кифоя. Бундай нарсалар менда етарли бўлганидан ўзимни дадилроқ ҳис қила бошладим.

Мен Кей ва Маллесоннинг китобларини Англияда ўқиб чиқолмадим, аммо бу ишни Жанубий Африкада адо этдим, чунки уларни имкон топдим дегунча ўқиб чиқишга азму қарор қилгандим.

Шундай қилиб, юрагимда ҳам умид, ҳам умидсизлик ила “Ассам” кемасидан Бомбейда тушдим. Денгизда шамол қутуриб тургани учун қирғоққача катерда боришимизга туғри келди.

РАЙЧАНДБҲАЙ

...Денгиздаги бўрон бамисоли менинг ичимдаги бўроннинг рамзи эди. Аммо мен ичимдаги бўронга бемалол бардош бердим ва уйлайманки, ҳаяжонларим ҳам юзимда акс этмаган.

Менинг фаолиятимга қаршилик кўрсатиши мумкин булган тоифадан кўнглим тинч эмасди. Ночорлик туйғуси мени қийнаётгани хусусида олдинроқ айтиб утгандим. Мен ишни қандай бошлашни билмасдим. Бироқ мени узим тахмин қилганимдан ҳам каттароқ синовлар кутиб турарди.

Мени кутиб олгани бандаргоҳга тунғич акам келди. У д-р Меҳта ва унинг акаси билан аллақачон танишиб олган эди, шунинг учун ҳам д-р Меҳта уни юртида куришимни қаттиқ илтимос қилди ва биз уникага йул олдик. Шу тариқа Англияда бошланган танишув Ҳиндистонда ҳам давом этди, кейинчалик оилаларимиз уртасидаги доимий дўстликка айланиб қолди.

Мен онамни куришга бетоқат эдим. Унинг дунёдан ўтиб кетганини ва у мени бағрига боса олмаслигини билмасдим. Фақат эндигина мени бу қайғули воқеадан воқиф этишди ва мен таомил буйича гусл қилдим. Акам онамнинг ўлими ҳақида Англиядалиқ чоғимда менга хабар бермаганди, чунки мусофир юртида зарбага дучор булишимни истамаганди. Аммо ватанимда ҳам бу хабар мени оғир даҳшатга солди. Отамдан кура онамни йўқотганимдан кўпроқ изтироб чекдим. Кўплаб эзгу орзуларим чил-чил бўлди. Бироқ ташдан уз қайғумни заррача билдирганим йўқ ва куз ёшимни тухта-тиб қолиб, гўё ҳеч нарса булмагандек яшай олар эдим.

Д-р Меҳта мени узининг бир қанча дўстлари ва бир умр дўстлашиб қолган укаси Шри Ревшанкар Жагживан билан таништирди. Бироқ мен д-р Меҳтанинг тунғич акасининг куёви шоир Райчанд ёки Ражачандр билан танишувимни алоҳида таъкидлашим керак. У Ревшанкар Жагживан номи билан аталувчи заргарлик савдо ширкатида шериклик ҳуқуқида иштирок этган. Райчанд ушанда нари борса 25 ёшда эди, бироқ дастлабки куришувдаёқ амин бўлдимки, у катта олим, феъл-атвори кучли одам. Унинг шатавдани (бир-варакайига юзта нарсани ёдда сақлаб қолишга ёки кузатиб туришга қодир одам) экани маълум эди. Д-р Меҳта менга

унинг фавқулодда хотирасини синаб куришни маслаҳат берди. Мен Овруро тилларидан узимга маълум барча сузларни талаффуз қилдим ва шоирдан шунни такрорлашини сурадим. У ҳатто мен қандай айтган булсам, худди шундай тарзда такрорлади. Бундай салоҳиятга қойил қолган булсам-да, бу мени унча мафтун этолмади. Мени чиндан ҳайратга солган фазилатларни кейинроқ кашф этдим. У муқаддас китобларни чуқур билиши, покиза феъл-атвори ва узини англашга булган кучли интилиши эди. Кейинчалик мен шу нарсага амин булгандимки, узини узи англашда у ҳаётининг ягона маъносини курган эди. Муктананднинг қуйидаги сатрларини ҳеч тилидан туширмас ва ҳар доим уларни юрагида сақларди:

Мен Уни узимнинг ҳар бир ишимда курганимдагина
Узимни бахтли деб биламан.
У чиндан ҳам Муктананднинг
Ҳаётини тутиб турган риштадир.

Райчандбхайнинг тижорат ишлари юз минглаб рупияда ифода этиларди. У дур ва олмос билағони эди. У ҳар қанақанги, ҳатто энг чигал ишбилармонлик масалаларини ҳам хамирдан қил суғургандай ҳал этарди. Аммо унинг ҳаётидаги асосий нарса бу эмасди. Ундаги асосий нарса Худони идрок этиш эди. Унинг иш столи устида ҳар доим диний китоблар ва кундалик ётарди. Ишини тугаллаши ҳамон у шуларга ёпишарди. Унинг эълон қилинган асарларининг аксарияти кундаликдаги қайдларнинг қайта ишланган кўринишини узида намоён этарди. Муҳим тижорат битими ҳақидаги суҳбатдан кейин дарҳол руҳнинг эзгу сирлари тўғрисида ёза бошлаган одам, ўз-ўзидан маълумки, ишбилармон эмас, балки ҳақиқатнинг чинакам тадқиқотчиси булади. Бир эмас, икки эмас, кўп марталаб тижорат ишлари айна қизиб турганда у илоҳий тафаккурга берилиб кетганини кузатганман. Унинг қаттиқ жаҳли чиққанини сира кўрган эмасман. Бизларни на ишбилармоннинг ишлари, на бошқа ғаразли муносабатлар боғлаб турарди, мен у билан суҳбатлашсам булди, шунинг узи менга дунёча завқ бағишларди. Мен уша вақтда тажрибасиз оқловчи эдим, бироқ биз қаерда учрашмайлик, у ҳар доим мен билан диний мавзуда гаплашар эди. Ушанда мен пайпасланиб юрар-

дим, мени динга қаттиқ қизиқади деб айтиб бўлмасди, аммо суҳбатларимиз мени ўзига тортиб кетарди. Ушандан буён мен кўплаб диний арбоблар билан учрашдим, турли динлар бошлиқлари билан кўришишга ҳаракат қилдим ва айтишим керакки, улардан биронтаси менда Райчандбхай каби кучли таассурот қолдирмаганди. Унинг сузлари юрагимнинг тубигача кириб борар эди. Мен унинг ақли, юксак ахлоқи олдида таъзим қилардим ва имоним комил эдики, у мен билан узининг эзгу фикрларини уртоқлашар экан, ҳеч қачон кура-била туриб мени йўлдан уришга уринмаган эди. Шу боис руҳоний қийинчиликларга дуч келган вақтларимда ундан ёрдам сўраб турар эдим.

Лекин мен уни ҳарчанд ҳурмат қилишимга қарамай, унга юрагимдан гуру (устоз) ўрни бера олмас эдим. Бу жой ҳалиҳануз буш ва мен уни кидиришдан тўхтаганим йўқ эди.

Мен гуру туғрисидаги ҳинду таълимотига ва унинг руҳоний англаш учун аҳамиятига ишонаман. Уйлайманки, гурусиз чинакам билишнинг иложи йўқ деганда катта ҳақиқат бор. Билими мукамал булмаган муаллим дунёвий ишларда сабрли бўлиши мумкиндир, аммо руҳоний ишларда ундоқ эмас. Фақат мураккаб ғнанийгина уни гуру деб аташга лойиқ ҳисобланади. Ҳар доим узини узи такомиллаштириб бориш зарур, зеро ҳар ким муносиб санаган ана шундай гуруга қўл беради. Баркамолликка тинимсиз интилиш — ҳар кишининг ўз ҳуқуқи. Бу унга берилган шахсий мукофот. Қолган ҳамма нарса Худонинг қулида. Демак, гарчанд мен юрагимдан Райчандбхайга жой беролмасам-да, у бундан кейин мени йўлга солиб турди ва менга ёрдам берди. Учта замондошим менинг ҳаётимга кучли таъсир кўрсатди: Райчандбхай мен билан бевосита суҳбатлашиб; Толстой — “Ичимиздаги тангри салтанати” китоби билан ва Раскин — “Ҳам биринчи, ҳам охириги булганга” китоби билан.

ҲАЁТНИ ҚАНДАЙ БОШЛАГАНИМ

Тунғич акам менга катта умидлар билан қарар эди. У бойликлар, шуҳратлар, довруқларни бетоқатлик билан кутарди. Унинг қалби ниҳоятда кенг, олийжаноб эди. Бу сифат энди оддийлик билан чатишиб, кўп дўстларини ўзига жалб қилар эди ва уларнинг ёрдамида мени мижозлар би-

лан таъминлаш ниятида эди. У менда улкан тажриба бўлишини олдиндан мулжаллаб юрарди ва шунинг ҳисобига рўзгор харажатларини ҳаддан гашқари ошириб юборганди. Мен учун фаолият майдони ҳозирлаш учун жон-жаҳди билан тиришарди.

Чет элга кетишим муносабати билан тоифада авж олган тўс-тўполон ҳали тиниб улгурмаганди (ушанда мени тоифамиздан вақтинча чиқариб ташлашганди). Тоифа аъзолари икки лагерга бўлинганди: бирлари уша заҳоти мени тан олган бўлишса, бошқалари мени тоифага қўйишга мойил эмас эдилар. Биринчи лагерда кўнглимни чоғ қилиш учун акам мени Насикка олиб кетди, у ерда мен муқалдас дарёда гусл қилдим, Ражкотга келгач эса, у тоифа шарафига ош тортди. Булар барчаси менга ёқмаётганди. Бироқ акамнинг менга муҳаббати чексиз эди, менинг унга ихлосим ҳам шу муҳаббатга яраша эди, шунинг учун мен унинг барча истаklarини қош қайтармай бажарар, унинг хоҳиш-иродасини амри вожиб деб билар эдим.

Мени қабул қилишни истамаган мазҳабга йўл топиб киришга ҳеч қачон ҳаракат қилмаганман, мазҳаб раҳбарларига нисбатан ҳам ҳеч қандай гина-кудуратим йўқ эди. Улардан айримлари менга гараз билан қарар эди, аммо мен гумроҳлик ҳақидаги тоифа қоидаларини ҳурмат қилган ҳолда уларнинг иззат-нафсига тегмасликка обдон ҳаракат қилардим. Бу қоидаларга кўра, қариндош-уруғларимдан ҳеч ким, жумладан қайнотам, қайнонам ва ҳатто опам ва поччам мени тан олмасликлари, мен ҳам уларнинг уйида ҳатто сув ичмаслигим керак эди. Улар тақиқларни зимдан четлаб ўтишга тайёр эдилар, бироқ ошкора тарзда қилишим мумкин бўлмаган нарсани яшириқча қилиш менга эриш туюларди.

Ўз хулқ-атворим билан мен бирон марта ҳам тоифамизнинг мени безовта қилишига имкон бермаганман; боз устига мазҳабнинг асосий қисми томонидан ихлос ва олийжанобликдан бошқа ҳеч нарса кўрмаганман ҳам, билмаганман ҳам; бу мазҳаб ҳамон менга гумроҳга қарагандай қараб келмоқда эди. Тоифа учун мен асти нима қилиб, нима қўйганимни ҳисобга олиб ўтирмаёқ ҳатто менинг ишларимда ёрдам берар эдилар. Бу барча яхшиликлар менинг қаршилик кўрсатмаслигим оқибати эканига амин эдим. Борди-ю, тоифага қабул қилишларига тўс-тўполон билан эришганимда, уни яна бир қанча лагерларга бўлишга уринганимда,

тоифа аъзоларига кутқу солганимда, улар ҳам менга ана шундай тўлов берган булар эдилар, бурондан бир четда қолиш урнига мен, Англиядан қайтиб келгач, эҳтирослар гирдобига тушиб қолган булар эдим ва эҳтимол менинг алдашимга ва сурбетлик қилишимга тўғри келарди.

Хотиним билан муносабатларим ҳамон кунглимдагидай эмасди. Англияда бўлиб келишим мени рашк балосидан халос қилмаганди. Мен аввалгидек бадгумон ва бадбин эдим, шу боисдан ҳам менинг барча эзгу ниятларим ярим йўлда қолиб кетаверганди. Хотиним ўқиш ва ёзишни ўрганиши ва мен унга машғулотларда ёрдам беришим керак деб азм қилгандим; аммо менинг бадфёъллигим бизга халақит берарди ва хотиним менинг шахсий камчиликларимдан изтироб чекарди. Бир куни хотинимни отасиникига юбориш учун унинг нақ она сутини оғзига келтириб юбордим ва уни роса товбасига таянтирганнимдан кейингина уйга қайтиб келишига рози бўлдим. Фақат анча кейин нечоғлик густохона иш қилганимни англадим.

Болалар тарбиясида ислоҳот ўтказишни ният қилгандим. Акамнинг болалари бор эди, Англияга кетишдан олдин туғилган менинг болам қарийб тўрт ёшга тулиб қолганди. Мен болакайларни жисмоний машқлар бажаришга, уларни чидамли қилиб тарбиялашга, яна уларнинг тарбиясига узим раҳбарлик қилишга ўргатмоқчи бўлдим. Акам мени қўллаб-қувватлади ва мен озми-кўпми даражада ҳаракатларимда муваффақиятга эришдим. Вақтни болалар билан ўтказиш менга жуда ёқди, улар билан ўйнаш ва шўхлик қилиш одати эса менда шу кунгача ҳам сақланиб қолган. Уйлайманки, яхши болалар тарбиячиси булишим мумкин эди.

Овқатланиш “ислоҳоти” ўтказиш зарурати ўз-ўзидан маълум эди. Чой ва қаҳва уйда ўз ўрнини эгаллаб бўлганди. Қайтиб келишимга уйда акам қандайдир инглиз муҳитига ухшаш муҳит яратишни зарур деб билган эди ва шу боис фақат алоҳида ҳоллардагина истифода этиладиган идиш-товоқ ва шунга ўхшаган нарсалар энди ҳар куни ишлатилмоқда эди. Менинг “ислоҳот”ларим мана шу ташаббусни ниҳоясига етказиши лозим эди. Мен сули бутқаси ва какао-ни киритдим, улар чой ва қаҳва ўрнини босиши керак эди. Бироқ аслида какао чой ва қаҳвага қушимча булди, холос. Ботинка ва нимботинкалар аллақачон таомилга кириб бўлганди. Оврупоча либосларни жорий қилиш билан ўз яқинларимни овруполаштиришни ниҳоясига етказгандим.

Натижада харажатларимиз ошиб кетди. Янги нарсалар уйда ҳар куни пайдо булар эди. Биз “оқ филни¹ остонада тухтатиб қолиш”га улгурдик. Аммо зарурий маблағни қаердан оламиз? Ражкотдаги тажрибани қайта бошлаш кулгили буларди. Менинг малакали вакиллик билимим борми, йўқми, бу ёғини ҳисобга олмабман-да, унга қараганда менга ун баравар куп ҳақ тулашади деб мулжал қилибман! Келиб-келиб менга муурожаат қиладиган аҳмоқ мижоз бормикан? Борди-ю, шундайи топилганда ҳам мен узимдаги жоҳилликка калонди-моғлик ва алдовни ҳам қушиб ола билар, жамият олдидаги бурчимни балтар оғирлаштира олар эдимми?

Бомбейда тажриба орттириш ва Олий судда бироз ишлаб ҳинд ҳуқуқини урганиш ва қандайдир амалий билим олишга ҳаракат қилиш учун дустларим менга бирмунча муддатга ўша ёққа жунашимни маслаҳат беришди. Мен рози булдим ва жунаб кетдим.

Бомбейда рўзгорни тиклаш учун мен ишни худди узимга ухшаган нуноқ ошпаз ёллашдан бошладим. У браҳман эди. Мен унга хизматкор билан эмас, оила аъзоси билан муомала қилгандай муомала қилардим. У ҳеч қачон ювинмасди, фақат устидан сув қуярди, холос.

Унинг дхутийси ва ҳатто муқаддас зуннори ҳам яғир эди. У дин борасида гурларнинг гури эди. Аммо бундан тузукроқ ошпазни қаердан топа олардим?

— Яхши, Равишанкар (уни шундай аташарди), — дедим мен унга, — овқат пиширишни-ку билмайсан, ҳеч булмаса ўз сандхйангни (ибодат) билишинг керак-ку...

— Сандхйа дейсизми, сэр? Омоч — бизнинг сандхйамиз, ер ҳайдаш — бизнинг кундалик ибодатимиз. Биз шунақа браҳманмиз. Мен ё сизнинг мурувватингиздан фойдаланиб яшашим ёки ер ҳайдашим керак.

Шундай қилиб, Равишанкарни ўқитиш вазифаси олдимда кундаланг булди. Бунинг учун менинг вақтим етарли эди. Таомларнинг ярмини мен пишиардим, унда инглиз ошхонасининг утхурлик таомларини синаб кўрардим. Мен плитани кўйдим-да, Равишанкар билан бирга унинг ёнида куймана бошладик. Бирга таом ейишга қарши мен ҳам, Равишанкар ҳам чурқ этиб оғиз очмасдик, биз бир дастурхон устида маза қилиб овқатланардик. Фақат биргина ноқулай-

¹ *Оқ фил* — ҳиндуларда хонавайронлик рамзи.

лик бор эди: Равишанкар уламан саттор яғирини ювмас ва маҳсулотларни чаймас эди.

Бироқ Бомбейда тўрт-беш ойдан ортиқ яшай олмасдим: мутгасил ортиб бораётган харажатларни қоплашга маблағ етишмас эди.

Мен ҳаётни ана шундай бошладим. Мен англадимки: оқловчилик касби — ёмон касб экан: сохталик куп-у билим кам буларкан. Менда масъулият туйғуси ўсиб бормоқда эди.

БИРИНЧИ СУД ИШИ

Бомбейда мен ҳинд ҳуқуқини ўргана бошладим ва айни вақтда парҳез буйича ўз тажрибаларимни давом этдирардим. Бу машғулотга ошнам Вирчанд Ганди келиб қўшилди. Менга оқловчилик амалиётини таъминлаб бериш учун акам ўзидан жоиз бўлган ҳамма нарсани қилди.

Ҳинд ҳуқуқини ўрганиш зерикарли машғулот экан. Мен фуқаролик суд кодексини сира ўзлаштиролмадим-ўзлаштиролмадим. Акс ҳолда, тўғриси, суд исботлари назарияси билан ишлашга тўғри келарди. Вирчанд Ганди суд назорати ходими мутахассислиги буйича имтиҳонга тайёрланарди ва менга оқловчилар ва вакиллар тўғрисидаги ҳар хил воқеаларни сузлаб берарди.

— Ферузшоҳнинг маҳорати, — дерди у ҳар гал, — чуқур ҳуқуқ билимига асосланган. У суд исботлари назариясини ва 32-булим буйича барча прецедентларни ёддан биларди. Бадруддин Тйабжий далолатларининг мўъжизавий кучи судьяларга ҳузур бағишлайди.

Ҳуқуқнинг бу устунлари ҳақидаги ҳикоялар менинг руҳимни тушириб юборарди.

— Купинча шундай бўладики, — қўшимча қилди у, — оқловчи беш-етти йилгача қўл учиди кун куради. Суд назоратчиси ходими касбини ташлаганим сабаби шунда. Бордию, уч йилдан сўнг мустақил бўлишга эришолсангиз, узингизни бахтли санашингиз мумкин.

Чиқимларим ой сайин ортиб борарди. Оқловчилик идораси очишга ва айни вақтда оқловчилик касбига тайёрланишга қурбим етмасди, чунки машғулотларга бутун диққат-эътиборимни жалб этолмасдим. Менда суд исботлари назариясига нисбатан кучли ҳавас пайдо бўлди. Мейннинг

“Ҳинду ҳуқуқи”ни катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим, бироқ ҳали-ҳануз бирон-бир ишни олишга журъат қилолмагандим. Бамисоли булажак қайнота уйига биринчи марта қадам қўяётган келиндай, мен ўзимни ҳаддан ташқари ночор ҳис қилаётгандим.

Тахминан шу пайтларда мен қандайдир Мамибай деганининг ишини кўришга киришдим. Бу жуда майда иш эди. Менга бундай дейишди:

— Сиз даллолга товон тулашингизга тўғри келади.

Мен қатъиян рад этдим.

— Ахир жиноий ишлар буйича ойига уч-тўрт минг рупия ишлайдиган Х. дек таниқли оқловчи ҳам товон тўлайди.

— Мен унга тақлид қилмоқчи эмасман, — эътироз билдирдим мен, — менга ойига 300 рупия ҳам етарли. Отам шундан куп ишлаб топмасди.

— Ҳозир бошқа замонлар. Бомбейда нарх-наволар осмонга чиқиб кетган. Ишнинг кўзини билиш керак.

Аммо мен фикримдан қайтмадим. Мен товон туламадим, шундай булса-да, Мамибайнинг ишини олдим. Уз гонораримни 30 рупия қилиб белгиладим. Афтидан, ишни бир кундан ортиқ муддатда кўриб чиқилиши мумкин эмасди.

Менинг дебютим майда фуқаролик ишлари буйича судда булиб ўтди. Мен жавобгар томонидан туриб иш олиб бордим ва даъвогар гувоҳларини қарама-қарши сўроққа тутишим керак эди. Мен ўрнимдан турдим, бироқ жоним нақ ҳиқилдоғимга келиб кетди, бошим айланди ва менга гуё суд бўлаётган хона кўз олдимда айланиб кетгандек туюлди. Мен битта ҳам савол беролмасдим. Судья хўп кулган ва оқловчилар, албатта, томоша кўриб завқланган булсалар керак. Лекин мен ҳеч нарса кўрмаётгандим. Мен утирдим ва ваколатли шахсга ишни олиб боролмайман ва у яхшиси Пателни ёлласин, гонораримни қайтиб олсин, дедим. М-р Пателни ўша заҳоти 51 рупияга ёллаб олишди. Унинг учун бу иш, уз-уздан маълумки, болалар уйинидай гап эди.

Мен кетишга шошилдим, мижозим ютиб чиқдим ё ютқаздим, бу ёғи менга қоронғулигича қолаверди. Мен ўзимдан уялиб кетдим ва олиб бориш учун менда етарлича жасорат булмагунча ҳеч қандай иш олмасликка аҳд қилдим. Ҳақиқатан ҳам Жанубий Африкага кўчиб ўтунимча судда сўзга чиқмадим. Менинг қарорим олийжаноблик эмас, балки зарурият

тақозоси эди. Ҳойнаҳой, ютқазимни билиб туриб менга ишни топширган аҳмоқ ер юзида булмаса керак!

Бомбейда менга бошқа иш топишди — арзномалар ёзиш. Пурбандарда бир камбағал мусулмоннинг ерини мусодара қилишибди. Муносиб отанинг муносиб уғли сифатида у менга мурожаат қилди. Унинг иши яхшилик билан тугамайдиган эди, бироқ матнни тердириш харажатларини даъвогарга юклаб, ариза ёзишга рози булдим. Мен арзномани туздимда, уни шерикларимга ўқиб бердим. Улар арзномани маъқуллашди ва бу қай бир даражада ҳуқуқшунослик ҳужжатларини тузиш учун етарлича тайёргарликка эга эканига ишонч пайдо қилди, дарҳақиқат шундай булганди ҳам.

Агар арзномаларни ҳеч қанақанги мукофотсиз тузиб берганимда ишим авж олиб кетиши мумкин эди. Бироқ ушанда менинг ҳеч қандай даромадим йуқ эди. Шу боис дарс бериш билан шуғулланиш ҳақида уйлай бошладим. Инглиз тилини анча яхши билардим ва олий ўқув юртига киришга тайёрланаётган усмирларга мактабда бемалол дарс беришим мумкин эди. Бу ҳеч булмаса харажатларимнинг бир қисмини қоплаш имконини берарди. Рўзномаларда эълон ўқиб қолдим: “Кунига бир соатдан машғулотлар учун англиз тили ўқитувчиси талаб этилади. Мукофоти 75 рупия”. Эълонни шаҳардаги таниқли ўрта мактаб берганди. Мен хат ёзиб юбордим ва мени суҳбатга таклиф этишди. У ерга кўтаринки кайфиятда бордим, бироқ директор университетни битирмаганимни билгач, афсус билан мени рад этди.

— Лекин мен Лондонда имтиҳон топширганман, иккинчи тил сифатида лотиндан топшириб, олий ўқув юртига кириш ҳуқуқини беради у.

— Ҳа, аммо бизга олий маълумотли ўқитувчи керак.

Менинг қулимдан ҳеч нима келмасди. Аламимдан бурнимни тишлагудек эдим. Акам ҳам роса хафа булди. Биз Бомбейда қолишдан ортиқ маъно қолмади, деган қарорга келдик. Мен Ражкотда қолишим керак эди, бу ерда ўзи дурустгина оқловчи булган акам менга арзномалар ёзиш буйича иш бера оларди. Ражкотда эса бизнинг ҳужалигимиз борлиги туфайли Бомбейдаги ҳужалигимизни тугатиш жиддий иқтисодий қувватни англатарди. Таклиф менга маъқул булди. Шу тариқа менинг Бомбейдаги муъжазгина идорам олти ой фаолият юритиб, ёпилди.

Бомбейда ҳар куни Олий судда булар эдим, бироқ у ерда бирон нарсани ургандим деб айта олмасдим. Бунинг учун менда керакли тайёргарлик йуқ эди. Купинча мен кўриб чиқиладиган ишнинг моҳиятини англаб ололмас эдим ва мудрай бошлардим. Суднинг бошқа иштирокчилари бу жиҳатдан шериклар даврасини ташкил этиб берардилар ва мени ортиқча хижолатпазликдан қутқариб қолар эдилар. Олий судда мудраш — бу яхшилик аломати эмаслигини тушунгач, куп утмай, ҳар қандай уят-пуятни йиғиштириб қўйдим.

Агар Бомбейда ҳозир ҳам худди менга ўхшаган тажриба-сиз оқловчилар булса, уларга бир кичкинагина амалий маслаҳат беришни истардим. Мен Гургаунда яшардим ва трамвайга чиқмасдим. Мен судга яёв боришни ўзимга қоида қилиб олгандим. Бунга роса 45 дақиқа кетарди ва албатта, уйга ҳам муқаррар равишда яёв қайтар эдим. Мен офтобшувокда тобланишга ургандим, бундан ташқари, яёв юриш талай пулни тежаб қоларди. Бомбейдаги куплаб дусларим аксарият касалликка чалиниб қолар эдилар, мен эса бирон марта тумовлаб қолганимни эслолмайман. Ҳатто пул ишлаб топадиган бўлганимда ҳам идорага ва ундан уйга яёв юриб бориш одатим сақланиб қолганди. Бу одатнинг хайрли оқибатларини ҳозиргача ҳис қиламан.

БИРИНЧИ ЗАРБА

...Шу тариқа ишлаб юрар эканман, мен оз-оздан тирикчиликни йўлга сола бошладим, бироқ тахминан шу вақтларда биринчи зарбага ҳам дуч келдим. Британия амалдорлари қандай бўлишини эшитган эдим, аммо улар билан бирон марта тўқнаш келмагандим.

Марҳум ранасоҳибнинг Пурбандар тахтига мингунига қадар акам унинг котиби ва маслаҳатчиси булган эди. Шундан буён мана шу лавозимда утирган вақтида у бир гал нотўғри маслаҳат берган деган айблов буйнида осилиб келарди. Иш акамга қарши кайфиятда булган сиёсий агентга келиб тушди. Англияда булганимда бу амалдор билан танишиб олган эдим ва у менга ғоят дустона муносабатда булар эди. Акам мана шу танишлигимиздан фойдаланиб, унга бир оғиз айтиб қўйишимни ва сиёсий агент дилидаги шубҳаларни тарқатишга ҳаракат қилишимни истарди. Бу нарса

менга тугри келмасди. Мен уткинчи таниш-билишчиликдан фойдаланишга ҳаракат қилиш ярамайди, деб билардим. Борди-ю, акам ростданам айбдор булса, мен ҳеч нарсани узгартира олмайман. Борди-ю, у бегуноҳ булса, одатдаги тамойил буйича арзнома бериши ва узининг бегуноҳлигига ишонган ҳолда натижани кутиши керак. Менинг мушоҳадаларим, афсуски, акамга ёқмади.

— Сен Катҳиёварни билмайсан, — деди у. — Сен ҳали ҳаётни билмайсан. Бу ерда фақат таниш-билишнинг аҳамияти катта. Таниш амалдор олдида мен учун бир оғиз гап айтишинг мумкин булганда, ука бўлиб уз бурчингни адо этишдан буйин товлашинг яхши эмас.

Мен унга йуқ деёлмасдим ва уз хоҳиш-иродамга қарши амалдорнинг олдида бордим. Унга мурожаат этишим учун ҳеч қандай ҳуқуқим йуқлигини билардим ва уз обруйимни ерга ураётганимни тушуниб турардим. Аммо мен қабулга киришга рухсат олдим ва унинг ҳузурига кириб бордим. Мен амалдорга эски танишлигимизни эслатдим, бироқ Катҳиёвар Англия эмаслигини ва таътилдаги амалдор ва хизмат вазифасини бажариб тургандаги амалдор мутлақо бошқа-бошқа одамлар эканини дарҳол англадим. Сиёсий агент танишлигимизни эслади, аммо уни эслатишим амалдорни хушёр торттириб қуйди. “Умид қиламанки, бу танишлигимизни суистеъмол қилиш учун бу ерга келмагандирсиз?” — унинг юзи қанчалик совуқ булса, гапи ҳам шунга яраша жаранглади. Шундай булса-да, мен уз ишимни баён этишга киришдим. Соҳиб бетоқат булаётгандек ҳаракатлар қила бошлади.

— Акангиз игвогар. Ортиқ гапингизни эшитишни истамайман. Менинг вақтим йуқ. Борди-ю, акангизнинг айтadиган гапи булса, тегишли идоралар орқали ҳаракат қилсин.

Жавоб анча аниқ ва, эҳтимолки, муносиб эди. Бироқ худғаразликнинг кўзи кўр булади. Мен гапиришда давом этдим. Соҳиб урнидан турди ва деди:

— Энди боринг.

— Илтимос, қулоқ солсангиз-чи, ахир, — дедим мен.

Бундан у бадтар ғазабланди. У хизматкорини чақирди-да, мени чиқариб юборишни буюрди. Хизматкор кириб келганида мен ҳамон жойимдан жилганим йуқ эди, шунда у елкамдан тутди-да, эшикдан итариб чиқариб юборди.

Соҳиб ва хизматкори ичкарига қайтишди. Мен қичқирам ва узимни ҳар томонга урам эдим. Уша заҳоти соҳибга қуйидаги мазмунда хат киритиб юбордим: “Сиз мени ҳақорат қилдингиз. Хизматкорингиз буйругингиз билан менга зуровонлик ишлатди. Агар кечирим сўрамасангиз, судга мурожаат қилишга мажбур буламан”.

Хизматкор уша заҳоти жавоб олиб келди: “Сиз узингизни сурбетларча тутдингиз. Мен сизга кетинг деб илтимос қилдим, аммо сиз кетмадингиз. Хизматкоримга сизни чиқариб юборишни буюришдан бошқа иложим қолмади. Ҳатто у сиздан чиқинг деб илтимос қилганида ҳам сиз чиқиб кетмадингиз. Шу боис сизни чиқариб юбориш учун у куч ишлатиши керак бўлди. Агар сизга маъқул бўлса, судга мурожаат қилишингиз мумкин”.

Чунтагимда шу жавоб билан эзилганча уйга қайтдим ва бўлган гапларни акамга сўзлаб бердим. У хафа бўлди, газабланди ва мени қандай юпатишни билмасди. У вакил ошналари билан маслаҳатлашиб кўрди, чунки соҳибга қарши қандай иш қўзғатишни билмасдим-да. Шу вақтларда қандайдир иш билан Бомбейдан келган Ферузшоҳ Меҳта иттифоқо Ражкотда турган эди. Мендай бир ёш оқловчи унинг ҳузурига киришига йўл бўлсин. Шу боис шу иш буйича барча қоғозларни вакил орқали унга жўнатиб юбордим, ундан маслаҳат беришини илтимос қилдим. “Гандига айтинглар, — жавоб берганди у, — бундай воқеалар кўплаб оқловчилар ва вакиллар чекига тушган. У Англиядан яқинда келган ва қизиқ турибди. Агар у кўнгилсизлик сотиб олишни истама-са, хатларни йиртиб ташласин ва ҳақоратларга чидасин. У соҳибни судга беришдан ҳеч нарса ютмайди, балки, аксинча, узини узи барбод қилиши ҳеч гап эмас. Унга айтинглар, у ҳали ҳаётни билмайди”.

Бу маслаҳат менга заҳардан аччиқ эди, бироқ мен барибир уни қўл этиб ичимга ютдим. Мен ҳақоратга чидадим, аммо бу нарсаларнинг барчасидан узимга наф олдим. “Энди бундан кейин узимни бунақа жирканч аҳволга солиб қуймайман, уз таниш-билишлигимдан ҳеч қачон бу тариқа фойдаланишга ҳаракат қилмайман”, — деб аҳд қилдим узимча ва шундан буён бирон марта ҳам бу қоидадан четга чиққанам йўқ. Бу зарба менинг бундан кейинги бутун ҳаётимга таъсир кўрсатди.

ЖАНУБИЙ АФРИКА ТАРАДДУДИ

Амалдорнинг олдига бориб, мен, албатта, тўғри қилмагандим. Аммо менинг хатоимни унинг асабийлашуви ва бетизгин газабига сира таққослаб булмасди. Мен ҳайдаб чиқарадиган даражада гуноҳ қилмагандим. Унинг бор-йўғи беш дақиқагина вақгини олгандим, холос. У фақат гапимни тинглашга тоқат қилолмади. У менга кетинг деб одамларча айтса булди эди, аммо ҳокимият уни қутуртириб юборганди. Кейинчалик билдимки, сабр бу амалдорнинг етти ухлаб тушига кирмайдиган нарса экан. Қабулга келганларни ҳақоратлаш унинг учун одатдаги ҳол экан. Тирноқча англашилмовчилик, одатда, соҳибнинг газабини тошириб юборар экан.

Уша даврда мен, табиийки, купроқ унинг судида ишлардим. Аммо соҳиб билан ярашишга менинг кучим етмасди. Мен унинг олдида ўзимни ерга уришни истамасдим.

Вақт ўтган сайин мен маҳаллий сиёсий ишларни тушуна бордим. Катҳиёвар бир қанча майда давлатлардан ташкил топган ва сиёсатчилар учун бу ер бамисоли жаннатмакон жой эди. Алоҳида давлатлар ўртасидаги низолар, ҳокимият учун курашувчи амалдорларнинг фишқ-фужурлари — булар ҳам одатдаги ҳол эди. Ҳар доим ўзгалар мурувватига муте рожаларнинг қулоғи динг — хуфиялар қандай гап топиб келиш-яптийкин? Ҳатто соҳибнинг хизматкорига ҳам ялтоқланиш керак бўларди, соҳибнинг широстадори эса унинг хужайинидан олдин турарди, чунки у унинг кузи, қулоғи ва тилмочи эди. Широстадорнинг айтгани-айтган, дегани-деган эди, унинг даромадларига келсак, одамларнинг айтишича, улар соҳибникидан ҳам кўп экан! Балки бу муболағадир, аммо унинг фақат маошга қараб қолмагани аниқ эди.

Бундай муҳит мен учун заҳар-заққумдан иборатдай туюларди ва мен бу аҳволда қандай қилиб ўзимга ифлос юқдирмай қолсам бўлади деб бошим қотарди.

Менинг ич-ичдан эзилаётганимни акам кўриб турарди. Агар мен биронта мансабга ўтирсам, бу фишқ-фужурлардан четлана олишимга иккаламизнинг ҳам кўзимиз етарди. Бироқ фишқ-фужурларга бош қушмасдан вазирлик ёки судьялик лавозимини олиш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас-

ди. Соҳиб билан жанжалимиз эса менинг суд амалиёти билан шуғулланишимга ҳалақит берарди.

Пурбандар хонлигини ўша вақтда Британия маъмурияти бошқарарди ва менга рожа ҳуқуқини кенгайтиришга эришиш топширилганди. Мерслардан олинувчи оғир ер солиғи — вигхўтийни қисқартириш масаласи бўйича ҳам маъмур билан учрашиш керак эди. Бу амалдор ҳинд эди, бироқ та-каббурликда, назаримда, соҳиб билан басма-бас келарди. У қобилиятли одам эди, аммо бу деҳқонлар қисмагини енгиллаштирмади. Мен рожалар учун ҳуқуқларини бирмунча кенгайтиришга муваффақ булдим, аммо мерслар учун деярли ҳеч нарсага эришмадим. Ҳатто ҳеч ким уларнинг иши билан танишишни истамаганлиги мени ҳайрагга солди.

Шундай қилиб, бу ерда ҳам ҳафсалам пир булди. Мен миждларимга нисбатан адолатсизларча иш тутишди, деб ҳисоблардим, аммо шу билан бирга уларга ҳеч нарса билан ёрдам беролмас эдим. Жуда нари борганда мен сиёсий агентга ёки губернаторга мурожаат қила олар эдим, аммо улар ҳам “Биз бунга аралаша олмаймиз”, деб аризамни рад этдилар. Борди-ю, бу жиҳатдан қандайдир қонун ёки қоидалар мавжуд бўлса, унда бундай мурожаатда маъно буларди, аммо бу уринда соҳибнинг хоҳиш-иродаси қонун ҳисобланарди.

Мен нима қилишимни билмай қолдим.

Шу орада Пурбандардаги бир испан савдо уйи қуйидаги таклиф билан акамга мурожаат қилиб қолди: “Биз Жанубий Африкада иш қиляпмиз. Бизнинг фирмамиз — кучли қорхона. Биз у ерда 40 минг фунт стерлинглик жиноий иш бўйича йирик тергов иши олиб борамиз. У анчадан бери чузилиб келаяпти. Биз энг яхши вакил ва оқловчилар хизматларидан фойдаланамиз. Агар сиз у ёққа укангизни юборсангиз, бу бизга ҳам, унга ҳам фойда келтирган бўлур эди. У бизнинг ишончли шахсимизга бизнинг ўзимиздан кўра яхшироқ йул-йуриқлар курсата оларди, бундан ташқари дунёнинг янги қисмини кўриш ва янги танишлар орттириш имкониятига эга бўлган бўлур эди”.

Биз акам билан ушбу таклифни муҳокама қилдик. Менга бир нарса ноаниқ эди: мен ишончли шахсга шунчаки йул-йуриқ курсатаманми? Аммо таклиф жозибали эди.

Акам мени ҳозирда марҳум шет Абдулла Карим Жҳаверий билан таништирди. У бу ерда сўз кетаётган “Дада Абдулла ва К” фирмасининг шериги эди.

— Иш қийин булмайди, — мени ишонтириб деди шет.— Сиз бизнинг кўзга кўринган овруполик дўстларимиз билан танишасиз. Бизнинг корхонамиз учун фойдали одам бўлишингиз мумкин. Биздаги хат-қоғозлар кўп ҳолларда инглиз тилида юритилади ва сиз бу ерда ҳам бизга ёрдам беришингиз мумкин. Уз-уздан равшанки, бизнинг меҳмонимиз буласиз, шундан келиб чиққан ҳолда, сиз ҳеч чиқимдор булмайсиз.

— Сизга қанча муддатгача хизмат қиламан? — сурадим мен. — Менга қанчадан ҳақ тулайсиз?

— Бир йилдан кўп эмас. Биз бориш ва келишингизга биринчи класс вагонига ҳақ тулаймиз, барча ишлар учун эса ҳақингиз 105 фунт стерлинг булади.

Мени оқловчидан кўра кўпроқ фирма хизматчиси сифатида таклиф этишганди. Лекин менинг негадир Ҳиндистондан кетгим бор эди. Бундан ташқари, янги мамлакатни куриш ва тажриба орттириш имконияти мени қизиқтирмоқда эди. Яна акамга 105 фунт стерлинг юбориб, хужалик харажатларида унга ёрдам бера олар эдим. Савдолашиб ўтирмай, таклифни қабул қилдим ва Жанубий Африкага кетиш тадоригини кура бошладим.

НАТАЛГА КЕЛГАНИМ

Жанубий Африкага кетар эканман, айрилиқ чоғида Англияга жунаётганимдаги симилловчи оғриқни ҳис қилмадим. Энди онам йуқ эди. Мен дунё ҳақида ва чет эл саёҳати ҳақида айрим тасаввурга эга эдим, Ражкотдан Бомбейга сафар ҳам оддий иш бўлиб қолганди.

Бу гал хотиним билан айрилаётиб ноҳос қаттиқ оғриқ ҳис қилдим. Англиядан қайтиб келганимдан буён биз яна бир фарзанд кургандик. Севгимиз шаҳватдан холи деб айтиб булмасди, бироқ у тобора покланиб бормоқда эди. Овруподан қайтиб келган вақтимдан кейин биз жуда оз муддат бирга яшадик. Энди мен унга уқитувчилик қилаётганим боис, гарчи беғараз булмаса-да, унга ҳаётини ислоҳ қилишда ёрдам бермоқда эдим, уз ислоҳларимизни бундан кейин ҳам амалга ошириб бориш учун бизлар кўпроқ бирга бўлишимиз зарурлигини икковимиз ҳам ҳис қилмоқда эдик. Бироқ Жанубий Африкага сафар иштиёқи айрилиққа чи-

дашни тақозо қиларди. “Биз бир йилдан кейин, албатта, куришамиз”, — дедим хотинимни тинчлантириб ва Ражкотдан Бомбейга равона булдим.

Бу ерда мен “Дада Абдулла ва К” фирмаси агентидан чипта олишим керак эди. Бироқ кемада жой қолмаган экан, тезда кетмаслик эса Бомбейда туриб қолишни англатарди.

— Биринчи классга чипта олиш учун қулдан келганча ҳаракат қилдик, аммо булмади, — деди агент. — Балки палубада кетишга рози буларсиз? Овқатни ичкарида ейишга келишиб олса булади.

Бу гаплар мен фақат биринчи классда саёҳат қилишим зарур деб ҳисоблаган вақтларда булган эди, бундан ташқари, оқловчининг йуловчи сифатида палубада кетиши мумкинлигини тасаввур қилолмасдим ва бу таклифни рад этдим. Мен агентнинг сўзлари ҳаққонийлигига шубҳа қилдим, зеро биринчи классга чипта булмаслигига ишона олмасдим. Агентнинг розилигига кура чипта олиш билан узим шуғулландим. Мен кемага йул олдим ва дарғага рупара булдим. У менга ҳаммасини очиқ-равшан тушунтириб берди:

— Одатда бизда бунақа сузиш булмайди. Бироқ бизнинг кемамизда Мозамбикнинг генерал-губернатори кетаяпти ва барча жойлар банд.

— Мени бирон жойга тиқиб қўя олмайсизми? — сурадим мен.

У менга бошдан-оёқ разм солиб қаради-да, жилмайди:

— Иложи, албатта, йуқ эмас, — деди у, — менинг каютамда яна бир койка бор, уни одатда йуловчиларга берилмайди. Аммо мен шуни сизга илинаман.

Мен унга миннатдорчилик билдирдим ва агентга чипта олишини таклиф қилдим. 1843 йилнинг апрелида тоқатим тоқ бир ҳолда бахтимни синаш учун Жанубий Африкага йул олдим.

Биринчи бандаргоҳимиз Ламуга белгиланган бўлиб, бу ерга саёҳатимизнинг ун учинчи кунни етиб келдик. Бу вақт ичида биз дарға билан қаттиқ дўстлашиб қолдик. У шатранж уйинини ёқтирарди, бироқ бошловчи шатранжчи булгани боис рақибининг анча тажрибасиз бўлишини истарди ва шу боис мени таклиф этди. Мен бу уйин ҳақида кўп эшитган булсам-да, бироқ ҳеч қачон уйнаб курмагандим. Уйинчилар одатда шатранж ақлни чиниқтириш учун кенг имконият-

лар тақдим этади, дейишарди. Дарға менга шатранж уйинини урганишни таклиф қилди. У мени қобилиятли шогирд деб ҳисобларди, зеро сабр деганидан менга худо берган эдида. Мен ҳар гал югказардим ва унга сайин унинг ургатгиси келаверарди. Ҳйин менга ёқарди, бироқ шатранжга булган қизиқишим уша-уша кема бортида қолиб кетди, тушунчам эса доналарни суриш укувидан нарига утолмади.

Ламуда кема уч-тўрт соатга лангарда турди ва мен бандаргоҳни томоша қилиш учун қирғоққа тушдим. Дарға ҳам тушди, у бандаргоҳ гавжум жой, кемага кечикмасдан қайтиб чиқ, деб огоҳлантирди.

Бу унча катта бўлмаган жой экан. Мен почтага кирдим ва у ерда ҳинд клеркларини куриб, жуда суюниб кетдим. Мен у ерда яна Африканларни ҳам курдим ва уларнинг қандай туриш-турмушларини суриштириб билдим, бу менга жуда қизиқ туюларди. Буларнинг ҳаммасига талай вақт кетди.

Палубадаги йуловчилардан бир қанча таниш одамлар ҳам узларига овқат пишириш ва бемалол еб-ичиб олиш учун қирғоққа тушишди. Уларни учратганимда, улар аллақачон кемага қайтиш тараддудини куришмоқда эди. Бизлар битта қайиққа утирдик. Денгиз суви энг баланд нуқтагача кутарилган, қайиқ эса одамга тулиб-тошган эди. Кучли тулқин қайиқни трап олдида тутиб туришга имкон бермаётганди. У трапга тегди деганда оқим уни бир томонга суриб юборарди. Аллақачон биринчи гудок чалиниб булганди. Мен асабийлашардим. Дарға уз жойидан туриб, бизларни кузатарди. У кемани беш дақиқа ушлаб туришни буюрди. Кема олдида яна бир қайиқ пайдо булди, уни дарға мен учун ун рупияга ёллаганди. Мен шунга бориб утирдим. Трап кутариб қўйилганди. Шу боис палубага арқондан ушлаб чиқишимга туғри келди, шундан кейингина кема сузиб кетди. Қайиқдаги бошқа одамлар қолиб кетишди. Шундагина дарғанинг нима учун огоҳлантирганини англаб етдим.

Ламудан кейин кема Минбисага кирди, кейин эса Занзибарга. Бу ерда кема узоқ — етти-саккиз кун турди, кейин эса бошқа кемага алмашиб утирдим.

Дарға мени жуда яхши куриб қолганди, бироқ бу тескари тус олди. У узининг инглиз ошнаси ва мени сайр чоғида узига улфат булишга таклиф этди. Сайр мақсади ҳақида менда биринчи тасаввур йуқ эди. Дарға эса бундай ишларда ме-

нинг ғирт оми эканимдан мутлақо беҳабар эди. Қушмачи бизларни ҳабаш аёллар олдига олиб борди. Ҳар биримизни алоҳида хонага олиб киришди. Мен уятдан лов-лов ёнганча хона уртасида турардим. Шурлик аёлнинг мен ҳақимда нималар уйлаши бир худога аён. Дарға мени чақирганда қандай кирган бўлсам, ушандай бегуноҳ чиқиб келдим. У буни англади. Аввалига мен ерга киргудек бўлдим, бироқ содир бўлган воқеа ҳақида нафратдан бошқа нарсани уйлашим мумкин эмаслиги боис уят туйғуси ғойиб бўлди ва аёлнинг кўриниши мени бемаъни иш қилишга ундамаганидан Худога минг қатла шукрлар қилдим. Иродам бушлиги учун ўзимни ўзим ёмон куриб кетдим. Хонага киришдан бош тортишга журъат тополмаганим учун ўз ҳолимга ўзим қаттиқ ачиндим.

Бу менинг ҳаётимдаги шу турдаги учинчи кунгилсиз ҳодиса эди. Кўпгина бегуноҳ ўсмирлар сохта уят туйғуси туфайли гуноҳга ботиб қолсалар керак. Булганмасдан чиққанимни ўзимнинг жасоратим деб ҳисоблай олмайман. Уша хонага киришдан бутунлай бош тортганимда эди, бунга балли деса буларди. Гуноҳдан қутулиб қолганим учун Парвардигорга юз минг қатла шукроналар айтаман. Бу воқеа менинг худога булган иймонимни янада мустаҳкамлади ва сохта уят туйғусини бирмунча даражага жиловлашни ўргатди.

Бандаргоҳда бир ҳафта бўлишимиз боисидан мен хонадон ижарага олдим ва шаҳарни айланиб, куп қизиқ нарсаларни кўрдим. Малабар қирғоқбуйи ҳам Занзибарнинг ажойиб ўсимлик дунёси ҳақида тасаввур пайдо эта оларди. Баҳайбат дарахтлар ва меваларнинг катталиги мени ҳайратга солди.

Кейинги бекат Мозамбикда бўлди, майнинг охирларида Наталга етиб келдик.

...Наталь музофотининг бандаргоҳ шаҳри Дурбан булиб, уни яна Порт-Наталь деб ҳам аташади. Абдулла Шет мени айнан шу ерда кутиб олди...

Абдулла Шет аслида саводсиз эди, бироқ у бой ҳаётий тажрибага эга эди. У ўткир ақл эгаси булиб, буни узи ҳам биларди. У инглизча гапиришни унча-мунча эпларди. Ҳар тукисда битта айб деганларидек, унинг ҳам бир камчилиги бор эди — у табиатан шубҳапараст эди.

У исломга ҳурмат билан қарарди ва ислом фалсафаси ҳақида мушоҳада қилишни яхши кўрарди. Араб тилини бил-

маса ҳам Қуръонни яхши эгаллаган, умуман ислом адабиёти билан яхши таниш эди. У ҳаддан ташқари куп мисолларни биларди ва ҳар лаҳзада улар тайёр турарди. Яқиндан танишиб олгач, биз диний мавзуларда узоқ-узоқ суҳбатлашадиган булдик.

Келганимнинг иккинчи ё учинчи куни у мени Дурбан судига олиб борди. Шу ерда мени айрим шахсларга таништирди ва ўзининг ваколатли одами ёнига ўтқазди. Бош судья менга тикилиб гапга солди-да, охири салламини олиб қўйишимни айтди. Мен рад этдим ва суд биносидан чиқиб кетдим.

— Мусулмон кийими кийган, — деди у, — саллада қолиши мумкин, қолган барча ҳиндлар судга кираётганида уни ечиб қўйиши шарт.

Нозик тафовут тушунарли булиши учун айрим тафсилотларда тўхталиб ўтиш зарур. Мана шу икки-уч кун ичида билдимки, ҳиндлар бир неча гуруҳга булинган. Улардан узларини “араблар” деб билганлари мусулмон савдогарлардан иборат эди. Иккинчи гуруҳни “ҳиндулар” ташкил этарди. Яна бир гуруҳ парс клерклари эди. Ҳинду клерклари, агар уз тақдирларини “араблар” билан боғламаган булсалар, бу гуруҳлардаги биронтасига кирмас эдилар. Парс клерklar узларини форслар деб атар эдилар. Мана шу учта гуруҳ бир-бири билан муайян ижтимоий муносабатларда турар эди. Бироқ энг кўпсонли гуруҳ шартномали ёки эркин ишчилар — тамиллар, телугулар ва Шимолий Ҳиндистондан келиб чиққанлар эди. Шартномали ишчилар Наталга шартнома асосида келган эдилар ва беш йил ишлаб беришлари керак буларди. Уларни бу ерда “гирмитта” дер эдилар, бу “гирмит” — инглизча “эгримент” (agreement) сузининг бузилган шаклидан олинган. Дастлабки уч гуруҳ билан фақат иш юзасидан муносабатда булар эди. Инглизлар бу одамларни “кулий” (ҳаммол) деб атар эдилар, ҳиндларнинг катта қисми меҳнаткашлар синфига мансуб булганидан барча ҳиндларни “кулий” ёки “самий” деб атай бошлаганлар. Самий — куплаб тамил исмлари қўшимчаси қуринишида учрайдиган тамилча суффикс булиб, санскритча “свамий”дан узга нарса эмас ва таржимада жаноб, хужайин маъносини англатади. Шу боис ўзини билган ҳинд унга “свамий” деб мурожаат қилганларида хафа булади ва бунга жавобан қўйидаги гапни айтиши мумкин: “Мени

“свакий” деб аташингизга қаршилигим йуқ, аммо сиз “свакий” жаноб, хужайин деганини унутаяпсиз. Мен эса сизнинг хужайинингиз эмасман-ку!” Баъзилар уни аччиқ киноя ўрнида ишлатганлар, баъзилари ҳиндлардан жаҳли чиққан, сўккан, кези келганда эса уларни урганлар ҳам: ахир “самий” уларнинг наздида ҳақоратловчи лақаб ҳисобланганда. “Самий”дан бу сўз “жаноб” деган маънони англатади, деган изоҳни эшитиш ҳақорат бўлиб туюлган!

Мени “оқловчи кулий” деб атай бошладилар. Савдогарларни “савдогар кулий” дердилар. Шундай қилиб, “кулий” сўзининг дастлабки “ҳаммол” маъноси унут бўлиб кетган ва у ҳиндларга нисбатан одатдаги мурожаатга айланиб қолган. Савдогар мусулмон жаҳли чиқиб, “мен кулиймас, арабман”, ёки “мен савдогарман” дейиши мумкин булган, агар савол берган инглиз одобли одам булса, ундан кечирим сураган.

Мана шундай бир аҳволда салла ураш алоҳида аҳамият касб этган. Саллани ечиш талабига бўйсунуш ҳиндлар учун ҳақорат заҳрини ичга ютиб кетавериш билан тенг булган. Шу боис мен ҳинд салласи билан хайрлашишга ва шляпа кийишга қарор қилдим. Бу мени ҳақоратлардан ва ноўрин гап эшитишлардан қутқарди...

ПРЕТОРИЯГА САФАР

Кўп ўтмай мен Дурбанда яшовчи насроний ҳиндлар билан танишдим. Улар орасида мазҳаби католик суд таржимони мистер Поль, шунингдек, ҳозирда марҳум, ўша вақтда протестант мубашширлиги қошида ўқитувчи, Ҳиндистонга 1924 йилда Жанубий Африка депутация аъзоси сифатида борган мистер Жейм Годфрининг отаси мистер Субҳон Годфри бор эди. Тахминан шу вақтларда марҳум парс Рустамжий ва Одамжий Миёнхон билан учрашдим. Илгари фақат иш юзасидан кўришиб юрган барча одамлар бориб-бориб, бир-бирлари билан узвий алоқа ўрнатдилар.

Ўша вақтда мен танишлар доирасини кенгайтирдим, фирма ўз ҳуқуқ маслаҳатчисидан хат олди, унда судга тайёргарлик кўриш ва Абдулла Шет Преторияга ўзи бориши ёки ўз вакилини жунатиши кераклиги айтилганди.

Абдулла Шет менга хатни кўрсатар экан, Преторияга борасанми, деб сўради.

— Бунга ишни куриб чиққанимдан кейин жавоб беришим мумкин, — дедим мен, — у ерда мен нима қилишим лозимлиги ҳозир менга қоронги.

У шу заҳоти клеркларига мени иш билан таништиришни буюрди.

Ишни урганишга киришар эканман, уни энг бошидан бошлаш кераклигини ҳис этдим. Занзибардаёқ унинг иши билан танишиш учун бир неча кун судга қатнаган эдим. Парс оқловчи идора дафтарларидаги кредит ва дебетдаги қайдлар ҳақида саволлар бериб, гувоҳни сўроқ қиларди. Булар барчаси менга бошдан-оёқ машмашали бўлиб куринди. Мен на мактабда, на Англияда бўлган вақтимда ҳисобчиликни урганмаган эдим. Шуни деб Африкага келганим ишда эса гап асосан ҳисобчилик, ҳисоб-китоблар туғрисида кетарди. Ҳисобчининг ҳисобини билган одамгина уни шарҳлаб бериши мумкин эди. Абдулланинг хизматчиси дебет ва кредит ҳақида менга қайдлар туғрисида сузлади ва мен тобора кўпроқ жиловланганимни сездим. Қ.М. нима эканини билмасдим. Луғатда бу қисқартмани топа олмадим. Мен тушунмаслигимни клеркка очиқ айтдим ва ундан Қ.М. — қарз мажбурияти эканини билдим. Шунда мен ҳисобчилик ҳисоби буйича дарсликни сотиб олдим ва гап нимадалигини англадим.

Ҳисобчилик қайдларини очиб беришни удалай олмаган Абдулла Шет ўзининг ҳисобчилик тажрибаси шарофати билан барча шумликларни бемалол тушунишини пайқадим. Мен унга Преторияга боришга тайёрлигимни айтдим.

— У ерда қаерда қўнасиз? — сўради мендан Шет.

— Қаерни маъқул кўрсангиз, ўша ерда, — жавоб бердим мен.

— Унда ҳуқуқ маслаҳатчимизга ёзиб юбораман ва у уй топиш ғамини ейди. Бундан ташқари, лиман дусларимга ҳам хат ёзиб юбораман, аммо уларникида қунмаслигингизни маслаҳат бераман. Бизнинг рақибларимиз Преторияда катта эътибор қозонган. Борди-ю, бизнинг шахсий ёзишмаларимиз улардан бирининг қўлига тушиб қолгудек бўлса, бу бизга катта зарар келтиради. Улардан қанча узоқ юрсангиз, бизга шунча яхши.

— Сизларнинг ҳуқуқ маслаҳатчиларингиз мени қаерга жойлаштирса, ўша ерда қўнаман ёки ўзим жой топаман.

Илтимос, ташвиш қилманг. Сиз билан бизнинг сирларимиздан ҳеч ким воқиф булолмайди. Аммо мен рақибларимиз билан танишиб олиш ниятидаман. Улар билан дустона алоқалар урнатмоқчиман. Агар имкони булса, ишни судсиз бир ёқлик қилишга уриниб кураман. Нима булганда ҳам Тайиб Шет — сизга қариндош.

Шет Тайиб Ҳожи Хон Муҳаммад Абдулла Шетнинг яқин қариндоши эди.

Дустона битим имкони ҳақида эслатов, назаримда, Шетни бироз уйлантириб қуйди. Бироқ мен Дурбанда олти-етти кундан буён турганим боис биз бир-биримизни билар ва тушунар эдик. Мен энди унинг учун “оқ фил” эмасдим. Шу боис у:

— Ҳм-м, тушунарли, — деди, албатта, судсиз келишув энг яхши якун булар эди. Аммо бизлар қариндошлармиз ва бир-биримизни аъло даражада биламиз. Тайиб Шет битимга осонгина рози буладиган одам эмас. У бизнинг кичкинагина хатомиздан фойдаланиб, сиқиб сувимизни ичади ва охири бошимизга чиқиб олади. Илтимос, шунинг учун бирон чора куришдан олдин яна бир марта уйлаб куринг.

— Бу ёғидан ташвиш қилмасангиз булади, — дедим мен. — Менинг Тайиб Шет ёки биронта бошқаси билан ҳали иш моҳияти буйича гаплашишимга ҳожаг йуқ. Мен фақат унга битим тузишни ва шу тариқа ортиқча югур-югурлардан қутулишни таклиф этаман.

Келганимнинг еттинчи ёки саккизинчи куни мен Дурбандан чиқиб кетдим. Менга биринчи класс чиптаси олиб беришди. Боз устига одатда курпа-тушак учун яна беш шиллинг тулар эдилар. Абдулла Шет узимга курпа-тушак буюришимни қайта-қайта тайинлади, бироқ уjarлигим, мағрурлигим ва беш шиллингни тежаб қолишим учун мен кунмадим. Абдулла Шет мени огоҳлантирди.

— Қаранг, бу ер Ҳиндистон эмас, — деди у. — Худога шукур, бундай харажатларга чунтагимиз чидайди. Илтимос, керакли нарсаларга йуқ деманг.

Мен унга ташаккур билдирдим ва ташвишланмаслигини сўрадим...

Кечкурун соат саккизларда поезд Преторияга етиб келди...

ПРЕТОРИЯДА БИРИНЧИ КҮН

Претория вокзалида мен Дада Абдулла вакилининг хизматчиларидан биронтасини куриб қоларман деб ўйлагандим. Ҳиндлардан ҳеч ким мени кутиб олмаслигини билардим, чунки мен ҳиндларнинг уйида қунмайман, деб қаттиқ ваъда бергандим. Бироқ вакил ҳеч кимни жунатмади. Кейин билсам, мен якшанбада келганим боис хизматчини мени кутиб олгани жунатиш ноқулай булган экан. Мен ҳайрон эдим ва биронта ҳам отелда мени қабул қилмасликларидан кўрқиб, қаёққа борсам экан, деб ўйланиб қолдим.

1914 йилдаги Претория вокзали 1893 йилдаги ҳолатига сира ўхшамасди. Чироқлар кам эди. Йўловчилар оз буларди. Қули бушаганда чипта олувчи назоратчидан сураб кўрарман деган ўйда ҳамма чиқиб кетгунча кутиб турдим. Ким билсин, инсоф қилса, менга чоғроқ бир меҳмонхонани айтар ёки вокзалда тунашимга туғри келмаслиги учун бориб ётишимга бошқа бирон жойни кўрсатар. Туғрисини айтсам, ўзимни қўлга олиб, шу кичик бир илтимос билан мурожаат қилишга юрагим безиллаб турарди — сутдан оғзи қўйган қатиқни ҳам пуфлаб ичар, дейдилар-ку. Дунёда таҳқирланишдан ёмони йўқ.

Вокзал бум-буш бўлиб қолди. Мен чиптамни назоратчига бердим-да, ундан суриштира бошладим. У одоб билан жавоб қайтарарди, бироқ бундан бир иш чиқишига кузим етмади. Бироқ суҳбатга ёнимизда турган бир америкалик занжи аралашди.

— Куриб турибман, — деди у, — сиз бу ерда бегонасиз, дўстларингиз йўқ. Йўқ демасангиз, мен сизни бир чоғроқ меҳмонхонага олиб бораман. Унинг эгаси — америкалик, уни яхши биламан. У сизга жой туғрилаб беради.

Бу таклиф бир жиҳатдан мени хавотирга соларди, бироқ мен рози бўлдим ва миннатдорчилик билдирдим. У мени Жонстон меҳмонхонасига олиб борди. У ерда у меҳмонхона эгасини бир четга тортди-да, у билан нималарнидир келишди ва меҳмонхона эгаси мени бир кеча қўйишга рози бўлди, аммо мен овқатни хонамда ейишим шарт билан.

— Ишонинг менга, — деди у, — мен ҳеч қандай ирқ-пирқни ажратмайман. Бироқ борди-ю сизни ошхонага қўйсам,

барча мусофирлар — оврупаликларнинг нафсонияти лат ейиши ва ҳатто меҳмонхонадан кетиб қолишлари ҳам мумкин.

— Менга бир кеча тунаб қолишимга изн берганингиз учун миннатдорман, — дедим мен. — Бу ердаги тартиб-интизомлар билан озми-кўпми даражада танишман ва хавотирланишингизни тушунаман. Ўз хонамда овқатланишимга қарши эмасман. Умид қиламанки, эртага бошқа бир жойнинг иложини қиламан.

Менга хона беришди ва тушлик хусусида бош қотира бошладим. Меҳмонхонада мусофирлар сийрак эди ва официант овқатни тезроқ олиб келар деган хаёлда эдим. Бироқ унинг урнига м-р Жонстон келди ва деди:

— Сизни хонангизда овқатланинг деб айтганимдан хижолатдаман. Шунинг учун мен бошқа мусофирлар билан гаплашдим ва сизнинг ошхонада овқатланишингизга розимисизлар, деб сурадим. Улар майли дейишди ва сиз умуман бу ерда қанча хоҳласангиз шунча тураверишингиз мумкин. Марҳамат, малол келмаса, ошхонага борайлик ва хоҳлаганча шу ерда тураверинг.

Мен яна миннатдорчилик билдирдим, ошхонага бордим ва иштаҳа билан овқатни тушира кетдим.

Эртаси куни оқловчи А.У. Бейкер ҳузурига йул олдим. Абдулла Шет у ҳақда менга гапириб бергани ва унинг мени очик чехра билан кутиб олганидан ҳайрон булмадим. Бейкер мен билан жуда илиқ муомалада булди ва лутф билан ҳамма нарса ҳақида суриштирди. Мен узим ҳақимда унга батафсил ҳикоя қилиб бердим.

— Бу ерда оқловчи сифатида сизга иш йуқ,— деди у,— чунки биз энг яхши ваколатли одамни чақирганмиз. Бу иш туя гушти еб ётибди ва ғоят мураккаб, мен сизга фақат керакли маълумотни олишда ёрдам бериш учун мурожаат қиламан. Сиз мижоз билан алоқани енгиллаштирасиз, чунки ундан менга керак буладиган барча маълумотларни энди мен сиз орқали оламан. Бу албатта фойда келтиради. Сизга ҳали хона топганимча йуқ. Аввал сиз билан танишиб олай, кейин топарман, деб уйладим. Бу ерда ирқчилик балоси қаттиқ авж олган ва шунинг учун сизга ухшаганлар учун хона топиш осон эмас. Лекин мен бир ғариб аёлни биламан, новвойнинг хотини, у сизга жой топиб берса керак, баҳонада оз-моз пул ишлаб олади. Кетдик ушаникига.

У мени уша аёлнинг олдига олиб борди, гаплашди ва ҳафтасига 35 шиллинг эвазига тула паноҳига олди.

М-р Бейкер ваколатли одамгина эмасди, у муттасил но-черков ваъзхони сифатида ваъзлар уқирди. У ҳали ҳам ҳаёт ва ҳуқуқшунослик фаолиятини ташлаб, бутунлай мубашширлик фаолиятига шунғиб кетган. У бадавлат одам. Биз ҳозир-гача хат ёзишиб турамиз. Уз хатларида у мудом битта мавзуга батафсил дахл қилади. У насронийликнинг турли нуқтаи назарлардан афзаллигини исботлайди ва Исо Масихни худонинг ягона угли ва башарият халоскори деб тан олмагунча бандаси боқий дунёга дохил булолмайди деб уқтиради.

Дастлабки суҳбатлардаёқ м-р Бейкер менинг диний қарашларимга қизиқсинди.

— Мен ҳинду булиб туғилганман, дедим мен унга.— Аммо мен ҳам ҳиндувийликни бошқа динларга қараганда оз биламан. Кимлигимни, нимага ишонишимни ва нимага ишониш кераклигини узим ҳам аниқ билмайман. Мен уз динимни, имкони бўлса бошқа динларни ҳам кунт билан урганмоқчиман.

Бейкер суюниб кетди ва:

— Мен Жанубий Африка бош мубашшири руҳонийларидан бириман,— деди.— Уз маблағимга черков қурдирганман ва биз ҳар куни соат бирда бир неча дақиқага тупланганимизда, биздан тинчлик ва нурингни дариг тутма, деб мурожаат қиламиз. Бизга бош қушсангиз, жуда кунглимиздагидек буларди. Мен сизни маслакдошларимизга таништириб қуяман ва уйлайманки, уларнинг жамоаси сизга ҳам маъқул бўлади. Бундан ташқари, мен сизга уқиш учун бир нечта китоб бераман, гарчанд китоблар китоби — бу Инжил ва уни мен сизга алоҳида тавсия этаман.

Мен м-р Бейкерга ташаккур айтдим ва имкони бўлса, мунтазам кундуз соат бирда тоат йигинида қатнашишга рози бўлдим.

— Ундай бўлса, сизни шу ерда эртага кундуз соат бирда кутаман ва биз биргаликда ибодатга йул оламиз, — деди Бейкер ва биз хайрлашдик.

Ҳозирча уйлаб олишим учун менда бироз вақт бор эди.

Мен м-р Жонстон ҳузурига йул олдим, у билан ҳисоб-китоб қилдим ва энди янги гушамда нонушта қилдим. Бека яхши аёл экан. У менга утхурлик таоми пишириб берарди.

Куп ўтмай мен узимни унинг оиласида уйдагидек ҳис эта бошладим.

Кейин мен Дада Абдулла менга хат берган одамнинг олдига йул олдим. Жанубий Африкада ҳиндуларнинг маҳрумиятлари борасида мен ундан куп нарса билиб олдим. У меникида қунгин деб куп ундади, бироқ мен яхши жойлашиб олганман, деб ташаккур айтдим. У ҳар қандай иш излашдан уялмай унга мурожаат қилаверишимни қаттиқ тайинлади.

Қоронғи тушиб қолганди. Мен уйга қайтдим, овқатландим, уз хонамга утдим, ётдим ва чуқур уйга толдим. Менинг шошилинич ишим йуқ эди. Мен бу ҳақда Абдулла Шетга маълум қилдим. М-р Бейкернинг менга қизиқиб қолгани нимани англатиши мумкин? Унинг диний маслакдошлари билан танишиш менга қандай фойда келтиради? Насронийликни қай даражада чуқур урганишим лозим булади? Ҳиндувийлик буйича адабиётни қаердан топаман? Уз динимни тузукроқ билмай туриб, насронийликнинг ҳақиқий урнини англай олармиканман? Мен битта тухтамга келган эдим: мен нимага дуч келишимга тўғри келса, ҳаммасини холисанилло ўрганишим ва м-р Бейкер гуруҳи билан узимни Худо қандай буюрган бўлса ушандай тутишим керак, то уз динимни тула англаб етмагунимча бошқа динни қабул қилиш тўғрисида уйламаслигим лозим.

Шундай хаёллар билан ухлаб қолдим.

ҲИНДЛАР БИЛАН ЯҚИНЛАШИШГА ИНТИЛИШ

Дада Абдулла Наталда қандай мавқега эга бўлса, Шет Тайиб Ҳожи Хон Муҳаммад Преторияда ана шундай мавқега эга эди. Бирон-бир жамоатчилик ташаббуси усиз ўтмайди. Мен дастлабки ҳафтадаёқ у билан танишдим ва Преториядаги барча ҳиндлар билан яқинлашиш ниятидаман, деб айтдим. Мен уларнинг аҳволи билан танишишни хоҳлашимни билдирдим ва менга ёрдам беришини илтимос қилдим, у илтимосимга бажонидил рози бўлди.

Мен ишни Преториядаги барча ҳиндларни таклиф этиб, йиғилиш ўтказишдан бошладим ва уларга Трансваалдаги аҳвол манзарасини чизиб бердим. Йиғилиш Шет Ҳожи Муҳаммад Ҳожи Жоосабнинг уйида булиб ўтди, бунга менда

тавсия хати бор эди. Дарвоқе, Преторияда ҳиндулар умуман бармоқ билан санарли эди.

Бу йиғилишда ирод этганим нутқ, айтиш мумкинки, менинг биринчи оммавий нутқим эди. Мен сузга чиқишга яхши тайёрлангандим, уни тижоратда ҳалоллик ҳақидаги масалага бағишлагандим. Мен қупинча савдогарлар оғзидан тижорат ишларида ҳалоллик бўлиши мумкин эмас, деган гапларни эшитиб қолардим. Бу фикрга қўшилмаганман ва ҳозиргача қўшилмай келаман. Ҳозир ҳам тижоратчи дўстларим бор, улар ҳам ҳалоллик ва тижорат бир-бирига зид нарсалардир, деб айтишади. Тижорат, дейишади улар, амалий иш, ҳалоллик эса — динга оид нарса; улар амалий иш бошқаю дин бутунлай бошқа нарса деб исботламоқчи бўлишади. Уларнинг ҳисоблашича, тижорат ишларида охиригача ҳалол бўлиб қолиш туғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, фақат қулай пайтлардагина ҳақиқатни гапириш мумкин. Ўз нутқимда мен бу фикр устида обдан тортишдим, савдогарлар кўнглида улар учун икки барабар зарур булган бурч онгини уйғотишга ҳаракат қилдим. Уларнинг ҳалол бўлишдаги масъулияти ёт мамлакатда янада муҳим, чунки бу ерда айрим ҳиндларнинг ишларига қараб миллионлаб ватандошларимиз ҳақида мулоҳаза юритадилар. Мен халқимизни атрофдаги ишларимизга нисбатан ифлос шароитларда яшайптилар, деб ҳисоблар эдим ва йиғилганлар эътиборини шу ҳолатга қаратдим. Мен ҳиндулар, мусулмонлар, парслар, насронийлар, гужаротлар, мадрасликлар, панжобликлар, синдҳлар, каччҳлар, суратчилар ва ҳоказолар уртасидаги ҳар қанақанги тафовутларни унутиш зарурлигини таъкидладим.

Хотимада мен ассоциация ташкил этишни таклиф этдим, унинг номидан ҳукумат ҳинд муҳожирлари бошидан кечираётган зулмларга оид тасаввурларга эга булсин ва бу ишга қўлимдан келганча вақтимни ҳам, нақдимни ҳам аямаслигимни айтдим.

Мен нутқим йиғилганларда катта таассурот қолдираётганини кўриб турардим.

Нутқим юзасидан баҳс бошланиб кетди. Йиғилганлардан қўпчилиги менга айрим далилларни айтмоқчи булди. Мени қўллаб-қувватлаётганларини сездим. Йиғилганлардан айримларигина инглизча гапирар эди. Бу мамлакатда инглизчани билиш фойдали эканини англаб, мен кимнинг вақти мусо-

ида этса, англиз тилини урганишини таклиф қилдим. Тилни ҳатто улуг ёшда ҳам эгаллаш мумкин, деб айтдим ва тегишли мисоллар келтирдим. Бундан ташқари, агар келажакда англиз тилини ўқитиш гуруҳлари тузилса, шунингдек, тил билан шуғулланишни истовчи шахсларга ёрдам беришга ваъда қилдим.

Гуруҳ тузилмади, аммо башарти мен уларнинг олдига келадиган булсам, уч йигит англиз тилини урганишга тайёрликларини изҳор этдилар. Улардан иккиси мусулмон — бири сартарош, бири клерк эди, учинчиси — ҳинду, майда боққол эди. Мен уларга ёрдам беришга рози булдим. Ўз ўқитувчилик қобилиятимга ишонардим. Шундай пайтлар буладики, шогирдларим чарчаб қоларди, лекин мен чарчаш нималигини билмасдим. Гоҳо шундай булардики, уларнинг олдига фақат уларни уз ишлари билан машғул пайтда куриш учун келардим. Лекин мен чидар эдим. Учаловидан биттаси ҳам тилни чуқур эгаллашга интилмасди, аммо иккитаси саккиз ой мобайнида анча катта муваффақиятларга эришди. Улар ҳисобчилик дафтарлари юргизишга ва жун ишхона хатлари ёзишга имкон берувчи билимга эга булишди. Сартарош мижозларга хизмат қилиш учун етарли бўлган билим билан чекланиб қўя қолди. Шундай қилиб, ўқиш давомида икки шогирд тилни, ишларни англиз тилида бемалол олиб бориш даражасида эгаллади.

Мен йиғилиш натижаларидан қаноат ҳосил қилгандим. Бундай йиғилишларни, эсимда булса, ҳафтада бир ёки эҳтимол бир ойда бир утказиб туришга қарор қилишганди. Йиғилишлар оз ё куп даражада мунтазам утказиларди ва уларда бемалол фикр алмашувлар бўлиб турарди. Куп ўтмай Преторияда мен билмаган ва ҳаётий шароитлари билан таниш булмаган биронта ҳам ҳинд қолмади. Бу мени Преториядаги Британия агенти м-р Жекоб де Вет билан танишишимга туртки берди. У ҳиндларга хайрихоҳлик билан қарар эди, бироқ обруйи у қадар баланд эмасди. Шундай булса-да, у барибир қулидан келганча бизга ёрдам беришга рози булди ва мендан ҳузурига истаган вақтда кираверишимни илтимос қилди.

Мен темир йул мутасаддилари билан ҳам борди-келди қилар эдим ва уларга ҳиндлар поездда дуч келаётган зулмларни ҳатто улар жорий этган қоидалар билан оқлаб булмаслигини айтар эдим. Бунга улар хат билан жавоб қилишди.

Унда айтилишича, бундан кейин агар одамбашара булиб кийинган булишса, ҳиндларга ҳам биринчи ва иккинчи класс чипталари берилади. Бу масаланинг унча қониқарли ҳал этилмагани уз-узидан куриниб турарди, чунки ким “одамба-шара” булиб кийинганини ҳал этиш станция бошлигининг ихтиёрида эди.

Преториядаги Британия агенти мени ҳинд масаласига дахлдор айрим ҳужжатлар билан таништирди. Тайиб Шет ҳам менга тегишли ҳужжаглари тақдим этди. Улардан Нора-нжлар республикасида ҳиндлар билан нечоғли шафқатсиз муносабатда бўлганларини билдим.

Қисқа қилиб айтганда, Преторияда булишим Трансваал ва Нора-нжлар республикасидаги ҳиндларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий аҳволини чуқур урганиш имконини берди. Бу урганиш келажакда менга катта ёрдам беришини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Башарти суд жараёни тугал-ланса, мен уйга йилнинг охирида ёки ундан эртарақ қайтишни уйлардим.

Бироқ Худонинг хоҳиши бошқа эди.

❦ “КУЛИЙ” БУЛИШ НИМА ДЕГАНИ ❦

Трансваал ва Нора-нжлар республикасидаги ҳиндларнинг аҳволини батафсил тавсифлаш бу ерда уринли эмас. Бу ҳақда тула тасаввур ҳосил қилмоқчи бўлганлар менинг “Жану-бий Африкада сатяграҳ тарихи”мга мурожаат қилишлари мумкин. Бироқ бу масалада умумий тарзда тўхталиб ўтиш зарур.

Нора-нжлар республикасидаги ҳиндлар 1888 йилда ёки ҳатто ундан олдинроқ махсус қонунлар билан қабул қилин-ган барча ҳуқуқлардан маҳрум эдилар. Агар ҳинд меҳмон-хонада малай булиб хизмат қилса ёки худди шу турдаги бош-қа бирон лавозимда ишласагина унинг бу ерга келиб жой-лашувига руҳсат бериларди. Арзимаган товон пули олиб, сотувчилар қувиб чиқарилганди. Улар норозилик билдир-ганлар, намоийшга чиққанлар, бироқ фойдаси булмаган.

Трансваалда 1885 йилда ҳаддан ташқари қаттиқ қонун қабул қилинган. 1886 йилда унга баъзи узгартишлар киритилган эди. Тузатишлар киритилган бу қонунга кўра Транс-ваалга кириши чоғида ҳиндлар уч фунт стерлинг миқдори-

да жон солиғи тулашлари шарт эди. Улар узлари учун ажратилган махсус жойлардагина ер олишлари мумкин эди, ҳолбуки улар у ерда ҳам мулкчилик ҳуқуқидан фойдаланмаганлар. Ҳиндлар яна сайлаш-сайланиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум эдилар. Булар бари “осиёликлар” учун махсус қонунда кўзда тутилари эди, бундан ташқари улар яна “ранглилар” учун белгиланган бошқа қонунларга ҳам буйсунишга мажбур эдилар. “Ранглилар” учун қонунларга кўра, ҳиндлар тротуарларда юриш, кечки соат тўққиздан кейин рухсатсиз кўчада кўриниш ҳуқуқига эга эмас эдилар. Тўғри, араблар деб қараладиган ҳиндлар учун бундай чекловлар жорий этилмасди. Шундай қилиб, қонунни қўллаш полиция ихтиёрига ташлаб қўйиларди, деса бўлади.

Бу ҳар иккала қоида нимани англатишини мен ўз бошимдан утказганман. Кечқурунлари мен купинча м-р Коатс билан сайр қилар эдим ва биз камдан-кам ҳолларда уйга соат ўндан олдин қайтар эдик. Полиция мени тутиб олса нима бўлади? Бу м-р Коатсни мендан кўпроқ ташвишга соларди. Ўз занжи хизматкорларига у рухсат бериши лозим эди. Аммо бу рухсатномани у менга бера олармиди? Рухсатномани фақат хизматкор уз ҳужайинидан оларди. Борди-ю, мен шундай рухсатни олишни истаганимда ҳам ва Коатс уни менга беришга рози булганида ҳам бу барибир иш бермасди, чунки бу хиёнат ҳисобланган буларди.

Шу боис м-р Коатс ёки унинг танишларидан биронтаси мени оқловчи д-р Краузе ҳузурига бирга олиб борар эди. Маълум бўлишича, Лондонда биз битта ҳуқуқ корпорациясида бўлган эканмиз. Кечқурун соат тўққиздан кейин кўчага чиқиш учун менинг рухсат олишим кераклигини билиб у қаттиқ жиғибийрон бўлган эди. У менга ҳамлардлик изҳор қилди. Менга рухсатнома ёзишни буюриш ўрнига полиция тақиқига дучор бўлмасдан исталган вақтда чиқишга рухсат берадиган хат ёзиб берди. Кўчага чиқар эканман, ҳар доим шу хатни ўзим билан олиб олар эдим. Борди-ю, ундан бирон марта ҳам фойдаланишга тўғри келмаган бўлса, бу соф тасодифдир.

Д-р Краузе мени ҳузурига таклиф этди ва биз дўст бўлиб қолдик, десам булаверади. Унинг ҳузурига киришларимдан бирида мен унинг Йоганнесбургда қораловчи бўлган машҳур акам билан танишиб қолдим. Инглиз — бур уруши вақ-

тида англиз зобитини улдиришга тайёргарликда иштироки учун ҳарбий судга тортилган ва етти йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди. Ҳуқуқ корпорацияси сардори уни оқловчилик амалиётидан маҳрум қилганди. Уруш ҳаракатлари туғач, у озод этилган ва обрӯ-эътибор билан Трансваал адвокатурасида қайта тикланган, амалиётини янгитдан бошлаб юборган эди.

Кейинчалик бу алоқалар менинг ижтимоий фаолиятимга фойда келтирди ва ишимни анча енгиллатди.

Тротуарларда юришнинг ман этилиши мен учун янада жиддийроқ оқибатларга сабаб буларди. Мен ҳар доим Президент кучасидан ўтиб сайр қилгани борардим. Мана шу кучада президент Крюгернинг уйи жойлашганди. Бу ғоят жун иморат эди, боғсиз, қушни уйлардан фарқ қилмасди. Преториядаги қўп уйлар анча ҳашаматли куринарди, улар боғ билан қўршалган буларди. Президент Крюгернинг камтарлиги маталга айланиб кетганди. Фақат унинг уйи олдидаги полиция қўриқчилари бу ерда мансабдор шахс яшашидан гувоҳлик берарди. Полиция ёнидаги тротуардан мен деярли ҳар доим бемалол ўтиб кетаварардим.

Бироқ навбатчилар алмашиб турар эди. Бир куни полициячи ҳеч бир огоҳлантиришсиз, ҳатто тротуардан чиқимни сўрамай, қўполлик билан мени тош йўлга туртиб юборди. Мен қўрқиб кетдим. Нега ундай қилганини сураб улгурмасимдан тасодифан шу ердан от миниб ўтаётган м-р Коатс чақириб қолди.

— Ганди, мен ҳаммасини кўрдим. Агар сиз бу одатга қарши иш қўзғасангиз, мен жон-жон деб гувоҳликка ўтардим. Сизга бундай қўполлик қилганларидан жуда афсусдаман.

— Хафа бўлишга арзимайди, — дедим мен. — Бу шўрлик нимани ҳам тушунарди? Унинг учун ҳамма ранглилар бирдай. У мен билан барча занжилардай иш тутди. Шахсий тусдаги шикоятлар билан судга мурожаат қилишга ўрганмаганман. Шу боис мен уни судга бермоқчи эмасман.

— Бу узингизга ухшадингиз! — деди Коатс. — Лекин барибир уйлаб кўринг. Унинг адабини бериб қўйиш керак.

Сунгра у полицияга мурожаат қилди ва унга ҳайфсан берди. Улар нима тўғрисида гаплашишганини тушунмадим, чунки полициячи бор эди ва улар голландча гаплашишганди. Бироқ полициячи олдимга келиб кечирим суради, асли-

да бунга ҳеч қандай зарурат йуқ эди. Мен уни аллақачон кечиргандим.

Шундан бошлаб мен бу кучадан сира юрмайдиган булдим: бу одамнинг урнида воқеадан беҳабар бошқаси турган бўлиши ва у ҳам шундай қилиши мумкин эди. Заруратсиз яна тош йулга чиқариб ташланишга на ҳожат? Мен бошқа йулдан юра бошладим.

Бу воқеа ҳинд муҳожирларига нисбатан менинг ҳамдард-лигимни кучайтирди. Британия агенти билан кўришгандан кейин агар иш қузғаш зарур бўлиб қолгудек бўлса, шундай қилишга уриниш нечоғли мақсадга мувофиқлигини мен улар билан муҳокама қилдим.

Шундай қилиб, фақат ҳикояларни уқиб ва тинглабгина эмас, балки уз шахсий тажрибамда ҳинд муҳожирлари ҳаётининг оғир шароитларини билиб олдим. Жанубий Африка узини билган ҳинд яшаш мумин булган мамлакат эмаслигини кўрдим ва аҳволни қандай қилиб ўзгартириш тўғрисидаги савол мени тобора кўпроқ қийнар эди.

Лекин менинг асосий вазифам уша вақтда Дада Абдулланнинг иши эди.

СУДГА ТАЙЁРГАРЛИК

Преторияда бир йил булганим ҳаёгимни бойитиб юборди. Айнан шу ерда мен ижтимоий фаолиятнинг қайсидир малакаларини ўрганиш ва узлаштириш имкониятига эга булдим. Айнан шу ерда диний руҳ менинг ҳаёгий таянчим булди ва шу ерда яна ҳуқуқ амалиётининг ҳақиқий билимини олдим. Шу ерда мен ёш оқловчи катта оқловчилик хонасида биладиган нарсаларни ўргандим ва шу ерда ниҳоят мендан ҳақиқий оқловчи чиқишига ишонч шууримдан жой олди. Оқловчи муваффақиятининг сири қандайлигини Преторияда билдим.

Дада Абдулланнинг иши кичик иш эмасди. Даъво пулиннинг умумий миқдори 40 минг фунт стерлингни ташкил этарди. Тижорат битимларидан келиб чиққан ҳолда у чигаллашиб кетган ҳисоб-китоблардан юзага келганди. Қисман даъво берилган векселларга асосланса, қисман вексель бериш ваъдасини ташкил этган мажбуриятларга асосланарди. Ҳимоя шунга таяниб иш кўрар эдики, қарз мажбуриятлари ёлғон тарзда тузилган ва етарли таъминотга эга булмаган.

Мана шу чалкаш ишга куплаб можаролар илашиб қолган ва турли-туман қонунлар қулланган эди.

Ҳар иккала томон ҳам энг яхши ҳимоячилар ва ваколатли шахсларни ёллаганиди. Шундай қилиб, уларнинг ишини урганиш учун ажойиб имкониятга эга эдим. Менга ваколатли шахс даъвогарнинг ишини тайёрлашни ва даъвогар фойдасига далилларни олиб қўйишимни топширишди. Кузатиб туриб, мен ваколатли шахс нимани қабул қиладию нимани рад этади, шунингдек, ваколатли шахс тайёрлаган досьедан ҳимоячи қандай фойдаланади — шуларни билиб олдим. Судга тайёрланиш — исботларни олиб қўйиш учун менинг ақлий қувватим ва қобилиятларимнинг ажойиб мезони эканини англадим.

Иш мени қаттиқ қизиқтириб қўйди, унга бутун вужудим билан киришиб кетдим. Мен даъвога дахлдор битимлар буйича барча ҳужжатларни қайта ўқиб чиқдим. Мижозим ғоятда лаёқатли одам эди, у менга мутлақо ишонар ва бу ишни енгиллаштирарди. Мен ҳисобчиликни кунт билан ўргандим ва таржима санъатида комилликка эришдим, чунки куп қисми гужаротийда олиб бориладиган ёзишмаларни таржима қилишимга туғри келарди. Гарчанд, олдин айтганимдай, мени динга сифиниш ва ижтимоий фаолият масалалари қизиқтириб, вақтимни шунга сарфласам-да, бу пайтда у иккинчи даражали булиб қолганиди. Асосий нарса суд жараёнига тайёрланиш эди. Қонунларни ўқиш ва зарурат туғилганда суд ҳолатларини қидириб топиш ҳар доим жуда куп вақтни олар эди. Натижада менда ҳар иккала томон харажатлари булгани боис ишга тааллуқли шунчалик куп далилларни билишга муваффақ бўлдимки, бунақасини ҳатто, назаримда, даъво қилаётган томонларнинг узлари ҳам билишмаса керак.

Мен марҳум м-р Пинкаттнинг сузларини эсладим: далиллар — қонуннинг тўртдан уч қисми. Кейинчалик буни жанубий африкалик таниқли оқловчи м-р Леонард ҳам астойдил таъкидлаган эди. Менга топширилган ишни ўрганар эканман, гарчанд ҳақиқат менинг мижозим томонда бўлса-да, қонун унга қарши тураётганини кўрдим. Мен зудлик билан ёрдам сураб м-р Леонардга мурожаат қилдим. У ҳам ишнинг ҳолатлари ғоят мушкуллигини ҳис қилди.

— Ганди, — деди у, — мен фақат бир нарсани биламан: агар биз далилларнинг ғамини ейдиган бўлсак, қонун уз

гамини узи еиди. Келинг, далилларга чуқурроқ кириб бо-
райлик.

Шундай қилиб, у менга ишни урганишда давом эти-
шимни, кейин яна ҳузурига киришимни айтди. Мен яна
далилларни ургана бошладим, энди уларни муглақо бошқа
маънода қараб чиқардим, шунингдек, шу воқеага дахл
қилувчи эски Жанубий Африка ишини ҳам титкилаб чиқ-
дим. Суюниб, м-р Леонарднинг ҳузурига йул олдим ва унга
ҳаммасини сузлаб бердим.

— Ажойиб, — деди у. — Биз ишда ғолиб чиқамиз. Энди
фақат ҳакамлардан қайси бири ишни олиб боришини би-
лиш керак.

Дада Абдулланинг ишини суд жараёнига тайёрлар экан-
ман, далилларнинг биринчи даражали аҳамиятга эга экан-
нини охиригача тушуниб етмагандим. Далилларда ҳақиқат
булади ва агар биз ҳақиқатга риоя қиладиган бўлсак, қонун,
табийки, узи бизга ёрдамга келади. Дада Абдулла ишида да-
лиллар ҳақиқатан ҳам жуда аниқлигини ва қонун унинг
томонида булиши кераклигини кўрдим. Лекин шу билан бир-
га, бу даъволашув, агар авж олиб кетаверса, қариндош ва
ҳамюрт булган даъвогарни ҳам, жавобгарни ҳам — ҳар ик-
ковини хонавайрон қилишини куриб турардим. Бу жараён
қанча вақтгача чузилишини ҳеч ким билмасди. Борди-ю,
ишни судда курилишига қўйиб берилса, у ҳеч ҳам тугамас-
лиги ва ҳеч бир томон фойдасига ҳал булмаслиги мумкин
эди. Ҳолбуки, ҳар икки томон ҳам, агар бунинг иложи булса,
ишни зудлик билан тухтатишни истамоқда эди.

Мен Тайиб Шетга ҳалоллик судига рози булишини ва
бу ҳақда унинг оқловчиси билан гаплашиб олишини мас-
лаҳат бердим. Мен, агар ҳар иккала томоннинг ишончини
қозонган ҳакам топилса, иш тезда ниҳоясига етишига ишо-
ра қилдим. Оқловчилар ҳақи шунчалик тез ошиб бормоқда
эдики, ҳатто иккала мижоздек бадавлат савдогарларнинг
ҳам барча маблағини еб юбориши ҳеч гап эмасди. Иш улар
томонидан шундай диққат-эътибор қилишни талаб этар-
дики, бошқа иш учун вақт қолмаганди. Бунинг устига ўзаро
адоват ортиб бормоқда эди. Менда ўз касбимга нисбатан
нафрат уйғона бошлади. Оқловчилар каби ҳар икки томон-
нинг ишончли вакиллари ўз мижозлари фойдасига гапи-
рувчи қонун моддаларини қидириб топишга мажбур эди-

лар. Ютиб чиққан томон барча сарфланган харажатлар учун ҳеч қачон товон туламаслигини мен биринчи марта тушундим. Суд рағбатлари ҳақидаги қоидага кўра, томонлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар учун нарх-наволарнинг қатъий жадвали бор эди, аммо аслида мижоз ва оқловчи ўртасидаги ҳисоб-китоблардаги нархлар анчагина юқори эди. Мен бурчим ҳар икки томонга ёрдам бериш ва уларни яраштириб қўйишдан иборат эканини ҳис қилдим. Битимга келишиш учун мен бор кучимни ишга солдим ва Тайиб Шет, ниҳоят, бунга рози бўлди. Томонлар ҳакамлик судини танлашди ва унга уз фикрларини баён этишди, натижада Дада Абдулла ишни ютиб чиқди.

Аммо мен бундан қониқиш ҳосил қилмадим. Агар мижозим суд қарорини бетухтов бажаришни талаб қилганида, Тайиб Шет унинг гарданига қўйилган барча пулни тулай олмаган буларди, Жанубий Африкада яшаган пурбандарлик испанларда эса сингандан ўлим афзал, деган норасмий қонун бор эди. Тахминан 37 минг фунт стерлинг, шунингдек, суд чиқимларини Тайиб Шет тулашга қодир эмас эди, аммо у барча пуллари сўнгги пайтгача тулашга азму қарор этгани — у ўзини синган деб аталишини истамаётгани. Бунинг учун биргина йул бор эди. Дада Абдулла унга бу пулни нисбатан кичик-кичик бадаллар билан тулаб боришига рухсат бериши керак эди. Дада Абдулла зўр инсоф кўрсатди ва тулаш учун жуда кўп муддат берди. Бу ён беришга эришиш мен учун икки томонни ҳакамлик судига кўндиришдан ҳам қийин бўлиб кетди. Бироқ энди эса ишнинг натижасидан у томон ҳам, бу томон ҳам мамнун эди ва ҳар бирининг обрўи ошгандан-ошди. Менинг севинчимнинг эса чеки йўқ эди. Мен қонунларни тўғри қўллашни, инсондаги энг яхши томонларни топишни ва одамлар юрагини забт этишни ўргандим. Даъволашаётган томонларни яраштириш — оқловчининг ҳақиқий мақсади эканлигини англаб етдим.

Бу сабоқ хотирамда бир умрга қолди ва оқловчилик амалиётининг сўнгги йигирма йили мобайнида юзлаб ҳолларда ишларни хусусий битим билан ниҳоялашга муваффақ бўлдим. Бунда мен зарар кўрмадим — пулимни йўқотмадим ва жонимга жабр қилмадим.

БАНДАНИНГМАС, ХУДОНИНГ АЙТГАНИ БҮЛАДИ

Суд тугади ва менинг Преторияда ортиқ қолишимдан маъно йўқ эди. Мен Наталга қайтиб келдим-да, Ҳиндистонга қайтиш тараддудини кура бошладим. Аммо Абдулла Шет мени тантанали кузатув маросимисиз қўйиб юбораверадиган одам эмасди. У менинг шарафимга Сайденҳемда ана шундай зиёфат берди.

Бутун кунни уша ерда утказиш кўзда тутилганди. Рўзномаларни кўздан кечириб утирарканман, тасодифан кўзим рўзнома саҳифаси бурчагидаги “Ҳиндларнинг сайлов ҳуқуқи” сарлавҳали мақолага тушди. Унда парламент кўриб чиқиши керак булган қонун лойиҳаси ҳақида эслатиб ўтилганди, унга кўра, ҳиндлар Наталдаги парламент аъзоларини сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилганди. Мен бу қонун лойиҳаси туғрисида ҳеч нарса билмас эдим, бошқа меҳмонлар ҳам у ҳақда тузукроқ тушунчага эга эмас эдилар.

Буни тушунтириб беришини сўраб, мен Абдулла Шетга мурожаат қилдим.

— Бундай масалаларни тушунишга бизга йул булсин?— деди у. — Бизга савдодан гапиринг, бошқасини қўйинг. Биламиз, Нораңжлар республикасида бизнинг барча савдоларни йўқ қилдилар. Бизлар бош кутариб чиқмоқчи ҳам булдик, бироқ бундан ҳеч нарса чиқмади. Бизлар ночор ва омимиз. Одатдагидек, бизлар рўзномаларни бугун бозорда нарх-наво қандайлигини билиш учунгина варақлаб чиқамиз, холос. Қонун билан қанчалик ишимиз бор? Овруполик оқловчилар бизнинг қулоғимиз ва кўзимиз бўлиб қолишган.

— Ахир куплаб ҳинд йигитлари шу ерда туғилиб, шу ерда таълим олганлар. Уларнинг сизларга ёрдам беришга кўрблари етмайдими?

— Сизни қаранг-у! — алам билан деди Абдулла Шет. — Уларнинг бизлар билан неча пуллик ишлари бор? Туғриси-ни айтсам, биз ўзимиз ҳам улар билан апоқ-чапоқ бўлишдан ўзимизни тортамыз. Улар насронийлар ва барчалари ҳукумат йуриғидан чиқмайдиган оқтанли руҳонийлар таъсирига тамоман берилиб кетишган.

Мен куп нарсани англадим. Бу ҳиндларни ўзимизники деб билмоқ керак, ахир насронийликка ўтганлари билан

ҳинд булмай қоладиларми? Аммо мен ватанимга қайтиш тараддуида эдим ва миямда чарх ураётган фикрларим билан уртоқлашишга жазм этмаётгандим, фақат Абдулла Шетга бундай дедим:

— Агар қонун лойиҳаси қонунга айланадиган булса, аҳволимизга маймунлар йиғлайди. Бу биз учун улим билан барабар. У қадр-қимматимизни таг-тугидан қуритиб юборади.

— Шундоқ, — фикримга қушилди Абдулла Шет. — Бу масала тарихини сизга сузлаб берай. Энг яхши оқловчиларимиздан м-р Эсконт — сиз уни биласиз, — то кўзимизни очмагунча сайлаш ҳуқуқи ҳақида биз ҳеч қандай тушунчага эга эмас эдик. Гап бундай булган эди. У улғудай жанжалкаш одам, бандаргоҳ муҳандиси билан чиқишолмагани боис у муҳандис ундан сайловчиларни олиб қўйишидан ва мағлубиятга учрашидан хавотирланиб юрар эди. Шунда у бизни ҳуқуқларимиз билан таништирди ва унинг маслаҳати билан ҳаммамиз сайловчи сифатида қайд этилдик ҳамда унга овоз бердик. Энди кўриб турганимиздек, сайлов ҳуқуқининг биз учун сиз уйлаганчалик қадр қолмаган. Аммо сиз нимани назарда тутаётганингизни биз тушунамиз. Хуш, сиз бизга қандай маслаҳат берасиз?

Қолган меҳмонлар суҳбатимизни диққат билан эшитиб туришарди.

— Нима қилиш кераклигини айттайликми сизга? — деди улардан бири.— Сиз сафарингизни қолдирасиз, бу ерда яна бир ой буласиз-да, сизнинг раҳбарлигингиз остида курашни бошлаб юборамиз.

Бошқалар уни қўллаб-қувватлади:

— Тўғри, тўғри! Абдулла Шет, сиз Ганди бхайни олиб қолишингиз керак.

Шет ақлли одам эди.

— Мен энди унинг йулига гов булолмайман,— деди у.— Сизнинг унга қанчалик ҳақингиз сизга, мен ҳам шундайман. Аммо сизлар ҳақсизлар. Келинг, уни қолишга бирга кўндирайлик. Лекин у оқловчи-ку. Унинг ҳақи нима булади?

Ҳақ тўғрисидаги гап кўнглимга оғир ботди ва мен унинг гапини булдим:

— Абдулла Шет, ҳақ тўғрисидаги гапни бир четга қўяйлик. Жамоатчилик иши учун пул тўлаш керак эмас. Борди-ю, иш шунгача борадиган булса, мен бу ерда хизматчи сифа-

тида қолишим мумкин. Узингиз биласиз, мен бу ердагиларнинг купчилиги билан таниш эмасман. Бироқ, агар уларнинг менга ёрдам беришига имонингиз комил булса, яна бир ой қолишга тайёрман. Лекин сизга яна бир нарсани айтмоқчиман. Гарчанд менга ҳақ туламасангиз-да, бошланиши учун барибир бирмунча маблағ зарур булади. Телеграммалар юбориш, қандайдир адабиётлар чоп этиш, турли сафарларга чиқиш, маҳаллий оқловчилар билан маслаҳатлашиш керак булади. Ҳуқуқшунослик маълумотлари сотиб олишим зарур, чунки сизларнинг қонунларингиз билан таниш эмасман. Буларнинг барчасига пул керак булади. Битта одам буларнинг ҳаммасининг уддасидан чиқолмаслиги аниқ. Унга бошқа кўплаб одамлар ёрдам бериши лозим.

— Аллоҳ қодир ва мурувватли, — бир овоздан ҳайқирди халойиқ. — Пул булади. Бизда одамлар истаганча топилади. Илтимос, қолинг, ҳаммаси яхши булади.

Хайрлашув маросими ишчи кўмита мажлисига айланиб кетди. Мен тезроқ овқатланиб, уйга қайтишни таклиф этдим. Хаёлимда алақачон кампания режасини ишлаб чиққан эдим. Мен оқловчилар рўйхатига киритилган номерни аниқладим ва яна бир ой қолишга аҳд қилдим.

Шундай қилиб, Жанубий Африкада Худо ҳаётим тамал тошини қўйди ва миллий қадр-қиммат учун кураш уруғини дилимга солди.

НАТАЛЬ ҲИНД КОНГРЕССИ

Оқловчилик амалиёти мен учун иккинчи даражали иш эди ва шундай булиб қолди. Наталда бундан кейинги булишимни оқлаш учун бутун диққат-эътиборимни жамоатчилик ишига қаратишим керак эди. Бизни сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этган қонун лойиҳаси муносабати билан билдирилган норозиликнинг узи озлик қиларди. Колониялар вазирига таъсир ўтказиш учун шу норозиликни қўллаб-қувватловчи кенг ташвиқот ишларини йўлга қўйиш талаб этиларди. Бунинг учун доимий жамоатчилик ташкилоти керак буларди. Биз бу масалани Шет Абдулла ва бошқа дўстлар билан муҳокама қилдик ва шундай ташкилот тузишга қарор қилдик.

Унинг учун ном топиш жуда қийин бўлди. Уни ҳеч бир фирқа билан қиёс қилиб бўлмас эди. “Конгресс” номи, менинг билишимча, инглиз консерваторлари (ақидапарастлари) орасида урф эмас эди, аммо конгресс Ҳиндистоннинг ҳаётий маркази ҳисобланарди. Мен уни Наталда оммалаштириш ниятида эдим. Бу номдан воз кечиш қўрқоқликни билдирар эди. Шундай қилиб, бу масала буйича ўз мулоҳазаларимни баён қилиб, янги ташкилотни “Наталь Ҳинд конгресси” деб аташни маслаҳат бердим ва 22 май куни Наталь Ҳинд конгресси туғилган кун бўлиб қолди.

Шу куни Дада Абдулла хонадонидаги катта танобий одамга лиқ тула эди. Келганлар конгресс таъсис этилишини ҳаяжон билан қарши олдилар. Унинг низоми оддий эди. Аммо бадаллари баланд эди. Ойига беш шиллингдан тулаб тура оладиган одамгина конгресс аъзоси була олар эди. Узига туқ одамлар қўлимиздан келганча тулаймиз, деб ишонтиришди. Шет Абдулла икки фунт стерлинглик обуна варақаси очди. Яна икки таниш одам худди шу миқдорга обуна бўлди. Мен обуна варақасига шак келтиришим яхши эмас, деб уйладим ва ойига бир фунт стерлингга обуна бўлдим — бу менинг маблағим буйича оз пул эмасди.

Бироқ, борди-ю, ишга жойлашиб олсам, бу ёғини уйла-маса булади, дедим узимча. Қаранги, Худо ўзи мени қўллади. Сирасини айтганда, ойига бир фунтдан обуна бўлган аъзолар талайгина эди. Ун шиллингданга обуна бўлганлар ундан ҳам куп экан. Бундан ташқари, кимлардир садақа қилмоқчи эканини ҳам айтди ва бу мамнуният билан қабул қилинди.

Кейинчалик, тажрибанинг кўрсатишича, биринчи талаб буйича ҳеч ким бадал туламаган экан. Дурбандан ташқарида истиқомат қилувчи аъзоларга бундай талаб билан қайта-қайта мурожаат қилишнинг эса иложи йўқ эди. Бошида аланга олган қизиқиш, афтидан, кейин аста суна бошлаганди. Ҳатто Дурбанда яшовчи конгресс аъзоларига ҳам бадал тулаш лозимлиги ҳақида тинмай эслатиб туриш керак буларди.

Мен котиб бўлганим боис аъзолик бадалларини йиғиш мажбурияти менинг зиммамда эди. Шундай вақтлар ҳам келдики, ёрдамчим билан бирга шу иш билан кун буйи машғул булар эдим. Ёрдамчим бундай ишдан тоб ташлаб юборди ва аҳволни унглаш учун бадалларни ҳар ойда эмас, бир йилда бир, шунда ҳам бир йил олдин ундириш керак, деб уйла-

дим. Мен конгресс йиғинини чақирдим. Ҳамма менинг таклифимни қўллаб-қувватлади; энг кичик йиллик бадал уч фунт стерлинг қилиб белгиланган эди. Бу бадал йиғиш ишини анча енгиллатди.

Аввал бошданоқ мен жамоат ишларини ваъда қилинган маблағга олиб бормасликка қарор қилган эдим. Барча масалаларда ҳар қандай одамнинг ваъдасига ишонса булади, аммо пул масаласи бундан мустасно. Мен ваъда қилинган пулни бузчининг моқисидай қатнамагунча берган одамни ҳеч қачон курмаганман ва Наталь хиндлари ҳам бу маънода истисно эмаслар. Наталь Ҳинд конгресси нақд маблағларсиз ҳеч қанақа ишга қўл урмади ва шу боис ҳеч қачон қарз булиб қолмади.

Ходимларим ташкилотимизга янги аъзоларни жалб этишда зур жонбозлик курсатишди. Бу иш уларга завқ бағишларди ва айни вақтда ҳаддан ташқари қимматли тажриба билан бойитди. Куплар ҳузуримизга жон-жон деб келар ва бадалларини олдиндан тулар эдилар. Мамлакат ичкарисисидаги қишлоқларда ишлаш оғирроқ эди. У ерда ижтимоий фаолият нима эканини тушунишмасди. Шундай булса-да, бизга жуда олисдаги жойларга келиб кетинглар, деган таклифномалар келиб тушар ва ҳамма жойда йирик савдогарлар бизни дустона қаршилар эдилар.

Шундай сафарлардан бирида бизни қийин аҳволга солиб қўйган бир воқеа юз берди. Мезбонимиз олти фунт стерлинг киритишига умид боғлаб тургандик, бироқ у уч фунт стерлингдан ортиқ туламайман деб туриб олди. Агар биз ундан шу пулни ундирганимизда, бошқалар ҳам ундан ибрат олган ва йиғимларимиз анча камайган булар эди. Вақт алламаҳал булиб қолган, ҳаммамиз очқаган эдик. Бироқ, ваъда қилинган пулни олмасак, томоқдан овқат утади дейсизми? Ҳеч бир гап-сўз кор қилмаётганди. Қарасак, мезбон буйин эгадиганлардан эмас. Шу шаҳарнинг савдогарлари ҳам уни кундиришга ҳаракат қилишди, бироқ ҳаммаси беҳуда. Биз тун буйи шу алфозда утириб чиқдик, мезбон эса бир пенс ҳам қушишни истамасди. Биз ҳам сузимизда маҳкам туриб олгандик. Ҳамкасбларимиздан купчилигининг сабр косаси тулиб кетди, бироқ узларини тутишга ҳаракат қилар эдилар. Охири тонг ота бошлаганда мезбон ён берди. У нақд олти фунт стерлингни тулаб қўйди-да, бизни овқатлантирди. Бу барча гаплар тонготарда булиб утганига қарамай, бу

борадаги овозалар ҳатто Шимолий киргоқбуйидан Станшергача ва мамлакат туридаги Чарльстонгача бориб етди, бу эса, уз навбатида, бадал йиғишдаги ишимизни енгиллатишга ёрдам берди...

...Колонияда туғилиб, таълим олган ҳиндлар билан ишлаш конгресс фаолияти жиҳатларидан биттаси эди. Конгресс ҳомийлиги остида колония аҳли — ҳиндларнинг таълим олиш масалалари буйича Ассоциация тузилган эди. Ассоциация аъзолари, асосан, йигит-яланглардан иборат эди. Улардан номигагина бадаллар олинарди. Ассоциация уларнинг эҳтиёжлари ва имкониятларини урганар, ҳинд савдогарлари билан яқинлаштиришга, шунингдек, уларни ижтимоий фаолиятга жалб этишга имкон яратар эди. Ассоциация аъзолари мунтазам йиғилиб турли масалалар буйича мақолаларни уқир ва муҳокама қилар эдилар. Ассоциация қошида муъжазгина кутубхона ташкил этилганди.

Конгресс вазифасига яна тарғибот ҳам кирарди. У Наталдаги ҳақиқий аҳволни Жанубий Африка ва Англиядаги инглизларга ва Ҳиндистондаги бизнинг ватандошларимизга тушунтиришдан иборат эди. Шу мақсадда мен иккита брошюра ёздим. Биринчиси “Жанубий Африкадаги барча британияликларга мурожаат” деб аталарди. Далилларга таянган ҳолда у Наталдаги ҳиндларнинг умумий аҳволи билан таништирарди. Иккинчи китобчам “Ҳиндларнинг сайлаш ҳуқуқи. Даъват” деб аталиб, унда Наталдаги ҳиндларнинг сайлаш ҳуқуқи тарихи қисқача баён этилганди. Мен бу китобчаларга куп куч сарфлагандим, шунга яраша натижалар саъй-ҳаракатларимни оқлади. Брошюралар кенг уқувчилар оммасига бориб етди.

Уз фаолиятимиз натижасида биз Жанубий Африкадаги ҳиндлар учун куплаб дустлар орттирдик ва Ҳиндистоннинг барча сиёсий фирқалари бизни фаол қўллаб-қувватлади. Жанубий африкалик ҳиндлар учун яна ҳаракатнинг аниқ дастури кузга ташланиб қолганди.

БАЛСУНДАРАМ

Қайноқ ва соф қалб амри ҳеч қачон бераво қолмайди. Уз шахсий тажрибамда мен бунга қайта-қайта амин булар эдим. Камбағалларга хизмат қилиш — қалбим амри ана шундай, қалбим мени ҳар доим камбағаллар томон тортиб келар эди

ва улар билан бир жон-бир тан булиб кетишга имкон берар эди.

Наталь Ҳинд конгресси колония аҳли ва идора хизматчилари булган ҳиндлардан иборат эди, малакасиз ишчилар ва шартномали ишчилар улар доирасига кирмас эди. Конгресс ҳамон улар учун ёт булиб қолмоқда эди. Улар бадал тулаёлмас ва конгрессга кирмас эдилар. Улар конгрессга меҳр қўйиб қолишлари учун конгресс уларга хизмат қилиши керак эди. На конгресс ва на мен бунга тайёр булмаган пайтимизда шундай имконият борга ўхшаб кўринарди. Мен бор-йўғи уч ёки тўрт ой ишлагандим, конгресс ҳам ҳали гудак ёшида эди. Ҳузуримга энгил-боши йиртилган, бош кийимини қулида ушлаб олган бир тамил йигити келди. Унинг икки олдинги тиши уриб синдирилган ва оғзи тула қон эди. У йиглаб, қалт-қалт титраганча хужайини уни калтаклаганини ҳикоя қилиб берди. Ҳикояни бутун тафсилотларигача менга ўзи тамил булган идора югурдаги таржима қилиб берди. Балсундарам — йигитнинг оти шунақа эди — Дурбандаги таниқли овруполикда шартномадаги ишчи экан. Ундан даргазаб булган хўжайин ўзини тутолмай, Балсундарамни қаттиқ калтаклабди, уриб иккита тишини синдирибди.

Мен ишчини докторга жунатдим. У пайтда врачлар фақат оқтанлилар булар эди. Мен Балсундарамга етказилган жароҳат тури курсатилган тиббий гувоҳнома олмақчи эдим. Шундай гувоҳномани олиб, жабрдийдани зудлик билан судьяга етаклаб бордим, унга Балсундарамнинг қасам остида берган курсатмаларини ҳавола қилдим. Уларни ўқиб чиқиб, судьянинг қовоғи солинди ва чақирик қогози билан хужайинни судга чақирди.

Мен хўжайиннинг жазога тортилиши учун зинҳор ҳаракат қилмагандим, балки унинг Балсундарамни қўйиб юборишинигина истагандим. Шартномадаги ишчилар ҳақидаги қонун менга таниш эди. Борди-ю, оддий хизматчи огоҳлантиришсиз хизматни ташлаб кетса, хўжайин фуқаролик суди орқали унга даъво қилиши мумкин эди. Шартномадаги ишчининг аҳволи бутунлай бошқача эди. Бундай ҳолларда у жиноий суд олдида жавоб берар ва айблов ҳукми чиқарилган ҳолда эса қамоққа олинар эди. Уильям Хантер айтганидек, ишчиларни сафарбар қилиш тизими қарийб қуллик

билан баравар эди. Балиқлар каби шартномадаги ишчилар хўжайиннинг мулки эди.

Балсундарамни икки усулдан фақат биттаси билан озод қилиш мумкин эди: ё шартномадаги ишчилар ишлари буйича протекторни шартномани бекор қилишга (ёки бу шартномани бошқа бировга ҳавола қилишга) мажбур этиш билан ёки хўжайинни Балсундарамни озод этишга мажбурлаш билан. Мен хўжайиннинг олдига бордим ва бундай дедим:

— Мен сизга қарши иш қўзгамоқчи ва сизни жазога тортмоқчи эмасман. Уйлайманки, сиз кишини қаттиқ калтаклаганингизни англаб турибсиз. Сиз шартномани бошқа бировга ҳавола этсангиз, бўлгани, менга шу бемалол кифоя қилади.

У жон деб рози бўлди. Шунда мен шартномали ишчилар ишлари буйича протекторга мурожаат қилдим. У Балсундарам учун янги хўжайин топиш шарти билан розилик билдирди.

Мен корчалон қидиришга тушиб кетдим. У овруполик бўлиши шарт эди, чунки ҳиндлар шартномали ишчи сақлаш ҳуқуқига эга эмас эдилар. Мен шулардан бирига мурожаат қилдим ва у Балсундарамни узига олишга рози бўлди. Мен бундай илтифот учун ташаккур билдирдим. Чакана ишлар судьяси Балсундарамнинг хўжайинини айбдор деб топди ва шартномадаги ишчини бошқа шахсга ҳавола этиш мажбуриятини олган деб уни иш баёнига киритиб қўйилди.

Балсундарам иши барча шартномадаги ишчиларга маълум бўлди ва энди улар мени уз дустлари дер эдилар. Мен бу дустликдан ўзимда йуқ суюндим. Идорамга куплаб шартномадаги ишчилар келар эдилар ва мен уларнинг қайғу ва қувончлари билан танишиш учун ажойиб имкониятга эга булардим.

Балсундарам иши ҳақидаги хабар ҳатто Мадрасгача етганди. Бу музофотнинг турли ноҳияларидан шартнома буйича Наталга келиб қолган ишчилари бу ҳақда уз шартномадаги қардошларидан билишганди.

Бундоқ олиб қараганда иш у қадар жиддий эмасди, бироқ Наталда шарномадаги ишчилар билан шуғулланадиган ва уларни очиқ-ошкора ҳимоя қиладиган одам топилганининг узиёқ улар учун севинчли ва умидбахш воқеа эди.

Боя айтганимдек, Балсундарам бош кийимини қулида тутганча идорамга кириб келганди. Шу кичик ҳолат таҳқир этилган инсон ахлоқи учун хосдир. Саллани ечиб қуй деб мендан талаб қилганларида суддаги можаро ҳақида гапириб утгандим. Хоҳ фуражка, салла ёки бошига ураб олган буйинбоғми, бундан қатъи назар, барча шартномадаги ишчилар ва умуман ҳиндлар овруполик пайдо булганда уларни бошидан олиб қуйишга мажбур эдилар. Иккала қулни жуфтлаб салом бериш кифоя қилмасди. Балсундарам менга нисбатан ҳам шундай қоидага риоя қилиш керак деб уйлаган куринади. Бу менинг амалиётимдаги биринчи воқеа эди. Мен узимни ноқулай ҳис қилдим ва ундан буйинбоғини ураб олишини сурадим. У бунга дарров журъат этмади, аммо унинг чеҳрасидаги мамнунлик аломати ҳам назаримдан қочгани йуқ.

Мен бир нарсани ҳеч тушунолмаيمان: яқинини таҳқирлашни одамлар қандай қилиб узи учун фахр деб ҳисоблайдилар?

ДИНЛАРНИ ҚИЁСЛАБ ЎРГАНГАНИМ

Модомики мен жамоа хизматиға бошим билан шўнғиб кетган эканман, бунинг сабаби менинг узимни англашга булган интилишимдан иборат эди. Мен хизмат қилиш динини уз диним қилиб олган эдим, чунки фақат шундагина Худони англаш мумкинлигини ҳис этган эдим. Хизмат қилиш мен учун бу Ҳиндистон учун хизмат қилиш эди, чунки бу туйғу менда ҳеч бир қидирувларсиз пайдо булганди. Бунга мойиллик — менга сут билан кирган эди. Аввало саёҳат қилиш баҳонасида, қолаверса, Катҳиёвар фисқ-фужурларидан қутулиш ва узимга тирикчилик учун маблағ топиш мақсадида мен Жанубий Африкага йул олгандим. Бироқ, юқорида айтганимдай, мен Худога етишув йулида ва узимни англаб етишишдаги интилишимда узимга эга булган эдим.

Насроний дўстларим менда билимга ташналик ҳиссини уйғотдилар, бу ташналикни сира қондириб булмасди ва борди-ю, мен лоқайд булишга ҳаракат қилган тақдиримда ҳам, улар мени уз ҳолимга қуймас эдилар. Менинг кунглимга йул топган одам Дурбандаги Жанубий Африка бош мубашширлиги бошлиғи м-р Спенсер Уолтон булди. Мен қарийб унинг

оила аъзосига айланиб қолгандим. Албатта, бу танишувимизга менинг Преториядаги насронийлар билан танишувим сабаб бўлган эди. М-р Уолтон ғоят ўзига хос тарзда ҳаракат қилар эди. Унинг қачон бўлмасин, бирон марта мени насронийликка утишимни таклиф қилганини эслолмайман. Аммо у куз олдимда ўз ҳаётини очиб берди ва менга унинг барча хатти-ҳаракатларини кузатиб боришим учун имкон яратди.

М-с Уолтон тиришқоқ ва Худо ярлақаган аёл эди. Бу жуфтликнинг менга нисбатан муносабати менга ёқарди. Орамизда чуқур фикрлар қарама-қаршилиги мавжудлигини биз билар эдик. Ҳеч қандай баҳс билан уларни текислаб бўлмасди. Бироқ фикрлардаги зиддиятлар ҳам фойдали бўлади. М-р ва м-с Уолтонларнинг ювошликлари ва бирсузликлари, уларнинг ишга ихлослари менга ёқарди. Бизлар тез-тез куришиб турардик.

Бу дустлик менинг динга бўлган қизиқишимни қўллаб-қувватлар эди. Энди мен динни урганишга Преториядагидек вақт ажратолмай қолган эдим. Бироқ мен бисотимдаги ўша озроқ буш вақтдан ҳам фойдаланар эдим. Менинг дин масалалари буйича ёзишмаларим давом этар эди. Райчанд-бхай менга курсатмалар бериб борарди. Дустларимдан бири менга Нармадшанкарнинг “Дҳарма Вичар” китобини юборди. Ундаги сузбоши менга қўп ёрдам қилди. Эшитишимча, шоир илоҳиёна ҳаёт кечирган экан ва сузбошидаги динни ўрганиш шарофати билан содир бўлган ўзгариш тавсифи мени асир этганди. Мен бу китобни яхши кўриб қолдим ва уни диққат билан қайта ўқиб чиқдим. Макс Мюллернинг “Ҳиндистон — у бизга нимани ўргата олади?” китобини ҳам қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Шунингдек, Илоҳиёт жамияти чоп этган “Упанишадлар” таржимасини ҳам ўқиб чиқдим. Бу китоблар менинг ҳундувийликка бўлган ҳурматимни оширди. Улар мени ўзига кўпроқ мафтун этди. Бироқ мен бошқа динларга нисбатан шубҳа билан қарамас эдим. Мен Вашингтон Ирвиннинг “Муҳаммад ва саҳобалари ҳаёти”ни ва Карлейлнинг пайғамбарга атаб ёзган панегирикни ўқиб чиқдим. Бу китоблар Муҳаммадни куз унгимда юксакликларга кўтариб юборди. Мен яна “Зардушт таваллоси” деб номланувчи китобни ҳам ўқиб чиқдим.

Шундай қилиб, мен турли динлар ҳақида кўпроқ билимга эга бўлдим. Уларни урганиш уз-узимни таҳлил қилиш

қобилиятимнинг ривожланишига имкон яратди ва машғулотлар вақтида мени нима маҳлиё қилган бўлса, ҳаммасини амалга ошириш одатини сингдирди. Шундан кейин ҳиндувийлик китобларида келтирилган тавсифлар асли нималардан иборат эканлигини ўзим тушунган даражада йог тизими буйича айрим машқларни бажара бошладим. Мен бу машқларни узоқ давом этдира олмадим ва Ҳиндистонга қайтгач, биронта мутахассис раҳбарлиги остида ўз машқларимни давом этдиришга қарор қилдим. Бироқ бу истагим истаклигича қолиб кетди.

Мен яна Толстой асарларини кунт билан ўргандим. Унинг “Қисқача инжил”, “Хўш, нима қилмоғимиз керак?” ва бошқа китоблари менда кучли таассурот қолдирди. Мен кенг қамровли муҳаббатнинг чексиз имкониятларини тобора тегинроқ тушунмоқда эдим.

Худди шу вақтларда яна бир насроний оила билан танишиб қолдим. Унинг таклифи билан ҳар якшанбада ўқув черковига бориб турар эдим. Шу куни мени мунтазам зиёфатга ҳам таклиф этишар эди. Черков менда яхши таассурот қолдирмади. Воизларнинг ваъзалари илҳомбахш эмас эди. Келувчиларнинг афт-ангорларидан ҳеч қандай руҳонийлик куринасди. Улар илоҳий жойларнинг издиҳоми эмас эди, балки кўнгил очиш ёки ўз удумларига кўра черковга келадиган дунёвий фикрдаги одамлар эди. Гоҳо мен ибодат чоғида беихтиёр пинакка кетиб қолар эдим. Мен бундан уялар эдим, бироқ кўшниларибдан бир қанчаси ҳам утирган жойида мудраётгани мендаги бу уят туйғусини енгиллатарди. Бундай тарздаги ибодатларга мен узоқ қатнай олмаб эдим.

Мен ҳар якшанбада бориб турадиган оила билан алоқам бирданига узилди. Менга у ёққа бориб туришимни бас қилиш таклиф этилганди деса ҳам бўлади. Гап бундай бўлганди. Бека меҳрибон ва оддий, бироқ бирмунча чеклаб қуйилган аёл эди. Бизлар диний мавзуда кўп гаплашардик. Мен уша пайтларда Арнольднинг “Осиё нури”ни овоз чиқариб ўқир эдим. Бир куни биз Исо Масих ҳаётини Будданинг ҳаёти билан қиёслаб бошладик.

— Жафокаш Гаутамни бир эсга олинг! — дедим мен. — У тортган азоб-ўқубатлар фақат инсониятгагина эмас, балки барча жонли мавжудотларга ўтган. Унинг елкасида ётган чақалоқни бир куришдаёқ юрагингиз раҳм-шафқат ҳиссига

тулиб кетмайдими? Барча жонли мавжудотларга нисбатан бундай муҳаббат Исо Масихда йуқ.

Бундай қиёслаш оққунгил аёлга оғир ботди. Мен унинг хафа булганини тушундим-да, суҳбатни тухтатдим ва биз ишхонага утдик. Унинг беш ёшга энди қадам қуйган ва тақводорликда ундан қолишмайдиган угли ҳам биз билан бирга эди. Болалар орасида булганимда мен узимни дунёдаги энг бахтли одам деб биламан, мана бу болакай билан эса қачонлардан бери дусллашиб қолган эдик. Мен унинг ликобчасида турган гушт булаги ҳақида ноқулайроқ гап айтиб юбордим ва узимнинг ликобчамдаги олмани олиб, карс-курс чайнаб ея бошладим. Бегуноҳ боланинг менга ҳаваси келиб кетди ва менга эргашиб олмани мақтай кетди.

Она-чи? У даҳшатда эди.

Менга танбеҳ беришди. Мен суҳбатни бошқа томога бурдим. Келаси ҳафтада, одатдагидек ҳалиги оилани кургани келганимда, бу ерга бошқа оёқ босмаслигим лозимлигини ва бундай қилиш туғри булишини ҳаёлимга ҳам келтирмагандим. Бироқ оққунгил аёл юзага келган вазиятга аниқлик киритди:

— М-р Ганди, — деди у, — илтимос, мендан хафа булманг. Сизга бир гапни айтиб қуймасам булмайди: сизнинг бизникига келиб туришингиз болага яхши таъсир кўрсатмаётир. Ҳар куни у гуштни эскими-янгими деб иккиланади ва ҳул мева сураб, сизнинг гапларингизни эслатади. Бунга ортиқ чидаб булмайди. Борди-ю, у гушт емай қуйса, у оғримаган тақдирда ҳам озиб кетади-ку. Мен бунга бардош беролмайман. Бундан кейин сиз фақат биз, катталар билан гаплашишингизга туғри келади. Суҳбатларингиз болаларга ёмон таъсир кўрсатаётгани аниқ.

— М-с... — деб жавоб бердим мен, — бундай булганидан жуда афсусдаман, албатта. Мен сизнинг ота-оналик туйғуларингизни тушунаман, чунки менинг ҳам болаларим бор. Бизлар бу нохуш ҳолатга жуда осонлик билан чек қўя оламиз. Нимани ейману, нимани йуқ, бу нарса болага менинг сузларимдан кўра купроқ таъсир кўрсатмоқда. Шу боис бу ерга келиб туришни бутунлай бас қилганим афзал. Бу, албатта, бизнинг дусллигимизга таъсир қилмаслиги керак.

— Миннатдорман сиздан, — деди аёл ошкора енгил нафас олиб.

Жанубий Африкага келганимга ҳам уч йил булди. Мен бу ерда яшовчи ҳиндлар билан танишиб олдим ва улар мени билишди. 1896 йилда мен уйга, Ҳиндистонга ярим йилга бориб келишга рухсат сўрадим. Қарасам, ҳали Жанубий Африкада узоқ вақтгача қоладиганга ўхшайман. Мен энди яхшигина тажрибага эга булган ва одамларга кераклигимга ишонч ҳосил қилган эдим. Шу боис хотин-болаларимни олиб, ватанга жўнашга, кейин қайтиб келиб, бирйўла ўрнашиб олишга қарор қилдим. Шу билан бирга, Ҳиндистонга келгач, у ерда жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиш ва Жанубий Африкадаги ҳиндлар аҳволига нисбатан қизиқиш уйғотиш мақсадида айрим ишларни қила оламан деб ҳисоблар эдим. Гап шундаки, уч фунт стерлингги солиқ ҳақидаги масала ҳамон очиқ қолмоқда эди. То бу солиқ бекор қилинмас экан, тинчлик бўлиши мумкин эмасди.

Аммо менинг йўқлигимда таълим масалалари буйича Ассоциация ва Конгресс ишига ким раҳбарлик қилади? Мен икки киши ҳақида ўйлаб юрардим: Одамжий Миёнхон ва парс Рустамжий. Тижоратчилар ичида энди ходимлар ишига ярайдиганлар талайгина эди. Бироқ котиблик мажбуриятини мунтазам бажара оладиган, шунингдек, ҳинд жамоаси ҳурматини қозонган энг етуқларидан мана шу иккаласи эди. Туғри, котиб инглиз тилини яхшигина билиши керак эди. Мен Конгрессга Одамжий Миёнхонни тавсия этдим ва Конгресс унинг котиб сифатида тайинланганини тасдиқлади. Тажриба шуни кўрсатдики, бу ғоят туғри танлов булган эди. Одамжий Миёнхон бирсузлиги, сабрлилиги, хайрихоҳлиги ва зийраклиги билан ажралиб турарди ва котиблик иши учун оқловчи дипломли ёки Англияда олинган олий маълумотли одам бўлиши шарт эмаслигини барчага исботлаб берди.

1896 йилнинг тахминан урталарида мен Калькуттага йул олган “Понгола” кемасида уйга қараб сузиб кетдим.

Бортда йуловчилар жуда оз эди. Улар орасида — мен яқиндан таниб олган икки инглиз амалдори ҳам бор. Улардан бири билан мен кунда бир соатдан шахмат ўйнардим. Кема табиби менга тамиллар тилини ургатувчи ўқитувчи топиб берди ва мен бу тилни ўрганишга киришдим. Наталдаги иш тажрибам шуни кўрсатдики, мусулмонлар билан яқинла-

шишим учун урду тилини, мадраслик ҳиндлар билан яқинлашиш учун тамил тилини урганишим керак эди...

...Йигирма тўрт кунлик ажойиб саёҳатдан кейин мен Калькутгага келиб тушдим, Хуглининг чиройи мени ҳайратга солди. Уша куниёқ поездда Бомбейга қараб равона бўлдим.

ҲИНДИСТОНДА

Бомбей йулида поезд Оллоҳободда 45 дақиқа тўхтаб қолди. Бундан фойдаланиб, шаҳарни томоша қилмоқчи бўлдим. Бундан ташқари, мен дори олишим керак эди. Дорини бергунча мудроқ дорихоначи узоқ ивирсиди, ниҳоят, дорини олиб, вокзалга келсам, поезд кетиб бўлибди. Станция бошлиғи менга ҳурматан поездни бир дақиқага тўхтатиб турибди, бироқ мендан дарак бўлавермагач, юкларимни платформага чиқариб ташлашни буюрибди.

Мен Кёлнер меҳмонхонасида қўндим ва дарҳол ишга киришиб кетдим. Оллоҳободда чиқадиган “Пайонир” рўзномаси ҳақида кўп эшитган эдим ва уни ҳиндларнинг орзуларига адоватли орган деб билар эдим. Эсимда, ушанда унинг муҳаррири м-р Чесни-угил эди. Мен барча фирқаларнинг ёрдамига таянмоқчи эдим ва ишни м-р Чеснига мактуб ёзишдан бошладим. Унда поезддан қолиб кетганимни, эртанги поездда кетганимга қадар мени қабул қилишини сурадим. У уша заҳоти мени ҳузурига чорлади ва бундан бошим осмонга етди, унинг гапимга диққат билан қулоқ солаётгани эса нур устига аъло нур бўлди. Чесни нима ҳақда ёзсам, ҳаммасини ўз рўзномасида ёритишга суз берди, бироқ қўшимча қилиб, ҳиндларнинг барча талабларини қўллаб-қувватлайман деб ваъда беролмаслигини, чунки инглизларнинг нуқтаи назари билан ҳисоблашмаса бўлмаслигини айтди.

— Агар масалани урганиш билан шуғуллансангиз ва уни ўз рўзномангизда муҳокама қилсангиз, шунинг ўзи етарли. Биз ҳалқимиз бўлган адолатлиликни сураймиз ва истаймиз, холос, — дедим мен.

Куннинг қолган қисмида ажойиб манзара — уч дарё қўйилган Тривенини мириқиб томоша қилдим ва олдимда турган ишларнинг режасини атрофлича уйлаб кўрдим...

...Бомбейда тўхтамасдан, тўғри Ражкотга ўтиб кетдим ва Жанубий Африкадаги аҳвол туғрисидаги китобчам устида

ишлай бошладим... Китобчам ун минг нусхада босилиб чиқди ва барча рўзномалар таҳририятларига ҳамда барча фирқаларнинг раҳбарларига тарқатилди...

...Бу вақтда Бомбейда вабо тарқалган эди. Ҳамма ерда ваҳима авж олган. Улат Ражкотга ҳам тарқалишидан хавотир бор эди. Санитарлар гуруҳига бироз фойдам тегар деб ҳукуматга уз хизматимни таклиф этдим. Таклифим қабул қилинди ва мени шу масалалар билан шуғулланувчи ҳайъат таркибига киритишди. Мен айниқса, ҳожатхоналарни тозалашга зўр берар эдим ва ҳайъат бутун шаҳарда ҳожатхоналарнинг аҳволини текширишга қарор қилди. Қашшоқлар текширишга қарши турмас эдилар ва янада муҳимроғи, ҳожатхоналар ҳолатини яхшилаш борасида ҳайъат берган курсатмаларни жон-жон деб бажарар эдилар. Бироқ бойларнинг уйларига етганимизда улардан айримлари уйларига ҳам киритмадилар ва албатта, бизнинг таклифларимизга мутлақо эътибор бермадилар ҳам. Умуман, бизнинг барчамизда бойларнинг уйларидаги ҳожатхоналар бешбадтар экан-да, деган таассурот пайдо бўлди. Улар қоп-қоронғи, бадбуй, чиқинди ахлатларга тўла бўлиб, қуртлар гимирларди. Биз таклиф этган яхши усуллар гоёт оддий эди, масалан: ҳожатхонадаги бавлу нажасларни дуч келган жойга чиқариб ташлайвермай, махсус идишларга солиш, уни ерга тукиб ташламаслик, ҳожатхона ҳавоси тоза ва ичи ёруғ булиши ҳамда ахлатчига ҳожатхонани тозалаш осон булиши учун ташқи девор ва ҳожатхона оралиғида тўсиқ (четан) тиклаш ва ҳ.к. Олий табақалар бу тадбирга қарши минглаб эътирозлар билдирдилар ва купчилиги айтганимизни қилишмади.

Ҳайъат дахлсизларнинг маҳаллаларини ҳам кўздан кечириши керак эди. Ҳайъат аъзоларидан фақат биттаси менга ҳамроҳлик қилишга рози бўлди. Бошқалари учун бу маҳкамаларга бориш қандайдир ярашмаган иш бўлиб кўринди, ҳожатхона туғрисида-ку гапирмаса ҳам бўлади. Бироқ дахлсизлик маҳаллалари мен учун қутилмаган янгилик бўлди. Мен биринчи марта у жойларга боришим эди. Эркак ва аёллар бизнинг келганимиздан озмунча ҳайратга тушишмади. Мен улардан ҳожатхоналарни кўрсатишини илтимос қилдим.

— Бизда ҳожатхона нима қилсин, — таажжуб билан дейишди улар. — Биз очиқ ҳавода, далада қиламиз у ишларни. Ҳожатхона сизларда, катта одамларда бўлади-да.

— Бупти, яхши, унда уйингизни кириб курсак булади-ми? — тиниб-тинчимадим мен.

— Бизни маъзур тутасиз, сэр. Уйларимизнинг ҳамма бурчакларигача кириб кураверинг. Уй қаёқда, қушнинг уяси десангиз-чи.

Мен ичкарига кирдим ва ташқари қанчалик саришга булса, ичкари ундан ҳам покизароқ эканини куриб, ёка ушладим. Эшик олди обдан супуриб-сидирилган, уйнинг ери мол тезаги билан силлиқ қилиб сувалган, бармоқ билан санарли идиш-товоқлар эса тозалаб ювилганидан чарақлар эди. Бу маҳаллада улат тарқалишидан асло чучимаса буларди.

Олий табақаларнинг маҳаллаларида шундай ифлос ҳожатхоналар бор эдики, қандай таърифлашни билмайсан, киши. Ҳар бир хонада ариқча бўлиб, юз-қулни ҳам шунга чайишарди, пешобни ҳам шунга қилишарди. Натижада бутун уйни бадбуй ҳид тутиб кетарди. Бошқа бир уйда иккинчи қаватдаги ётоқ хонанинг ўзидан ҳожатга чиқилар, бавлу нажас қувурдан биринчи қаватга оқиб тушар эди. Бу хонадаги бадбуй ҳид чидаб булмас даражада кучли эди. Яшовчилар бундай бадбуйлик ичида қай тариқа ёғиб ухлашади — бу ёғини китобхон ўзи тасаввур қилаверсин.

Ҳайъат яна вишнупарастларнинг ҳавелийлари — ибодатхоналарини бориб кўрди. Ҳавелий коҳини бизнинг оиламиз билан дустана муносабатда эди. Шу боис у ҳамма жойни бир бошдан куриб чиқишга розилик берди ва қўлимдан келганча аҳволни яхшилашга ҳаракат қиламан деб суз берди. Биз эҳромда шундай бир жойга дуч келдикки, бу жойни коҳиннинг ўзи ҳам энди куриб туриши экан. Девор бурчагида ликобча ўрнида фойдаланилган япроқлар ва чиқиндилар уюми ётарди. У ерни қарға ва қузғунлар маскан қилиб олганди. Ҳожатхоналари ҳам, афсуски, ифлос эди. Кўп ўтмай мен Ражкотдан кетдим ва коҳин биз таклиф қилган тадбирлардан қанчасини бажарди, қанчасини йўқ — билмайман.

Нима булганда ҳам Худонинг уйида бундай ифлосни кўриш менга ёқимли эмасди, албатта. Модомики, муқаддас жой деб аталар экан, у ердаги хоналарда тозалик қоидаларига қатъий риоя қилиниши ҳам керак. Ўша пайтдаги билишимга қараганда, “Сирити”нинг муаллифлари ички ва ташқи тозалikka риоя қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлар эдилар.

БҮРОН ЯҚИНЛАШМОҚДА

Хотиним ва болаларим билан бу менинг биринчи саёҳатим эди. Олдин айтиб утганимдек, аҳоли урта қатламга мансуб ҳиндулар уртасидаги болалар никоҳи натижасида фақат эркаккина қандайдир маълумот ола биларди, хотин эса саводсизлигича қолиб кетаварди. Оқибатда улар чуқур жарликнинг икки томонида қолиб кетар ва хотинини ўқитиш эрнинг зиммасига тушарди. Шундайин, мен хотиним ва болаларимга муносиб кийим-кечак гамини ейишим, об-овқати ва ётиб-туриши улар учун бу янги муҳитда эътироф этилган қоидаларга туғри келиш-келмаслигини кўрсатиб боришим керак буларди. Ўша пайтга тегишли айрим хотиралар чинданам завқли эди.

Ҳиндунинг хотини эрига сўзсиз итоат этишни узининг олий диний бурчи деб биллади. Ҳинду эр узини унга ҳар доим гирдикапалак булиб хизмат қилишга мажбур хотинининг хужайини ва ҳукмдори деб ҳис қилади.

Ўшанда мен маданиятли бўлиш — демакки, кийим ва феъл-атворда иложи борича овруполикларга ухшаш деб уйлардим. Фақат шу йул билан обрў топиш мумкин, бусиз жамиятга хизмат қилиб бўлмайди, дердим.

Шу боис хотиним ва болаларим учун кийимларни кунт билан танлар эдим. Мен уларни Катҳиёвар боққоллари деб билишларини истамасдим. Ўша вақтларда ҳиндлар орасида парслар энг маданиятли одамлар ҳисобланарди, оврупоча услуб бизга туғри келмагани учун ҳам биз парсларнинг удум-одатларига риоя қила бошлагандик. Масалан, хотиним парсларнинг сарийсини кийса, уфилларим, худди парслардек, куртка ва иштон кияр эдилар. Оёқларига ҳам, уз-узидан равшанки, ботинка ва пайпоқ кийишарди. Бу кийимларга урганишлари анча огир булди, ботинка оёқларини уриб, қавартирар, пайпоқлари эса тердан сасиб кетарди. Улар салгина эътироз билдиришса, оғзиларидан олиб ёқаларига ёпиштирардим. Бироқ сўзларимдан кура обруйимга қулоқ солишларини сезиб турардим. Оилам бошқа иложи йўқлигидан бундай янгиликларга чидашга мажбур эди. Пичоқ ва санчқилардан фойдалана бошлаганимиздаги уларнинг нафрати бадтар ортганди. Тамадуннинг бу нишонларига завқим сўнганидан кейин санчқи ва пичоқ яна истеъмолдан

чиқиб кетди. Улардан узоқ вақтгача фойдалангандан кейин ҳам осонгина воз кечиб қуя қолишди. Энди узимизни “тамаддун”ча безаклар юкидан халос қилгач, узимизни анча эркинроқ ҳис қилаётганимизни кўриб турардим.


Биз кетаётган кемада қариндошларимиз ва танишларимиз ҳам кетишаётганди. Худди бошқа класс йуловчилари каби мен уларни тез-тез бориб кўриб турардим. Менга истаган жойга боришга рухсат берилганди, чунки кема менинг мижозим дўстларига қарашли эди.

Кема бошқа бандаргоҳларга кирмай тўғри Наталга йул олгани учун саёҳатимиз атиги ўн саккиз кун давом этди. Худди қуруқликда биз учун тайёрлаб қўйилган бўрондан дарак бергандай, Наталга етишимизга тўрт кун қолганида денгиз тўфони бошланиб қолди. Декабрь — жанубий ярим шарда ёзги муссонлар ойи ва денгизда бу вақтда кўпинча бўрон туради. Аммо биз дуч келган тўфон шу қадар кучли ва давомли эдики, йуловчилар қўрқа бошлашди. Бу ғоят даҳшатли манзара эди: умумий хавф олдида ҳамма бир жон-бир тан бўлган эди. Мусулмонлар, ҳиндулар, насронийлар ва бошқа барча одамлар ягона Худога тавалло қилиб, диний тафовутлар ҳақида унутган эдилар. Айримлар турли онтлар ичмоқда эдилар. Дарға, гарчи тўфон хатарли бўлсада, мен бундан ҳам кучлироғини кўрганман, деб юпатар эди. Яхши қурилган кема ҳар қандай бўрон-довулга ҳам бардош беради, деб тасалли берарди. Бироқ одамлар тинчий олмасди. Узлуксиз қасир-қусур ва тарақ-туруқлардан шундай тасаввур ҳосил бўлардики, гуё кема мажақланиб кетаётгандай. У гоҳ айланар, гоҳ у, гоҳ бу томонга шунақанги отилардики, ҳализамон тўнкарилиб кетадигандай. Ўз-ўзидан равшан, ҳамма палубадан кетганди. Эслашимча, бўрон бир кеча-кундуз давом этганди. Ниҳоят ҳаво очилди, қуёш чиқди ва дарға бўрон тамом бўлди деди. Одамларнинг юзи ёришди, хавф бартараф бўлганди, оғизлардан энди Худо номи эшитилмасди. Одамлар яна ўйнаб-қўйлай, еб-ича бошладилар. Улим хатари гуё булмагандай эди ва астойдил қилинган дуонинг қисқа муддатли ҳолати майага ўз ўрнини бушатиб берганди. Йуловчилар намоз ўқиб, бошқа дуоларни такрорласалар-да, булар бари даҳшатли соатларда бўлган ҳалиги алоҳида тантанаворлигини йўқотган эди.

Бурон мени йуловчилар билан яқинлаштирди. Мен узим бурондан унчалик қурқмасдим, бу борада менинг унча-мунча тажрибам бор эди. Чайқалишларга бардош берар ва денгиз касали менга писанд эмасди, шу боис бурон вақтида бир йуловчидан бошқаси олдига бемалол борар, уларга гам-хурлик қилар ва далда берар эдим. Ҳар соатда мен уларга даргадан янгиликлар олиб келардим. Шу тариқа қулга киритилган дустлик, куриб турганимиздек, менга яхшигина хизмат қилди.

18 ёки 19 декабрь куни кема Дурбан бандагоҳига лангар ташлади. Уша куни иккинчи кема “Нодирий” ҳам изимиздан етиб келди.

Бироқ ҳақиқий бурон ҳали олдинда эди.



Олдин айтганимдай, ҳар иккала кема Дурбанга 18 ёки 19 декабрда етиб келди. Жанубий Африка бандагоҳларида синчиклаб тиббий куриқдан утказилмагунча йуловчиларнинг кемадан тушишларига рухсат берилмайди. Борди-ю, кемада юқумли касаллик билан оғриган йуловчи бўлса, карантин эълон қилинади. Биз Бомбейдан чиққанимизда, у ерда вабо бор эди ва биз бирмунча муддат карантинда қолиб кетишдан қурқаётгандик. То барча йуловчилар куриқдан ўтиб булмагунча кема узра сариқ байроқ ҳилпираб туради, врач тегишли гувоҳнома бергандан кейингина байроқ туширилади. Қариндош-уруғлар ва таниш-билишларга ҳам шундан кейингина кемага киришга рухсат берилади.

Бизнинг кемада ҳам сариқ байроқ осилган. Доктор келди, бизларни куриб чиқди ва беш кунлик карантин эълон қилди. Бунда унинг уз ҳисоб-китоби бор эди: тула ривожланиши учун вабо бациллаларига йигирма уч кун керак бўлади ва шу боис биз Бомбейдан сузиб чиққан кунимиздан бошлаб ушбу муддат тугагунча карантинда қолишимиз керак. Бироқ бу гал карантин фақат тиббиёт тартиботи вадангина эълон қилинмаганди.

Дурбаннинг оқтанли аҳолиси бизни ватанимизга қайтариб юборишни талаб қилмоқда эди. Карантин қулланишининг сабабларидан бири шу эди. “Дада Абдулла ва К” фирмаси шаҳарда нелар бўлаётганини муттасил хабар қилиб ту-

рарди. Оқтанлилар ҳар куни купкишилик митинглар утказар, бизларга дуқ урар, агар иккала кема қайтариб юборилса, зарарларни қоплар эдик деб “Дада Абдулла ва К”ни аврашга ҳаракат қилардилар. Бироқ фирмани кундириш осон гап эмасди. Фирма бошқарувчиси ушанда Шет Абдул Карим Ҳожи Одам эди. У кемани верфга олиб бориб, нима қилиб булса ҳам йуловчиларни туширишга аҳд қилганди. Ҳар куни у менга барча содирликлар ҳақида хабар йуллаб турарди. Бахтимизга, ушанда оқловчи Мансуҳлаъл Нозир Дурбанда эди, эндиликда марҳум бу одам мени кутиб олиш учун бу ерга келганди. Бу лаёқатли ва жасур киши ҳинд жамоасига бошчилик қиларди. Жамоа оқловчиси м-р Лаутон ҳам чўчиш нималигини билмайдиганлардан эди. У оқтанлиларнинг ишини қоралар ва ҳинд жамоасига шикоятни куриб чиқаётган оқловчи бўлибгина эмас, балки самимий дўст сифатида ёрдам берарди.

Шундай қилиб, Дурбан нотенг кураш майдонига айланди. Бир томонда бир ҳовуч камбағал ҳиндлару уларнинг оз сонли инглиз дўстлари булса, иккинчи томонда оқтанлилар бўлиб, улар қуроли, миқдори, маълумоти ва бойлиги билан кучли эдилар, бунинг устига давлат томонидан қўллаб-қувватлаб турилар эдилар (Наталь ҳукумати уларга очиқ-ошкора ёрдам берарди). Ҳукуматнинг энг муътабар аъзоси м-р Гарри Эсколб уларнинг митингларида иштирок этар эди.

Шундай қилиб, карантин белгиланишининг асосий мақсади йуловчилар ва компания агентларини қўрқитиб, ҳиндларни Ҳиндистонга қайтариб юборишга мажбурлашдан иборат эди. Шундай пуписалар қулоққа чалинарди: “Агар изингизга қайтмасангиз, биз сизларни денгизга улоқтирамиз. Борди-ю, қайтишга рози булсангиз, ҳатто қайтиш йулингиз учун кира пули ҳам олишингиз мумкин”. Мен турли йуллар билан далда берган ҳолда нуқул йуловчи дўст-уртоқларим олдида айланиб юардим. Бундан ташқари, мен “Нодирий” кемаси йуловчиларига тинчлантирувчи хатлар йуллар эдим. Одамлар хотиржам ва мардонавор турар эдилар.

Зерикиб қолмаслик учун биз кемада турли уйинлар уйнар эдик. Рождествода дарға биринчи класс йуловчиларини зиёфатга таклиф этди. Мен оила аъзоларим билан ҳамманинг диққат марказида эдим. Зиёфатдан сунг нутқ сузладим, унда фарб тамаддуни ҳақида гапирдим. Айни ҳолда жиддий мавзу

ноурин эканлигини билардим, аммо бошқача иш ҳам тутиб булмасди. Мен уйин-кулги қилаётганлар ичида булсамда, бутун фикри ёдим Дурбанда кураш олиб бораётганларда эди. Бу кураш асосан менга қарши қаратилган эди. Менга иккита айблов қуйилганди: биринчидан, Ҳиндистонда булган вақтимда мен Наталдаги оқтанлиларга адолатсизларча ҳужумлар қилганмишман; иккинчидан, мен Натални ҳиндларга тулдириб юбориш учун атайлаб колониячилар билан бирга иккита кема олиб келганмишман.

Зиммамдаги масъулият қандайлигини англаб турардим. Мени уз кемаси бортига олиб, “Дада Абдулла К” фирмаси катта таваккал қилганди. Йўловчиларнинг ҳам, менинг оила аъзоларимнинг ҳам ҳаёти хавф остида қолганди.

Бироқ менинг ҳеч қандай айбим йўқ эди. Мен биронта ҳам йўловчини Наталга боришга қистамагандим. Ҳатто уларнинг кемага қачон чиққанларини ҳам билмасдим. Ҳозир ҳам, уз қариндош-уруғларимни истисно қилганда, юзтадан биттасининг исмини ё билардим, ё билмасдим. Ҳиндистонда булган вақтимда Наталнинг оқтанлилари ҳақида илгари Наталнинг узида гапирганларимга нисбатан ҳеч қандай янги гап айтмаган эдим. Буларнинг барчасига менда исботлар тулиб-тошиб ётарди.

Зиёфатлаги нутқимда мен маҳсулоти, вакиллари ва курашчилари Наталдаги оқтанлилар булган тамаддунни қоралаган эдим. Бу тамаддун ҳақида мен кўпдан бери ва кўп уйлар эдим, ҳозир ҳам уз нутқимда унча катта булмаган шу масала буйича фкр-мулоҳазаларимни баён этдим. Дарға ва бошқа дусларим сабр билан тинглаб туришди ва нутқимни мен қандай маъно бермоқчи булсам, шундай тушунишди. Уларда кўнгилдагидек таассурот қолдирдимми, йўқми — билмайман. Кейинчалик дарға ва бошқа зобитлар билан фарб тамаддуни туғрисида суҳбатлашишимизга туғри келди. Уз нутқимда мен шарқ тамаддунидан фарқли улароқ фарб тамаддуни асосан зўравонликка асосланганини уқтирдим. Савол берувчилар мени фикримдан қайтаришга ҳаракат қилдилар. Кимдир, дарға булса керак, деди:

— Дейлик, оқтанлилар зулм қилишда давом этадилар; шунда сиз узингизнинг куч ишлатмаслигингиз билан нима қилган булар эдингиз?

Бунга мен бундай деб жавоб бердим:

— Уларни кечиришим ва уларни судга тортишдан тийи-лишим учун тангри менга матонат ва ақл беришига умид қиламан. Менинг улардан жаҳлим чиқмайди, балки улар-нинг жоҳиллиги ва ақли ноқислигидан афсус-надомат че-каман, холос. Биламан, улар нимаики қилаётган бўлсалар, ҳаммаси ҳаққоний ва яхши эканига қаттиқ ишонадилар. Шу боис менинг улардан жаҳлим чиқишига асос йўқ.

Савол берган, эҳтимол, ишонқирамай жилмайиб қуйди.

Кунлар чўзилгандан-чўзилиб ўтарди: карантин қачон ту-гаши ҳамон номаълум эди. Карантин бошлиғи бу масала менинг ихтиёримдан чиқиб кетган ва қачон ҳукумагдан фар-мойиш олсам, шундагина сизларга қирғоққа тушишингиз-га рухсат бераман, дерди.

Ниҳоят, йўловчилар ва менга ультиматум қуйилди. Агар тирик қолишни истасак, бўйсунимизни таклиф қили-шарди. Жавоб хатимизда айтдикки, Порт-Наталда тушишга тўла ҳақлимиз ва жонимиз хатарда қолса ҳамки, Наталда кемадан тушиш қароримиз қатъий, дедик.

Йигирма уч кундан кейин кемаларнинг бандаргоҳга ки-ришига ва йўловчиларнинг қирғоққа тушишига рухсат бе-рилди.



Шундай қилиб, кемалар бандаргоҳга кириб олди, йўлов-чилар эса соҳилга туша бошлашди. Бироқ м-р Эскомб дарға-дан айтдириб юборибдики, оқтанлилар менга қарши қат-тиқ тиш қайраганлар ва менинг ҳаётим хавф остида, шу-нинг учун ҳам мен оилам билан қош қорайгандан кейин кемадан тушганим маъқул бўларди, шунда бандаргоҳ бош-қарувчиси м-р Татум бизни уйга кузатиб қўяди. Дарға шу гапларни менга етказди ва мен маслаҳатга қулоқ солишга қарор қилдим. Бироқ ярим соат ўтдимиз, йўқми, м-р Лаутон дарғанинг олдига келиб, бундай деди:

— Агар йўқ демасангиз, м-р Гандини мен узим билан олай. Кема компанияси ҳуқуқшуноси сифатида айтишим ке-ракки, сиз м-р Эсконт курсатмаларига риоя қилишингиз шарт эмас.

Сўнг у менинг олдимга келди-да, тахминан қуйидаги-ларни айтди:

— Агар қурқмасангиз, бир таклифим бор, миссис Ганди болалари билан мистер Рустамжийникига борса, биз эса пиёда уларнинг ортидан етиб борамиз. Сизнинг шаҳарга угрилардай тунда кириб боришингизни истамасдим. Сизга бирон-бир хавф-хатар солади деб уйламайман. Энди ҳаммаси тинчиди. Оқтанлилар тарқалишди. Ҳар ҳолда сизнинг шаҳарга яширинча киришингиз керак деб уйламайман.

Мен жон деб рози булдим. Хотиним болаларим билан бемалол Рустамжийникига йул олди, мен эса дарғанинг руҳсатига кура Лаутон билан биргаликда соҳилга тушдим. Рустамжийнинг уйи бандаргоҳдан икки милча узоқликда жойлашган эди.

Биз қирғоққа тушишимиз ҳамон қандайдир болакайлар мени таниб қолишди ва: “Ганди! Ганди!” деб қичкира бошлашди. Уларга яна бир неча киши қушилди. Оломон тупланишидан қурқиб кетган Лаутон рикша чақирди. Мен рикшага минишни ёқтирмасдим ва умримда биринчи марта ҳаракатнинг бу туридан фойдаланишимга туғри келди, бироқ болалар мени мингани қуйишмади. Улар рикшачини шунақанги қурқитиб юборишдики, шўрлик қочиб қолди. Биз юрганимиз сайин оломон катталашиб борарди ва охири йулимизни тусиб қуйди. Лаутонни бир четга суриб юборишди, менга эса тошлар, гишт парчалари ва палағда тухумлар отишарди. Кимдир бошимдан салламни олиб қочди, ўзимни ура бошлашди. Мен ўзимни ёмон ҳис қила бошладим ва нафасимни ростлаш учун ҳовли деворига суяндим. Бироқ бу ҳам булмади. Мени калтаклашда давом этишди. Тасодифан сал наридан мени биладиган катта полиция зобитининг хотини ўтиб қолди. Бу жасур аёл оломонни ёриб менинг олдимга етиб келди-да, алақачон қуёш ботганига қарамай, шамсиясини очди ва мен билан оломон ўртасига туриб олди. Бу дарғазаб оломонни ҳовуридан туширди, миссис Александерга тегмасдан менга етишнинг иложи йуқ эди-да.

Бу орада барча томошани куриб турган қандайдир ҳинд усмири полиция маҳкамасига чопиб кетган экан. Катта полиция зобити, м-р Александер мени қуршаб олиш ва тайинланган жойга бешикаст олиб бориб қуйиш учун полиция гуруҳини юборди. Гуруҳ уз вақтида етиб келди. Полиция маҳкамаси Рустамжий уйи йулида эди. Биз маҳкамага етиб келгач, м-р Александер мени ўша ерда яширинишимни так-

лиф этди. Бироқ мен рад этдим. “Уз хатоларини англаб етганларидан кейин улар тинчиб қолишса керак, — дедим мен. — Мен улардаги адолат туйғусига ишонаман”. Полиция қуриқчилигида саргузаштларсиз Рустамжий уйигача етиб олдим. Аъзои баданим муматалоқ булиб кетганди, аммо шилиниб-қонаган жой йуқ эди. Кема врачлари Далибаржур уша заҳоти менга зарурий тиббий ёрдам курсатди.

Уй ичкараси жимжит эди, аммо атрофда оқтанлилар оломони тупланган эди. Тун чўкмоқда эди, бироқ оломон ичидан: “Гандини бизга беринглар!” деган қичқириқлар келарди. Эҳтиёткор катта полиция зобити аллақачон уйга етиб келган ва оломонни дуқ-пуписа билан эмас, ҳазил гаплар билан тинчитишга ҳаракат қиларди. Бироқ барибир у хавотир олди ва менга бундай деб айттириб юборди: “Агар оилангизга, шунингдек, дустингизнинг уйи ва мулкига зарар етмасин десангиз, бегона кийим кийиб олиб, уйни тарк этишингизни маслаҳат бераман”.

Шу тариқа, бир куннинг ўзида мен иккита бир-бирига мутлақо қарама-қарши маслаҳатга кирдим. Ҳаёт учун хавф тасаввурдагина мавжуд булганида м-р Лаутон менга ошқора иш тутишини маслаҳат берди ва мен бу маслаҳатга кирдим. Хавф бутунлай аниқ булганда эса бошқа дустим менга фирт тескари маслаҳат берди ва мен бу маслаҳатга ҳам рози булдим. Нима учун мен шундай қилдим? Ҳаётим хавф остида булгани боисиданми ёки дустимнинг уй-жойию мол-мулкани, хотиним ва болаларим ҳаётини таваккал остига қуйишни истамаганимданми? Ва бу икки ҳодисадан қайси бирида туғри йул тутдим? Оломонга рўбару чиққанимдаги биринчи галдами ёки бошқа кийимга яширинганимдаги иккинчи галдами?

Бироқ булиб утган ишларим туғри ёки нотуғрилиги туғри-сида фикр юритишдан маъно йуқ. Имкониятига қараб келажакка сабоқ чиқариш учун ҳамма нарсани миридан-сиригача билиб олмоқ зарур. У ёки бу одам ўзини маълум ҳолатларда қандай тутиши лозимлигини дангал айтиши қийин. Бироқ унинг ишларига қараб ҳам кишига баҳо бериш қийин, чунки бундай баҳо етарли даражада асосга эга булмайди.

Нима булганда ҳам қочишга тайёргарлик куриш мени еган зарбаларимни унутишга мажбур қилди. М-р Александер таклифи билан мен ҳинд полициячиси либосини кийдим, бошимга эса худди дубулғадай, юзимни курунмайдиган қилиб,

мадрасча буйинбоғни ураб олдим. Кидирув полициясининг мен ҳамроҳ булган икки агентидан биттаси ҳинд савдогари кийимини кийиб олди ва ҳиндга ухшаш учун башарасига ул-бул суртди. Наригиси қандай кийингани эсимдан чиқибди. Тор йулкадан қушни дуконга, ундан жут қоплари тула омборхонадан ўтиб кучага чиқдим ва оломон орасидан ёриб ўтиб, куча бошида бизни кутиб турган аравага яқинлашдим. Унда биз м-р Александер яқинда мени яширинишга таклиф қилган ҳалиги полиция маҳкамасига келган эдик. Мен ундан ва қидирув полицияси агентларидан миннатдор эдим.

Мен қочиб кетаётган вақтимда м-р Александер оломонни қуйидаги қушиқ билан авраб турган эди:

Қария Гандини осинг
Ёввойи олма дарахтига!

Бизнинг полиция маҳкамасига етиб олганимизни билгач, у оломонга мана бу янгиликни туҳфа этди:

— Сиз таъқиб қилган одам қушни дукондан қочиб қолибди. Яхшиликча уй-уйларингга тарқалинглар!

Айримларнинг жаҳли чиқибди, баъзилар кулибди, бир хиллари эса бунга ишонмабди:

— Бупти, — дебди м-р Александер, — борди-ю, менинг гапимга ишомасангиз, орангиздан бир-иккита вакил тайинланглар ва мен уларга уйга киришга рухсат бераман: агар улар уйда Гандини топишса, мен жон-жон деб уни сизларга топшираман. Борди-ю, у ерда Гандини топишолмаса, ҳаммангиз тарқаласиз. Ахир сизлар Рустамжийнинг уйини бузиш ёки Гандининг хотин-бола-чақаларига зарар етказиш ниятида булмасангиз керак?

Оломон уйни тинтиб чиққани уз вакилларини юборибди. Куп утмай улар қайтиб чиқишибди ва ҳеч кимни тополмаганини айтишибди. Оломон тарқала бошлабди, охири купчилиги катта зобитнинг хатти-ҳаракати ҳақида яхши гапларни айтибди, аммо айримлари тилини тиёлмай, вайсабди ва астойдил ғазабланибди.

Ҳозирда марҳум, ушанда колонияларнинг собиқ вазири м-р Чемберлен Наталь ҳукуматига телеграмма юборди, ҳужумда иштирок этган шахсларга қарши жиноий иш қўзғашни таклиф этди. М-р Эсконт мени ҳузурига таклиф қилиб, деди:

— Ишонинг, сизга қилинган ҳатто энг майда таҳқирлардан гоётада афсусдаман. Сиз м-р Лаутоннинг таклифини қабул қилишга ва таваккал этишга ҳақли эдингиз, аммо ишонаманки, агар сиз менинг сузларимга янада хайрихоҳлик кўрсатганингизда, бу қайғули воқеа содир булмаган буларди. Борди-ю, айбдорларни таний олсангиз, мен уларни ҳибсга олишга ва судга тортишга тайёрман. Шундай қилишимни м-р Чемберлен ҳам хоҳлаяпти.

— Мен ҳеч қандай иш қўзғашни истамайман,— дедим мен бунга жавобан.

Тугри, бир ёки иккита айбдорни таний оларман, бироқ уларнинг жазоланишларидан нима фойда бор? Бундан ташқари, менга ҳужум қилганларни суд қилиш лозим деб ҳисобламайман. Уларга айтишганки, гуё мен Ҳиндистонда Наталдаги оқтанлилар борасида нотугри маълумотлар берган ва уларга тўхмат қилган эмишман. Улар бу гапларга ишонишган ва қаттиқ дарғазаб булишганидан ажабланмаслик керак. Уларнинг раҳбарларини ва, мени маъзур тутгайсиз, сизни суд қилиш керак. Сиз халқни тугри йулга бошлашингиз лозим эди, гуё мен узимни қандайдир хуружлардан тўхтатиб қолмаганимни хабар қилган Рейтер агентлигига ишонмаслигингиз керак эди. Мен ҳеч кимни судга тортмоқчи эмасман ва бу одамлар ҳақиқатдан воқиф булгач, ўз ишларидан афсус чекишларига ишонаман.

— Сиз буларнинг барини ёзма равишда баён этмайсизми? — сурад Эсконт. — Гап шундаки, мен м-р Чемберлен телеграммасига жавоб беришим керак. Сизнинг пала-партиш баёнот беришингизни истамайман. Узил-кесил бир қарорга келишдан олдин, агар хоҳласангиз, м-р Лаутон ва бошқа дустлар билан маслаҳатлашиб олишингиз мумкин. Тан олишим керакки, борди-ю айбдорларни жавобгарликка тортиш ҳуқуқингиздан воз кечадиган булсангиз, маълум даражада менга осойишталикни тиклашга ёрдам берган ва бундан ташқари обруйингизни оширган булур эдингиз.

— Миннатдорман сиздан, — дедим мен. — Мен ҳеч ким билан маслаҳатлашмоқчи эмасман. Сизнинг ҳузурингизга келгунимга қадар мен бир тўхтамага келиб булганман. Айбдорларни жавобгарликка тортиш керак эмас деб ўйлайман ва ҳозироқ ўз қароримни ёзма равишда баён этишга тайёрман.

Мен шартта талаб этилган баённомани ёзиб ташладим.

Мен қиссамизнинг шундай даврига етиб келдимки, бунда брахмачарҲа онти ичиш туғрисида жиддий уйлаб кўрмасам булмасди. Бир марта уйланиш — уйланган вақтимдан буён менинг олий мақсадим эди, хотинга вафодорлик эса мен учун ҳақиқатни севишдан келиб чиққанди. Бироқ Жанубий Африкада мен ҳатто хотинимга нисбатан ҳам брахмачарҲага риоя қилиш мумкинлигини англай бошлагандим. Қандай ҳолат ва қайси китоб менинг фикрларимга бундай йуналиш берганини аниқ айта олмайман, бироқ, эслашимча, олдин ҳикоя қилганим Райчандбҳайнинг таъсири ҳал қилувчи омил бўлганди. У билан шу мавзудаги суҳбатимиз ҳалигача ёдимдан кетгани йўқ. Қайси бир суҳбатимизда мен м-с Гладстоннинг эрига вафодорлигини кўкларга кўтара бошладим. М-с Гладстон эри учун ҳатто жамоалар палатасида ҳам чой дамлаб бериш ҳуқуқини ҳимоя қилиб чиққанини, бу машҳур эр-хотиннинг ҳаётида қоидага айланганини, уларнинг барча хатти-ҳаракатлари мунтазамлиги билан ажралиб турганини ўқиган эдим. Йўл-йўлакай эр-хотиннинг муҳаббатларини алқаб, бу ҳақда шоирга сузлаб берган эдим.

— Сиз қайси бирини юксак қадрлайсиз, — сураганди Райчандбҳай, — м-с Гладстоннинг эрига хотин сифатидаги муҳаббатиними ёки унинг м-р Гладстонга нисбатан муносабати қандай бўлишидан қатъи назар унга ихлос билан хизмат қилишиними? Дейлик, аёл унинг синглиси ёки содиқ чўриси бўлган эди ва худди ўшандай жонини жабборга бериб хизматини қилар эди, бунга сиз нима деган булардингиз? Ахир бундай содиқ сингиллар ва чўрилар булмайдами? Дейлик, сизга худди ўшандай меҳрибон ва содиқ эркак хизматкор учраб қолди, у ҳам сизга худди м-с Гладстондек ёққан булармиди? Мен айтган нарсалар устида яхшилаб уйлаб кўринг.

Райчандбҳайнинг узи уйланган одам эди. Бу сузлар аввалига менга унинг ҳиссиётсизлигини намоён этиб тургандек туюлди, бироқ улар менда ўчмас таассурот пайдо қилди. Хизматкорнинг садоқати хотиннинг эрга ихлосига қараганда минг карра кўпроқ мақтовга сазоворлигини англадим. Хотиннинг эрга садоқатида ажабланарли ҳеч нарса йўқ, чунки улар узвий ришталар билан боғланган. Бундай садоқат

мутлақо табиийдир. Бироқ шундай садоқатга тулиқ муносабатларни хужайин ва хизматкор уртасида урнатиши учун алоҳида саъй-ҳаракат талаб этилади. Шоирнинг нуқтаи назари менга тобора кўпроқ ёқмоқда эди.

Мен узимга узим савол берардим: бундай ҳолда мен уз хотинимга қандай муносабатда бўлишим керак? Наҳотки менинг хотинимга садоқатим менинг шаҳватимни қондириш учун уни восита қилиб олмагимдан иборат бўлса? Ҳозирча мен васваса қулиман, садоқатимнинг уч пуллик қиммати йуқ. Хотиним туғрисида ҳаққоният шундан иборатки, у ҳеч қачон шаҳватга мазахурак булган эмас. Шу боис, агар кўнглим тусаб қолгудек булса, браҳмачарйа ақидасини қабул қилиш мен учун ҳеч қандай қийинчилик тугдирмаган бўларди. Аммо иродам заифлиги ва ҳирс туйғуси панд берарди.

Ҳатто мен буни англай бошлаганимдан кейин ҳам икки марта муваффақиятсизликка учрадим. Менинг муваффақиятсизлигим шу билан изоҳланар эдики, уринишим сабаблари разил хоссаларга эга эди. Менинг асосий мақсадим ортиқ бола кўрмаслик эди. Англияда мен ҳомилага қарши воситалар туғрисида уқиган эдим. Утхурлик туғрисидаги бобда туғилишни назорат қилишни тарғиб этган д-р Аллинстоннинг фаолияти хусусида гапирган эдим. Қайсидир давргача унинг фаолияти менга маълум даражада таъсир кўрсатган эди. Бироқ бундай усулларнинг собиқ муҳолифи ва ташқи воситаларга, яъни ўзини ўзи назорат қилишга зид равишда ички уринишларнинг тарғиботчиси м-р Хилл менда анча катта таассурот қолдирганди ва мен вақти-соати билан унинг эътиқодли маслакдошига айлангандим. Орғиқ бола куришни хоҳламаган ҳолда мен ўзимни тийишга ҳаракат қила бошладим. Бу ҳаддан ташқари қийин нарса буларкан. Биз бошқа-бошқа ёта бошладик. Мен кун буйи қилинган ишдан кейин бутунлай силлам қуригандагина ётиб ухлашга қарор қилдим. Бу барча ҳаракатлар, бир даражада, айтарли натижалар бермаётгандай эди, бироқ энди бундоқ уйлаб қарасам, мен мана шу алоҳида-алоҳида муваффақиятсиз уринишлар жамланмаси орқали узил-кесил қарорга келган эканман.

Мен 1906 йилдагина узил-кесил қарорга келдим. Сатйаграҳ ҳали бошланмаган эди; унинг пишиб-етилиб келаётганига шубҳа қилмасдим. Наталда инглиз — бур урушидан кей-

ин куп утмай зулуслар “қузғолони” содир булганда мен Иоганнесбургда оқловчи булиб ишлар эдим. Шу муносабат билан Наталья ҳукуматига уз хизматларимни таклиф этишим керак деб ҳисоблардим. Таклифим инobatга олинган эди, бу ҳақда бошқа бобда гапирарман. Бу иш тийилишим зарурлиги туғрисида муттасил уйлашга мажбур қиларди ва мен, одатда, бу борада ишдаги ўртоқларим билан фикрлашдим. Мен шундай хулосага келдимки, бола туғдириш ва болага муттасил гамхўрлик қилиш жамиятга хизмат қилиш билан асло чиқиша олмайди. “Қузғолон” чоғида хизмат қилиш ҳолатида бўлмоғим учун мен Иоганнесбургдаги уй-рузғоримга барҳам беришим керак буларди. Мен хизматимни таклиф қилганимдан бир ой утгач, минг машаққатлар билан жиҳозлаган уйдан воз кечишга мажбур булдим. Мен хотин-бола-чақаларимни Фениксга жўнатиб юбордим, узим эса Наталья қуролли кучларига берилган ҳинд санитар гуруҳига бошчилик қила бошладим. Биз амалга оширишимизга туғри келадиган оғир юришлар вақтида миямга бир фикр келиб қолди: модомики мен узимни жамоат ишларига бағишламоқчи эканман, бола куриш, фаровонлик ҳақидаги истакларимни унутишим ва уй-рузғор ташвишларидан воз кечган одам — ванпрастҳ ҳаётини ихтиёр этишим керак.

“Қузғолон” билан боғлиқ ишларда мен кўпи билан олти ҳафтагача машғул булдим. Бироқ унча катта булмаган бу давр менинг ҳаётимда ғоят муҳим бурилиш булди. Қасамёлларнинг аҳамиятини илгаригидан бир неча баробар кўпроқ англай бошладим. Қасамёд чинакам озодлик сари олиб борадиган йулни беркитмайдигина эмас, балки, аксинча, уни очади. Ирода кучининг йуқлиги, узимга ва худонинг марҳаматига ишонмаслик шу пайтгача муваффақиятга эришимга йул бермай келар эди. Шу боис шуурим шубҳаларнинг буронли уммонида чарх уриб айланиб юрар эди. Шу нарсани тушундимки, қасамёд ичишдан бош тортиб, одамзот узини хаёлий лаззатга асир қилиб қўяди. Қасамёд унинг учун тубанликдан ҳақиқий эр-хотинликка утиш воситаси бўлиб хизмат қилади. “Мен ҳаракатимга ишонаман, мен узимни қасамёллар билан занжирбанд қилиб қўймайман” — бундай уйлаш заифликни билдиради ва ундан воз кечиш керак булган пинҳоний хоҳиш намоён булади. Узил-кесил қарорга келишдаги қийинчилик нимадан иборат? Чақиши-

ни билганим илондан қочишга азму қарор этар эканман, мен шунчаки ундан қочишга ҳаракат қилаётганим йуқ. Фақат уринишгина туғри улимни англатиши мумкинлигини биламан, чунки уриниш — илон албатта чақади деган бор гапни менсимасликдир. Шундай қилиб, мен фақат уриниш билан кифояланиб қола оламан, деган гап мен ҳали ҳал қилувчи ҳаракат зарурлигини охиригача аниқлаб ололганим йуқ деган нарсани англатади. Бизни кўпинча мана бу хилдаги шубҳалар қурқувга солади: “Фараз қилайликки, менинг қарашларим келажакда ўзгаради, бу ҳолда мен ўзимни қандай қилиб қасамёд билан боғлаб қўя оламан?” Бироқ бундай шубҳа аксарият муайян нарсадан воз кечиш зарурлигини ёрқин англаш йўқлигидан дарак беради. Нишкулананд мана бундай куйлагани бежиз эмас:

Нафратсиз бирон нарсадан воз кечиш узоққа бормайди.

Бинобарин, воз кечиш онти — хоҳиш йўқолишининг табиий ва муқаррар натижасидир.



1906 йилда ҳар томонлама муҳокама қилиб ва ҳар тарафлама ўйлаб олгандан кейин мен қасамёд этдим. Бунгача хотинимга фикрларимни билдирганим йуқ ва қасамёд этаётган вақтимдагина у билан маслаҳатлашдим. Хотиним йуқ демади. Лекин узил-кесил қарорга келиш мен учун гоят қийин бўлди. Кучим етмаётганди. Ўз туйғуларимни буйсундира олармиканман? Эркак хотини билан жинсий алоқа қилишдан воз кечиши ўшанда галати туюларди. Бироқ Худонинг мустаҳкамловчи кучига ишонган ҳолда шундай қадам қўйишга азму қарор этдим.

Онт ичган вақтимдан буён ўтган йигирма беш йилга қайрилиб қарар эканман, вужудимни лаззатбахш ҳайрат чулғайди. 1901 йилдан бошлаб озми ё кўпми даражада ҳаётимга тийиқликни муваффақиятли олиб киришга муваффақ бўлдим. Бироқ мен онт ичганимдан кейин пайдо бўлган эркинлик ва шодлик туйғуларини 1906 йилгача ҳеч қачон ҳис этмаган эдим. Шунгача мен муттасил васваса ғалабасидан хавфсираб юрардим. Энди қасамёд ундан қутулишнинг ишончли ҳимояси бўлиб қолганди. Браҳмачарьянинг улкан имкониятлари

кундан-кун мен учун якқол намоён булмоқда эди. Мен Фениксга келганимда онт ичган эдим. Санитар гуруҳидаги ишдан халос бўлиб, Фениксга йул олдим, у ердан Иоганнесбургга қайтиб кетишим керак эди. Иоганнесбургга қайтгандан кейин тахминан бир ой ичида сатйаграҳга асос солинган эди. Браҳмачарйа онги мени бунга инон-ихтиёримдан ташқарида тайёрлаб келарди. Сатйаграҳ олдиндан пухта уйлаб олинган режа натижасида қабул қилинмаганди. У бирданига, хоҳиш-иродамдан ташқарида пайдо булганди. Бироқ шу нарсани якқол куриб турардимки, менинг барча олдинги қадамларим муқаррар равишда шунга олиб келарди. Мен Иоганнесбургдаги уй харажатларимни қисқартирдим-да, браҳмачарйа онти ичгани Фениксга йул олдим. Браҳмачарйага аниқ риоя қилиш браҳман ҳолагига етишишга олиб келишини тушунишим шастрларни ўрганишим шарофатидан эмасди. Мен аста-секинлик билан, ҳаётий тажрибам асосида шунга келган эдим. Бу масалага оид шастр матнларини мен анча кейин ўқигандим. Онт ичгач, кундан-кун шунга ишончим ортиб бормоқда эдики, браҳмачарйа бадан, ақл ва жонни ҳимоя қилишни ўз ичига оларкан. Зеро браҳмачарйа энди мен учун оғир тавба-тазарру жараёни эмасди, балки менга хотиржамлик ва севинч бағишларди. Ҳар куни мен унда яхши бир гузалликни кашф этар эдим.

Бироқ онга риоя қилиш, гарчи у менга тобора кўпроқ севинч бағишлаётган булса-да, зинҳор менга осон булаяпти деб уйламанг. Ҳатто ҳозир ҳам, 56 ёшга етганимда бунинг нечоғли оғир эканини ҳис қилиб турибман. Қасамёдга риоя қилиш қилич дамида юришни эслатишига кўпроқ ишонмоқдаман ва ҳар дақиқада мудом ҳушёр булиш зарурлигини ҳис этиб турибман.

Нафс туйғулари устидан назорат ўрнатиш — браҳмачарйа қасамёдига риоя қилишдаги бош шарт. Шунга иймоним комил булдики, нафс устидан тула назорат ўрнатиш қасамёдга риоя қилишни ҳаддан ташқари енгиллаштиради ва ўтхўр сифатидагина эмас, балки браҳмачарйа сифатида ҳам ўзимнинг парҳезлик тажрибаларимни ўтказа бошладим. Бу тажрибалар натижасида шундай хулосага келдимки, браҳмачарйанинг озуқаси мўл-кўл эмас, балки оддий ширинликларсиз ва иложи борица қайнатилмаган бўлиши керак.

Олти йиллик тажрибам шуни курсатдики, браҳмачарйанинг энг аъло таоми — янги ҳул мевалар ва ёнғоқлардир. Бундай озуқа истеъмол қилганимда узимни ҳирслардан бутунлай холи ҳис қиламан. Браҳмачарйага риоя қилиб Жанубий Африкада ёлғиз ҳул мевалар ва ёнғоқлар билан озикланиб юрганимда мен узимда ҳеч қандай зуриқиш ҳис этмасдим. Бироқ сут ича бошлаганимдан бери онтимга риоя қилишим анча қийинлаша бошлади. Мен яна қандай қилиб сут истеъмол қила бошлаганим хусусида кейинроқ сузлаб бераман. Ҳозир шу нарсани таъкидлайманки, сут браҳмачарйага риоя этишни қийинлаштиришига заррача шубҳа қилмайман. Бироқ барча браҳмачарйалар ҳам сутдан воз кечиши керак экан-да, деган хулоса чиқариш нотўғри. Ҳар хил овқатнинг браҳмачарйага таъсир этишини узоқ тажрибалардан кейингина аниқлаш мумкин. Мен ҳали ҳул мевалардан тайёрланадиган ва сутнинг ўрнини босадиган овқатни топишим керак эди, токи у ўша даражада мушакларим ривожланишига имкон туғдирсин ва баданимда энгил ушлашсин. Врачлар, вайдиалар ва ҳақимлар бу борада менга жуяли маслаҳат беролмадилар. Шу боис, гарчи сут бир жиҳатдан қузғатувчи восита экани менга маълум булса-да, ҳозирча ҳеч кимга ундан воз кечишни маслаҳат беролмайман.

Браҳмачарйага риоя қилишни энгиллаштириш учун овқатни танлаб ва таомдан узини чеклабгина қолмай, киши руза ҳам тутиши керак. Бизнинг нафсимиз шунчалик кучлики, уни ҳам ичкаридан, ҳам ташқаридан қатъий қоидаларга солган тақдирдагина тийиш мумкин. Барчага маълумки, агар умуман овқат ейилмаса, иштиёқлар сусаяди ва шу тариқа нафсни тийини мақсадида руза тутиш, шубҳасиз, ғоят фойдали. Тўғри, руза фойда бермайдиган одамлар ҳам булади, зеро улар соф ғайриихтиёрий равишда руза тутиб ҳам васвасаларга берилмаслик мумкин деб ҳисоблайдилар. Улар баданни зарурий озуқадан маҳрум қилиб қўядилар; бироқ айни вақтда руза тугагандан кейин нуқул ейиш ва ичишларини ўйлайвериб, ўз зеҳнларини турли хил қандолатлар билан тинтириб турадилар. Бу хилдаги руза на қурсоқ нафсни ва на ҳирсни тийишга ёрдам беради. Ақл очиққан баданни қўллаб-қувватлаганда ёки бошқача айтганда, у бадан инкор этган нарсаларга нисбатан нафрат ўйғотгандагина фойдали булади. Ақл ҳар қанақанги ҳиссийлик сарчашмаларида жойлашган

булади. Шу боис рузанинг фойдалилиги чекланган, чунки руза тутаётган одамнинг минг қиланда ҳам — эҳтирослари жунбушга келиб турган булиши мумкин. Аммо ишонч билан айтиш мумкинки, одатда браҳмачарйага риюя қилиш учун зарур булган рузасиз жинсий ҳирсени тийишнинг иложи йуқ. Браҳмачарйага риюя қилишга интилувчи куп одамларнинг муваффақиятсизликка учраганларининг сабаби шундаки, улар ўзларининг бошқа туйғуларига нисбатан браҳмачарйа булмаган одамлардек йул тутганлар. Шу боисдан ҳам уларнинг уринишлари силлани қуритувчи ёз ойларида тетиклантирувчи қиш совуғини ҳис этишга интилишдек туюлади. Браҳмачарийнинг ҳаёти билан браҳмачарий булмаганнинг ҳаёти уртасидаги тафовутни англаш гоят муҳим. Улар уртасидаги ухшашлик юзаки. Шундай булса-да, тафовут кундузги ёруғдай равшан булиши керак. Униси ҳам, буниси ҳам кўради, бироқ браҳмачарий кузидан илоҳий шарафни куриш учун, униси эса уни қуршаб турган беҳудаликларни куриш учун фойдаланади. Униси ҳам, буниси ҳам уз қулоқларидан фойдаланади, бироқ айни вақтда биттаси тангрига ҳамду санолардан бошқа ҳеч нарсани эшитмаса, наригиси фақат ярамас, уят гапларнигина зеҳнига жойлайди. Ҳар иккаласи ҳам купинча ярим тунгача бедор булади, бироқ биттаси бу соатларини тоатибодатларга бағишласа, иккинчиси уларни беҳуда телба-тескари дилхушликларга сарфлайди. Иккаласи ҳам қорин гамини ейди, бироқ аввалгиси худонинг уйини яхши ҳолатда сақлаш учун овқат еса, кейингиси балои нафсига бўкиб овқатланади-да, муқаддас идишни бадбуй ахлат урага айлантиради. Шундай қилиб, ҳар иккаласи худди бир-бирига қарама-қарши қутбларда яшаётгандек булади, уларни ажратиб турувчи масофа эса вақт ўтиши билан қисқармайди, балки ортиб боради.

Браҳмачарйа фикрлардаги, сузлардаги ва хатти-ҳаракатлардаги туйғуларнинг тийиқлигини англатади. Мен юқорида тилга олган феъл-атвор чекловларининг зарурийлигига кундан-кун купроқ ишонмоқда эдим. Браҳмачарйа имкониятлари чексиз булгани каби тийилиш имкониятлари ҳам чексиздир. Браҳмачарйага фақат қисман қилинган уринишлар билан эришиб булмайди. Куплар учун браҳмачарйа олий мақсад булиб қолаверади. Браҳмачарйага интилган одам ҳар доим уз камчиликларини англайди, қалбининг энг чуқур

жойида яширинган эҳтиросларини қидириб топади ва мутасил улардан халос булишга интилади. Токи ирода фикрни тула қулга олмагунча ҳақиқий браҳмачарйа ҳам бўлмайди. Беихтиёр юзага келадиган фикр ақл бетоблигидир; уни жиловлаш ақлни жиловлашни англатади, бу шамолни жиловлагандан ҳам қийинроқдир. Шундай бўлса-да, бизга жо бўлиб қолган Худо ҳагто ақлни ҳам назорат қилишга имкон беради. Қийин бўлгани учун бунинг иложи йуқ деб ўйлаш керак эмас. Бу олий мақсад ва шу боис унга етишиш учун бутун куч-қувватни сарфлаш зарурлиги табиийдир.

Ҳиндистонга қайтиб келгандан кейингина шу нарсага амин бўлдимки, ёлғиз инсоний уринишлар ёрдамидагина браҳмачарйага эришишнинг иложи йуқ экан. Илгари бир хўл мева парҳези барча эҳтирослар илдизига болта уради деб ўйлаб ва бундан бошқа ҳеч нарса қилиш керак эмас деган фикр билан ўзимни овутиб янглишган эканман.

Бироқ ҳар гапнинг уз мавриди булади. Рухсатингиз билан бир нарсани тушунтириб берсам. Худони англашга интилиб, браҳмачарйага риоя қилмоқчи бўлганлар афсусланмасалар булади, зеро уларнинг Худога ишонишлари уз кучларига ишониш билан тенгдир.

Воз кечган жон учун ҳиссий манбалар
гойиб булади, улар лаззатни ёқтирмайди,
Бироқ олий зотни идрок этганлар учун
лаззат ҳам бутунлай гойиб булади.

Шу боис Унинг номи ва Унинг марҳамати мокша ҳолатига етишишга интилаётган одам учун сунгги ошиёндин. Бу ҳақиқатни мен Ҳиндистонга қайтиб келганимдан кейингина тушундим.

ОДДИЙ ҲАЁТ

Мен тинч ва қулай ҳаёт кечира бошладим. Уйим яхши жиҳозланган булишига қарамай, мени узига тортмасди. Куп ўтмай яна харажатларимни қисқартирдим. Кирчининг ҳисоблари жуда катта эди, кирчи хотинда саришталик етишмагани боис йигирмата-ўттизта кўйлагим була туриб, кўйлакка ёлчимасдим. Ёқани ҳар куни алиштиришга туғри келарди, кўйлакни эса ҳеч бўлмаганда кунора. Булар бари менга ор-

тиқчадек куринаётган харажатлар билан боғлиқ эди ва тежамкорлик мақсадида кир ювиш ашёларига эга булиб олдим. Мен кир ювиш буйича қулланма сотиб олдим, узим кир ювиш маҳоратини ургандим ва хотинимга ҳам ургатдим. Тўғри, ишига иш қўшилганди, бироқ бу машғулотнинг янгилиги уни ёқимли қилиб курсатарди.

Биринчи ювган ёқам сира эсимдан чиқмайди. Мен уни керагидан ортиқ оҳорлаб юборибман ва куйдириб қуйишдан қурқиб, салгина қизиган дазмолни унга урибман. Ёқа анча қаттиқ экан, ортиқча оҳор эса тинмай тукиларди. Шу ёқани тақиб, судга йул олдим, куриб, касбдош оқловчилар қотиб-қотиб кулишди. Бироқ мен энди пичингли кулишларга эътибор бермайдиган булиб қолгандим.

— Нима қипти, — дедим мен, — ахир бу менинг ёқа ювишдаги биринчи тажрибам, ортиқча оҳор суриб юборганим сабаби шунда. Лекин бундан мен заррача хафа булмайман, қайтанга сизларни хурсанд қилганим қолди.

— Ахир бизда кирчи дегани тиқилиб ётибди-ку, — деди дусларимдан бири.

— Кирхоналарда кир ювдириш жуда қиммат туради, — жавоб бердим мен. — Ёқани ювиш янги ёқанинг нархи билан тенг, бунинг устига доим кирчи хотиннинг қош-қовоғига қарашинг керак. Мен уз буюмимни узим ювишни афзал биламан.

Бироқ дусларимга узига узи хизмат қилишнинг барча қулайликларини англатиш осон иш эмасди. Вақти келиб мен ҳақиқий кирчи булдим ва кирларни кирхонадагидан ёмон ювмасдим. Ёқаларим у қадар қаттиқ булмас ва бошқаларникидан кам товланмасди.

Гукҳале Жанубий Африкага келганида у узи билан Маҳодев Гувинд Ранаве совға қилиб берган буйинбоғни ола келганди. Гукҳале эсдалик сифатида бу буюмни ер-қукка ишонмасди: у буйинбоғни фақат тантанали маросимлардагина тақарди. Бир гал уни Иоганнесбургдаги ҳиндлар шарафига берилган зиёфатга тақиб бориши керак булиб қолди. Буйинбоғғижимланиб ётарди ва уни дазмоллаш керак эди. Буйинбоғни кирчига топшириш ва уни вақтида олишнинг сира иложи йуқ эди. Мен уз санъатимни синаб кўришини таклиф қилдим.

— Сизнинг оқловчилик қобилиятингизга тан бераман, аммо кир ювиш борасидаги истеъдодингизга ишонмайман, —

деди Гукҳале. — Буйинбоғимни ишдан чиқариб қуйсангиз нима булади? У мен учун қандай аҳамиятга эгаллигини биласизми?

У бу совғани қандай ҳолатларда олганини завқ билан сузлаб берди. Лекин мен сузимда туриб олдим, ишнинг сифатига кафолат беришимни айтдим ва буйинбоғни лазмол қилиш учун рухсат олдим. Натижада мақтов сузлари эшитдим. Ҳозир ҳам кимдир менга бундай мақтов сузлари айтишни рад этгудай бўлса, пинагимни ҳам бузмайман.

Мен кирхона зулмидангина қутулиб қолмай, сартарошдан ҳам мустақилликка эришдим. Англияда бўлиб келган одамлар у ерда соқолини ўзи олишни камдан-кам ўрганадилар, аммо уз сочини ҳам ўзи олишни, менинг билишимча, ҳеч ким ўрганмаган. Менга буни ҳам эгаллашимга тўғри келди. Бир куни Преториядаги сартарошхонага киргандим. У нафрати қузиб, сочимни олиб қўйишдан бош тортди. Қаттиқ хафа бўлдим, бироқ уша заҳоти қайчи сотиб олдим-да, ойна олдида сочимни ўзим туғриладим. Олд томонни-ку озми-кўпми даражада эпақага келтиргандим; аммо энсани бузиб қўйдим. Суддаги дустларим қотиб-қотиб қулишди.

— Сочингизга нима қилди, Ганди? Каламушлар кемириб кетдимми?

— Йўқ, оқтанли сартарош менинг тим-қора сочимга қўл тегизиб, узини ерга ургиси келмади, — жавоб бердим мен, — сунг сочимни ўзим туғрилашга қарор қилдим, ёмон чиққан бўлса ёмондир, менга шуниси ҳам бўлаверди.

Жавобимдан дустларим ажабланишмади.

Сартарошнинг бунда кераги ҳам бўлмади. Қоратанлиларга хизмат қилиб, у мижозларини йўқотишни истамди. Ҳиндистонда биз сартарошларимизга даҳлсиз биродарларимизга хизмат кўрсатиш учун рухсат бермаймиз. Бунинг учун Жанубий Африкада мени бошлаб тузлашди— бир эмас, бир неча бор. Бу бизнинг гуноҳларимиз учун берилган жазо экани ҳақидаги фикр мени ғазабга минишдан сақлаб турарди.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатишга ва оддийликка бўлган иштиёқим охир-оқибатда қандай чоралар куришимга олиб келганини бошқа жойда тасвирлаб берарман. Уруғлар анча олдин сепилган эди. Униб чиқиши, гуллаши ва мева бериши учун улар суғоришга муҳтож эди, холос. Керакли пайтда эса улар суғорилди ҳам.



БУР УРУШИ

1897 ва 1899 йиллар оралигида бошимдан кечирган кўплаб воқеаларни бу ерда ташлаб утишга ва тўғридан-тўғри бур урушига кўчишга мажбур эдим.

Уруш эълон қилинганида менинг шахсий хайрихоҳлигим бутунлай бурлар томонда эди. Лекин ушанда бундай ҳолларда ўзимнинг мутлақо шахсий муносабатимни изҳор этишга ҳақли эмасман, деб билар эдим. Кечирган ички курашимни мен Жанубий Африкадаги сатйаграҳ тарихи буйича китобимда муфассал тасвирлаганман ва энди буни такрорлаб утирмоқчи эмасман. Қизиқувчиларни ушбу китобга йўллайман. Инглиз ҳукуматига нисбатан холислигим мени урушда инглизлар тарафида туриб иштирок этишга ундаганини айтишим етарлидир. Борди-ю, Британия фуқароси сифатида ҳуқуқ талаб қилсам, уз-узидан Британия империясини ҳимоя қилишда иштирок этишим керак деб уйлардим. Ушанда Ҳиндистон фақат Британия империяси доирасида ва унинг ҳамкорлигида мустақил була олади деб тахмин қилардим. Шу боис мен иложи борича купроқ уртоқ орттиришга киришдим ва катта машаққат билан бизни армияга санитарлар сифатида қабул қилишларига эришдим.

Оддий инглиз ҳиндларни кўрқоқ, таваккал қилишга ёки уз шахсий манфаатларидан устун келишга ноқобил деб ҳисоблайди. Шу боис кўплаб инглиз дўстларим менинг режамга шубҳа билан қарашарди. Бироқ д-р Бут мени қизғин қўллаб-қувватлади. У бизларга санитарлар ишини ургатди ва биз тиббий хизматга тайёрлик тўғрисидаги гувоҳнома олдик. М-р Лаутон ва м-р Эскомб менинг режамни қизғин қўллаб-қувватлашди ва бизни фронти жунатишларини илтимос қилдик. Ҳукумат бизга миннатдорчилик билдирди, аммо айна пайтда бизнинг хизматимизга муҳтож эмаслигини хабар қилди.

Лекин бу жавоб мени қаноатлантормади. Д-р Бут тавсиясидан фойдаланиб, мен Наталь епископи ҳузурига бордим. Гуруҳимизда кўп насроний ҳиндлар бор эди. Епископ менинг таклифимдан ҳаяжонда эди ва бизга ёрдам беришга ваъда қилди.

Вақт ҳам бизнинг фойдамизга ишлаётган эди. Бурлар кутилганидан ҳам купроқ жасорат, матонат ва қатъият кўрсат-

моқда эдилар ва ниҳоят бизнинг ёрдамимиз керак бўлиб қолди.

Гуруҳимиз бир минг юз нафар одамдан иборат бўлиб, шулардан қирқтаси командирлар эди. Уч юзга яқини эркин ҳиндлар бўлиб, қолганлари шартномадаги ишчилар эди. Д-р Бут ҳам биз билан бирга эди. Гарчанд биз ўт чизиги ортида ҳаракат қилишимиз лозим бўлиб, “Қизил Хоч” ҳимояси остида бўлсак-да, нозик пайтда бизни олдинги сафларга утишимизни сўрашди. Арьергардда бўлиш бизнинг хоҳишимиз билан шартланмаганди: ҳокимиятнинг ўзи бизни олдинги чизиққа қўйиб юборишни истамаётганди. Бироқ Сипон — Кона ёнидаги мағлубиятдан кейин аҳвол узгарди. Генерал Булляр бизга гарчанд биз ўзимиз таваккал қилишга мажбур бўлмасакда, жанг майдонидан ярадорларни олиб чиқишга рози бўлсак, ҳукумат биздан миннатдор булишини хабар қилди. Биз ҳеч бир иккиланишсиз Симон — Кона ёнидаги уруш ҳаракатлари вақтида олдинги чизиқда ишлай бошладик. Уша кунлари замбилларда ярадорларни олиб 20—25 милдан йўл босиб ўтишимизга тўғри келди. Генерал Вутгайтга ўхшаган жангчиларни кўтариб юриш шарафига эга бўлгандик.

Олти ҳафталик хизматдан кейин гуруҳ тарқатиб юборилганди. Британ бош қўмондони Симон — Кона ва Ваалькранц ёнида мағлубиятга учраб, Ледисмит ва бошқа манзилгоҳларга тўсатдан ҳужум қилиб забт этишдан воз кечди. У Англия ва Ҳиндистондан қўшимча куч келишини кутиб, аста-секин олға силжишга қарор қилди.

Бизнинг камтарона ишимиз ўшанда оғизга тушганди ва бу ҳиндларга бўлган эътиборни ошириб юборганди. Рўзнамаларда бизнинг шарафимизга қўйидаги нақарот билан қасидалар чоп этилганди: “Не бўлса ҳам бизлар Империя ўғлонларимиз”.

Генерал Буллер расмий ахборотида гуруҳ ишини таъкидлаб ўтганди ва унинг барча командирлари медаллар билан мукофотланганди.

Ҳинд жамоаси ташкилоти аста-секин яхшилана бошлади. Мен шартномадаги ҳиндлар билан яқиндан танишдим. Уларнинг анча қузи очилган ва ҳиндлар, мусулмонлар, насронийлар, тамиллар, гужаротлар, синдхйлар бир ватан фарзандлари деган ишонч-эътиқод уларнинг онларига чуқур урнашиб қолган эди. Ҳамма оқтанлиларнинг ҳиндларни таҳ-

қирлаганлари учун ўз айбларини шиббалаб юборишларига ишонар эди. Ушанда оқтанлиларнинг нуқтаи назарлари жиддий ўзгаргандек туюларди бизга. Уруш вақтида улар билан гоят илиқ муносабатлар ўрнатилган эди. Бизга минглаб инглиз аскарлари билан иш қуришимизга тўғри келганди. Улар биз билан дўстона муносабатда булар ва хизматларимиз учун ташаккурлар айтар эдилар.

Синов чоғида одам боласи узини яхши томони билан кўрсатишига ўрнак бўлиб хизмат қила оладиган бир воқеа ҳақидаги ёқимли хотирани сузламай ўтолмайман. Биз Чивели-Кемп томонга утаётган эдик, у ерда лорд Робертснинг ўғли лейтенант Робертс қаттиқ яраланиб, ҳалок бўлган эди. Гуруҳимиз чекига жанг майдонидан унинг жасадини олиб чиқиш вазифаси тушганди. Кун иссиқ, ҳамма ташналикдан қийналарди. Йўлда бир кичик дарёча учраб қолди ва ташналик балосидан қутулиш имкони пайдо бўлди. Аммо ким биринчи бўлиб сув ичади? Биз, аввал инглиз аскарлари ичсин, деб таклиф киритдик. Бироқ улар аввал сизлар ичинглар деб туриб олишди. Биринчиликни бир-бирига тақдим этишдаги бу ёқимли мусобақа анчагача давом этди.

ЯНА ҲИНДИСТОНДА

Шундай қилиб, мен ватанимга сузиб кетдим. Кема йўл-йўлакай авлиё Маврикия ороли бандаргоҳига кириб ўтди. Узоқ туриб қолдик ва мен маҳаллий шароитлар билан яхшироқ танишиш учун соҳилга тушдим. Оқшомлардан биринда колония губернатори сэр Чарльз Брусникида бўлдим.

Ҳиндистонга қайтиб келгач, бир мунча вақт мамлакат бўйлаб айландим. 1901 йили Калькуттада ҳозирда марҳум мистер (кейинчалик сэр) Диншоу Вач раислигида Конгресс мажлиси бўлиб ўтди. Ўз-ўзидан равшанки, мен Конгресс мажлисига йўл олдим ва у ерда унинг иши билан биринчи марта танишдим.

Бомбейдан мен сэр Ферузшоҳ Меҳта билан битта поездга чиқдим, чунки у билан Жанубий Африкадаги ишлар ҳақида гаплашиб олишим керак эди. Унинг шоҳона яшаётганини билардим. У махсус, буюртма қилинган салон-вагонда борарди ва суҳбат қилиш учун у билан биргаликда бир станциялик масофа таклиф этилганди. Олдиндан белги-

ланган станцияда мен салон-вагонга келдим-да, келганимни хабар қилишларини сўрадим. Меҳта билан м-р Вач ва м-р (эндиликда сэр) Чиманлаъл Сеталвад борарди.

— Ганди, афтидан, сиз учун ҳеч нарса қилиш керак эмас,— деди мени куриб, сэр Ферузшоҳ Меҳта.— Тўғри, биз сиз таклиф қилган резолюцияни қабул қиламиз. Аммо бу мамлакатда биз қандай ҳуқуқларга эгамиз? Уйлайманки, то ўз мамлакатимизда ҳокимиятга эга булмас эканмиз, колонияларда аҳволни яхшилашга эришолмайсиз.

Мен ҳанг-манг бўлиб қолдим. М-р Сеталвад, афтидан, унинг фикрини қулларди. М-р Вач менга ҳамдардона қараб кўйди.

Мен сэр Ферузшоҳга эътироз билдиришга ҳаракаат қилдим, бироқ мендай бир одамнинг Бомбейнинг тожсиз қиролига гап уқдириши мутлақо мумкин булмаган нарса эди. Ўз резолюциямни муҳокамага олиб киришга рухсат берилгани билан қаноатланиб кўя қолдим.

— Резолюциянгизни менга курсатарсиз, албатта, — деди м-р Вач, менга далда бериш учун.

Мен ташаккур билдирдим-да, кейинги бекатда вагондан тушдим.

Биз Калькуттага етиб келдик. Ташкилий қумита президентни катта тантана билан кутиб олди. Кунгиллилардан қаёққа боришимни сўрадим. У мени делегатларнинг бир қисми жойлашган Рипон коллежига олиб борди. Тақдир менга мурувватли эди. Йиғилишлардан бирида мен Локманйя билан бирга утириб қолдим. Янглишмасам, у бир кун кейин келганди.

Локманйяни, ўз-ўзидан равшанки, унинг дарборисиз тасаввур қилиб бўлмасди. Рассом бўлганимда, мен уни каравотда ўтирган ҳолда тасвирлаган бўлардим. У менинг хотирамда ана шу ҳолатда ўрнашиб қолган. Унинг ҳузурига қадам ранжида қилган сонсиз одамлардан фақат биттаси — ҳозирда марҳум, “Амрита базар патрика” жаридаси муҳаррири бобу Мутийлаъл Гўзенигина эслайман. Келганларнинг қаҳқаҳ уриб кулишларию ҳукмдор доираларнинг жинояткорона ишлари ҳақидаги суҳбатларини унутиш мумкин эмасди.

Конгресс ишлаган муҳит ҳақида батафсилроқ ҳикоя қилиб бераман. Кунгиллилар бир-бирини аямай сўкар эдилар. Борди-ю, сиз улардан бирига бир иш топширгудек булсангиз, у буни бошқа биттасига топширар, у эса ўз навбатида учин-

чисига топширар эди ва ҳоказо. Делегатларга келсак, уларнинг қулидан умуман бир иш келмас эди.

Мен бир қанча кўнгиллилар билан дўстлашиб олдим ва Жанубий Африка ҳақида уларга гапириб бердим; улар узларининг фаолиятсизликларидан бироз хижолат тортишди. Мен уларга жамиятга хизмат қилишнинг пинҳоний маъносини тушунтиришга уриниб кўрдим. Афтидан, улар мени тушунди. Бироқ хизмат қилиш руҳи бирданига юзага келмади. У биринчи навбатда хоҳиш борлигини, ундан кейин эса тажрибани кузда тутди. Уша соддадил, куркам йигитларда хоҳишдан купи йуқ, аммо тажриба дегани анқонинг уруғи эди. Конгресс йилда бир марта уч кунга йиғиларкан, қолган вақтда ҳеч бир иш қилмас экан. Унинг уч кунлик мажлисларидагина иштирок этиб, қанақа тажриба тушлаб буларди? Делегатлар кўнгиллилардан ҳеч нимаси билан фарқ қилмасди. Уларда тирноқча ҳам ортиқча тажриба йуқ эди. Уларнинг узлари ҳеч иш қилмас эдилар. “Ҳой, кўнгилли, уни қил, ҳой кўнгилли, буни қил”, — улар муттасил бир-бирларига шундай буйруқ берар эдилар, холос.

Ҳатто шу ерда ҳам мен дахлсизлик муаммосига дуч келдим. Тамилларнинг ошхонаси бошқа ҳаманикидан бир четда жойлашганди. Тамил делегатлар ёт одамларнинг улар овқатига бир карра назар тушишиданоқ узларини ҳақоратланган деб ҳис этар эдилар. Шу боис улар учун коллежнинг бошқа ҳаманикидан девор билан тусилган компаундида махсус ошхона қурилган эди. У ер ҳар доим тутун ва дим булар эди. Бу бир вақтнинг узида ошхона, емакхона ва юз-қўл чайдиган жой ҳисобланарди — туйнук-дерасиз қоп-қоронғи бир қути. У менга варндҳари латифасини эслатиб юборди.

“Борди-ю, Конгресс делегатлари ўртасида ноиттифоқлик мавжуд бўлса, — уйладим мен уҳ тортиб, — унинг сабабчилари орасида қанчалик тарқалганини тасаввур қилса булади”.

Делегатлар тозалikka зид шароитларда яшашарди. Ҳамма ёқ чилп-чилп лой. Атиги икки-учтагина жамоат ҳожатхонаси бор эди; у ердан анқийётган бадбуй ҳид ҳалигача димогимдан кетмай, нафратимни уйғотади. Мен бу туғрида кўнгиллиларга айтдим. Улар менга кескин жавоб беришди:

— Бу бизнинг эмас, ахлатчиларнинг иши.

Мен супурги сурадим. Мурожаат қилган одамим менга ҳайрон булиб қараб қўйди. Мен супургини олдим-да, ҳожат-

хонани тозалаб қўйдим. Халқ шу қадар куп, ҳожатхоналар шу қадар оз эдики, уларни тез-тез тозалаб туришга туғри келарди, бунга битта менинг ўзимнинг кучим етмасди. Шу боис мен фақат ўзимни ўзим эплай олардим, холос. Қолганлар эса, афтидан, ифлослик ва сассиққа бепарво эдилар.

Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Айрим делегатлар тунлари ўз заруратларини бажариш учун хоналари айвончасидан фойдаланишдан уялишмасди. Эрталаб буларнинг барини кўнгиллиларга кўрсатдим. Лекин ҳеч ким тозалаш билан шуғулланишга кўнмади, бу шарафли ишни мен билан баҳам қуришни ишташмади. Ушандан буён шароитлар яхшилик томонга хийла ўзгарган бўлса-да, бироқ ҳозир ҳам айрим енгилтак делегатлар ўз ҳожатларини кўнгиллари истаган жойда чиқариб, Конгрессни шармисор қилмоқда эдилар, кўнгиллилар эса ҳар доим ҳам уларнинг орқасини тозалашни истамасдилар.

Борди-ю, Конгресс сессияси узоқроқ давом этадиган бўлса, улат тарқалиши ҳеч гап эмасди, чунки у ердаги шароит бунга тула қулайлик туғдириб бермоқда эди.



Ниҳоят Конгресс очилди. Ҳайҳотдай танобий уй, қаддини ғоз тутган кўнгиллилар сафлари ва супада ўтирган оқсоқоллар — булар барчаси менда катта таассурот уйқотди. Бундай гавжум йиғилишда мен қаерга ўтиришимни билмай қолдим.

Президентнинг мурожаати бутун бир китобдан иборат бўлиб, уни бошдан-оёқ ўқиб чиқишнинг иложи йўқ эди. Шу боис айрим жойларинигина ўқиб чиқилди.

Сунг Ташкилий қўмита сайлови бўлиб ўтди. Гукҳале мени ўз мажлисига олди.

Сэр Ферузшоҳ резолюциямни муҳокамага киритишга ўз розилигини билдирди, бироқ мен уни қўмитага ким ва қачон таклиф этажagini билолмасдим. Гап шундаки, ҳар бир резолюция буйича узун-узун, бунинг устига инглиз тилида нутқлар ирод қилинаётган эди ва ҳар бир резолюцияни қайсидир таниқли раҳбар қўллаб-қувватларди. Менинг товушим Конгресс фахрийларининг кўс ноғорадай гумбури остида заиф писиллашдай овоз берди. Кун охирига келиб юрагим тез-тез ура бошлади. Эслашимча, кун охи-

рида муҳокамага киритиладиган резолюциялар яшин тезлигида утказиб юборилаётганди. Ҳамма йиғилишни тарк этишга шошиларди. Соат ун бир эди. Менинг нутқ қиладиган ҳолим қолмаганди. Мен Гукҳале билан куришиб олгандим ва у резолюцияни куриб чиққанди. Мен курсимни унга томон сурдим-да:

— Илтимос, мен учун бирон нарса қилинг,— дедим.

— Сизнинг резолюциянгизни унутганим йўқ. Куриб турибсиз, улар шошяпти. Аммо сизнинг резолюциянгиз эътибордан четда қолишига йул қўймайман,— деб жавоб берди.

— Шундай қилиб, тугатдикми? — суради Ферузшоҳ.

— Йўқ, йўқ, Жанубий Африка буйича яна битта резолюция бор. М-р Ганди анчадан бери кутиб утирибди, — қичқирди Гукҳале.

— Сиз бу резолюцияни уқиб чиқдингизми? — суради Ферузшоҳ.

— Албатта.

— У мутлақо мақбул.

— Яхши, қани, Ганди уни бизга уқиб берсин.

Мен титроқ товушда резолюцияни уқиб бердим. Гукҳале мени қўллаб-қувватлади.

— Бир овоздан қабул қилинсин, — қичқирди ҳамма.

Бу гапларнинг ҳеч бири менга асло ёқмади. Ҳеч ким резолюциянинг мазмунига чуқурроқ кириб боришни хаёлига ҳам келтирмаётганди. Ҳамма уйга шошарди, Гукҳале резолюция билан таниш бўлгани сабабидан қолганлар унинг уқилишини ва тушунишни зарур деб ҳисобламаётганди!

Эрталабдан ўз нутқим борасида безовта бўла бошладим. Беш дақиқа ичида нимани ҳам гапира олардим? Мен яхши тайёргарлик кургандим, аммо сўзлар бошқача эди. Мен нутқни уқиб беришга эмас, бадиҳа билан сўзлашга қарор қилдим. Бироқ Жанубий Африкада ортдирганим нутқ энгиллиги, афтидан, бу гал менга панд берди.

Навбат менинг резолюциямга етиб келганда, м-р Вач менинг исмимни айтди. Мен ўрнимдан турдим. Бошим айланиб кетди. Бир амаллаб резолюциямни уқиб бердим. Кимдир Ҳиндистондан муҳожирликка кетиш тараннум этилган дostonни машинкала босди ва нусхаларни делегатларга тарқатиб чиқди. Мен дostonни уқиб бердим-да, Жанубий Африкадаги муҳожирларнинг дарду аламлари ҳақида гапира

бошладим. Худди шу паллада м-р Вач қунғироқни чалди. Ҳали беш дақиқа гапириб булмаганимга ишончим комил эди. Бу менда ҳали икки дақиқа вақт борлигидан огоҳлантириш эканини билмагандим. Бошқаларнинг ярим соатлаб, чорак кам бир соатлаб гапирганларини эшитганман, уларни қунғироқ чалиб гапдан тухтатиб қуймасдилар. Мен дилим қаттиқ оғриб, раис қунғироқ чалиши ҳамон жойимга чўкдим. Бироқ болаларча соддадиллик билан мен ушанда дostonда сэр Ферузшоҳга жавоб борлигини ҳис этган эдим. Резолюция ҳеч қандай эътирозга сабаб бўлмади. Уша кунларда меҳмонлар ва делегатлар уртасида ҳеч қандай фарқ йўқ эди. Овоз беришда униси ҳам, буниси ҳам иштирок этарди. Менинг резолюциям худди шундай қабул қилинди ва у мен учун ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолди. Шундай бўлса-да, унинг Конгресс томонидан қабул қилиниши юрагимни севинч ва умидга тулдирди. Конгресснинг эътирофи бутун мамлакат эътирофи эканини англаш ҳар қандай одамни қувонтирмай иложи йўқ.

ЛОРД КЕРЗОН ДАРБОРИ

Конгресс мажлислари тугади, бироқ Савдо палатасига боришим ва менинг Жанубий Африкадаги ишимга дахлдор бир қанча одамлар билан учрашишим керакли важдан Калькуттада яна бир ой қолиб кетдим. Меҳмонхонада ётмасликни афзал билиб, Ҳинд клубида хона олиш учун тавсиянома олдим. Бу клуб аъзоларининг кўпчилиги таниқли ҳиндлар булиб, улар билан танишиш, шу баҳонада уларни Жанубий Африкада ишлашга қизиқтириш ниятида эдим.

Гукҳале биллиард уйнагани клубга тез-тез келиб турарди. Менинг Калькуттада яна бирмунча вақт қолишимни билиб, мени узиникига келиб туришимни таклиф этди. Мен таклиф учун миннатдорчилик билдирдим, аммо уникига узим боришни ноқулай ҳис этдим. Гукҳале бир-икки кун кутиб турди-да, кейин узи ёнимга келди. Мени кулбаи вайронамдан қидириб топди-да, шундай деди:

— Ганди, сиз мамлакатда қолишингиз керак. Хонани эса узгартирмасангиз, бўлмайди. Сиз иложи борича кўпроқ одамлар билан алоқа ўрнатишингиз керак. Сизнинг Конгресс учун ишлашингизни истардим.

Гукҳаленинг уйида кечирган ҳаётимни тавсифлашдан олдин Ҳинд клубида руй берган бир воқеани айтиб бермоқчиман.

Тахминан шу вақтда лорд Керзон дарбор чақирди. Дарборга таклиф этилганлардан баъзи рожа, маҳарожалар клуб аъзолари эди. Мен ҳар доим уларни клубда ажойиб бенгал дхутийси, куйлак ва буйинбоғда кўрар эдим. Дарборга боришда улар фақат хонсомонлар киядиган шимда, ялтироқ ботинкаларда булар эдилар. Буни кўриб хафа бўлиб кетдим ва уларнинг биттасидан кийимни ўзгартириб олиши сабабини сурадим.

— Биз ўзимиздан ўтганини ўзимиз биламиз. Бойлик ва мансабдан ажралиб қолмаслик учун қанақанги хурликларга чидашимиз фақат ўзимизгагина аён, — жавоб берди у.

— Хонсомоннинг мана бу саллаларию ярқироқ ботинкаларга нима дейсиз? — сурадим мен.

— Биз билан хонсомоннинг уртасида фарқ борми денг? — суради у ва қўшимча қилди:

— Биздаги хонсомонлар ўзимизники, биз эса — лорд Керзоннинг хонсомонларимиз. Борди-ю, қабулда иштирок этмасак, куп ўтмай ҳолимиз вой булади. Агар мен уз кийимимда келсам, буни ҳақорат деб тушунишади. Сиз ҳали мени лорд Керзон билан гаплашмоқчи деб уйлаётгандирсиз? Тушингизни сувга айтинг!

Бу қадар очиқ дил одамга қаттиқ раҳмим келиб кетди ва мен яна бир дарборни эсладим. У Ҳинд дорилфунуни пойдевори кутарилиши муносабати билан ташкил этилган бўлиб, биринчи гиштни лорд Хардинг қуйган эди. Дарборда, маълумки, рожа ва маҳарожалар ҳам иштирок этаётганди. Пандит Малвия жий мени махсус таклиф қилган ва мен келган эдим.

Аёлларга ўхшаб ясан-тусан қилиб олган маҳарожаларга кузим тушиши билан ҳафсалам пир булди — эгниларида шойи пижамалар ва ачканлар, буйинларида дур-маржонлар, билакларида билагузуклар, саллаларида дур ва олмос шокилалар. Булар ҳам етмагандай белларида тилла сопли шамширлар осилиб турарди.

Булар барчаси қироллик шавкатининг эмас, балки қўлик асоратлари эканини ҳис этиб турардим. Кўнглимга бу ошиқлик тимсолларини улар уз ихтиёрлари билан кийганлар деган уй келди, бироқ менга айтишдики, мана бунга ўхшаган маросимларда рожалар узларининг бор тақинчоқ-

ларини тақиб олишлари шарт экан. Билишимча, айримлар ҳатто дарборга ўхшаган алоҳида тантаналардан ташқари вақтда қимматбаҳо тақинчоқлар гакишни ва башанг кийинишни хоҳламас эканлар.

Бу маълумотлар қанчалик тўғрилигини билмадиму, аммо бошқа пайтларда улар тақинчоқларни тақиш-тақмасликларидан қатъи назар вице-қирол дарборига фақат хотинларгагина ярашадиган тақинчоқларни тақиб бориш турган-битгани шармандалиқдир.

Бойлик, ҳокимият ва мартаба деб инсон содир этган гуноҳлар ва қилмишлар тулови нақадар оғир!

ГУКҲАЛЕНИКИДА УТГАН БИР ОЙ

Гукҳаленикига келганимнинг биринчи кунидан бошлаб ўзимни уйдагидай ҳис этдим. У менга укасидай муомала қилар, феъл-атворимни урганар ва менинг ҳеч нимадан қисилмаслигимни кузатар эди. Хайриятки, менинг эҳтиёжларим ғарибона эди ва ҳамма ишни узим қилиб урганганим боис чет кишилар хизматига ҳаддан ташқари кам муҳтожлик сезардим. Ҳамма ишимни узим қилиб урганганим, саришталигим, орасталигим ва ички интизомим унда кучли таассурот қолдирганди ва у кўпинча том маънода мени мақтаб кетарди.

Назаримда, унинг мендан сир туталиган нарсаси йуқ эди. У уйларида булган барча етук оламлар билан таништирди. Энг яхши эсимда қолгани д-р (эндиликда сэр) П.Рай эди. У шундоқ ёнимизда турарди ва тез-тез Гукҳаленикига келиб турарди.

Гукҳале уни қуйидагидек таништирди:

— Бу профессор Рай. У ойига саккиз юз рупия ишлаб топади, бироқ ўзига қирқ рупия олиб қолади, қолганларини жамоат эҳтиёжларига бериб юборади. У уйланмаган ва уйланмоқчи ҳам эмас.

Шундан буён д-р Рай кам ўзгарганди. У ҳозир қандай бўлса, ўшанда ҳам шунақа оддий кийинар эди, бор-йуқ фарқи шундаки, энди, ўз-ўзидан маълум, кҳадийдан тикилган куйлақда юради, илгари эса ҳинд фабрика сурупидан киярди. Мен Гукҳале билан д-р Райнинг гапларини эшитиб тўймасдим, чунки уларнинг суҳбатлари ҳар доим ижтимо-

ий фаровонликка тааллуқли булар ва тарбиявий аҳамият касб этарди. Бироқ улар гоҳо жамоат арбобларини танқид қилганларида менга ёқмай кетарди. Натижада илгари менга толмас курашчи бўлиб кўринган одамлар ўз улуғликларидан маҳрум булардилар.

Гукҳаленинг ишини кузатиш ҳам севинчли, ҳам ибратли эди. У бирон дақиқа вақтини бекор кетказмасди; узининг шахсий муносабатлари ва дустона алоқаларини бутунлай ижтимоий фаровонлик манфаатларига буйсундирганди. Унинг барча суҳбатлари нуқул Ҳиндистон фаровонлиги ҳақида булар, уларда ёлғон ва носамимийликдан асар ҳам бўлмасди. У ҳар доим Ҳиндистоннинг қашшоқлиги ва мазлумлиги туғрисида уйлар ва гапирар эди. Кўплар уни бошқа нарсаларга қизиқтиришга ҳаракат қилар эдилар, лекин у яккаш шундай жавоб бера эди:

— Бу ёғини сизларга қўйиб бердим, мен эса, келинг, ўз ишимдан қолмай. Мен Ҳиндистон учун озодлик истаيمان. Биз унга эришгач, бошқа нарсалар ҳақида уйлаш мумкин бўлади. Бутун вақт ва кучимни сарфлаш учун бугунги кунда шу кифоя.

Унинг Раниде олдидаги ҳурмаги ҳар бир қадамда яққол кўриниб турарди. Ҳар қандай масала буйича Раниденинг фикри унинг учун ҳал қилувчи фикр булар ва у кўпинча ундан иқтибослар келтирарди. Гукҳале мунтазам тарзда Раниденинг ўлган куни (ёки туғилган куни, аниқ эсимда йўқ)ни нишонлар эди. Гукҳаленикида яшаб турган вақтимда ҳам шундай булган эди. Мендан ташқари, уша вақтда у билан унинг дўстлари — профессор Катавате ва судьянинг ёрдамчиси ҳам булар эдилар. Гукҳале бизларни тантанада иштирок этиш учун таклиф қилди ва Раниде борасидаги хотираларини сузлаб берди. У Ранидени, ҳар ҳолда, Теланг ва Мандлин билан қиёслади. У Телангнинг мафтункор услубини ва ислоҳотчи сифатида Мандлиннинг улуғворлигини ўз мижозларига ғамхўрлигини эслар экан, у бизга бир латифани сузлаб берди, унга кўра, ҳар доим кетадиган поездига у бир кун кечикиб қолади, Мандлин мижозини ҳимоя қилиши лозим булган судга вақтида етиб бориш учун махсус поездга буюртма беради. Бироқ Раниде, деди Гукҳале, узининг ҳартарафлама истеъдоди билан улардан баланд турарди. У нафақат буюк судья, балки худди ушундай даражадаги буюк тарихчи, иқтисодчи ва ислоҳотчи эди.

Судья ўлароқ у барибир Конгресс мажлисларига дангал бо-
раверарди. Ҳамма унинг зийраклигига шунчалик ишонар-
дики, у таклиф этган қарорларни муҳокамасиз қабул қилар
эди. Уз устозининг ақлий ва руҳий сифатларини таъриф-
тавсиф қилиш, шубҳасиз, Гукҳалега чексиз лаззат бағиш-
лар эди.

Гукҳале ўша вақтларда соябонли аравада юрарди. Бунга
қанақа зарурият булганини мен тушунмадим ва бир куни
таънаомуз сурадим:

— Наҳотки трамвайда юра олмасангиз? Ёки бу раҳбар
обруйига путур етказадими?

Менинг танбеҳим, назаримда, унга айил ботди, шекил-
ли, шундай деди:

— Демак, сиз ҳам мени тушунмас экансиз! Мен уз мао-
шимни шахсий манфаатларимга сарфламайман. Мен сизнинг
эркинлигингизга ҳавас қиламан, шунинг шарофати билан сиз
трамвайда юра оласиз, мен эса, афсуски, ундай қилолмайман.
Борди-ю, сиз ҳам мен каби мана шундай кенг оммага тани-
лиш қурбони булганингизда, сизга ҳам қийин ва ҳатто трам-
вайда юришингиз амри маҳол буларди. Раҳбарлар ҳамма нар-
сани шахсий машғулотлари учун қиладилар, деб ўйлаш тўғри
эмас. Сизнинг оддий ҳаёт тарзингиз менга ёқди ва мен ҳам
иложи борича оддий яшашга ҳаракат қиламан, бироқ мендай
бир одам учун баъзи чиқимлар қилиш зарурийдир.

Шу тариқа менинг иштибоҳларимдан биттаси осон бар-
тараф бўлди, аммо тагин бир эътирозим қолганди.

— Лекин сиз сира сайр қилгани ҳам чиқмайсиз, — де-
дим мен. — Доим сирқовланиб юрганингизга ажабланмаса
ҳам бўлади. Наҳотки жамиятга хизмат қилиш жисмоний
машқлар учун ҳам вақт қолдирмаса?

— Узи сайр учун буш вақтим қолишини сира курганми-
сиз? — жавоб берди у.

Мен азбаройи Гукҳалени ҳурмат қилганимдан ҳеч қачон
унга қарши гап гапирмас эдим. Гарчи унинг жавобидан мен
қаноатланмаган булсам-да, бу гал ҳам сукут сақладим. Ушан-
да ва ҳозир ҳам одамнинг қанча иши бўлишидан қатъи на-
зар, худди овқат каби киши жисмоний машқлар учун ҳам
старли пайт топиши керак деб ҳисоблайман. Жисмоний машқ-
лар иш қобилиятини сусайтиришди, аксинча, уни оширади
деб ўйлайман...

...Шундай қилиб, менинг Гукҳаленикида туришим Калькуттадаги ишларимни анча осонлаштирди, энг таниқли бенгал оилалари билан танишишим учун имкон яратди ва менинг Бенгалия билан узвий алоқаларимга тамал тоши қуйди.

Бу унутилмас бир ой туғрисидаги кўп хотираларни ташлаб утишимга туғри келади. Мен фақат Бирмага қилган қисқа муддатли саёҳатим ҳақида ва у ердаги фунгилар хусусида эслатиб угаман, холос. Улардаги ҳаётга бўлган умидсизлик мени ҳайратга солди. Мен олтин ибодатхонани кўрдим. Ибодатхонада сонсиз майда шамлар ёқиб қўйилгани менга ёқмади, саждагоҳ ёнида изғиб юрган каламушлар эса Свамий Даёнандининг Мурвийдаги бошидан кечирганлари ҳақида уйлашимга мажбур қилди. Эркин ва жушқин Бирма аёллари менга ёқди, танбал эркаклар эса оғир таассурот қолдирди. Узимнинг қисқа саёҳатим давомида мен шу нарсага амин бўлдимки, Бомбей — Ҳиндистон бўлмагани каби Рангун ҳам Бирма эмас эди ва биз Ҳиндистонда инглиз савдогарлари уртасида даллол бўлганимиздай, бу ерда Бирмада инглиз савдогарлари билан биргаликда биз бирмаликлардан худди шундай даллоллар сифатида фойдаланамиз.

Бирмадан қайтиб келгач, мен Гукҳале билан хайрлашдим. Ажрашиш оғир эди, аммо Бенгалиядаги, туғрироғи Калькуттадаги ишимни тугатган эдим ва у ерда ортиқ қолишим учун асос йўқ эди...

ИЙМОН СИНОВИ

Гарчи Фортда хона ва Гургаунда уй ижара олган бўлсамда, Худо у ерда туришимни буюрмаган экан. Янги уйга кўчиб утишимиз билан бир неча йил муқаддам сувчечакнинг оғир тури билан оғриган иккинчи ўғлим Манилаъл безгакка чалиниб қолди, боз устига укаси ҳам шамоллаб қолиб, тунлари алаҳсираб чиқарди.

Докторни чақирдик. У дори таъсир қилиши қийин, аммо товуқ шўрва билан тухум наф қилади, деди.

Манилаъл энди ун ёшдан утган бола эди, шу боис унинг айтганларига киравериш мумкин эмасди. Унинг мураббийи сифатида буни мен ҳал қилишим керак эди. Доктор жуда яхши парс кишиси эди, унга бизлар утхўрлармиз, ўғлимга айтган таомларингиздан биронтасини ҳам беролмайман,

деб тушунтирдим. Балки бошқа бир нарсани маслаҳат берарсиз?

— Углингизнинг ҳаёти хавф остида, — деди оққунгил доктор. — Биз унга сув аралаштирилган сут беришимиз мумкин, аммо бу унинг учун туйимли эмас. Узингизга маълумки, мени кўплаб ҳинду оилаларига таклиф қиладилар ва у ерда мен ёзиб берган нарсаларга сира эътироз билдирмайдилар. Уйлайманки, сиз ҳам фарзандингизга нисбатан бу қадар бешафқат бўлмассиз.

— Айтган гапларингизнинг бари тўғри, — дедим мен. — Доктор сифатида сиз бошқача йул тутмайсиз, аммо менинг зиммамда улкан масъулият турибди. Агар уғлим катта йигит бўлганида, ўз-ўзидан равшанки, нима истайсан деб узилан сўраган ва унга ҳурмат билан муомала қилган булардим. Лекин айни ҳолда мен ҳамма томонини уйлаб кўришим ва унинг учун бир қарорга келишим керак. Менимча, фақат мана шундай пайтларда инсон иймони ҳақиқий синовга дуч келади. Билмадим, тўғрими ёки йўқми, аммо ўз диний эътиқодимга кўра одам гушт, тухум ва шунга ухшаган нарсалар емаслиги керак, деб уйлайман. Бизни ўлмайдиган ҳолда тутиб турадиган овқат билангина чекланмоғимиз керак. Ҳатто ҳаётнинг узини деб ҳам муайян ишларни қилмаслик лозим. Менинг тушунчамдаги дин ҳатто мана бундай ҳолларда ҳам на менга, на менинг яқинларимга гушт ва тухум ейишга рухсат беради. Шу боис сиз айтган нарса ҳақида таваккал қилишга мажбурман. Аммо сиздан бир утинчим бор. Сизнинг маслаҳатларингиздан фойдалана олмаслигим боисидан сув муолажасини синаб кўришни таклиф этаман. Уни қандай қўллашни биламану нафас ва томир уришини қандай кузатишни билмайман. Агар сиз вақти-вақти билан уғлимнинг юрагига қулоқ солиб, унинг аҳволидан мени воқиф қилиб турсангиз, сиздан миннатдор булар эдим.

Доктор муддаомни тушунди ва илтимосимни қондиришга рози бўлди. Гарчи Манилаъл ҳали мустақил қайси йўлни танлашни билмаса-да, мен унга доктор билан суҳбатимизни сузлаб бердим ва унинг фикри қандайлигини сурадим.

— Сув муолажангизни синаб кура қолинг, — деди у. — Мен товуқ шўрвани ҳам, тухумни ҳам хоҳламайман.

Гарчи агар унга бу таомлардан қайси бирини берса ҳам, эҳтимол, тановул этиши мумкинлигини англаб турсам-да, бундан суюниб кетдим.

Менга Куне услуби буйича муолажа маълум эди ва уни синаб кўргандим. Бундан ташқари, бундай ҳолларда руза ҳам жуда фойдали эканини билардим. Куне услубини қўллаган ҳолда мен Манилаълни белигача сувга утқаздим ва ваннада уч дақиқадан кўпроқ тутиб турдим. Сунг уч кунгача унга фақат сув аралаштирилга пўрғақол шарбати бериб турдим.

Бироқ ҳарорат тушмади ва 38 даражага етди. Тунлари Манилаъл алаҳсирарди. Мен ташвишлана бошладим. Менинг туғримда нималар дейишмайди энди? Манилаълнинг акаси нима деб уйлайди? Бошқа докторни чақирсаммикан? Аюрведа врачлари хизматидан фойдалансам бўлмайдими? Ота-оналарнинг уз нағмаларини болаларга тарқатишга нима ҳақлари бор?

Бунга ухшаган уйлар менга тинчлик бермасди. Сунг тескари жараён бошланди. Мен уғлимни узим даволанган усулда даволаётганимни куриб, уз-узидан маълумки, Худо завқланаётганди. Мен сув муолажасига ишонардим ва алопатларга эса унчалик ишонмасдим. Жуда нари борганда улар тажриба қилишлари мумкин, холос. Ҳаёт ипининг учи Худонинг қўлида эди. Нима учун бу ҳаётни унга ишонмаслик ва уни деб мен туғри дея эътироф этган муолажани давом эттирмаслик керак экан?

Бир-бирига зид фикрлардан миям ғовлаб кетди. Тун чуқли. Мен Манилаъл билан бирга унинг тушагида ётардим. Уни ҳул чойшабга урашга қарор қилиб, урнимдан турдим, чойшабни намладим, сиқдим ва унга Манилаълни урадим, фақат бошини чиқариб қўйдим, сунг устидан иккита адёлни ёпдим. Бошига ҳул сочиқ қўйдим. Унинг аъзойи бадани қиздирилган темирдай лов-лов ёнарди. Бадани кўп-кўруқ бўлиб, бир томчи ҳам тер чиқмаётганди.

Манилаълга қараб туришни онасига топширдим-да, ҳоргин ва ғамгин ҳолда ташқарига чиқдим, бироз ҳаво олгани Чаупатигача ўтиб келмоқчи бўлдим. Соат ўнлар эди. Уткинчилар сийрак. Уйга чўмганимдан мен уларни деярли кўрмаётгандим ва ўзимча такрорлар эдим:

— Менинг ор-номусим сенинг қўлингда, эй танграм, синов соати бу.

Мен “Ром номи барҳақ” дуосини замзама қилардим. Бир-мунча вақт утанидан кейин юрагим дук-дук қилганча қайтиб келдим.

Хонага кирар-кирмас Манилаълнинг овози қулоғимга чалинди:

- Қайтиб келдингизми, ота?
- Ҳа, болажоним.
- Илтимос, мени бушатинг, олов булиб ёнаяпман.
- Терладингми, қўзичоғим?
- Жиққа ҳулман. Илтимос, мени ечинг.

Мен қулимни унинг пешонасига қўйдим. Боланинг пешонасида терлар реза-реза булиб турарди. Ҳарорат тушганди. Мен Худога шукроналар айтдим.

— Манилаъл, энди безгагинг утиб кетади. Яна озгина терлашинг керак, шундан кейин сени ечаман.

— Йуқ, отажон, мени бу утхона ичидан олиб чиқинг. Кейин, агар истасангиз, майли, яна уранг.

Чалғитишга ҳаракат қилиб, уни яна бир неча дақиқа уроғлигича ушлаб турдим. Тер манглайидан жилгадай оқиб тушарди. Мен уни ечдим-да, куп-қуруқ булгунча артдим. Ота билан бола битта тўшакда уйқуга кетдик.

Биз тош қотиб ухладик. Эртаси куни Манилаълнинг безгаги унча хуруж қилмади. Қирқ кунгача уни сут ва мева шарбати аралашмасида сақлаб турдим. Аммо энди унинг учун кўрқмай қўйгандим. Бу безгакнинг сурункали тури эди, аммо уша пайтдан бошлаб биз энди касални даф эта олардик.

Ҳозир Манилаъл уғилларим ичида энг бақуввати. Тузалиб кетгани учун у кимдан миннатдор булсин: Худонинг марҳаматиданми, сув муолижасиданми ёки яхши парваришу қаттиқ парҳезданми? Буни ҳар ким уз иймон-эътиқодига кўра узи ҳал қилсин. Мен эса ор-номусимни Худо сақлаб қолганига ишонаман ва бу ишончни бугунги кунгача асраб келаяпман.

ЯНА ЖАНУБИЙ АФРИКАГА

Манилаъл тузалиб борарди, бироқ Гургаундаги уйда яшаш жуда нобоплигига ишончим комил булди. У ер рутубатли ва қоронғи эди. Шри Ревшанкар, Жагживан билан маслаҳатлашиб, Бомбей атрофидан бир яхши бунгалони ижара олишга

қарор қилдим. Мен Бандра ва Санта Крусда қидирув билан машғул бўлдим. Лекин Бандрада кушхона бор эди ва шу боис у ерда туришга кўнглимиз бўлмади. Гўткўпар ва унинг тева-рак-атрофи денгиздан анча узоқда эди. Охири Санта Крусдаги Черчгейтгача биринчи классга мавсумий чипта сотиб олдим ва гоҳо уз купемда биринчи класснинг ягона йўловчиси эканимдан суюнардим. Купинча Бандрага борардим, у ердан тезкор поездга ўтириб, туғри Черчгейтга етиб келардим.

Бомбейда оқловчилик тажрибам узим кутганимдан ҳам муваффақиятлироқ борар эди. Жанубий Африкалик мижозлар менга турли ишларни топширишарди ва тирикчилигим учун шунинг ўзи бемалол етиб-ортарди.

Олий судда иш олишга ҳалигача муваффақ бўлганим йўқ эди. Гарчи ҳеч қачон иштирок этишга қарор қилмаган бўлсам-да, ўша вақтларда ташкил этиладиган суд жараёнини саҳналаштиришда қатнашар эдим. Эсимда, бош ролни ҳар доим Жамиатрам Нанабҳай ўйнарди. Бошқа янги оқловчиларга ўхшаб, мен билимимни ошириш ҳақида қай-гуришдан кўра кўпроқ денгиздан келаётган енгил сув тузонидан ҳузурланиш учун Олий суддаги ишларни тинглар эдим. Қарасам, бундай қиладиган битта мен эмас эканман — бу одат тусига кирган бўлиб, бундан ҳеч ким уялмас экан.

Мен Олий суд кутубхонасига қатнай бошладим, янги танишлар орттирдим ва яқинда Олий судда иш олишимни сеза бошладим.

Бир томондан, қайсидир маънода ўз касбимни ўзлаштириб бўлгандим, бошқа томондан, Гўкҳале мени кузатишда давом этар ва менинг ҳисобимга ўз режаларини тузарди. Ҳафтада икки-уч марта идорамга келиб кетар, кўпинча ёнида менга таништирмақчи бўлган дўстларидан битта-яримтаси буларди ва узининг иш услублари ҳақида сўзлар эди.

Бироқ, айтиш мумкинки, Худо режаларимни амалга оширишга ҳеч йўл бермади ва ҳаётимни ҳар доим ўзи хоҳлаган томонга буриб келди.

Ўзим ёқтирган бир ишга ана кираман-мана кираман деб турган эдим, кутилмаганда менга Жанубий Африкадан куйидаги мазмунда телеграмма келиб қолди: “Чемберлен келиши кутиляпти. Илтимос, зудлик билан қайтиб келинг”. Мен ваъдамни эсладим ва пул юборган заҳотингиз йўлга

чиқаман деб хабар бердим. Куп ўтмай жавоб олдим, идора ижарасидан воз кечдим ва Жанубий Африкага йул олдим.

Жанубий Африкада бир йилча тураман деб уйлаган эдим, шу боис хотиним ва болаларимни ижарага олган бунгалода қолдирдим.

Уша вақтда она юртида узига иш тополмаган қобилиятли йигитлар бошқа мамлакатларга бош олиб кетишлари керак деб билардим. Шу боис узим билан тўрт-беш усмирни олиб олгандим, шулардан бири Маганлаъл Ганди эди.

Гандилар оиласи катта эди. У ҳозир ҳам катта. Мен юрилмаган суқмоқдан юришни хоҳлаган ва чет элга кетишга ҳаракат қилган ҳамма одамни топишга қарор қилдим. Отам ушалардан айримларини давлат хизматига шайлантиришга муваффақ булган эди. Мен эса уларни мана шу жодудан халос қилишни мақсад қилиб қўйгандим. Мен уларга бошқа ишни бера олмас ва бермоқчи булган ҳам эмасдим, балки уларнинг уз кучларига ишонч ҳосил қилишларини истар эдим, холос.

Мен бу йигитларнинг уз мақсадларини менинг мақсадларимга мос қилиб олишларига кўндиришга ҳаракат қилардим. Маганлаъл Гандига угит бера-бера кундирганим энг катта муваффақиятим бўлди. Аммо бу ҳақда кейинроқ гапириб бераман.

Хотин-бола-чақаларим билан айрилиқ, изга тушган ҳаётнинг бузилиши ва аниқликдан ноаниқлик томон утиш — булар бари бирмунча вақтгача мени қийнади, аммо мен узимни ҳаёт ноаниқлигига ургатиб олдим. Ҳақиқат саналмиш Худодан бошқа ҳамма нарса ноаниқ булган бу дунёда бирон-бир аниқ нарсани кутиш керак эмас. Биз билан бирга ва теварак-атрофимизда намоён булаётган ва утиб бораётган ҳамма нарса ноаниқ, уткинчидир. Бироқ аниқлик ниқоби остида яширинган олий мавжудот бор ва шу аниқликнинг жилвасини илғаб ола билган ва уни вужудига жо қила оладиган одам Худонинг марҳаматига ноил одамдир. Бу ҳақиқатни қидириш ҳаётнинг олтин фароғати ҳисобланади.

Дурбанга вақтида етиб келдим. Иш менга мунтазир эди, чунки Чемберлен депутатларни қабул қилиш кунини олдиндан белгилаб қўйганди. Мен унга топшириш учун ҳукумат номига илтимосномани тузишим ва депутатларга ҳамроҳлик қилишим керак эди.

БЕҲУДА УРИНИШЛАР

М-р Чемберлен Жанубий Африкадан 35 миллион фунт стерлинг совға олишга ҳамда инглиз ва бурларнинг қалбини забт этишга муваффақ булган эди. Шу боис у ҳинд вакиллари совуқ қарши олди.

— Биласиз, — деди у, — империя ҳукумати узини-узи бошқарувчи мустамлакаларда катта ҳокимиятга эга эмас, аммо сизнинг имкониятларингиз бизга асослидай туюлади ва мен қулимдан келган ҳамма ишни қиламан. Бироқ сизнинг узингиз ҳам, агар оврупеликлар ичида яшашни хоҳласангиз, улар билан муроса қилишга ҳаракат қилмоғингиз керак.

Вакилларнинг бу жавобдан ҳафсалалари пир бўлди. Менинг ҳам тарвузим қулимдан тушди ва биз ҳаммасини янгитдан бошлашимиз кераклигини англадим. Мен юзага келган вазиятни ҳамкасбларимга тушунтириб бердим.

Бундоқ олиб қараганда, м-р Чемберленнинг жавоби туғри эди. Унинг ҳамма гапни юзимизга айтгани қайтага яхши ҳам булди. У кучлининг ҳақлиги, ҳар доим ҳақлиги ҳақида, бошқача айтганда, қиличи борнинг ҳуқуқи ҳақида бизга жуда босиқ-вазминлик билан эслатди.

Аммо бизда қилич йуқ эди. Абжағи чиққан асабу мушакларимизга қилич билан ҳамла қилишнинг ҳожати ҳам қолмаганди.

М-р Чемберлен Жанубий Африкада жуда оз булди. Агар Сринагардан Коморин бурнигача 1900 мил, Дурбандан Кейптаунгача камида 1100 мил эканини ҳисобга олса, у бу улкан масофани яшин тезлигида босиб утиши керак буларди.

Наталдан у Трансваалга шошиларди. Мен ҳиндларнинг аҳволи ҳақида маълумот тайёрлашим ва унга топширишим керак эди. Бироқ Преторияга қандай етиб бораман? У ерда истиқомат қилган қабиладошларим у ёққа зудлик билан жунашимга рухсат олиб бера олмас эдилар. Уруш Трансваални хувиллаган саҳрога айлантириб ташлаганди. На озиқ-овқат, на кийим-кечак етказишнинг иложи бор эди. Дуконлар бум-буш ёки танбалаб ташланган эди ва уларни яна молларга тўлдириб ва савдони бошлаб юбориш учун вақт талаб этиларди. Озиқ-овқат аҳволининг яхшиланишини кутишарди, ҳозирча эса ҳатто аёлларга ҳам уйга қайтишга рух-

сат беришмасди. Шу боис ҳар бир трансваалчи узинг учун ўл етим қабилида иш куради. Рухсатнома олиш овруполик учун чўт эмасди, аммо ҳинд учун бу ҳалдан гашқари қийин эди.

Уруш пайтида Жанубий Африкага Ҳиндистон ва Цейлондан жуда кўп амалдорлар, ҳарбийлар келган эди, Британия ҳукумати улардан Жанубий Африкада қолишни мулжаллаётганларни биринчи галда таъминлашни узининг бурчи деб билар эди. Ҳукумат барибир янги амалдорлар тайинлашга мажбур эди, мана бу тажрибали одамлар эса айни муддао бўлди. Айрим амалдорларнинг топқирликлари туфайли янги идора ташкил этилганди. Уларнинг истеъдодлари шунда намоён бўлди.

Занжилар учун аллақачон алоҳида идора тузиб булишганди. Нима учун бундай ҳолда шунга ухшаган нарсани осиеликлар учун ҳам ташкил этиб бўлмас экан? Бу гапда жон бор эди. Трансваалга келганимда, бундай идора ташкил этилган ва узининг пайпасловчи қулларини тобора узоқроқ чўзмоқда эди. Қайтиб келган қочоқларга рухсатнома берадиган амалдорлар уни ҳар кимга ҳам бера олар эдилар, аммо янги идоранинг аралашувисиз осиеликлар учун бундай мурувватни хаёлга ҳам келтириб бўлмасди. Амалдорлар бундай мулоҳаза қилишарди: агар идора тавсияси билан рухсатнома берилгудек бўлса, уларнинг ўз ташвиш ва масъулиятлари сусаяди. Уларнинг топган гапи шу эди, холос. Аслида гап шунда эдики, ўз мавжудлигини оқлаш учун янги идора — ишга, унинг ходимлари эса — пулга муҳтож эди. Борди-ю, қиладиган иш бўлмаса, идорани кераксизга чиқаришлари ва тарқатишлари мумкин эди. Шу боис унинг раҳбарлари нима билан шуғулланишни узлари ўйлаб топар эдилар.

Ҳиндлар мана шу идорага мурожаат қилишлари керак эди. Кўп кунлардан кейингина жавоб ола билар эдилар. Трансваалга қайтишни хоҳловчилар кўп эди ва дарҳол даллолларнинг бутун бир қушини пайдо бўлди — улар амалдорлар билан биргаликда камбағал ҳиндларни талар эдилар. Менга айтишларича, ишончномасиз рухсатнома олиб бўлмас экан, баъзан эса ишончнома бўлган тақдирда ҳам 100 фунт стерлингача пора беришга тўғри келаркан. Шундай қилиб, мен учун барча йўллар ёпиб қўйилгандек эди. Мен узимнинг

эски ошнам, Дурбандаги катта полиция зобити олдига бордим ва унга дедим:

— Илтимос, мени рухсатнома берадиган амалдор билан таништириб қўйсангиз ва рухсатнома олишимга ёрдамлашсангиз. Ўзингиз билгандек, илгари мен доим Трансваалда истиқомат қилиб келганман.

У шартта шляпасини кийди, йулга тушди ва менга рухсатнома олиб берди. Поезд жилишига атиги бир соат қолганди. Юқларим тайёр эди. Мен катта полиция зобити Александерга миннатдорлик билдирдам-да, Преторияга жунаб кетдим...

ОСИЁДАН КЕЛГАН МУСТАБИДЛАР

Янги идорага раҳбарлик қилувчи амалдорлар менинг Трансваалга қандай кириб олганимни ҳеч тушунолмадилар. Амалдорлар ҳузурларига келган ҳиндлардан сураб-суриштирар эдилар, бироқ улар аниқроқ бир нарса айтолмадилар. Шу боис амалдорларда бир шубҳа пайдо бўлганди — мен узимнинг олдинги таниш-билишларимдан фойдаланиб рухсатномасиз кириб олганман. Бундай ҳолда мени ҳибсга олишлари керак эди!

Ҳар қандай катта уруш тугаганида ҳукумат идораларини махсус ваколатларга кўмиб ташлаш одати бор. Жанубий Африкада ҳам шундай бўлган эди. Ҳукумат “Тинчликни сақлаш ҳақида декрет” чиқарди, унга кўра Трансваал ҳудудига рухсатномасиз кирган ҳар қандай одам ҳибсга олинар ва қамоққа ташланарди. Шу декрет асосида мени ҳам ҳибсга олиш туғрисидаги масала кўндаланг бўлганди, бироқ рухсатномани кўрсат дейишга ҳеч кимнинг юраги бетламаётганди.

Ўз-уздан маълумки, амалдорлар телеграмма билан Дурбандан сўраб билганлар. Менга рухсатнома берилганини билгач, уларнинг жуда ҳафсалалари пир бўлди. Бироқ улар биринчи омадсизликданоқ ўзларини мағлуб деб тан оладиган анойилардан эмасдилар. Гарчи мен Трансваалга келишга муваффақ бўлсам-да, улар менинг м-р Чемберлен билан учрашувимга халақит беришлари мумкин эди. Шу боис маҳаллий ҳинд жамоасига вакиллар таркибига мулжалланган кишилар руйхатини бериш таклиф қилинганди. Ирқий камситишлар, албатта, Жанубий Африканинг ҳамма жойида

бор эди, аммо мен бу ердаги амалдорлар орасида Ҳиндистонда куникиб қолганим бундай виждонсизликка бас келиш учун тайёр эмасдим. Жанубий Африкада давлат муассасалари аҳоли фаровонлиги учун фаолият кўрсатади ва жамоатчилик фикри олдида масъулдирлар. Шу боис маҳаллий амалдорлар бу ерда анча инсофли ва камтар эдилар, улардаги бу сифатлар у ёки бу даражада уларнинг рангларга нисбатан муомалаларига ҳам кучган эди. Бироқ Осиёдан келган амалдорлар узлари билан зурвонлик одатинигина эмас, балки узбошимчалик иллатларини ҳам олиб келиб, илдиз оттириб юборганлар. Жанубий Африкада узига яраша масъул ҳукумат бор эди, яъни демократия урнатилганди. Осиёдан келтирилган моллар эса турган-битгани мустабидликни узидан намоён этарди, чунки Осиёда ҳеч қанақанги масъул ҳукумат йўқ эди ва узга юрт ҳокимияти ҳукм сурарди. Жанубий Африкада овруполиклар утроқ муҳожирлар эдилар. Улар идора амалдорлари устидан назорат қиладиган жанубий африкалик фуқароларга айланиб булган эдилар. Энди саҳнада Осиёдан келган мустабидлар пайдо булганди ва ҳиндлар икки ут орасида қолган эдилар.

Менга мана шу мустабидлик тузини тотиб куришимга тўғри келганди. Мени идора бошлиғи ҳузурига, Цейлондан келган амалдор олдига чақирди. Мен бошлиқ ҳузурига “чақирди” деганимда муболаға қиладиганим йўқ. Қандай булган бўлса, шуни айтаётиман. Ҳеч қандай ёзма фармойиш олганим йўқ эди. Ҳинд арбобларига купинча осийлик амалдорлар ҳузурига боришига тўғри келарди. Шу арбоблар орасида шет Тайиб Ҳожи Хон Муҳаммад ҳам бор эди. Идора бошлиғи ундан мамнунлигини ва нимага келганини сўради.

— У бизнинг ҳуқуқ маслаҳатчимиз, — жавоб берди Тайиб Шет, — ва бизнинг илтимосимиз билан бу ерга келди.

— Биз бу ерда нима қилиб юрибмиз? Биз сизларни ҳимоя қилишга тайин этилмаганмизми? Бу ердаги шароитларни Ганди қайдан билиб ўтирибди? — сўради бу мустабид.

Тайиб Шет айбловга қулидан келганча жавоб берди:

— Сизнинг ҳам бу ерда кераклигингиз уз-узидан аён. Аммо Ганди — бизнинг одам. У бизнинг тилимизни биледи ва бизни яхши тушунади. Сизлар эса нима булганда ҳам амалдорсизлар, холос.

Соҳиб Тайиб Шетга мени унинг олдига олиб келишни буюрди. Мен Тайиб Шет ва бошқа ҳиндлар билан бирга соҳибнинг олдига йуналдик. Бизга ҳатто утиринглар ҳам дейишмади.

— Бу ерга нимага келдингиз? — сўради соҳиб менга юзланиб.

— Мен бу ерга уз ватандошларим илтимосига кўра уларга маслаҳатим билан ёрдам бергани келдим, — жавоб бердим мен.

— Бироқ наҳогки бундай қилишга ҳаққингиз йўқлигини билмасангиз? Рухсатномани сизга янглишиб бериб юборишибди. Сизни маҳаллий ҳинд деб ҳисоблаш мумкин эмас. Сиз қайтиб кетишингиз керак. М-р Чемберлен ҳузурларига сизни қўйишмайди. Осиё идораси ҳиндлар манфаатини ҳимоя қилишдек махсус мақсадда таъсис этилган. Демак, қайтиб кетаверишингиз мумкин.

Шу сузлар билан у жавоб қайтаришимга ҳам имкон бермай, мен билан хайрлашди.

У ҳамроҳларимни олиб қолиб, уларнинг пустагини бошлаб қоқди ва уларга мени қайтариб юборишларини тайинлади. Улар амалдорнинг ҳузуридан сувга тушган мушукдай шумшайиб чиқишди. Биз мутлақо хаёлда йўқ ҳолатга тўқнаш келгандик.

ЗАҲРИМНИ ИЧИМГА ЮТДИМ

Мени ҳақорат қилишганди. Аммо ўтмишда озмунча хўрликларни ичга ютишимга тўғри келмаганмиди? Ҳатто уларга эътибор бермайдиган ҳам бўлиб қолгандим. Шу боис бу галдагисини ҳам унутишга қарор қилдим ва воқеаларнинг бундан кейинги боришини ҳолисона кузата бошладим.

Бизга Осиё ваколатхонаси бошлиғидан хат келди, унда мен Дурбанда м-р Чемберлен билан илгари суҳбатда бўлганим боисдан мени у қабул қилиши керак бўлган вакиллар таркибидан чиқариб ташлаш лозимлиги айтилганди.

Бу хат дўстларимнинг нақ фиғонини фалакка чиқарди. Улар умуман вакил юбормасликни таклиф қилишди. Мен уларга бу ҳолда жамоа ғоят қалтис ҳолатга тушиб қолиши мумкинлигини англатдим.

— Борди-ю, сизлар м-р Чемберленга уз талабларингизни билдирмас экансизлар, — дедим мен, — демак, уларнинг ҳеч қандай дарду ғамлари йуқ экан, деган хаёлга боришади. Аммо арзнонамиз ёзма равишда тақдим этилиши керак ва унинг матни ишлаб чиқилган. Уни менми ё бошқа бир одамми уқиб беришининг мутлақо аҳамияти йуқ. М-р Чемберлен бу масалани биз билан муҳокама қилмайди. Назаримда, бу заҳарни қулт этиб ичга ютишимизга туғри келади.

Гапимни тугатишим ҳамон Тайиб Шет сузлай кетди:

— Сизни ҳақорат қилиш бутун жамоани ҳақорат қилиш билан барабар эмасми? Сиз бизнинг вакилимиз эканингизни унутиб буларканми?

— Мутлақо туғри, — дедим мен, — бироқ умуман жамоа ҳам бу тарздаги ҳақоратни ичга ютишига туғри келади. Ахир шундан бошқа чорамиз ҳам йуқ-да.

— Нима булса булар, аммо бунга нега чидашимиз керак экан? Бизга ҳеч нарса булмайди. Яланғоч сувдан тоймас — яна қанақа ҳуқуқимизни йуқотардик? — эътироз билдирди Тайиб Шет.

Эътирозга гап йуқ эди, аммо куруқ эътироздан нима фойда? Мен жамоанинг аҳволи нечоғли оғир эканини тула англаб турардим. Ва урнимга ҳинд оқловчиси м-р Жорж Готфридни таклиф этишларини маслаҳат бериб, дусларни тинчлантирдим.

Шундай қилиб, вакилларга м-р Готфрид бошлиқ булди. Вакилларга берган жавобида м-р Чемберлен улар таркибидан менинг чиқариб ташланганимга ишора қилибди.

— Ҳар доим ва ҳамма жойда биргина вакилнинг гапларини тинглаш урнига бошқаларни ҳам куриб қуйса, ёмон булмайди, — дебди у хафагарчиликни юмшатишга ҳаракат қилиб.

Аммо булар барчаси можарога нуқта қуймади, балки жамоанинг ҳам, менинг ҳам ишимни бадтар мушкуллаштириб юборди. Ҳаммасини бошидан бошлашга туғри келди.

Айримлар мендан упкаларди:

— Сизнинг маслаҳатингиз билан жамоа инглизларга урушда ёрдам берганди, мана, бу нимага олиб келди.

Аммо пичингларга парво қилмасдим.

— Мен ҳеч нарсадан афсусланмайман, — дердим мен, — ва урушда иштирок этиб, биз туғри қилдик деб ҳозир ҳам, кейин ҳам айтаман. Бу билан биз уз бурчимизни адо этдик.

Меҳнат учун мукофот тама қилиш керак эмас, аммо ҳар қандай савоб иш бир эмас-бир куни албатта ўз мевасини беради. Келинг, ўтмишни унутайлик-да, ҳозирги пайтда олдимизда қандай вазифалар турибди — шу ҳақда уйлайлик.

Ҳамма менинг гапимга рози булди. Мен давом этдим:

— Очиғини айтганда, сизлар мени бу ерга чақиришингизга сабаб булган иш аслида қилиб булинди. Бироқ ҳатто агар сиз менинг уйга қайтиб кетишимга изн берганингизда ҳам мен Трансваалдан кетишим керак эмас деб ҳисоблайман. Илгари мен Наталда уз ишимни бажарган эдим, энди шу ишимни бу ерда қилишим керак, бинобарин, бир йил давомида Ҳиндистонга қайтиб кетишим ҳақида ҳатто хаёлимга ҳам келтирмайман, балки Трансваал Олий судига кириб олишим керак. Янги ваколатхона билан иш олиб боришга бемалол кучим етади. Борди-ю, биз шу нарсани қилмасак, жамоани мамлакатдан қувиб чиқаришади, уни барбод этишлари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ҳар куни уни янги-янги ҳақоратларга гирифтор қилаверадилар. М-р Чемберленнинг мени қабул қилишдан бош тортиши ва амалдорнинг мени ҳақорат қилиши бутун жамоанинг ҳақоратланиши олдида — ҳолва. Бизга хавф солиб турган чинакамига ит кунига тушишдан Худонинг узи асрасин.

Претория ва Иоганнесбургда ҳиндларнинг аҳволини муҳокама қилиб, улар билан ана шундай суҳбатлар ўтказдим ва охири Иоганнесбургда идора очишга қарор қилдим.

Дарвоқе, Трансваал Олий судида иш олиб боришим даргумон эди. Аммо маҳаллий оқловчилар менинг тажрибамга эътироз билдирмас эдилар ва суд менга рухсат берди. Ҳинд одамига идора учун қулай хона топиш қийин эди. Бироқ мен маҳаллий савдогарлардан бири м-р Ритч билан танишиб қолдим. Унга таниш хоналар ижараси буйича агент ёрдамида шаҳарнинг ишбилармонлар қисмида идорабоп хоналар топдик ва ўз мутахассислигим буйича ишга шўнғиб кетдим.

ҲОКИМИЯТ БИЛАН КУРАШ

Осиё ваколатхонасига қайтайлик.

Иоганнесбург осиелик амалдорларнинг таянчи эди. Мен уларнинг ҳиндларни, хитойликлар ва бошқаларни ҳимоя қилиш ўрнига уларни сиқаётганларини кўрдим. Худонинг

берган куни менга қуйидаги мазмунда шикоятлар келиб тушарди: “Ҳуқуқи борларни рад этадилар, гарчи ҳуқуқи бўлмаса-да, юз фунт стерлингга рухсатнома бераверишади. Агар сиз аралашмасангиз, унда додимизни кимга бориб айта-тамыз?” Мен уларнинг фикрига қўшилдим. Борди-ю, зулмга чек қўйишга муваффақ бўла олмасам, менинг Трансваалда бўлишимдан уч пуллик наф йўқ.

Мен далил-исботлар туплай бошладим ва улардан кераклича йигилганидан кейин полиция комиссарига мурожаат қилдим. У ҳақиқатпарвар одам экан ва менга илиқ муомала қилибгина қолмай, гапларимга диққат билан қулоқ солди ва мендаги бор далиллар билан таништиришимни суради. Унинг узи гувоҳларни суроқ қилди ва уларнинг курсатмаларидан қониқиш ҳосил этди. Бироқ худди мен каби у ҳам Жанубий Африкада рангли одамни ҳақоратлаган оқтанлини оқтанли суд қилишига ишониб бўлмаслигини биларкан.

— Нима бўлганда ҳам ҳаракат қилиб курамыз, — деди у. — Барибир суд ходимлари уларни оқлаб юборади деган андишада бундай жиноятчиларни жазосиз қолдириб бўлмайди-ку, ахир. Мен уларни ҳибсга олдиришим керак. Ишонинг, бунинг учун бор кучимни ишга соламан.

Менга бундай ишонтиришларнинг кераги йўқ эди. Мен куплаб амалдорларга ишонмасдим, бироқ уларга қарши бевосита жиноий далиллар туплашнинг иложи бўлмаганидан фақат иккитасинигина ҳибсга олишга буйруқ берилди, буларнинг айбдорлигига заррача шубҳа йўқ эди.

Менинг ҳаракатларимни сир сақлаб бўлмасди. Куплар менинг полиция комиссари ҳузурида деярли ҳар куни бўлишимни билар эди. Ҳибсга олиниши лозим бўлган икки амалдор озми-купми даражада моҳир агентларнинг хизматидан фойдаланарди. Улар идорамни кузатар ва қаерларда бўлганимни бориб амалдорга чақардилар. Бироқ бу амалдорлар узларини шу қадар обрусизлантириб қуйган эдиларки, ҳеч қанақа агент энди уларга ёрдам бера олмасди. Шундай бўлсада, агар ҳиндлар ва хитойликлар ёрдамига таянмаганимда, бу иккала амалдорни ҳеч қачон ҳибсга олиб бўлмасди.

Улардан бири қочиб яширинди. Полиция комиссари уни топиш туғрисида буйруқ олишга эришди. Уни тутдилар ва Трансваалга олиб келдилар. Ҳар икковини суд қилишди,

биноқ жиддий далиллар булишига, шунингдек, улардан бири суддан яширинишига қарамай, суд ходимлари уларни айб-сиз деб топдилар ва оқлаб юбордилар.

Бу менинг ҳафсаламни пир қилиб юборди. Полиция комис-сари ҳам жуда афсус-надоматда эди. Ҳуқуқшунослик кас-би жонимга тегди. Ақл-идрокнинг ўзи кўзимга балодек кўри-ниб кетаётган эди. Чунки жиноятларни яшириш учун ундан ҳар қанақанги ифлос ишларда фойдаланиш мумкин булар эди.

Бу икки амалдорнинг айбдорлиги барибир шунчалик рав-шан эдики, гарчи улар суд томонидан оқланган булсалар-да, ҳукумат уларни хизматда қолишларини имконсиз деб топди. Иккаласи ҳам ишдан ҳайдалди ва Осиё ваколатхона-сида муҳит нисбатан тозаланди, ҳиндлар жамоаси эса ен-гил нафас ола бошлади.

Бу воқеа менинг обруйимни кутариб юборди ва ишим купайгандан купайди. Ҳар ойда жамоа аъзоларидан товла-мачилик йўли билан шилиб олинадиган неча юзлаб фунт стерлингни сақлаб қолишга муваффақ булинди. Биноқ ҳам-масини сақлаб қолишнинг иложи йуқ эди, чунки виждон-сиз одамлар ўз ишларини ҳамон давом эттираётган эдилар. Лекин ҳалол одам энди ҳалол булиб қолиш имкониятига эга булганди.

Шуни айтишим керакки, ҳалиги икки амалдорга қарши шахсан менинг ҳеч қандай гаразим йуқ эди. Шуни била ту-риб, улар қийин аҳволга тушиб қолганларида менга муро-жаат қилдилар ва мен уларга ҳамкорлик курсатдим. Башар-тики, мен қарши булмасам, амалдорларга Иоганнесбург муниципалитетида хизматга олиш имконияти тақдим этил-ди. Уларнинг дўстларидан бири менга шу ҳақда хабар бер-ди, мен қаршилиқ курсатмасликка рози булдим ва улар ишга жойлашишди.

Менинг бундай ёндашувларим мен билан ишлашига туғри келган амалдорларнинг жуда димоғини чоғ қилиб юборди. Уларнинг ваколатхоналари билан купинча қирпи-чоқ булишимизга ва оғзимдан қаттиқ-қуруқ сузлар чиқиб кетишига қарамай, улар менга нисбатан чинакам дўстона туйғуларини сақлаб қолдилар. Ушанда менинг хулқ-атво-рим табиатимга хос нарса эканини тула англаб етмагандим. Кейинчалик тушундимки, бу сатьяграҳнинг узвий бир қис-ми ва аҳимсанинг ўзига хос хусусияти эди.

Инсон ва унинг қилмиши — турли-турли нарсалардир. Яхши иш мақтовга лойиқ бўлса, ёмон иш — қораланади, яхши иш қиладими, ёмон иш қиладими, бундан қатъи назар, одам вазият ва ҳолатга қараб ё ҳурматга сазовор бўлади ёки ачинишга. “Гуноҳдан ҳазар қил, гуноҳқордан эмас”.

Бу — гарчи ҳамма яхши тушунса ҳам, аслида кам амал қилинадиган қоида. Бутун дунё буйлаб нафрат оғуси ёйилиб кетаётганининг сабаби шунда.

Аҳимса — ҳақиқатни қидириш негизи. Агар аҳимсага таянмас экан, бу қидирувлар беҳудалигига ҳар кун ишонч ҳосил қилиш имкониятига эгаман. Тизимни қоралаш ва унга қарши курашиш — бўлиши мумкин бўлган нарса, аммо унинг муаллифини қоралаш ва унга қарши курашиш — киши узини қоралаш ва ўзига узи қарши курашиши билан баробар. Зеро ҳаммамизнинг зуваламиз бир жойдан олинган, ҳаммамиз бир яратганнинг бандаларимиз ва биздаги илоҳий кучлар чек-чегарасиздир. Одамзотни менсимаслик — демак, илоҳий кучларни менсимаслик ва бу билан фақат шу мавжудотнинг ўзигагина эмас, балки жумла жаҳонга ёмонлик қилишдир.

ТАБАРРУК ХОТИРА ВА ТАЗАРРУ

Ҳаётимдаги воқеалар шу тариқа ривожланиб борар эдики, мен турли диндаги ва турли ижтимоий ҳолдаги одамларга дуч келар эдим. Қариндош-уруғларим ва бегоналарга, ватандошларим ва ажнабийларга, оқтанлилар ва ранглиларга, ҳиндуларга ва бошқа диндаги ҳиндларга, улар хоҳ муслмон, хоҳ парс, хоҳ насроний ва хоҳ яҳудий бўлсин, барчасига ҳар доим бирдек муносабатда булардим. Комил ишонч билан айта оламанки, юрагим уларни турлича идрок этишга қодир эмас эди. Мен бунини узимдан келган хизмат деб уйламасдим, чунки менинг табиатим ўзи шунақа эди, мен томонимдан қилинган қандайдир саъй-ҳаракат натижаси эмасди, айни вақтда аҳимса (куч ишлатмаслик), браҳмачарйа (иффатлик), апаригра (тамаъгирсизлик) ва бошқа асосий инсоний хислатларга нисбатан мен мутлақо онгли равишда ёндашишга ва мудом уларга амал қилишга ҳаракат қилиб келдим.

Дурбанда ишлаб юрган вақтимда идорамдаги хизматчилар кўпинча мен билан бирга туришарди. Улар орасида ҳин-

дулар ҳам, насронийлар ҳам буларди ёки агар туғилган жойини суриштирса гужаротлик ва камидлар булиб чиқарди. Уларга қариндош ё дустлардан бошқача муносабатда булганимни эслолмайман. Мен улар билан битта оила аъзоларидек муомалада булар эдим. Хотинимнинг бунга кажлиги тутиб қоладиган булса, ҳар доим иккаламиз жиққамушт булардик. Хизматчилардан бири насроний булиб панчам оиласидан келиб чиққанди.

Ушанда биз турган уй ғарбча андазада қурилган булиб, хоналарида ҳожаглар чиқиб кетадиган қувур йуқ эди. Шу боис барча хоналарда тунги туваклар қуйиб қуйиларди. Биз хотиним икковимиз хизматкорлар ёки фаррошлар ёрдамисиз тувакларни ўзимиз олиб чиқар ва ўзимиз чаяр эдик. Уйимизда туриб қаттиқ ўрганиб қолган хизматчилар, албатта, тувакларни узлари олиб чиқишарди, бироқ насроний хизматчи яқинда келгани учун унинг ётоғини ўзимиз йиғиштиришни жоиз деб билардик. Хотиним бошқа хизматчиларнинг тувакларини олиб чиқишга оғринмасди, аммо панчам оиласида туғилган одам фойдаланган тувакни олиб чиқишга тоқат қилолмади. Биз айтишиб қолдик. Хотиним бу тувакни мен олиб чиқишимга йул қуймоқчи эмасди, аммо узи ҳам бундай қилишни хоҳламаётганди.

Ёсимда: хотиним қулида тувак билан зинадан тушиб келар экан, тинмай мени қарғар эди. Ғазабдан кўзлари қипқизарган, дув-дув тукилаётган кўз ёшлари юзини ювар, аммо мен бағритош эр эдим. Мен ўзимни унинг мураббийи деб билар ва кўр-кўрона муҳаббатдан унинг нақ жонини олардим.

Унинг тувакни шунчаки олиб чиқиши мени қониқтирмаётганди. У бу ишни очиққўнгиллик билан бажаришини истардим. Шу боис овозимни кутариб дедим:

— Уйимда бунақа аҳмоқгарчилик булишига чидолмайман!

Бу гапимдан хотинимни илон чаққандай булди:

— Уйингиз узингизга буюрсин, очинг эшикни, кетаман!— деди у.

Мен ғазабдан ўзимни йуқотдим, кўзимга хотин-потин қуринмай кетди. Унинг қулидан тутдим-да, шурликни зинанинг нақ тўғрисидаги эшикка судраб келдим ва ташқарига итариб чиқариб юбориш учун эшикни оча бошладим. Ҳамон кўз ёшлари юзини ювганча хотиниб қичқариб дерди:

— Бу қандай шармандалик! Одам ҳам шунақа буладими? Қаёққа бораман? Бу ерларда қариндош-уруғим, таниш-билишим булмаса, ким мени сиғдирарди? Хотинингизман деб ҳамма зугумларингизга чидайвераманми? Худо ҳаққи, эсингизни йиғинг, эшикни ёпинг, сизнинг қанақа томошалар курсатаётганингизни биров куриб қолмасин, уят булади.

Мен важоҳат билан турардим, аммо орият устун келиб, эшикни ёпдим. Хотиним мени ташлаб кетолмаганидек, мен ҳам ундан воз кечолмасдим. Тез-тез орамизда урушлар бўлиб турарди, лекин эр-хотиннинг уруши дока румолнинг қуриши дейдилар-ку.

Сабр-тоқатини ҳеч нима билан қиёслаб булмайдиган хотиним ҳар доим ғолиб чиқар эди.

Ҳозир бу воқеа ҳақида мен холисона ҳикоя қилиб бера оламан, чунки у, бахтимга, ҳаётимни мен учун қачонлардир унут бўлиб кетган даврига тааллуқли эди. Энди мен муҳаббат икки кўзимни кўр қилган телба эр эмасман ва хотинимга мураббий ҳам эмасман. Кастурбай истаса, илгари мен унга қай даражада хусумат билан қараган булсам, энди у мен билан ҳам ана шундай муносабатда булиши мумкин эди. Биз — синовдан ўтган дўстлармиз ва ҳеч биримиз бошқамизга шаҳват воситаси деб қарамаймиз. Касал бўлиб ётиб қолган вақтимда хотиним бир зум бошимдан кетмади, миннатдор булар деган нарсани хаёлига ҳам келтирганни йуқ — астойдил касал боқди.

Мен ҳикоя қилган воқеа 1898 йили булган эди, унда браҳмачарйа ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга эмас эдим. Бу менинг хотин — эрнинг ёрдамчиси, ўртоғи ва шодлигу ғамни бирга баҳам кўрадиган ҳамдард эмас, балки эрнинг ҳирсини қондирувчи, ул деса ўлиб, қол деса қоладиган чуриси деб билган даврларим эди.

1900 йилдагина менинг бу қарашларим тубдан ўзгарди. 1906 йилда эса янгилари узил-кесил шаклланди. Аммо бу ҳақда тегишли жойда гапирарман. Ҳозирча шуни айтиб ўтишим кифояки, менда жинсий мойиллик аста-секин йуқола борган сари оиладаги ҳаётим тобора тинч, ёқимли ва бахтли кеча бошлади.

Ҳеч ким мен учун табаррук булган бу хотирадан бизни олий даражадаги эр-хотин ёки бизнинг орзу-ниятларимиз тамоман бир-бирига мос экан-да, деган хулосага келмасин.

Кастурбайнинг ўзи, дейлик, унда бирон-бир эзгу орзу борми — буни ҳатто билмасди ҳам. Ҳатто ҳозир ҳам, у афтидан, менинг кўп ишларимни у қадар маъқулламайди. Лекин биз уларни ҳеч қачон муҳокама қилмаймиз ва мен бунда ҳеч қанақа яхшилик аломатини кўрмайман. Мен машғул бўлишим керак бўлганда, у на ота-онасидан ва на мендан тарбия олган эди. Лекин ҳиндуларнинг кўпчилик хотинлари эга бўлган сифатдан унга ҳам талайгина юққан эди. Бу сифат куйидагилардан иборат эди:

— Менинг изимдан келар экан, хоҳлабми-хоҳламайми, билибми-билмайми, у ўзини бахтли деб биларди ва ҳеч қачон тийиқли ҳаёт кечиришдаги интилишимга тўсқинлик қилгани йўқ. Шу боис гарчанд ақл-идрок борасида бизда тафовут жуда катта бўлса-да, мен ҳар доим ҳаётимизни қониқишга, бахтга тўлиқ ҳис этиб келганман.



КУЛИЛАР ҚИШЛОҚЛАРИМИ Ў ГЕТТОЛАРМИ



Аҳолининг маълум қатлами (бизга энг муҳим ижтимоий хизмат курсатувчи), бизда, ҳиндуларда “дахлсиз” деб аталадиганлари шаҳарлар ва қишлоқларнинг чеккаларига ҳайдаб чиқарилганлар. Мана шу чекка маҳаллалар гузаротийда “дҳед-вало” деб аталади ва бу ном нафратли маънони англатади. Худди шундайин қачонлардир насронийлар Оврупосида яҳудийлар “дахлсизлар” деб, уларга ажратилган маҳаллалар эса ҳақоратомуз “гетто” номи билан аталган. Шунга ўхшаб бизнинг кунларимизда Жанубий Африкада биз “дахлсизлар” бўлиб қолганмиз. Эндрюснинг ўзини ўзи қурбон қилишию Шастрийнинг сеҳрли таёқчаси бизнинг бу бадномликдан қутулишимизга қанчалик ёрдам беришини келажак кўрсатади.

Бошқа барча халқлардан фарқли улароқ, яҳудийлар ўзларини Худо суйган бандалар, деб ҳисоблайдилар. Бу шунга олиб келдики, уларнинг авлодлари ғайриоддий ва ноҳақ ғазабга гирифтор бўлдилар. Қарийб шундайин ҳиндулар ўзларини орялар ёки тараққий этган халқ деб, ўз уруғдошларининг бир қисмини эса ноорялар ёки “дахлсизлар” деб атаганлар. Бу ҳам шунга олиб келдики, ҳаққоний бўлса-да, Жанубий Африкада фақат ҳиндулар эмас, балки яна мусулмонларни ҳам, парсларни ҳам ғайриоддий интиқом ўз ко-

мига тортиб кетди, чунки уларнинг барчаси бир мамлакатдан келиб чиққан булиб, ҳинду биродарлари сингари уларнинг ҳам бадани қора булган.

Китобхон энди ушбу бобга сарлавҳа қилиб қуйганим “қишлоқлар” сузи маъносини маълум даражада тушунган булса керак. Жанубий Африкада биз “кули” деган жирканч лақаб олгандик. Ҳиндистонда “кули” сузи “хаммол” ёки “аравакаш” маъносини англатади, аммо Жанубий Африкада бу суз ҳақоратли маъно касб этган. У ерда худди биздагидай “пиррия” ёки “дахлсиз” деб, “кули”лар учун ажратилган маҳаллалар эса “кулилар қишлоқлари” деб аталади. Шундай қишлоқ Иоганнесбургда ҳам бор эди, бироқ шундай қишлоқлари булган ва ҳиндлар мулкчилик ҳуқуқини сақлаб қолган бошқа аҳоли манзилгоҳларига қарама-қарши улароқ Иоганнесбург қишлоғида ҳиндлар уз ерларини 99 йилга ижарага олар эдилар. Қишлоқ майдони аҳоли усиши баробарида ортмас эди, одамлар эса жуда қисилиб яшашарди. Ҳожатхоналарни тозалаш буйича тизгинсиз тадбирларни ҳисобга олмаса, муниципалитет тозалик ишлари учун деярли ҳеч нарса қилмас эди. Аҳоли фаровонлигига умуман бефарқ булган бир вақтда муниципалитетнинг қишлоқ тозалик шароитларига қизиқишини кутишнинг узи қийин эди. Ҳиндларнинг узлари жамоат озодалиги ва тозалиги масалаларида шу қадар оми эдики, муниципалитет ёрдамисиз ё кузатувисиз ҳеч нарса қила олмасдилар. Борди-ю, қишлоқда турувчи барча ҳиндлар Робинзон Крузо булишганда, иш бошқачароқ булар эди. Аммо бутун дунёда Робинзонлар истиқомат қиладиган муҳожирлар колонияси йуқ. Одатда одамлар мусофир юртларга моддий маблағ ва иш қидириб кетадилар. Жанубий Африкада утроқ булиб қолган ҳиндларнинг асосий қисми гамхурлик кўрсатишларига ва уларни асраб-авайлашларига муҳтож булган авом, камбағал деҳқонлардан иборат эди. Улар орасида савдогарлар ва маълумотли одамлар деярли йуқ эди.

Муниципалитетнинг жинояткорона бепарволиги ва ҳинд муҳожирларининг жаҳолати шунга олиб келган эдики, қишлоқ жирканч санитария шароитларида қолганди. Муниципалитетнинг беғамлиги оқибати ҳисобланган қишлоқдаги бу ифлосликдан муниципалитет ҳинд қишлоғини йуқотиш учун баҳона сифатида фойдаланган ва шу мақсадда ҳиндларни уларнинг томорқаларидан маҳрум этиш учун маҳал-

лий ҳокимиятдан рухсат олган эди. Мен Иоганнесбургга келиб жойлашганимда аҳвол ана шундай эди.

Ўз ерига эгалик ҳуқуқи булган муҳожирларга, албатта, зарарни қоплаш учун товон тулаш кўзда тутилганди. Томорқалар ҳақидаги ишларни куриб чиқиш учун махсус трибунал тайин этилганди. Борди-ю, ер эгаси муниципалитет белгиланган миқдордаги товонга рози булмаса, у трибуналга мурожат қилиши мумкин ва борди-ю, трибунал ерни муниципалитет таклиф қилган миқдордаги нархдан юқори баҳоласа, муниципалитет суд чиқимларини тулаши керак булади.

Ер эгаларининг кўпчилиги мени ўзларининг ишончли одами сифатида таклиф қилар эдилар. Мен бу ишлардан пул ишлаб қолмоқчи эмас эдим ва шу боисдан ер эгаларига ишда ютиб чиқилган тақдирда суд натижаларидан қатъи назар трибунал белгиланган ҳар қандай суммадан ва ижара туғрисидаги ҳар бир шартнома буйича 10 фунт стерлинг миқдордаги гонорардан қаноат ҳосил қиламан, деб айтдим. Ишлаб топган пулларнинг ярмини камбағаллар учун касалхоналар ва шунга ухшаган бошқа муассасаларга садақа қилишни ҳам таклиф этдим. Бу, албатта, ҳаммага мойдай ёқиб тушди.

Тахминан етмиш ишдан атиги биттасидагина ютқаздим. Бинобарин, менинг гонорарим анча катта миқдорга етиб қолганди. Бироқ “Индиан опиньон” рузномаси муттасил маблағдан сиқилар ва агар янглишмасам, 1600 фунт стерлинглик пулни еб юборган эди. Бу судлар билан боғлиқ жуда кўп ишлар буйича тинимсиз тер тукар эдим ва атрофимдан миждозлар аримасди. Уларнинг кўпчилиги ўтмишда Биҳар ва унинг теварак-атрофидан, шунингдек, Жанубий Ҳиндистондан келган шартномалаги ишчилар эди. Ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида улар эркин ҳинд савдогар ва ҳунармандлари уюшмасига боғлиқ булмаган уюшма тузишди. Улардан айримлари кучли иродали ва кенг дунёқарашли софдил одамлар эди. Уларнинг раҳнаmolари уюшма раиси, оқловчи Жайрамсингх ва раисдан ҳеч нимаси билан қолишмайдиган оқловчи Бадрий эди. Иккаласи ҳам дунёдан ўтиб кетган. Улар менга кўп ёрдам беришди. Бадрий менинг яқин одамимга айланган ва сатйаграҳда фаол иштирок этганди. Улар ва бошқа дустларим ёрдамида Шимолий ва Жанубий Ҳиндистондан келган жуда кўплаб ҳинд муҳожирлари билан узвий алоқа урнатишга муваффақ булдим. Мен уларга

ишончли вакилдан кура купроқ ака эдим ва улар узларининг барча шахсий ва ижтимоий дарду ғамларини мен билан баҳам курар эдилар.

Ҳиндлар мени нима деб чақиришлари, албатта, китобхон учун қизиқарли булса керак. Абдулла Шет мени Ганди демай қуйганди. Бахтимга, ҳеч ким мени “соҳиб” деб атаб, ҳақорат қилмасди. Абдулла Шет “бҳай”, яъни “ака” деб чақиришни раво курди ва мени беҳад суюнтирди. Қолганлар ундан ибрат олишиб, мени “бҳай” деб чақира бошлашди ва Жанубий Африкадан кетгунимга қадар шундай булиб қолдим. Бу исм собиқ шартномадаги ҳинд ишчилари оғзида алоҳида маъно касб этар эди.

САТЯГРАҲНИНГ ТУФИЛИШИ

Иоганнесбургдаги воқеалар шундай тус олдики, покланишимни, айтиш жоиз булса, сатяграҳга тайёргарлик даражасига айлантирди. Энди уйлаб қарасам, браҳмачарйа онтида ҳаётимнинг энг юқори нуқтасига етган барча асосий воқеалар мени зимдан шу ҳаракатга тайёрлаб келган экан. Эндиликда “сатяграҳ” деб номланган тамойилнинг ўзи бу атама пайдо булишидан олдин юзага келган эди. Дастлабки вақтда бунинг нима эканини мен ўзим ҳам билмаган эдим. Ушбу тамойил тавсифи учун гужаротий тилида даставвал инглизча “суст қаршилиқ кўрсатиш” иборасидан фойдаландик. Бироқ бир куни овруполиклар билан суҳбатда шунга амин булдимки, “суст қаршилиқ кўрсатиш” атамаси ҳаддан ташқари тор экан, ожизнинг кучлига қарши қуролини англатар экан, бу қандайдир нафрат билан йўғрилган булиб, охирида зўравонликка эш булиб кетар экан. Мен ҳинд ҳаракатининг ёлғон талқинини курсатишга ва ҳақиқий табиатини тушунтириб беришга қарор қилдим. Ўз-ўзидан равшанки, ўз курашларини ифодалаш учун ҳиндлар янги атамани ўзлари топишлари керак эди.

Бироқ қанча бош қотирмай, ҳеч муносиб атама миямга келмади-келмади. Шунда “Индиян опиньон” муштарийлари орасида шу маънодаги энг яхши иборага танлов эълон қилдим. Маганлаъл Ганди “сатаграҳ” (сат — ҳақиқат, аграҳ — қатъийлик) сузини уйлаб топди ва мукофот олди. Сузни янада тушунарлироқ қилишга интилиб, мен уни “сатя-

граҳ”га узгартирдим ва бу атама гужаротий тилида ушандан бери курашимиз ифодаси булиб қолди.

Сатйаграҳ тарихи менинг Жанубий Африкадаги деярли барча кейинги ҳаётим ва айниқса, Африка қитъасида булган давримдаги ҳақиқатни қидирувчилар тарихи билан қўшилиб кетади. Бу тарихнинг асосий қисмини Йервалидаги қамоқхонада ёзганман ва озодликка чиққанимдан кейин тугаллаганман. У “Навживан” жаридасида чоп этилган, кейинроқ эса алоҳида китоб булиб чиққан эди. Оқловчи Валжий Гувиндзий Десай уни “Каррент Сот” жаридаси учун инглиз тилига угирган эди. Ҳозирги вақтда инглизча таржимани алоҳида китоб қилиб тайёрляпман ва уни уқиб чиқиб, ҳар ким Жанубий Африкадаги менинг энг муҳим изланишларим билан танишиши мумкин. Ҳали бу китобни кўрмаган китобхонларга Жанубий Африкадаги менинг сатйаграҳим тарихини диққат билан уқиб чиқишларини тавсия этаман. Бу китобда нималарни ёзганимни такрорлаб утирмайман. Кейинги бобларда эса Жанубий Африкадаги шахсий ҳаётимнинг сатйаграҳ тарихига дахл қилмаган айрим воқеаларнигина тилга олиб утаман. Сунг китобхонга Ҳиндистондаги изланишларим ҳақида тасаввур беришга ҳаракат қиламан. Изланишларимнинг жиддий тадрижий давомийлигини аниқламоқчи булганларнинг қўлида Жанубий Африкадаги менинг сатйаграҳ тарихим ҳам булиши фойдадан холи эмас.

ОВҚАТ БОРАСИДАГИ КЕЙИНГИ ТАЖРИБАЛАР

Мен муттасил фикрларда, сузларда ва хатти-ҳаракатларда браҳмачарйага риоя қилишга ва сатйаграҳга иложи бори-ча кўпроқ вақт бағишлашга жуда-жуда орзуманд эдим. Бунга фақат узимни поклаш йули билан эришишим мумкин эди. Шу боис уз ҳаётимга яна узгаришлар кирита бошладим ва овқатланиш борасида янада қаттиқроқ чекловлар жорий этдим. Авваллари ҳаёт тарзимни узгартирар эканман, кўпроқ тозалик қоидаларига риоя қилар эдим, энди эса янги тажрибаларим асосида диний дунёқарашлар ётарди.

Рузалар ва овқатдан тийилиш ҳаётимда янада жиддийроқ роль уйнай бошлади. Одатда инсондаги эҳтирослар хуштаъм нарсаларга мойилликни келтириб чиқаради. Менда ҳам

шундай булган эди. Уз нафсим ва қорнимни жиловлашда катта қийинчиликларга дуч келдим ва ҳатто ҳозир ҳам бу иллатларни бутунлай жиловлаб олганман деб мақтанолмайман. Мен узимни мечкай деб ҳисоблардим. Дустларимга тийқиқликдай булиб курунган нарса менга бутунлай бошқача булиб курунарди. Борди-ю, мен нафсимни муваффақ булганим даражада жиловлай олмаган булсам, мен ҳайвондан ҳам бадтар тубанлашган ва аллақачон одамгарчиликдан чиқиб кетган булар эдим. Уз камчиликларимни беш қўлда билганим сабабли улардан қутулиш учун бор кучимни сарфлардим ва шу саъй-ҳаракатлар шарофати билан уз танамни буйсундириб олдим, ўтган шунча йиллар давомида чекимга тушган ишни олиб бордим.

Уз заифлигимни англаш ва худди шундай фикрлар қонқонига сингган одамлар билан ногаҳоний учрашув шунга олиб келдики, мен бутунлай ҳўл мевалар билан озиқлана, экадаший кунда руза тута, жанмаштабий ва шунга ухшаган байрамларга риоя қила бошладим.

Мен ҳўл мева парҳезидан бошладим, бироқ тийилиш нуқтаи назаридан ҳўл мева ва унли овқат уртасида катта фарқ кўрмадим. Биринчи ҳолда ҳам, иккинчи ҳолда ҳам қорин тўйғазиш ғами бир хил эканини кўрдим. Шу боис байрам кунлари руза тутиш ва шу кунларда бир маҳал овқат ейиш билан руза тутишга катта аҳамият бердим ва тавбазазарру қилиш учун руза тутишга ҳар қандай баҳонадан жонжон деб фойдаланар эдим.

Бироқ мен яна шу нарсани ҳам кўрдимки, энди танам тобора озиб кетаётгани боис овқат ҳам кўпроқ лаззатли туюлиб бораётганди. Шунда миямига руза хоҳишларни чеклашдаги каби уларни тийиш учун ҳам қудратли қурол була олади, деган фикр келди. Бу ажойиб фикр исботи сифатида кейинчалик мен ва дустларим утказган куплаб тажрибаларга суяниш мумкин. Мен уз баданимни такомиллаштирмақчи ва тартибга солмоқчи булдим, чунки асосий мақсад шундан иборат эдики, нафсини тийиш ва қорин ғамига барҳам бериш учун аавал бир овқатни, сунгра бошқасини танлар, айни вақтда улуш миқдорини камайтириб борар эдим. Аммо овқат ейишдаги лаззатланиш туйғуси мени тарк этмаётганди. Менга ёққан бир овқатдан воз кечганимда ва бошқасини тановул қилганимда, мана бу кейингиси менга янгича ва олдингидан кўпроқ лаззатли туюлар эди.

Менга қушилиб яна бир нечта одам ана шундай тажриба утказарди, булар ичида олдинги уринда Герман Калленбах турарди. Жанубий Африкадаги сатйаграҳ тарихида мен у ҳақда ёзган эдим ва яна такрорлаб утирмайман. М-р Калленбах ҳар доим руза тутар ёки мен билан биргаликда овқат хилини алмаштирарди. Сатйаграҳ авж палласида мен унинг уйида турардим. Биз у билан овқат хилини ўзгартиришни муҳокама қилардик ва янги овқат олдингисига қараганда кўпроқ лаззат бағишларди. Бундай суҳбатлар уша кунлари ёқимли эди ва ноурин туюлмасди. Бироқ тажриба менга лаззат сезгилари ҳақида куп гапириш тузук эмаслигини ургатди. Лаззат олиш учун эмас, балки вужуднинг зарурий ҳаётий фаолиятларини тутиб туриш учун овқат ейиш керак. Сезги аъзоларидан биронтаси танни, у орқали эса жонни тутиб турганда, лаззатланишнинг хос туйғуси ғойиб бўлади ва ушандагина у табиат қандай чизиб берган бўлса, ушандай фаолият кўрсата бошлайди.

Табиат билан бундай қушилиб кетишга эришиш учун ҳеч қандай тажриба кор қилмайди ва ҳеч қанақа қурбон ортиқча сезилмайди. Бироқ, афсуски, бизнинг кунларимизда бунинг бутунлай тескарисини кўрамыз. Фоний жисмимизни безашга ва унинг киприк қоққуликдай умрини узайтиришга ҳаракат қилиб, кўплаб ўзгалар ҳаётини қурбон қилишдан уялмаймиз, натижада эса ўз танамизни ва жонимизни, яъни ўз-ўзимизни ўлдирамыз. Бир эски дардни даволашга ҳаракат қилиб, биз юзлаб бошқаларини ҳосил қиламыз; ҳиссий туйғулардан лаззатланишга ҳаракат қилиб, биз охир-оқибатда ҳатто лаззатланиш қобилятимизнинг ўзини йўқотамиз. Булар бари куз унгимизда содир бўлиб турибди, аммо куришни истамаган одамдан кўроқ одам йўқ.

Овқатланиш борасида ўз тажрибаларим мақсади туғри-сида ҳикоя қилгандан ва мени шу тажрибаларга олиб келган фикрларни баён этгандан кейин мен уларни батафсилроқ ифодалаб бериш ниятидаман.

КАСТУРБАЙНИНГ ЖАСОРАТИ

Ўз ҳаётида хотиним уч марта оғир касалликдан ўлим ёқасида булди. Ҳар гал соғайиб кетгани учун у қўлбола воситалардан миннатдор бўлиши керак. Унинг касаллиги кун-

ларида сатйаграҳ энди бошланган ёки ана бошланаман-мана бошланаман деб турарди. Хотинимда тез-тез қон кетмоқда эди. Бизнинг собиқ дустимиз булган врач операцияга ётишни маслаҳат берди, бир қанча иккиланишлардан сунг хотиним бунга рози булди. Хотиним қоқ суяк булиб қолганди ва операцияни хлороформсиз қилишга туғри келди. Операция яхши утди, аммо ҳаддан ташқари оғир кечди. Лекин Кастурбай унга ҳайратомуз даражада мардоналик билан чидаб берди. Доктор ва хотини хотинимга жонларини жабборга бериб қарашди. Бу Дурбанда булган эди. Доктор мени Иоганнесбургга бораверишимни ва бемордан ташвишланмаслигимни айтди.

Бироқ бир неча кундан кейин хат олдим, унда хотинимнинг аҳволи ёмонлиги, жуда ҳолдан тойгани, ҳатто тушакда утиролмаслиги ва бир гал ҳагто ҳушдан кетгани айтилганди. Доктор менинг рухсатимсиз унга шароб ёки гўшт беришга ҳаққи йуқлигини биларди. Шу боис у хотинимни гўштли шурва билан боқишга рухсат сўраб, менга Иоганнесбургга телефон қилибди. Мен бунга рухсат беролмайман, деб жавоб бердим, бироқ борди-ю, беморнинг ўзи ўз хоҳишини ифода этишга ҳоли етса, унинг ўзидан сўраш керак ва у қандай истаса, ўз ихтиёри, дедим.

— Мен, — деб эътироз билдирди доктор, — бу масала буйича беморнинг ўзидан сўрай олмайман. Сиз келишингиз керак. Борди-ю, беморга овқат тайинлашимга тула эрк бермас экансиз, мен хотинингиз учун барча масъулиятни зиммамдан соқит қиламан.

Уша куни мен поездда Дурбандан чиқиб кетдим. Мени қарши олиб, доктор бамайлихотир деди:

— Сизга телефон қилгунимга қадар мен м-с Гандига шурва ичирдим.

— Доктор, бу гапингизга мен ишонмайман, — жавоб бердим мен.

— Беморга дори тайинлаш ёки парҳез белгилаш ҳақида гап кетаётганида ишонмайман деганингиз нимаси? Биз, врачлар, агар алдаш йўли билан беморни сақлаб қолиш мумкин булгандагина беморларни ёки уларнинг қариндош-уруғларини алдаш туғри деб ҳисоблаймиз, — шартта жавоб берди доктор.

Мен ич-ичимдан хафа булдим, бироқ узимни босдим. Доктор яхши одам ва менинг шахсий дустим эди. Мен узим-

ни унинг ва хотинимнинг олдида бурчли санардим, аммо унинг врачлик одобига бўйсунганини истамасдим.

— Доктор, айтинг-чи, энди нима қилмоқчисиз? Ҳатто йуқ дейиш улимни англаган тақдирда ҳам хотинимга гуштли шўрва беришингизга йул қўймайман. Агар бунга хотинимнинг ўзи хуп деса, шунда рухсат бераман.

— Фалсафангиз билан менинг уч пуллик ишим йуқ, — деди доктор. — Сизга айтаяпман, модомики хотинингизни менга топширдингизми, унга қандай қарашни узим ҳал қилишим керак. Борди-ю, сизга ёқмаса, афсуски, унда беморни меникидан олиб кетишингизни илтимос қилишга мажбур буламан. Менинг бошпанам остида унинг қандай жон беришини томоша қилиб туролмайман.

— Хотинимни ҳозироқ олиб кетишимни истаяпсизми?

— Уни олиб кетинг деб сўрадимми сиздан? Мен фақат бир нарсани истайман — мутлақо эркин бўлишни. Агар сиз мени ўз эркимга қўйиб берсангиз, хотиним ва мен хотинингизни қутқариб қолиш учун қўлимиздан келган ҳамма чорани кўрамиз, сиз эса унинг соғлиғидан хавотир олмай, қайтиб кетаверишингиз мумкин. Борди-ю, шу оддий нарсани англашни истамасангиз, хотинингизни уйимдан олиб кетишингизни илтимос қилишга мажбур буламан.

Янглишмасам, уғилларимдан биттаси мен билан бирга эди. У онасига гуштли шўрва бермаслик ҳақидаги гапимни тула маъқуллаб турарди. Сўнг Кастурбайнинг ўзи билан гаплашиб кўрдим. У шунчалик заифлашиб кетган эдики, бир оғиз суз сураш ҳам малол келаётганди. Аммо шундай қилишни мен узимнинг оғир мажбуриятим деб билар эдим. Доктор ва менинг уртамизда бўлиб ўтган гапларни унга сўзлаб бердим. Хотиним узил-кесил жавоб берди:

— Мен гуштли шўрва ичмайман. Ёруғ дунёда одамзот бўлиб туғилиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди, вужудимни бундай жирканч нарса билан булғашдан кўра қўлингизда улганим афзал.

Мен унга менинг йулимдан боришинг шарт эмас деб кўндиришга уриниб кўрдим ва тиббиёт воситалари сифатида гушт ва шаробни бемалол истеъмол қилаётган ҳинду дўст ва танишларимиздан мисоллар келтирдим. Аммо хотиним айтганида туриб олди.

— Йуқ, — деди у. — Илтимос, мени бу ердан олиб кетинг.

Мен ҳаяжонда эдим. Ҳеч иккиланиб утирмай Кастурбайни бу ердан олиб кетишга қарор қилдим ва докторга унинг қарорини айтдим. Доктор тутақиб деди:

— Қанақа қайсар одамсиз? Ҳозирги аҳволида унга бу ҳақда гапиргани қандай тилингиз борди? Ишонинг, хотинингиз ҳозир уни бу ердан олиб кетадиган аҳволда эмас. У озгина силкинишни ҳам кутаролмайди. У йулда улиб қолиши мумкин. Аммо агар сиз барибир қайтмайман десангиз, унда узингиз биласиз. Борди-ю, унга гушт шурваси беришга рози эмас экансиз, уни узимникида ушлаб туришга бир кун ҳам таваккал қилолмайман.

Шундай қилиб, биз дарҳол йўлга тушишга қарор қилдик. Ёмғир шиғалаб ёғарди, станциягача эса анча олис эди. Дурбандан Фениксгача поездда бориш керак эди, у ердан колониямизгача яна икки ярим мил қоларди. Мен, албатта, қаттиқ таваккал қилгандим, аммо Худога ёлборардим. Мен Фениксга олдинроқ одам юбориб, Уэстни станцияда бизни тур беланчак, иссиқ сутли шишалар, қайноқ сув ва Кастурбайни тур беланчакда олиб юриш учун олтита одам билан кутиб олишини огоҳлантирдим. Хотинимни энг яқиндаги поездга олиб чиқишга улгуриш учун уни аравачага жойладик ва йулга тушдик.

Кастурбайнинг аҳволи оғир эди, бироқ тасаллига муҳтож эмасди. Қайтанга у бизга тасалли бериб дерди:

— Менга ҳеч нарса булмайди. Қурқманглар.

Ундан қоқ суяк ва тери қолганди, чунки куп кунлардан бери у туз тотгани йуқ эди. Станция платформаси узун эди ва поездгача анча-мунча масофани босиб утишга туғри келарди. Рикшанинг у ёққа кириши ман этилганди, шу боис хотинимни қулимга олдим-да, вагонгача кутариб кетдим. Фениксдан уни тур беланчакда олиб кетдик. Гидропатик (сув) муолажаси шарофати билан хотиним колонияда аста-секин узига кела бошлади. Фениксга келганимиздан икки-уч кун кейин бизникига свамий келиб қолди. Врач маслаҳатидан воз кечиб курсатган қатъиятимиз ва иродамиздан воқиф булиб, у ҳамдардлик туйғуси юзасидан бизникига келибди, бизнинг ноҳақ эканимизни уқдирмоқчи булибди. Эслашимча, свамий уйимизга кириб келганида хонада угилларим Манилал ва Рамдас бор эди. Свамий гушт ейишни

дин тақиқламаслиги ҳақида фалсафа суқа бошлади ва “Ману”дан иқтибослар келтирди. Хотиним олдида унинг бу тугрида баҳс очгани менга ёқмади, бироқ одоб юзасидан чидаб турдим. “Манусмрити”нинг бу иқтибослари менга маълум эди, аммо улар менинг эътиқодимга таъсир курсата олмасди. Айрим олимлар бу гапларни кейинроқ олиб киритилган деб қарашларини ҳам билардим, бироқ ҳатто улар аслият булган тақдирда ҳам бу айни ҳолда ҳеч қандай аҳамият касб этмасди, чунки утхўрликка нисбатан менинг қарашларим диний матнларга боғлиқ эмасди, Кастурбайнинг иймони эса бутун эди. Муқаддас китоблар унинг учун умрбод очилмас сир эди, лекин у аждодларининг анъанавий динига қатъий риоя қилар эди. Болалар оталарининг иймонига асло шак келтирмас эдилар, шу боис свамийнинг далолатларига у қадар ишонганлари йўқ. Кастурбай шартта гап қотиб, свамийнинг ваъзини бўлди.

— Свамий жий, — деди у, — сиз нима десангиз деяверинг-у, аммо мен гушт шўрваси ёрдамида даволанишни истамайман. Илтимос, мени тинч қўйинг. Агар маъқул десангиз, бу масалани эрим ва болаларим билан муҳокама қилишингиз мумкин. Мен эса айтганимдан қайтмоқчи эмасман.

РУҲ ТАРБИЯСИ

Болаларнинг руҳият тарбияси уларнинг жисмоний ва ақлий тарбиясига қараганда анча қийин иш. Руҳият тарбиясида мен диний китобчаларга кам таянар эдим. Туғри, ҳар бир ўқувчи ўз дини асослари билан танишмоғи ва муқаддас китоблар ҳақида умумий тасаввурга эга булмоғи керак деб ҳисоблар эдим, шу боис болаларга шундай билим беришга ҳаракат қилиб, қўлимдан келган ҳамма нарсани қилардим. Аммо бу, менимча, ақл тарбиясининг бир қисмигина эди, холос. Толстой фермасида болаларни ўқитишга киришганимдан анча олдин руҳ тарбияси — алоҳида вазифа эканини тушунгандим. Руҳни ривожлантириш — Худони ва ўз-ўзини англаб етиш йулида кишини тайёрлаш ва феъл-атвори-ни шакллантириш демакдир. Руҳ тарбиясисиз ҳеч бир таълим фойда келтира олмаслигига ва ҳатто зарар келтириши мумкинлигига амин эдим.

Одам узини узи ҳаётнинг фақат туртинчи поғонасида, яъни саннийас (таркидунё қилиш) поғонасида англаб ета олади деган хурофот борлигини биламан. Бироқ ҳаммага маълумки, одам бу бебаҳо тажрибага тайёргарликни ҳаётининг сунгги поғонасигача ташлаб қўяр экан, у узини узи англаш даражасига етмайди, балки шундай бир кексаликка етишадики, бу кексалик иккинчи, аммо энди ачинарли болалик билан тенг бўлиб, у атрофдагилар учун малоллик келтиришдан бошқа ҳеч нарсага арзимайди. Яхши эсимда, бу қарашларга, гарчанд ушанда бу ғояни айнан шундай сузлар билан ифодаламаган бўлсам-да, ўқитувчилик қилиб юрган вақтларимда, яъни 1911—1912 йилларда асосланардим.

Қандай қилиб болаларга руҳий тарбия бериш мумкин? Мен болаларни дуоларни эслаб қолишга ва ёддан ўқиб беришга мажбур қилардим, уларга ибратли китоблардан ўқиб берардим. Лекин булар барибир мени унчалик қониқтирмасди. Болалар билан купроқ яқинлашиб, руҳни китоблар ёрдамида тарбиялаб булмаслигини англадим. Жисмоний тарбия учун жисмоний машқлар, ақлий тарбия учун ақлий машқлар зарур булгани каби, руҳ тарбиясини фақат руҳни машқ қилдириш йули билан амалга ошириш мумкин. Бу машқларни танлаш эса бутунлай ўқитувчининг ҳаёт тарзи ва феъл-атворига боғлиқ. Уз ўқувчилари орасидами ёки йўқми, бундан қатъи назар ўқитувчи ҳар доим эҳтиёткорликка риоя қилиши керак.

Ҳатто шогирдларидан бир неча мил нарида туриб ҳам ўқитувчи узининг ҳаёт тарзи билан улар руҳига таъсир курсатиши мумкин. Агар ёлғончи булганимда, болаларни туғри гапиришга ургатишдаги менинг барча уринишларим зое кетган буларди. Қўрқоқ ўқитувчи ҳеч қачон уз ўқувчиларини ботир қила олмайди, узини тиёлмаган одам эса ҳеч қачон ўқувчиларни узини тийишнинг савоблигини қадрлашга ургатолмайди. Мен ўзим билан ёнма-ён яшаётган ўғил ва қиз болалар учун ҳар доим жонли мисол бўлишим кераклигини тушундим. Шундай қилиб, улар менинг ўқитувчиларим бўлиб қолди ва мен лоақал шуларни деб батартиб ва ҳалол бўлишим шартлигини англадим. Толстой фермасида ўзимга юқтирган усиб борувчи интизомлилигим ва ўзимни ўзим чекловларим менга купроқ тарбияланувчиларнинг таъсири натижасидек бўлиб туюлади.

Бир бола жудаям шух, қулоқсиз, ёлғончи ва уришқоқ эди. Бир куни у жуда ҳаддан ошиб кетди. Мен узимни тутиб туrolмадим. Мен ҳеч қачон ўқувчиларни жазоламасдим, аммо бу гал ёмон жаҳлим чиққанди. Мен уни тинчлантиришга ҳаракат қилиб ҳам кўрдим. Бироқ у қулоқ солмади ва ҳатто гап қайтармоқчи бўлди. Охири қўлимга тушган жазвал билан унинг қўлига бир солдим. Уни урганимда вужудим титрар эди. У буни пайқади. Барча болалар учун мендаги бу атвор мутлақо ғайри оддий эди. Бола йиғлаб юборди ва кечирим сўрай бошлади. Лекин у оғриқдан йиғламаётганди; керак бўлса у ҳам менга шундай жавоб қайтара олар эди (бу ун етти ёшли гавдали йигит эди); лекин у менинг куч ишлатишга мажбур бўлганимдан қанчалик изтироб чекаётганимни англагани. Шу воқеадан кейин бола бошқа ҳеч қачон айтганимдан чиқмади. Лекин куч ишлатганимдан ҳали-ҳануз пушаймон қиламан. Ўша куни болалар олдида узимнинг руҳимни эмас, балки қўпол ҳайвоний табиатимни ошкор қилганимдан кўрқаман.

Мен ҳар доим жисмоний жазоларга қарши бўлганман. Ўғилларимдан бирини урган ягона воқеагина эсимда қолган. Шу боис ҳалиги болани жазвал билан уриб, тўғри қилдимми ё йўқми, бугунги кунгача бир тухтамга келолмайман. Тўғри қилмаганман, ҳар ҳолда; чунки бу ҳаракат ғазаб ва жазолаш хоҳишидан келиб чиққанди. Борди-ю, бу ишда фақат менинг изтиробим ифода этилганда эди, мен уни тўғри деб ҳисоблардим. Бироқ айна ҳолда бунга ундаган сабаблар шундангина иборат эмас эди.

Бу воқеа мени ўқувчиларни тарбиялашнинг янада мақбулроқ услуби ҳақида ўйлашга мажбур этарди. Мен қўллаган услуб фойда келтирганми, йўқми, билмайман. Бола қўп ўтмай бу воқеани унутиб юборди ва унинг хулқи анча яхшиланди деб айтиб бўлмайди. Лекин мен шунинг туфайлидан ўқувчиларига нисбатан ўқитувчининг мажбуриятини чуқурроқ англадим.

Болалар бундан кейин ҳам тез-тез шўхлик қилиб туришарди, лекин ҳеч қачон жисмоний жазо қўлламасдим. Шундай қилиб, мен билан бирга яшайдиган болаларни тарбиялар эканман, мен руҳий кучни тобора кўпроқ англаб бормоқда эдим.

ГҮКҲАЛЕ БИЛАН УЧРАШУВ ОЛДИДАН

Жанубий Африкада кечган ҳаётим ҳақидаги эсдаликлардан кўпини тушириб қолдирмасам бўлмайди.

Сатйаграҳ ҳаракати тугаши билан 1914 йилда мен Гукҳаледан кўрсатма олдим, унга кўра олдин Лондонга кириб ўтиб, ватанимга қайтишим керак эди. Июлда Кастурбай, Каленбах ва мен Англияга йўл олдик.

Сатйаграҳ вақтида мен фақат учинчи классда юрар эдим. Шу боис ҳозир ҳам учинчи классга чипта олдим. Шу йўлдаги учинчи класс пароходи билан ҳинд ички қатнов кемалари ва темир йўл поездларидаги шароитлар ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Ҳинд кемаларида ўтирадиган жойлар базўр етарди, ётиладиган ўринлар ундан ҳам кам ва жуда ифлос эди. Лондонга йўл олган кема анча кенг ва тоза бўлиб, бундан ташқари компания бизга алоҳида қулайликлар яратиб қўйганди. Бизнинг тасарруфимизда алоҳида ҳожатхона бор эди, нима еб-ичишимизни билиб, кема ошхонаси бизни ҳул мевалар ва ёнғоқлар билан таъминлашга олдиндан шай турар эди. Одатда, учинчи класс йўловчилари уларни деярли олмасди. Ана шундай қулайликлар эвазига сузишнинг барча ўн саккиз куни биз учун ғоят ёқимли кечган эди.

Саёҳат вақтида биз билан ҳамсафар булган айрим кишиларни эслаш жоиз. М-р Калленбах дурбинни жуда севарди ва унинг бир эмас, иккита дурбини булиб, иккови ҳам жуда қиммат турарди. Шулардан бири устида биз ҳар куни баҳс олиб борардик. Мен унга бундай қимматбаҳо буюмга эга булиш оддийликнинг биз етишишни орзу қилган олий даражасига муносиб эмаслигини исботлашга ҳаракат қилардим. Бир гал каютамит дарчаси олдида турганча биз мана шу мавзуда жуда қаттиқ баҳслашиб қолдик.

— Дурбиндан низо яшаш ўрнига уни денгизга улоқтириб, бу даҳмазадан бир йўла қутулганимиз яхши эмасми? — сўрадим мен.

— Булмаса-чи, улоқтиринг бу лаънати матоҳларни, — жавоб берди Калленбах.

— Худди шундай қилмоқчиман, — дедим мен.

— Жуда соз, — жавоб ҳам тез булди.

Мен дурбинни денгизга улоқтирдим. У етти фунтча турарди, аммо унинг қиймати учун туланган пул м-р Калленбахнинг дурбинга бўлган иштиёқи олдида ҳеч нарса эмасди. Дурбиндан қутулиб, у, ҳар ҳолда, бундан аттанглаб қолмади.

М-р Калленбах билан менинг орамизда бўлиб ўтган кўплаб ҳангомалардан бири ана шундай бўлган эди.

Ҳар куни бизга биронта янги нарса олиб келарди, чунки м-р Калленбах ҳам, мен ҳам ҳақиқат йулидан боришга интилар эдик. Ҳақиқат йулида, табиийки, газаб, худбинлик, нафрат каби нарсалар ғойиб бўлади. Акс ҳолда ҳақиқатга етишнинг иложи бўлмайди. Эҳтиросга берилган одамнинг кунглида мутлақо яхши ниятлар бўлиши мумкин, сузлари ҳаққоний бўлиши мумкин, аммо у ҳақиқатни ҳеч қачон англамайди. Ҳақиқат иккиликдан, дейлик муҳаббат ва нафрат, бахт ва бахтсизлик кабилардан мутлақо ҳалосликни англатади.

Биз рўзадан кейин бир неча кун ўтгач, саёҳатга отландик. Мен ҳали тула қувватга кирмагандим. Иштаҳани очиш ва еганларимни яхшироқ ҳазм қилиш учун одатда палубада сайр қилардим. Бироқ гоҳо бундай сайрлар ҳам тинкамни қуритар эди, чунки оёқларимга оғриқ берарди. Лондонга келиб, аҳволим яхшиланиш у ёқда турсин, балки янада бадтарлашганини сездим. Д-р Живраж Меҳта билан танишиб, мен унга тутган рузам ва оёғимдаги оғриқ ҳақида сузлаб бердим.

— Агар бирмунча муддат давомида тула осойишталикка риоя қилмасангиз, оёқдан бутунлай ажралиб қоласиз,— деди у.

Узоқ руза тутган одам олдинги қуввати тикланишига шошилмаслиги ва шу билан бирга нафсини тийиши лозимлигини мен ушанда билдим. Рўзадан кейин овқатда жуда эҳтиёткорлик лозим экан ва, эҳтимол, руза тутиб юргандагига қараганда ҳам кўпроқ чекловлар жорий қилиш керак экан.

Мадейра оролида ҳар дақиқада жаҳон уруши бошланиши мумкинлигини эшитдик. Ла-Маншни кесиб утаётганимизда уруш бошлангани ҳақидаги хабарни олдик. Кемамизни бир мунча вақт ушлаб туришди. Бутун қўлтиқ бўйлаб қўйиб ташланган сувости миналари орасидан шатакка олиб ўтиш жуда оғир кечди ва Саутхемптонга етиб олишимиз учун икки кунча вақтимиз кетди.

Уруш туртинчи август куни эълон қилинган эди. Лондонга биз олтинчида етиб келдик.

ВАТАНГА

Англиядан Ҳиндистонга боришни мўлжаллаб, Калленбах менга ҳамроҳлик қилмоқда эди. Биз ҳозир ҳам бирга яшардик ва уз-узидан равшанки, битта кемада сузиб кетмоқчимиз. Бироқ Англияда немислар шундай қаттиқ назорат остида эдики, Калленбахнинг паспорт олишига ҳеч биримизнинг кузимиз етмасди. Бунинг учун мен барча чораларни кўрдим, бизга хайрихоҳ м-р Робертс эса вице-қиролга телеграф билан мурожаат этди. Лорд Хардингнинг жавоби мана бундай бўлди: “Афсуски, Ҳиндистон ҳукумати таваккал қилолмайди”. Бу жавоб қандай маъно англатишини биз тушуниб турардик.

Калленбах билан ажрашиш менга жуда оғир бўлган эди, бироқ у мендан кўпроқ изтиробда эканини кўрдим. Агар ўшанда у Ҳиндистонга кела олганида, у энди оддий бахтиёр деҳқон ва туқувчидай ҳаёт кечираётган бўларди. Ҳозир эса у меъмор ва аввалгидек Жанубий Африкада яшайпти.

Шу йўналишга хизмат қилган компания кемаларида учинчи класс йўқ эди ва биз иккинчи классда кетишга мажбур бўлдик.

Биз Жанубий Африкадан келтирилган қуруқ меваларни узимиз билан олиб олдик. Кемада уларни сотиб олишнинг имкони йўқ эди, ҳолбуки янги мевалар мўл-кўл эди.

Д-р Живраж Меҳта сонларимга тахтакач боғлаб қўйган эди ва Қизил денгизга етгунимизча уларни ечмасликни илтимос қилганди. Дастлабки икки кун мобайнида бу ноқулайликка чидаб турдим, охири сабр косам тулиб кетди. Жуда катта қийинчиликлар билан тахтакачларни ечиб ташлашга ва одамлардек ювиниб, ваннада чумилишга яна муваффақ бўлдим.

Овқатим асосан ёнғоқлар ва мевалардан иборат эди. Соғлигим кундан-кун яхшиланиб бормоқда эди ва Сувайш каналда ўзимни анча яхши ҳис қила бошлагандим. Гарчи ҳали ҳам ҳолсиз бўлсам-да, хатар бутунлай бартараф бўлганди ва мен аста-секин машқларни орттира бошладим. Соғлигим яхшиланаётганини асосан мўътадил иқлимнинг тоза ҳавосидан кўрмоқда эдим.

Негалигини билмадим-у, аммо бу кемада инглиз ва ҳинд йуловчиларини бир-биридан ажратувчи қирра Жанубий Аф-

рика йулида кузатганимдагидан кескинроқ эди. Мен бир қанча англизлар билан гаплашдим, аммо суҳбат юзаки булганди. Жанубий Африка кемаларидаги дилкаш суҳбатларни куриш ҳали-ҳануз насиб этмаётганди. Менимча, асосий сабаб шундан иборат эдики, англизлар билибми, билмайми юракларининг тубида узларини ҳукмрон ирқ вакиллари деб ҳис қилар эдилар; ҳиндлар эса узларининг асоратдаги ирққа мансубликларини ҳис қилиб эзилар эдилар.

Бу аҳволдан қутулиш учун мен тезроқ уйга етиб олишга шошилмоқда эдим.

Аданда узимизни уйдагидай ҳис қилдик. Мен аданликларни яхши билардим, чунки Дурбанда м-р Кекобад Кавас-жий Диншоу ва унинг хотини билан танишган ва яқин булиб қолган эдим.

Яна бир неча кундан кейин биз Бомбейга келиб тушдик. Ун йиллик бадарғаликдан кейин она ерга қадам қуйганимдан севинчим ичимга сиғмаётганди.

Гукҳаленинг соғлиги унча яхши эмаслигига қарамай, у мени Бомбейда кутиб олишга алоҳида тайёрлик курган ва шунинг учун у ерга етиб келган эди. Мен Ҳиндистонга у билан бир жон-бир тан бўлиш ва шу билан узимни эркин ҳис қилиш учун қайтмоқда эдим. Аммо тақдир ҳукми бошқача булиб чиқди.

ПУНА. ГУКҲАЛЕ ҲУЗУРИДА

Бомбейга етиб келишим билан Гукҳаледан хат олдим, унда губернатор мени кўрмоқчи экани ва Пунага жунаб кетишимгача унинг ҳузурига ташриф буюришим зарурлиги айтилганди. Шу боис мен жаноби олийлари ҳузурига ташриф буюрдим. Одатдаги ҳол-аҳвол сурашувлардан кейин губернатор деди:

— Мен сиздан фақат бир нарсани сурамоқчи эдим: ҳар гал ҳукуматга тааллуқли бирон-бир ишга қўл уришдан олдин менинг олдимдан бирров ўтсангиз.

— Сизга бундай ваъда бериш мен учун қийин иш эмас, — жавоб бердим мен, — чунки сатйаграҳ сифатида энг аввало ишим тушган томоннинг нуқтаи назарини аниқлаш ва иложи борича битимга келишиш мен учун қоида тусига кирган. Мен Жанубий Африкада шу қоидага оғишмай амал қилардим ва бундан кейин ҳам шундай қилиш ниятидаман.

Лорд Уиллингдон ташаккур билдириб:

— Бу ерга хоҳлаган вақтингизда келишингиз мумкин, — деди. — Ҳукуматим атайлаб бирон ёмон иш қилиш ниятида эмаслигига ишончингиз комил бўлади.

— Айнан шу ишонч менга қувват бағишлайди, — деб жавоб қилдим мен.

Кейин мен Пунага жўнаб кетдим. Бу уринда мен учун ҳаётимнинг бу қадар ёқимли даврини батафсил тасвирлашга суз тополмайман. Гукҳале ҳам, “Ҳиндистон хизматкорлари” жамиятининг аъзолари ҳам мени жуда эркалатиб юборишганди. Мени таништириш учун Гукҳале ҳатто уларнинг барчасини уйига чақирди. Турли масалалар бўйича мен улар билан очиқ-ошкора гаплашдим.

Менинг бу жамият аъзоси булишимни Гукҳале жуда хоҳларди. Мен ҳам шуни хоҳлардим. Бироқ бошиқа аъзолар менинг ва уларнинг мақсадларимиз нисбатида ҳам, ишимиз услубида ҳам жиддий ихтилофлар мавжудлиги сабабидан менинг “Ҳиндистон хизматкорлари” жамиятига киришимни, тўғриси, унчалик маъқул эмас деб топдилар. Гукҳале эса ўз тамойилларимга мойиллигимга қарамай, мени ушбу жамият аъзоларининг эътиқодларига ҳар доим холис муносабатда бўлади деб ҳисобларди.

— Жамият аъзолари, — деди у, — ҳали сизнинг муросага боришга тайёр эканингизни билишмайди. Улар ўз тамойилларида собит ва мустақилдирлар. Улар қабул қилишларидан умидворман. Аммо акс ҳолда ҳам уларнинг сизни қанчалик чуқур ҳурмат қилишлари ва севишларига заррача шубҳа билдиролмаймиз. Улар сизга бўлган ҳурматларига путур етказиб қўйишларидан хавотир олишаяпти. Бироқ сизни расман жамиятга аъзо қилиб олишадими, йўқми — фақат мен сизни шундай деб уйлайман.

Мен Гукҳалега ўз ниятларимни билдирдим. Мени қабул қилишадими, йўқми, бундан қатъи назар, мен Фениксдан келган муҳожирлар билан бирга жойлашим мумкин буладиган ашрамга эга булишни истайман. Гужаротнинг бирон жойида жойлашиб олсам, нур устига аъло нур булар эди. Гужаротлик бўлганим боис Гужарот фаровонлиги учун ишласам яхши буларди ва у ерда Ҳиндистонга жуда катта фойда келтираман деб ҳисоблардим. Бу фикрим Гукҳалега маъқул бўлди.

— Уз-уздан равшанки, сиз шундай йул тутишингиз керак,— деди у. Жамият аъзолари билан музокараларимиз натижалари қандай бўлмасин, ашрамга пул ёрдами борасида ҳар доим менга ишонсангиз булади, бу ашрамни мен узимники деб қарайман.

Маблаг ташвишини зиммамдан олиб ташлаётгани ва бир узим ишлашимга туғри келмаслиги мени суюнтирди. Демак, оғир дақиқада мен ишончли раҳбарга ҳар доим таяниб иш кўрсам бўлаверар экан. Елкамдан тоғ ағдарилгандай ҳис қилдим.

Ҳозирда марҳум д-р Дев куп утмай менга “Ҳиндистон хизматкорлари” жамиятининг жорий ҳисобидан ашрам ва бошқа жамоатчилик эҳтиёжлари учун зарур пулларни олишга ҳуқуқ берувчи фармойиш олди.

Мен Шантиникстон сафарига отланмоқда эдим. Жунашим арафасида Гукҳале оқшом зиёфати уюштирди, унга бир қанча сара-сара дўстлар таклиф этилганди. Таомлар менинг лидимдагидек, яъни меваю ёнғоқлардан иборат булиши учун ҳам Гукҳале олдиндан чорасини куриб қуйган эди. Гарчи зиёфат унинг уйдан атиги бир неча қадам нарида утказилдиган бўлса-да, Гукҳале шугина масофани ҳам базур босиб ўтди. Аммо азбаройи менга булган муҳаббатидан у келишни астойдил кўнглига туккан эди. У етиб келди-ю, ҳушдан кетди ва уни қайта уйига олиб бориб қўйишга туғри келди. У илгари ҳам бир марта шундай булган экан, шу боис ўзига келгач, бизни зиёфатни давом этдираверишсин деб айтдириб юборди.

Бу зиёфат бор-йўғи дўстларнинг очиқ ҳавода “Ҳиндистон хизматкорлари” жамиятига қарашли меҳмонхона қаршисидаги учрашуви эди, холос. Дўстлар уларни қизиқтирган мавзуларда очиқ суҳбатлар қилар ва ерёнғоқ, хурмо ва ҳул мевалардан тановул этар эдилар.

Аммо Гукҳаленинг ҳушдан кетиб қолиши менда оғир таассурот қолдирганди.

БУ ПУПИСА ЭДИМИ?

Пунадан Ражкотга, у ердан эса Пурбандарга йул олдим. У ерда акамнинг беваси ва уз қариндош-уруғларим билан кўришишим керак эди.

Ҳинд шартномадаги ишчиларидан унчалик фарқ қилмаслигим учун Жанубий Африкадаги сатйаграҳ вақтида либосимни узгартириб олган эдим. Англияда — уйимда, чордевор ичида ҳам худди шунақа кийим киярдим. Бомбейга куйлак, дхутий, ёмғирпуш ва оқ буйинбоғдан иборат катҳиёварча либосда келгандим — барчаси Ҳиндистон фабрикасида туқилган матолардан эди. Бомбейдан учинчи класс билан кетмоқчи эдим ва бундай сафар учун буйинбоғ ва ёмғирпуш ортиқча деб билганимдан уларни ечиб ташладимда, саккиз ё ун аннага кашмир қалпоғи сотиб олдим. Шу кўринишимда мен камбағалнинг ғирт узи эдим.

Ҳиндистонда уша вақтда вабо авж олган эди, шу боис Вирангамдами ё Вадҳвандами, аниқ эсимда йуқ, барча йуловчилар тиббий кўриклан ўтказилаётганди. Мен озгина иситмалаб тургандим ва ҳароратим кутарилишини кўриб, нозир исми шарифимни ёзиб олди-да, тиббий хизмат бошлиғига кўринишимни буюрди.

Кимдир менинг Вадҳван орқали ўтиб келаётганимни хабар қилган экан, вокзалда мени танувчи, йирик маҳаллий жамоат арбоби Мутилаъл қарши олди. У менга Виранган божхонаси ва шу божхона муносабати билан йуловчилар билан содир булган кўнгилсизликлар туғрисида ҳикоя қилиб берди. Иситмам чиқиб тургани боис суҳбатга кайфиятим йуқ эди, фақат:

— Қамоқхонага тушиш ниятингиз борми? — деб сурадим, холос.

Мен Мутилаълни уйламасдан жавоб беришга одатланган оловқалб йигитлар сирасидан деб уйлагандим. Лекин у менга қатъий оҳангда ва ҳар томонлама уйлаб жавоб берди:

— Ҳа, агар сиз олиб борсангиз, ҳаммамиз қамоққа тушишга тайёرمىз. Катҳиёварлик сифатида биринчи галда сизнинг эътиборингизда бўлишга ҳақимиз бор. Биз, ростки, сизни ушлаб турмоқчи эмасмиз, аммо қайтишда шу ерда бўлишга ваъда беринг. Ёшларимизнинг фаоллиги ва кайфиятини кўриб, сиз албатта суюнасиз. Шунинг билан, сизнинг дастлабки даъватингизга лаббай деб жавоб берамиз.

Мутилаъл мени бутунлай ўзига маҳлиё қилиб қўйди.

— Дўстимиз бор-йўғи тикувчи,— деди ўртоғи уни маҳтаб. Аммо у ўз ишининг шунақанги устасики, гарчи бир кунда бир соатгина меҳнат қилса-да, ойига ун беш рупия

бемалол топади (бундан ортиғи унга керак ҳам эмас). Қолган вақтини у жамоат ишига сарфлайди ва бизнинг ундан маълумотлироқ эканимизга қарамай, бизга раҳбарлик қилади.

Кейинчалик Мугилаъи билан яқиндан танишиб, бу мақтовларда ҳеч қандай муболаға йўқлигини билдим. У ойда бир неча кунни ушанда яқинда ташкил этилган ашрамда утказар, болаларга тикувчилик санъатини ўргатар ва узи ашрам учун алланарсалар тикар эди. У менга Виранган ва у ерда йўловчиларга курсатилган кўнгилсизликлар туғрисида ҳикоя қилиб берди. У бундан қаттиқ норози эди. У унча кўп давом этмаган касалликдан айни куч-қувватга тўлганда ўлди. Вадҳваннинг ижтимоий ҳаёти учун бу катта йўқотиш бўлганди.

Ражкотга келиб, эртасигаёқ тиббий хизмат бошлиғиникига йўл олдим. Врач мени билар эди ва ўзини жуда ноқулай ҳис этди. У нозирдан хафа бўлди, аммо бундан фойда йўқ эди, зеро у уз бурчини адо этган эди, холос. Нозир мени билмасди, билганида ҳам бошқача йўл тутолмасди. Врач мени тагин нозирга юбориб утирмай, нозирнинг ўзи олдингизга келсин, деб туриб олди.

Бундай ҳолларда учинчи класс йўловчиларини тиббий куриқдан утказиш жуда зарур эди. Ҳагто жамиятда юқори мавқега эга одамлар ҳам, агар улар учинчи классда кетаётган бўлсалар, камбағаллар учун шарт бўлган барча қоидаларга ўз ихтиёрлари билан бўйсунилари керак эди. Амалдорлар холис бўлишлари керак. Менинг кузатишларимча, амалдорлар учинчи класс йўловчиларига ўзлари билан тенг деб эмас, балки кўй суруви деб қарайдилар. Улар билан қўпол муомалада бўладилар ва уларга жавоб беришни ҳам, тушунтиришни ҳам эп билмайдилар; учинчи класс йўловчилари худди сотиб олинган қўлдай уларга сўзсиз бўйсунилари керак. Амалдор йўловчини бемалол ҳақорат қила олади, ҳатто уради ҳам, чиптани эса унга хумордан чиққунча сўкиб-сўзлаб олгандан, ҳатто поезд жунаб кетгандан кейин сотади. Буларнинг барини ўз кўзим билан курганман. То бойлар ва маълумотлилар камбағалларга насиб этмайдиган имтиёзлардан воз кечмагунларича, булар барчасини оддий ҳол деб қараш ўрнига қўполлик ва адолатсизлик билан кураш олиб бориш учун учинчи классда юра бошламагунларича бундай ҳол ўзгармай қолаверди.

Бугун Катҳиёварда Виранган божхонасидаги зуравонликлардан шикоятларни эшитдим ва шу боис тезда лорд Уиллингдон таклифидан фойдаланиб қолишга аҳд қилдим. Мен бу масала бўйича барча ҳужжатларни тупладим ва уқиб чиқдим-да, барча шикоятларнинг тула асослилигига ишонч ҳосил қилгач, Бомбей ҳукумати билан Уиллингдоннинг шахсий котиби ҳузурида булдим, шунингдек, жаноби олийлари ҳузурига бордим. Лорд Уиллингдон ўз ҳамдардлигини изҳор қилди, бироқ ҳамма айбни Деҳли ҳукуматига ағдарди.

— Агар бу бизнинг қулимизда булганида, тусиқни аллақачон олиб ташлардим. Бу масала бўйича сиз ҳинд ҳукуматига мурожаат қилишингиз керак, — деди котиб.

Мен ҳинд ҳукуматига хат ездим, бироқ хат олингани ҳақида эслатмадан бошқа ҳеч қанақа жавоб олмадим. Фақат кейинроқ, менга лорд Челмсфорд билан учрашиш имконияти тақдим этилгандагина бу масаланинг ижобий ҳал этилишига муваффақ булдим... Бир неча кун утгач, рўзномаларда Вирангандаги божхона тўсиғи олиб ташланганини уқидим.

Мен бу воқеани Ҳиндистонда сатйаграҳнинг бошланиши деб ҳисобладим, чунки Бомбей ҳукумати билан музокараларим вақтида котиб мен Бугасра (Катҳиёвар)да қилган нутқимда сатйаграҳ тўғрисида эслатиб утганим муносабати билан норозилик билдирди.

— Бу пуписа эмасми? — суради у. — Наҳотки кучли ҳукумат пуписаларга ён беради деб уйлайсиз?

— Бу пуписа эмас, — жавоб бердим мен, — балки халқни тарбиялаш. Менинг вазифам — зуравонлар билан курашнинг барча қонуний воситаларини халққа кўрсатиш. Мустақил булишни истаган миллат озодликка эришишнинг барча йул ва усулларини билиши керак. Одатда, сўнгги восита сифатида зуравонликка ёпишадилар. Сатйаграҳ, аксинча, узида курашнинг мутлақо куч ишлатмаслик услубини намоён этади. Қандай ва қайси даражаларда улардан фойдаланишни аҳолига тушунтиришни ўзимнинг вазифам деб биламан. Инглиз ҳукумати — кучли ҳукумат эканига шубҳа қилмайман, аммо сатйаграҳ — олий даражадаги таъсирчан восита эканига ҳам дилимда заррача шак йўқ.

Ақлли котиб ишонқирамагандай бошини чайқаб қўйди ва деди:

— Кураммиз.

ШАНТИНИКЕТОН

Ражкотдан мен Шантиникетонга йул олдим. Уқувчи ва ўқитувчиларнинг нигоҳлари менга қадалганди. Учрашувда оддийлик, нафосат ва муҳаббат ҳайратомуз даражада муштарак булиб кетганди. Шу ерда мен Канасоҳиб Калелкар билан биринчи марта кўришдим.

Ўшанда Калелкарни нима учун “Канасоҳиб” дейишларини билмасдим. Маълум булишича, Англияда бўлганида бизлар дўст бўлган “Ганганат Видйалай” номи остидаги Барода хонлиги мактабига раҳбарлик қилган оқловчи Кешаврао Дешпанде Видйалайда оилавий муҳит яратишга ҳаракат қилиб, ўқитувчиларга насаб номлари берган экан. Уша вақтда ўқитувчи бўлган оқловчи Каленкарни “Кана” (яъни амаки — ота томонидан), Пҳадкени “Мама” (яъни, тоға — она томонидан), Ҳарихар Шарма эса “Анна”, (яъни, ака) деб номлаган. Бошқаларга ҳам тегишли номлар берилган. Кейинчалик бу “оила”га Каканинг дусту сифатида Ананд, (Свамий) ва Маманинг дусту сифатида Патвардхан кирган. Уларнинг барчаси вақт утиши билан менинг ишдаги дустларимга айланишди. Оқловчи Дешпанденинг узини одатда “Соҳиб” деб аташарди. Видйалайни тарқатишга туғри келганда, “оила” ҳам тарқалди, аммо унинг аъзолари ҳеч қачон руҳий алоқаларини узмадилар ва лақабларини унутмадилар.

Тажриба тўплашга ҳаракат қилиб, Канасоҳиб турли ташкилотларда ишлаб юрди ва мен келганимда, у Шантиникетонда экан. Уша иттифоққа мансуб Чинтоман Шастрий ҳам уша ерда экан. Ҳар иккови ҳам санскритдан дарс бераркан.

Феникслик колонияларга Шантиникетонда алоҳида хона ажратиб берилганди. Колония тепасида Маганлаъл Ганди турарди. У Феникс ашрами барча қоидалари қатъий бажарилиши устидан кузатув олиб бориш вазифасини зиммасига олганди. Ўзининг одамларни қаттиқ севиши, билими ва қаттиққўллиги билан бутун Шантиникетонда катта обрўга эга эканини кўрдим.

Ўша вақтда у ерда Эндрю ва Пирсон ҳам яшарди. Бенгалиялик ўқитувчилардан Жагад Ананд Бобу, Непал Бобу, Сантўш Бобу, Кшити Муҳан Бобу, Наган Бобу, Шарад Бобу ва Кали Бобулар билан анча қалин булиб кетдик.

Уз одагимга кура мен уқитувчи ва уқувчилар билан тез дустлашиб кетдим ва улар билан уз-узига хизмат қилиш ҳақида суҳбатлашар эдик. Мен уқитувчиларга агар улар ҳам, уқитувчилар ҳам ёлланма олийгоҳлардан воз кечишса ва овқатларини узлари пиширишса, уқитувчиларга бу уқувчиларнинг ахлоқий ҳолати ва жисмоний соғлиғи манфаатини уйлаб овқат пишириш устидан назорат урнатиш имконини беришини айтдим, уқувчилар эса уз-узига хизмат қилишдан кургазмали сабоқ ол. Айримлар фақат бошларини чайқаб куйишса, бошқалар менинг фикримни тула қўллаб-қувватладилар. Уқувчилар барча янгиликларга табиий мойилликлари оқибатида булса керак, бу гоёни ол-қиш билан қарши олишди. Биз шундай тажриба утказишга қарор қилдик.

Мен Шоирдан уз фикрини айтишни сураганимда, у агар уқитувчилар рози булса, мен қарши эмасман, деди ва болаларга юзланиб:

— Бу тажриба — свараж калиди,— деб қушиб куйди.

Тажрибани муваффақиятли утказишга ҳаракат қилиб, Пирсон жонини жабборга бераётганди. У боши билан ишга шунғиб кетганди. Бир гуруҳга сабзавотларни туғраш, бошқасига донларни тозалаш топширилганди ва ҳ.к. Наген Бобу бошқаларга кўшилиб ошхонани ва бошқа хоналарни тозалашга киришиб кетди. Уларнинг қўлларига бел олиб, қандай ишлашларини кўриб хурсанд бўлиб кетдим.

Бир юз йигирма беш уқувчи ва уқитувчи жисмоний меҳнат билан шуғуллана бошлаб, бирданига аравадан чиққан отдай шалвираб қолишини ким уйлабди, дейсиз. Ҳар куни баҳслар кетарди. Айримлар бутунлай тоб ташлаб юборди. Аммо Пирсон тиниб-тинчимас эди. У нуқул ошхона ёки уша атрофдан сира бери келмасди. У идиш-товоқларни юваётганда бир гуруҳ уқувчилар жуда зерикарли булмаслиги учун сетор чалар эдилар. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ишларди ва Шантиникетон кумурсқалар гужғон уйнаган кумурсқа уясига айланганди.

Ҳаётимизга шундай янгиликларни киритишимиз бундан кейин ҳам узгаришлар олиб кела бошлади.

Феникслик колониячилар етиб келишлари билан ошхонада узлари ишлабгина қолмай, овқатни ҳаддан ташқари жунлаштирдилар ҳам. Барча масаллиқлар олиб ташланди. Гуруч, ловия, сабзавот ва ҳатто буғдой уни ҳаммаси битта

қозонда бирданига пишириларди. Бенгалия ошхонасини ислоҳ қилиш мақсадида Шантиникетон ўқувчилари ўзларида худди шундай ошхона очдилар. Унда ўқувчиларнинг ўзлари ва бир-иккита ўқитувчи хизмат қилар эди.

Бирмунча вақтдан кейин, афсуски, бу барча ишлар барҳам топди. Тажриба ўтказиб, машҳур мактаб ҳеч нарса йўқотгани йўқ деб уйлайман, ўқитувчилар эса, шубҳасиз, ундан ўзлари учун баъзи хулосалар чиқариб олишди.

Мен Шантиникетонда озроқ қолишни мўлжаллаб юргандим, бироқ тақдир ҳукми бошқача эди. У ерда бир ҳафта яшадими, йўқми, Пунадан Гукҳаленинг улими ҳақидаги телеграмма келиб қолди. Шантиникетон мотам ичида қолди. Унинг барча яшовчилари таъзия изҳор қилгани менинг олдимга кела бошлашди. Миллий йўқотишга кўзёши тўкиш учун эҳромда тупландик. Бу тантанали маросим эди. Ўша кунийёқ хотиним ва Маганлаъл билан Пунага жунаб кетдим. Бошқалар Шантиникетонда қолишди.

Эндрюс Бурдвангача менга ҳамроҳлик қилди.

— Ҳиндистонда сатйаграҳ замони келади деб ҳисоблайсизми? Агар келса, бу қачон бўлади? — сўради у мендан.

— Айтиш қийин, — жавоб бердим мен. — Мен шахсан йил давомида ҳеч қандай чора кўрмайман, чунки тажриба туплаш учун Гукҳалега Ҳиндистон буйлаб сафар қилишга суз берганман. Мана шу синов муддати тугамагунча ижтимоий масалалар буйича фикримни билдирмайман. Аммо муддат ўтгандан кейин ҳам нутқ сузлашга ва ўз фикримни баён этишга ишонмайман. Нима бўлганда ҳам кўпи билан беш йил давомида сатйаграҳ учун пайт етиб келишига умид қилолмайман.

Шу муносабат билан шуни таъкидлаш жоизки, “Ҳинд свараж”да баён этган менинг баъзи фикрларим устидан Гукҳале кулган эди.

— Ҳиндистонда бир йил турганингиздан кейин фикрларингиз ўзгариб қолади, — деган эди у.

УЧИНЧИ КЛАСС **ЙЎЛОВЧИЛАРИНИНГ** **МАШАҚҚАТЛАРИ**

Бурдванда чипта олишдан бошлаб, учинчи класс йўловчилари чекишига тўғри келадиган барча машаққатларни бошдан кечирдик.

— Учинчи класс чипталари бунақа эрта сотилмайди, — дейишди бизга кассада.

Мен станция бошлиғи ҳузурига йул олдим. У ергача етиб боришнинг узи бўлмайди. Кимдир унинг қаерда утиришини одоб билан кўрсатиб берди ва мен унга қийинчиликларимиз туғрисида гапирдим. Бироқ у ҳам менга ҳалиги гапларни такрорлади. Ниҳоят, касса очилди ва мен чипта олгани кетдим. Бироқ чипта олиш осон эмас экан. Бу ерда замона зурники қонуни ҳукм сураб экан: ким сурбетроқ булса, бошқаларни назар-писанд қилмаса, уша кассага яқин бора оларди ва мени четга суриб ташлайверишди. Шу боис мен чиптани деярли энг охирида олдим.

Поезд беришди, аммо унга чиқиб олиш янги синов эди. Поездга чиқиб олган йуловчилар ва чиқишга ҳаракат қилаётганлар бир-бирини буралаб сукар ва туртиб-итарар эдилар. Биз платформа бўйлаб олдинга ва орқага чопар ва яккаш бир сузни эшитар эдик:

— Жой йуқ.

Мен проводникнинг олдига бордим:

— Бир амаллаб кириб олишга уриниб кўринг ёки бўлмаса кейинги поездни кутинг,— деди у.

— Лекин мен ошиғич иш билан кетаётувдим, — одоб билан эътироз билдирдим мен.

Бироқ унинг гапимга қулоқ солишга вақти йуқ эди. Мен нима қилишимни билмасдим. Мен Маганлаълга бир амаллаб поездга чиқиб ол, дедим-да, узим хотиним билан класслараро вагонга чиқиб олдим. Проводник бунга сезиб қолдида, Асансол станциясида чипта ҳақини тулаб қуйишимни айтди.

— Сиз бизга жой беришингиз лозим эди, — дедим мен унга. — Ҳамма жой банд бўлгани учун биз бу ердамиз. Агар учинчи классга жойлаштирамангиз, биз жон-жон деб у ёққа утар эдик.

— Бу ҳақда гап ҳам булиши мумкин эмас, — деди проводник, — мен сизларни учинчи классга жойлаштира олмайман. Ё пулини тулаб қуйинг, ё чиқиб кетинг.

Мен нима қилиб булса ҳам Пунагача етиб олмоқчи эдим, шу боис баҳсни чузиб утирмадим-да, чипта пулини тулаб қуя қолдим. Аммо бу адолатсизликдан қаттиқ ранжидим.

Эрталаб Муғулсаройга етиб келдик. Маганлаъл учинчи класс вагонидан буш жой топишга маваффақ булди ва биз уша ёққа утиб олдик. Мен назоратчига булган воқеани айтиб бердим ва Муғулсарой станциясида учинчи класс вагонига утиб олганимизга ишончнома ёзиб беришини сурадим. Аммо у ишончнома ёзиб беришдан қатъий бош тортди. Шунда станция бошлиғига мурожаат қилдим.

— Одатда тегишли ишончномасиз биз кира ҳақиға товон туламаймиз. Лекин сизга истисно қиламиз. Бироқ Бурдвандан Муғулсаройгача йул ҳақини тулиқ қайтариб беролмаймиз,— деди у.

Шундан буён учинчи классда юришлардан мен катта тажрибага эга булганман. Борди-ю, мен узимнинг барча таасуротларимни ёзиб борганимда, у бутун бир китобни ташкил этган буларди. Бу ерда мен улар ҳақида фақат йул-йулакай эслатиб утаяпман. Соғлигим ёмонлиги туфайли учинчи классда кетишдан воз кечишга мажбур булганимдан ҳалигача қайта-қайта афсус қиламан.

Учинчи класс йуловчиларининг машаққатларига, шубҳасиз, темир йул ҳокимиятининг узбошимчалиги сабаб эди. Бироқ бунга куп ҳолларда йуловчиларнинг қуполлиги, пала-партишлиги, худбинлиги ва жаҳолати ҳам сабаб булар эди. Уз хулқ-атворларининг нотуғрилигини, худбинликларини ва виждонсизликларини йуловчиларнинг узлари англамасликлари афсусланарли, албатта. Улар мана шундай хулқ-атворни мутлақо табиий деб биладилар. Булар барчасини уларга нисбатан биз “уқимишлилар”нинг лоқайд қарашларига йуйиш мумкин.

Биз Калйанга қаттиқ ҳолдан тойган ҳолда етиб келдик. Маганлаъл билан мен станция қувуридан узимизга сув топдик ва гусл қилиб олдик. Энди хотинимга сув оламан деб турганимда, олдимга “Ҳиндистон хизматкорлари” жамиятидан оқловчи Каул келди. У ҳам Пунага кетаётган экан ва мен билан хотинимни иккинчи класснинг таҳоратхонасига олиб боришни таклиф қилди. Бу самимий таклифни қабул қилишга журъат этолмай, тараддудландим. Хотиним иккинчи класс ҳожатхонасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмаслигини билардим, бироқ охири қоидани бузишга рози булдим. Биламан, бу ишим ҳақиқат курашчиси шаънига туғри келмасди. Хотиним ювиниш хонасида чайиниб олишга ўлиб турган эди, деб айтолмайман. Бироқ эрнинг хотинига муҳаб-

бати ҳақиқатга муҳаббатидан устун келди. “Ҳақиқат жилваси рӯёнинг олтин пардаси билан қопланган булади”, — дейилади “Упанишадлар” да.

ИШЧИЛАРНИ ШАРТНОМАДА ИШЛАТИШ ТИЗИМИНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ

Ички ва ташқи ур-сурлари билан ашрамни вақтинча бир четга қуйиб турай-да, эътиборимни тортган бошқа бир масала ҳақида қисқача тухталиб утай.

Беш ёки ондан купроқ йилга тузилган шартнома буйича ишлаш учун Ҳиндистондан келиб қолган ишчилар шартномадаги (ёки шартнома қилинган) ишчилар деб аталган. Гарчанд 1914 йилда тузилган Смэте-Ганди деб аталмиш битим буйича Наталга келган ҳар бир шартномадаги ишчидан олинadиган уч фунт стерлинглик солиқ бекор қилинган булсада, Ҳиндистондан ишчилар оқиб келиш муаммоси ҳамон алоҳида эътибор қилишни талаб этарди.

1916 йил мартада пандит Мадан Мухан Малвияжий Ҳиндистон қонунчилик кенгашига ишчиларни шартномалаш тизимининг бекор қилиниши туғрисидаги резолюция лойиҳасини киритди. Шу таклиф муносабати билан лорд Хардинг “жаноби олийлари ҳукуматидан вақти келиб бу тизимни бекор қилиш туғрисида ваъда олган”лигини айтди. Бироқ мен Ҳиндистон бу қадар ноаниқ ваъдадан қаноат ҳосил қилмайди ва бу тизимнинг бекор қилиниши учун бетухтов тарғибот кампаниясини бошлаб юбориш керак деб ҳисоблардим. Шу пайтгача Ҳиндистон шартномалашга боқибегамлиги боис чидаб келар эди. Бу балони даф этиш учун халқ кампанияни муваффақият билан бошлаб юборадиган пайт келди деб билардим. Мен бир қанча кўзга кўринган жамоат арбоблари билан куришдим, рўзномаларда бир қанча мақолалар эълон қилдим ва Ҳиндистон жамоатчилиги шартномалашнинг бу тизимини бутунлай бекор қилиш фикрида эканига ишонч ҳосил қилдим. Сатйаграҳни қўллаш учун мана шу жиддий сабаб етарли булармикан? Бунинг мутлақо етарлигига шубҳа қилмас эдим, аммо ҳаракат усулини билмас эдим.

Бу орада вице-қирол тушунтириб айтдики, “вақти билан тизимни бекор қилиш шу маънодаки, урнига бошқа чора-

ларни жорий этиш учун етарли булган бирмунча оқилона муддат утиши билан шартномалаш бекор қилинади”.

Шундай қилиб, 1917 йил февралда пандит Малвияжий шартномалаш тизимини зудлик билан бекор қилиш тўғрисида қонун лоийҳаси киритишга рухсат сўради. Лорд Челмсфорд бундай рухсатни бермайди. Шунда мен шартномалашни бекор қилиш учун кампания ўтказиш мақсадида бутун мамлакат бўйлаб сафар тарадудини куришга қарор қилдим.

Энг аввало лорд Челмсфорд ҳузурига ташриф буюришни зарур деб ҳисобладим ва мени қабул қилишини сўрадим. У дарҳол рози булди. М-р Маффи, эндиликда сэр Жон Маффи унинг шахсий котиби эди. Мен у билан боғландим, сунг лорд Челмсфорд билан мени маълум даражада қаноатлантирган суҳбат қилдим, у мендан ўз ёрдамини аямасликка сўз берди, аммо жуда ҳам шубҳали тарзда.

Мен сафаримни Бомбейдан бошладим. М-р Жаҳонгир Петий “Фуқароликнинг империя ассоциацияси” номидан йиғилиш чақиритишга киришиб кетди. Ассоциациянинг ижроия қўмитаси шу йиғилишда таклиф этилиши керак булган резолюцияларни ишлаб чиқиш учун мажлис ўтказди. Д-р Стенли Рид, оқловчи (ҳозирда сэр) Лаллубҳай Самалдас, оқловчи Натражн ва м-р Петит қўмита мажлисида иштирок этишди. Баҳс-мунозаралар ҳукумат ишчиларининг шартномаланиши тизимини бекор қилиши керак булган муддат тўғрисидаги масала буйича олиб борилди. Учта таклиф киритилган эди: биринчиси — “иложи борича тезроқ бекор қилиш”, иккинчиси — “31 июлдан кечиктирмасдан бекор қилиш” ва учинчиси — “зудлик билан бекор қилиш”. Шахсан мен аниқ санани курсатиш тарафдори эдим, зеро шундагина агар ҳукумат курсатилган муддатгача талабимизни бажармаса, қандай чора куришимизни ҳам айта олар эдик. Оқловчи Лаллубҳай “зудлик билан” “31 июлгача” га қараганда анча қисқа муддат, деди. Мен, “зудлик билан” сузи остида қандай маъно ётгани халққа унчалик тушунарли эмас, дедим. Модомики, халқни бир иш қилишга ундамоқчи эканмизми, анча аниқроқ муддатни айтишимиз керак бўлади. Ҳукумат ҳам, халқ ҳам “зудлик билан” сузини ҳар қайсиси ўзича талқин қилиши мумкин. 31 июль аниқ санасига нисбатан ҳеч қандай изоҳ-пизоҳнинг кераги булмайди ва агар шу муддатгача ҳеч нарса қилинмагудек булса, биз янги чоралар курамиз. Д-р Рид менинг фикрларимни асосли деб

топди ва охири Лаллуб-хай ҳам фикримга қушилди. Биз шартномалаш тизимини бекор қилиш учун энг сунгги муддат сифатида 31 июлни тайин қилдик. Бутун Ҳиндистон буйлаб ўтган оммавий митингга худди шундай қарорлар қабул қилинган эди.

М-с Жайжий Петит вице-қирол ҳузурига хотин-қизлар делегациясини ташкил этиш учун бор кучини сарфламоқда эди. Бомбейдан делегация таркибига кирадиган хотин-қизлар сирасига Тата хоним ва эндиликда марҳума Дилшод Бегимни киритгандим. Делегация воқеаларнинг бундан кейинги ривожига катта таъсир кўрсатди. Вице-қирол умидбахш жавоб қайтарди.

Мен Карочи, Калькутта ва бошқа шаҳарларда бўлдим. Ҳамма жойда кўпмиг кишилик митинглар бўлиб ўтди. Одамларни чексиз иштиёқ чулғаб олганди. Бу кампанияни бошлар эканман, бундай натижани кутмагандим.

У вақтларда, одатда, мен ёлғиз юрардим ва қизиқ-қизиқ воқеаларга дуч келардим. Ҳар доим махфий полиция агентлари изма-из пойлаб юришарди. Аммо менинг яширадиган ҳеч нарсам йўқ эди, шу боис улар мени безовта қилишмасди ва мен уларга ҳеч қандай ташвиш тугдирмасдим. Бахтимга, ҳали у пайтда менда “маҳатма” унвони йўқ эди, ҳолбуки, халқ мени билган жойда бу ном билан чақириш оддий ҳол ҳисобланарди...

... 31 июлгачаёқ ҳукумат Ҳиндистондан шартнома билан ишчиларни хорижга чиқиб кетишига барҳам берди, деб эълон қилинди.

Ишчиларнинг шартномада ишлаш тизимига қарши биринчи норозилик петициясини 1894 йилда мен тақдим этгандим ва ушанда сэр У.У.Хантер айтганидек, бу “яримқуллик” тизими қачондир йўқ бўлиб кетишига умид қилгандим.

1894 йилда бошланган шартномалаш тизимига қарши кампания вақтида кўплар менга ёрдам берди, бироқ тугуннинг тезроқ ва осонроқ ечилишига сатйаграҳ имконияти сабабчи эканини ҳам айтмасам бўлмайди.



ИНДИГО ДОҒИ

Чампаран — шоҳ Жанак мамлакати. Бу жойларда ҳозир анбаҳзорлар кўп, 1917 йилгача эса у ерда индиго пайкаллари

ҳам уфққа етарди. Қонун буйича Чампарандаги ижарадорлар уз деҳқончиликлари учун ижарадаги ернинг ҳар йигирма бешта томорқасидан учтасига индиго экишга мажбур эдилар. Бу тизим “тинкатиya” деб аталарди, чунки бир акрни ташкил этувчи йигирма катҳдан учтаси индиго экинига ажратиларди.

Иқрор бўлишим керакки, уша вақтгача мен Чампараннинг қаерда жойлашганини билиш у ёқда турсин, бунақа номни сира эшитмаган ҳам эдим. Индиго пайкаллари тўғрисида деярли тасаввурим йўқ эди. Мен индиго тойларини кўргандим, бироқ унинг Чампаранда устирилиши ва етиштирилиши, бу маҳсулот ун минглаб деҳқонларнинг оғир меҳнати эвазига юзага келиши тушимга ҳам кирмаганди.

Ражкумар Шукла шу зулм юки остида қадди дол бўлган деҳқонлардан биттаси эди. У узи каби азоб чеккан минглаб деҳқонлардан индиго доғини ювиб кетказишни қаттиқ хоҳларди.

Мен бу одам билан 1916 йили Конгресс сессиясига келганимда Лақҳнавда танишиб қолган эдим.

— Бизнинг мусибатларимиз ҳақида сизга вакил бобу гапириб берадилар, — деди у ва мени Чампаранга боришга ундай бошлади.

“Вакил бобу” бобу Бражкишор Прасад деган одам бўлиб, кейинчалик Чампарандаги менинг энг яқин ходимларимдан бири бўлиб қолди, ҳозир эса у Биҳордаги ижтимоий фаолиятнинг жонидир. Ражкумар Шукла Прасадни менинг чодиримга олиб кирди. У эгнига алпачадан тикилган қора ачкан ва шим кийиб олганди. Ушанда Прасад менда ҳеч қандай таассурот қолдирмаганди. Мен уни оддий деҳқонларни эзаётган вакиллардан бири деб уйлагандим. Чампаран ҳақида у билан оз-моз гаплашиб олгач, мен одатда бундай ҳолларда буладигандек жавоб бердим:

— Ҳозирча бир нима деёлмайман: шароитлар билан шахсан танишиб чиқишим керак. Конгрессга тегишли резолюция киритишингиз мумкин, аммо ҳозирча мен сизга ҳеч нима деб ваъда беролмайман.

Ражкумар Шукла, албатта, Конгрессдан ёрдам кутарди. Бобу Бражкишор Прасад Чампаран аҳолисига ҳамдардлик билдирилган резолюцияни киритди, у бир овоздан қабул қилинди.

Ражкумар Шукла мамнун булса-да, бироқ бутунлай кунгли тулмагани: у Чампаранни мен узим бориб уз кузим билан куришимни ва у ердаги деҳқонларнинг аҳволи но-чорлигига амин булишимни истарди. Мен унга Чампаран-ни режалаштираётан сафаримга киритишимни ва у ерда бир-икки кун булишимни айтдим.

— Сиз ҳаммасини уз кузингиз билан куришингизга бир кун етади, — деди у.

Лакҳнавдан Конпурга йул олдим. Ражкумар Шукла мен-га эргашди.

— Бу ердан Чампаранга кул узатсангиз етади. Илтимос, у ёққа бир кунгагина боринг.

— Бу галча мени маъзур тутсангиз, — деб жавоб бер-дим унга купроқ ён босганча. — У ёққа бошқа бир кун келарман.

Мен ашрамга қайтиб келдим. Ҳар жойда ҳозир у нозир Ражкумар алақачон у ерда эди.

— Ёлбораман, бир кунни тайин қилинг, — яна мурожа-ат қилди у менга.

— Яхши, — дедим мен, — фалон куни Калькуттада були-шим керак. Ушанда олдимга келасиз-да, мени Чампаранга олиб борасиз.

Қаёққа боришим, у ерда нима қилишим ва нимани кури-шимни тасаввур қилолмаётган эдим.

Калькуттада Булен бобу ҳузурига кириб бормасимданоқ не куз билан курайки, у ерда Ражкумар турибди. Шу тариқа бу содда-баёвбуш, оқкунгилгина, аммо бир сузли деҳқон юрагимни забт этди.

Охири 1917 йил бошида биз Калькуттадан қайдасан Чам-паран дея йулга тушдик. Икковимизнинг ҳам ташқи кури-нишимиз деҳқонга ухшарди. Мен ҳатто қайси поездда бо-ришни ҳам билмасдим. Ражкумар билан поездга чиқдик-да, эрталабга яқин Патнага етиб келдик.

Мен бу шаҳарда биринчи булишим эди ва у ерда куни-шим мумкин булган на дусларим, на танишларим бор эди. Гарчи оддий деҳқон булса-да, барибир Ражкумар Шукла-нинг Патна билан қандайдир алоқаси бордир, деб уйлар-дим. Бироқ йулда мен уни яқинроқ билиб олдим; Патнага келганимизда эса унга нисбатан дилимдаги барча иштибоҳ-лар ғойиб булди: у ҳамма соҳала фирт гул эди. У уз дуслари-

дай гапирган вакиллар унга ҳеч қандай алоқаси йўқ одамлар экан. Бечора Ражкумар улар учун бир малай каби экан, бунга ўхшаган деҳқон мижозлар билан уларнинг вакиллари ўртасида суви тошган Ганга кенглигидаги жарлик ётарди.

Ражкумар Шукла мени Патнадаги Ражендр бобу уйига олиб борди. Маълум бўлишича, Ражендр бобу Пуригами, эсимда йўқ, аллақаяққа кетган экан. Бунгалода иккита хизматкор бор эди, аммо улар бизга заррача эътибор беришмади. Ёнимда қандайдир егулик бор эди. Ражкумар менга деб бозорда олиб берган хурмоларни еб олмоқчи бўлдим.

Баҳорда дахлсизлик қоидаларига жуда қаттиқ риоя қилинар эди. Хизматкорлар фойдаланиб туришганда мен уларнинг қудугидан сув олмаслигим керак эди, чунки менинг челагимдан тушган сув томчилари уларни булғаши ҳеч гап эмасди — ахир менинг қайси тоифага мансублигимни улар қаердан билиб утиришибди? Ражкумар менга ичкаридаги ҳожатхонани кўрсатди, бироқ хизматкорлар ўша заҳоти мени ҳовлига чиқариб юборишди. Мен бундан таажжубланмадим ва жаҳлим ҳам чиқмади: бундай нарсаларга ўрганиб кетгандим. Хизматкорлар ўз бурчларини бажарган ва уларнинг наздича, хўжайин улардан талаб этган нарсани қилган эдилар.

Булар ҳаммаси Ражкумар Шуклага бўлган ҳурматимни кучайтирди, аммо уни яхшироқ билиб олдим деб айтолмайман. Лекин шу нарсани тушундимки, Ражкумар менга раҳбар бўла олмайди ва раҳбарлик тизгинини ўз қўлимга олишга қарор қилдим.

АҲИМСА БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Мен Чампаран деҳқонларининг аҳволини тадқиқ этиш ва уларнинг индиго пайкаллари харажатлари устидан қилган шикоятларига чуқурроқ кириб боришни мақсад қилиб қўйгандим. Бунинг учун минглаб деҳқонлар билан гаплашиб олишим зарур эди. Энг аввало хўжайинларнинг нуқтаи назарини билиб олишим ва округ ҳукумат комиссари билан кўришишим керак, деб ҳисоблардим. Мен улар билан ҳам, булар билан ҳам кўришиш имкониятига эга бўлдим.

Индиго ассоциацияси котиби ҳеч бир хижолатсиз сиз ёт одамсиз, плантатор ва ижарадорлар ўртасидаги муносабатларга аралашинишга ҳаққингиз йўқ, деб айтди. Борди-ю, қан-

дайдир таклифларим булса, уларни ёзма равишда тақдим этишим керак экан. Мен узимни бегона деб билмайман, борди-ю, истагудек булишса, ижарадорларнинг аҳволини ҳам тадқиқ этишга тула ҳақлиман, — деб жавоб бердим одоб билан.

Мен ташриф буюрган округ комиссари мени чучитмоқчи булди ва тезда Тирхутдан чиқиб кетишимни таклиф этди.

Мен ишдаги уртоқларимни барча шу ҳолатлар билан таништирдим ва, афтидан, ҳукумат менинг фаолиятимда менга ҳалақит беришга ва мени тахмин қилганимдан олдинроқ ҳибсга олишга ҳаракат қилмоқда деб огоҳлантирдим. Шундан кейин борди-ю, Мутиҳарда ёки, дейлик, Бетгиада мени ҳибсга олишадиган булишса, иш учун бу яхши буларди, деб курсатиб ўтдим.

Чампаран — Тирхут округидаги дистрикт, Мутиҳарий эса — унинг маркази. Ражкумар Шукла Бетгиадан сал нарида туради, деҳқонлар, чекка жойлардаги ерни ижарага олган котийлар эса дистриктдаги энг камбағал одамлар эди. Ражкумар Шукла менинг уларникида булишимни хоҳларди. Мен ҳам буни жуда хоҳлардим.

Уша куниеқ барча йулдошларим билан мен Мутиҳарийга йул олдим. Биз кунган бобу Гуракҳ Прасаднинг уйи карвонсаройга айланганди. Биз қийинчилик билан у ерда жойлашдик. Уша куниеқ Мутиҳарийдан олти мил нарида плантаторлардан бири уз ижарадорига қаттиқ зулм утказганидан хабар топдик. Эртасига мен ва бобу Дҳаранидҳар Прасад уникига боришга қарор қилдик. Эрталаб филда воқеа содир булган жойга йул олдик. Дарвоқе, фил Чампаранда худди Гужаротда аравага қўшилладиган ҳукизлардай одатдаги улов ҳисобланар экан. Ярим йулга етар-етмас бизни полиция бошлиғи юборган чопар қувиб етдида, менга унинг саломини топширди. Бу нимани англатишини тушундим. Дҳаранидҳар бобуга манзил сари йўлни давом этдиришини таклиф этиб, чопар келган ёлланма аравачага ўтирдим. Шунда у менга Чампаранни тарк этишим хусусидаги буйруқни берди ва мени қайтариб олиб бориб қўйди. Буйруқни олганимга тилхат талаб қилганларида, мен талабга рози эмасман ва то тадқиқотни охирига етказмагунча Чампарандан кетиш ниятим йўқ, деб ёзиб бердим. Бунга жавобан у менга Чампарандан чиқиб кетиш туғрисидаги буйруққа буйсунишдан буйин товлаганликда айбланувчи сифатида эртасигаёқ судга келишга таклиф этилган чақирувнома топширди.

Тун буйи хатлар ёзиб чиқдик ва бобу Бражкишор Пра-садга зарурий курсагмалар бердим.

Менинг қандай чиқарилишим ва судга чақирилишим ҳақидаги хабар яшин тезлигида тарқалди. Менга хабар қилишларича, Мутиҳарийда шу куни шу пайтгача мисли қурилмаган воқеа бўлибди. Гуракҳ бобунинг уйи ва ҳовли-сига одам сиғмай кетибди. Яхшиямки, тунда мен ишларим-ни тугатиб, одамлар билан гаплашиб ололган эдим. Саф-дошларим менга бу борада катта ёрдам беришди. Мендан бир қадам ортда қолмай эргашиб келаётган оломонга улар раҳбарлик қилишди.

Мансабдор шахслар — инспектор, судья, полиция бош-лиги ва менинг уртамизда қандайдир дўстона муносабатлар урнатилганди. Менга қўйилган талабларга қарши қонуний асосда қаршилик курсагишим мумкин эди. Бунинг урнига мен мансабдор шахсларни қабул қилдим ва улар билан мут-лақо туғри муомала қилдим. Уларни шахсан ҳақорат қилишга мутлақо чоғланмаганимни, балки уларнинг фармойишлар-ига фуқаро сифатида буйсунмоқчи эмаслигимни кўришди. Шу боис улар энгил нафас олишди ва менга халақит бериш урнига тартиб урнатишда менга ёрдам бера бошлашди. Бироқ одамлар оломонининг келиши амалдорларга улар ҳокимия-тининг таги зил кетганини яққол курсатиб турарди. Қан-дайдир муддатга халқ эҳтимол тутилган жазо олдида ҳар қанақанги қўрқувни йўқотди ва улар янги дўст намоён эт-ган муҳаббат кучигагина буйин эгдилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, Чампаранда мени ҳеч ким бил-масди. Деҳқонларнинг ҳаммаси саводсиз эди. Гангадан ши-молда, Ҳимолай этакларида, Непал яқинида жойлашган Чам-паран Ҳиндистондан узилиб қолганди. Конгресс туғрисида бу жойларда жилла курса озгина тасаввурга эга одам анқо-нинг уруғи. Ҳатто Конгресс туғрисида эшитганлар ҳам унинг ишида иштирок этишдангина эмас, балки у ҳақда гапириш-дан қўрқишарди. Энди эса Конгресс ва унинг аъзолари, гар-чи Конгресс номидан булмаса-да, уларнинг ерига кириб кел-ган, боз устига анча аниқ вазифалар билан кириб келганди.

Уртоқларим билан маслаҳатлашиб, мен Конгресс но-мидан ҳеч қандай чора қурмасликка қарор қилдим. Бизга ном эмас, иш хужакурсинлик эмас, ишнинг моҳияти ке-рак эди. “Конгресс” сузининг узи ҳукумат ва уни қўллаб-

қувватловчи плантаторлар учун олабужи эди. Улар учун Конгресс қонунни бузиш учун оқловчиларнинг даҳанаки жанглари, ҳуқуқшунослик найранглар синонимлари, бомбаларнинг портлашлари ва бебошвоқларнинг жинойтлари, сурбетлик ва айёрликнинг синонимлари эди. Биз шу ёлғон тасаввурларни тумандай тарқатиб юборишимиз керак эди. Шу боис Конгресс ҳақида умуман эслатмасликка ва деҳқонларни “Конгресс” номи остидаги ташкилот билан таништирамасликка азму қарор қилгандик. Агар улар Конгресснинг мавжудлиги маъносини англаб етиб, унинг номига эмас, руҳига эргашсалар, шунинг ўзи бемалол етиб-ортади, деб уйлардик биз.

Шу боис на ошкора, на махфий тарзда биз Конгресс номидан биз учун замин тайёрлаши мумкин бўлган мубашширларни юбормадик. Биргина Ражкумар Шукланинг узи минглаб деҳқонлар билан иш олиб боролмас эди. Улар орасида ҳеч қандай сиёсий иш олиб борилмаганди. Чампарандан ташқарида нелар булаётганидан мутлақо беҳабар булсалар-да, мени эски дустларидай қабул қилишди. Деҳқонлар билан бу учрашув чоғида мен Худо, аҳимса ва ҳақиқат билан юзма-юз булдим десам, асло муболага булмайди.

Менинг “маҳатма” номимни шу маънода қараб чиқарканман, мен унда фақат одамларга муҳаббатни кўраман. Бу эса, уз навбатида, менинг аҳимсага булган ишончим собитлиги ифодасидан бошқа ҳеч нарса эмас.

Чампарандаги бу кун — ҳаётимдаги унутилмас воқеа. У деҳқонлар учун ҳам, мен учун ҳам ёдгорлик булиб қолди.

Қонун буйича мен судланишим керак эди, аммо аслида ҳукумат судланадиган булиб қолганди. Мен учун тайёрлаб қўйилган турга округ комиссари фақат ҳукуматни тутишга муваффақ булганди, холос.

ИШ ЁПИЛДИ

Суд бошланди. Давлат ҳимоячиси, судья ва суднинг бошқа аъзолари бамисоли игна учида угиришарди. Улар каловланиб, нима қилишни билишмасди. Давлат ҳимоячиси судьядан ишни қолдиришни сурар эди. Бироқ мен аралашдим ва судьядан ишни қолдирмасликни илтимос қилдим, чунки мен Чампарандан чиқиб кетиш ҳақидаги буйруққа буйсун-

масликда ўзимни айбдор деб билардим. Мен ўзимнинг қис-қача аризамни ўқиб бердим:

“Суднинг рухсати билан жиноий кодекснинг 144-моддаси бўйича жазоланадиган буйруққа ошкора буйсунмаслик сифатида нима учун ана шундай жиддий қадам қўйишга азму қарор қилганимни тушунтириш учун мана шу қис-қача арзимни баён қилмоқчиман. Менинг ноқис фикримча, масала менинг қарашларимни маҳаллий маъмурият қарашларидан фарқ қилишидан иборат. Мен бу ерга инсоният ва миллатга хизмат қилиш ниятида келганман. Индиго плантациялари хужайинлари ёмон муносабатда бўлганидан шикоят қилган деҳқонларга ёрдам бериш ва уларнинг астойдил илтимосларини қондириш ниятида шундай йул тутдим. Мазкур масалани урганмасдан мен ҳеч қандай аниқ ёрдам курсатолмас эдим. Шу боис ҳокимият ва плантаторларнинг бу ишда ҳамкорлик қилишларига ишона олмаман деган уйда бу ерга келдим. Менда бошқа ўй-хаёллар йўқ эди ва менинг келишим қайсидир даражада жамоатчилик тартибини бузади ва қотилликларга олиб келади деб ўйламайман. Бу борада яхшигина тажрибага эгаман. Аммо ҳокимият бошқача ўйлади. Мен уларнинг қийин аҳволга тушиб қолишганини тўла тушунаман ва уларнинг фақат улар олган маълумот асосида ҳаракат қила олишларини эътироф этаман. Фуқаро қонунини ҳурмат қилувчи сифатида менинг биринчи вазифам менга берилган буйруққа буйсуниш эди. Аммо кимларни деб келган бўлсам, шуларга нисбатан ўзимнинг бурчлилиқ туйғум устидан тажовуз қилмай туриб бундай қила олмас эдим. Улар орасида қолибгина уларга хизмат қилишим мумкинлигини ҳис этар эдим. Шу боис ихтиёрий равишда кета олмасдим. Ана шундай қийин аҳволга тушиб қолиб, мен бутун жавобгарликни ҳукуматга юклашга қарор қилдим. Шу нарсани чуқур тушунаманки, Ҳиндистоннинг ижтимоий ҳаётида менга ўхшаган мавқени эгалловчи одам ҳамма нарсада бошқаларга ўрнатилган бўлиб хизмат қилиши керак. Менинг шу нарсага иймоним комилки, биз яшаб турган ўша мураккаб вазиятда узини ҳурмат қилган одам учун ягона тўғри ва ҳалол иш — мен азму қарор қилгандек иш тутиш, яъни ҳокимиятга буйсунмагани учун муқаррар жазога мустаҳиқ бўлишдир.

Мен жазони юмшатиш умидида ёки қонуний ҳокимиятни ҳурмат қилмаганидан буйруқни менсимаганимни намойиш қилиш учун эмас, балки борлигимизнинг олий қонуни — виждон овозига буйсуниш учунгина шундай арз қилишга азму қарор этдим”.

Ишни тинглашни орқага суриш учун ортиқ ҳеч қандай асос йўқ эди, бироқ судья ва давлат ҳимоячиси саросимага тушиб қолгани учун иш барибир кейинга қолдирилди. Бу орада мен буларнинг барчаси ҳақида вице-қиролга, Патнадаги дустларимга, шунингдек пандит Мадан Мўҳан Малвия ва бошқаларга телеграф орқали батафсил хабар бериб турдим.

Менинг устимдан чиқарилган ҳукмни тинглаш учун судга борашимдан олдин судья провинция губернаторининг менга қарши қўзғатилган ишни тўхтатиш ҳақида буйруқ чиқарди. Айни вақтда коллектор менга гадқиқотимни давом эттиришим ва уз фаолиятимда ҳокимият томонидан ҳар қандай ёрдам курсатилишига ишонишим мумкинлигини хабар қилди. Ишнинг бундай тез ва хайрли якун топишини биронтамиз кутмаган эдик.

Мен кўринишидан ҳалол ва ҳақгуй одам коллектор м-р Хейкон ҳузурига кирдим. У менга барча зарурий ҳужжатларни олишим ва унинг олдига исталган вақтда келишим мумкинлигини айтди.

Шундай қилиб, Ҳиндистон фуқаролик буйсунмаслигининг биринчи кўргазмали сабоғини олди. Бу воқеа ҳам оғзаки, ҳам матбуотда муҳокама қилинди ва менинг гадқиқотим кутилмаганда оммалашиб кетди.

Тадқиқот учун ҳокимиятнинг холис қолиши ғоятда муҳим эди. Шу билан бирга у шарҳловчилар ва рўзнома бош мақолаларининг кумагига муҳтож эмасди. Аслида Чампарандаги аҳвол шу қадар қалтис ва мураккаб эдики, ҳаддан ташқари кескин танқид ёки кучли бўяб-бежалган ҳисоботлар мен киришган ишга фақат зарар етказиши мумкин эди. Шу боис мен асосий рўзномаларнинг муҳаррирларига шарҳловчиларни юбормасликни илтимос қилиб ва матбуот учун зарурий ахборотни бериш ҳамда уларни барча ишлардан бо-хабар қилиб туришга ваъда бериб, хатлар ёздим.

Менинг Чампаранга келишимга нисбатан ҳукуматнинг муносабати плантаторларга ёқмаслигини билардим. Яна шу нарсани ҳам тушунардимки, гарчанд бу ҳақда овоз чиқа-

риб гапирмасалар-да, ҳатто ҳукумат амалдорларига ҳукуматнинг қарори ёқиб тушиши даргумон эди. Шу боис ноаниқ ёки журттага бузиб ёзилган ҳисоботлар, афтидан, уларни ҳам, буларни ҳам яна кўпроқ жазавага солар эди ва улар газабларини менга эмас, қўрқиб кетган ва абжағини чиқарган деҳқонларга тукар эдиларки, бу нарса мазкур масалада менинг ҳақиқат илдизини қидириб топишимни анча қийинлаштирган булур эди.

Эҳтиёткорлик чоралари курилганига қарамай, плантаторлар даҳшатли кескин қарши хуружларини бошлаб юбордилар. Матбуотда ишдаги уртоқларим ва мен ҳақимда тухматдан иборат хатарлар пайдо була бошлади. Аммо менинг ҳаддан ташқари эҳтиёткорлигим ва ҳақиқатга садоқатим ҳатто майда-чуйда ишларда ҳам қиличнинг дамани уларнинг узларига рупара қилар эди.

Плантаторлар Бражкишор бобуга ташланиб, унинг устидан роса мағзава ағдаришди. Бироқ улар бўҳтонга зўр берганлари сайин аҳолининг Бражкишор бобуга ҳурмати тобора ортиб борарди.

Бизнинг аҳволимиз шунчалик нозик эдики, мен бошқа музофотлар раҳбарларини таклиф этишга имкон тополмаётгандим. Пандит Малвия жий бир энлик хат ёзиб юборинг, ўша заҳоги қанот боғлаб учиб келаман, дея менга суз берди. Лекин мен уни безовта қилиб утирмадим. Шундай қилиб, курашнинг сиёсий тус олишига йўл қўймасликка муваффақ бўлдим. Вақти-вақти билан мен раҳбарлар ва асосий рўзнамаларга чоп этиш учун эмас, балки воқиф бўлиш учун ҳисоботлар юбориб турар эдим. Ҳатто курашнинг мақсади сиёсий бўлган ҳолда ҳам аслида ишнинг ўзи сиёсий эмаслигини, унга сиёсий тус бериш ишга фақат зарар етказишини тушундим. Ва аксинча, агар ишни унинг носийси доираларида олиб борилса, у бундан фақат ютиб чиқади. Чампарандаги воқеа шуни курсатдики, ҳар қандай соҳада халққа бегараз хизмат қилиш эртами ёки кечми мамлакат учун сиёсий жиҳатдан ҳам фойдали бўлиб қолаверади.

ИШ УСЛУБЛАРИ

Чампарандаги тадқиқотлар туғрисида тулиқ тасаввур ҳосил қилиш учун Чампаран раияти тарихини баён этиш талаб эти-

ларди, бу эса китоб доирасидан чиқиб кетарди. Чампарандаги тадқиқот — ҳақиқат ва аҳимсани дадил қидириш эди ва бошимдан утган барча воқеалардан шу нуқтаи назардан этиборга моликларинигина ҳимоя қилиб бераяпман. Тафсилотларга қизиқувчиларга оқловчи Ражендр Прасад ҳиндий тилида ёзган чампаран сатйаграҳи тарихини мутолаа қилишни маслаҳат бераман. Ҳозирги вақтда, менга айтишларича, шу китобнинг инглизча нашри тайёрланмоқда экан.

Лекин, келинг, боб мавзуига қайтайлик. Бундан кейин Гуракҳ бобунинг уйида иш олиб боришимиз бечорани уйдан ҳайдаб чиқаришимизни англатган булур эди. Ваҳоланки, Мўтиҳарий аҳолиси бизга уй беришга ҳамон қўрқарди. Бироқ барибир ҳали Бражкишор бобу узининг эпчиллиги туфайли ҳовлиси хийла кенг бир уй топишга муваффақ булди ва биз уша ёққа кучиб утдик.

Пулсиз иш олиб боришни хаёлга келтириб булмасди. Бироқ бу хилдаги ишга аҳолининг узидан маблағ туплаш ҳалигача таомилга кирмаганди. Бражкишор бобу ва купчилиги вакиллар бўлган унинг дўстлари, ё уз чунтакларидан, ё агар қўл келиб қолса, ўз дўст-ёрларидан маблағ топар эдилар. Агар аҳолининг узи ёки уларнинг дўстлари бирга бориш имконига эга бўлишганида уларга суратдириб утиришармиди? Шунга аниқ кузим етди ва Чампаран раиятидан сариқ чақа ҳам олмасликка аҳд қилдим, чунки бу нотўғри талқин этилиши мумкин эди. Мен яна бу тадқиқотни олиб бориш учун маблағ сўраб бутун мамлакатга ҳам мурожаат этмасликка аҳд қилдим: бу нарса ишга бутун Ҳиндистонда сиёсий тус берилган булур эди. Бомбейлик дўстлар менга 15 минг рупия таклиф этишди, аммо мен миннатдорлик билан рад этдим. Мен Бражкишор бобунинг ёрламида Чампарандан ташқарида яшайдиган бадавлат биҳорликлардан иложи борица кўпроқ маблағ олишга, мабодо агар яна пул керак бўлиб қолса, Рангундаги дўстим д-р Меҳтага мурожаат қилишга қарор қилдим. Д-р Меҳта қанча керак булса, шунча пул юборишга жон-жон деб рози булди. Хуллас, ташвишланишимизга ҳожат қолмади. Умуман жуда катта пулнинг кераги ҳам йўқ эди, чунки биз қашшоқликка жавоб берувчи, аёвсиз тежамкорлик билан иш тутаётгандик. Натижада маълум булдики, бизга ҳақиқатан ҳам катта пулнинг кераги йўқ экан. Тупланган пулдан

бир неча юз рупияни тежаб, ҳаммаси булиб уч минг рупияга яқин сарфлаганимиз эсимда.

Янги сафдошларимнинг ғайриоддий ҳаёт тарзи дастлабки вақтларда доимий кулгига сабаб бўлди. Ҳар бир вакилнинг уз хизматкори, ошпази, алоҳида ошхонаси бор эди. Вакиллар кўпинча ярим тундан кейин овқатланишарди. Уз чиқимларини ўзлари кутарганларига қарамай, уларнинг пала-партишлиги мени ташвишга соларди, бироқ яқин дўстлар булиб қолганимиз учун бир-биримизни нотўғри тушунишдан узоқ эдик ва улар менинг ҳазилларимга кулибгина кўя қолар эдилар. Охири хизматкорлардан воз кечишимизга, ошхонани битта қилишимизга ва маълум соатларда овқатланишимизга барчалари рози бўлишди. Гарчи барчалари утхўр булишмаса-да, иккита ошхона чиқимларидан қочиш мақсадида битта умумий, утхўрлик ошхонасига эга булишга қарор этдик. Бундан ташқари, биз фақат оддий таомлар билан овқатланишни зарур деб топдик.

Булар барчаси харажатларни кескин камайтирди ва бир талай вақт ва кучимизни тежаб қолди — бу эса биз учун ғоят зарур эди. Ҳузуримизга деҳқонлар аризалар билан тўптўп булиб келишарди. Уларнинг ортидан боғ, ҳовли ва уйнинг ўзини қоровуллар қўшини эди. Ишдаги ўртоқларим мени ажзи ниёз қилишга муштоқ одамлардан қутқаришга ҳарчанд уринишмасин, бунинг уддасидан чиқа олмас эдилар ва белгиланган соатларда чиқиб, уларга куриниш беришга мажбур булар эдим. Беш-етти кўнгилли фақат аризаларни қабул қилиш билан шуғулланарди, аммо шунга қарамай, кечгача ариза беришга улгуролмаган куплаб деҳқонлар қуруқ қайтиб кетар эдилар. Ҳар бир ариза ўзича бир қимматга эга эди деб айтиб булмасди, аслида улардан кўпчилиги битта нарсани такрорлар эди. Аммо аризаларни қабул қилмай, халқнинг кўнглини олиб булмасди ва мен уларнинг ишга булган қизиқишини қадрлар эдим.

Аризани қабул қилувчилар муайян вақтга риюя қилишлари керак буларди. Барча раиятлар синчковлик билан суроқ қилинарди. Бу суроқларга дош беролмаганларга рад жавоби бериларди. Бу, тўғриси, жуда кўп вақтни оларди, аммо шу йул билан олган маълумотларни ишончли деб ҳисоблаш мумкин эди.

Бу суроқлар пайтида албатта махфий полиция амалдори иштирок этарди. Биз уни қўймаслигимиз ҳам мумкин эди, ammo энг бошидан оқ унинг иштирок этишига монелик қилмасликка аҳд этган эдик, унга одоб билан муомала қилар ва барча маълумотлардан уни воқиф этар эдик. Бу биз учун мутлақо хавфсиз эди. Аксинча, курсатмаларнинг махфий полиция борлигида қабул қилиниши деҳқонларга купроқ журъат бағишларди. Бир томондан, махфий полиция олдида деҳқонлардаги қаттиқ қурқув аста-секин йўқола бошласа, иккинчи томондан, амалдорларнинг иштироки раиятларнинг курсатмаларидаги турли муболағаларнинг олдини оларди: амалдор раиятларни чалкаштиришга ҳаракат қилганида, улар беихтиёр ҳушёр тортиб қолишарди.

Мен плантаторларнинг жиғига тегишни истамасдим, аксинча, юмшоқлик билан уларни узим томонга оғдиришга ҳаракат қилардим. Шу боис мен раиятлар билан даҳанаки жанг қилишни ва жиддий айбловга дуч келган плантаторлар билан учрашувлар ташкил этишни керак нарса деб билардим. Мен плантаторлар Ассоциациясига раиятларнинг шикоятларини ҳавола этар ва айнаи вақтда мазкур масала буйича уларнинг нуқтаи назари билан танишар эдим. Айрим плантаторларнинг мени кургани кузлари, отгани уқлари бўлмаса, бошқалари бефарқ муносабатда булар ва фақат бир ҳовучгинаси — хайрихоҳ эди.

ГУБЕРНАТОР ЯХШИ ОДАМ БЎЛГАЧ

Аввалги бобларда тасвирланган ижтимоий фойдали иш билан бир вақтда раиятлардан шикоят тўплаш ишим ҳам юришиб кетмоқда эди. Ишга минглаб аризалар келиб тушар ва улар менда таассурот қолдирмай иложи йўқ эди. Шикоятлар билан келган раиятлар миқдори ошгани сайин тадқиқотга ҳалақит беришга қасд қилган плантаторларнинг ғазаби ҳам авж олмоқда эди.

Бир куни Биҳор ҳукуматидан қўйидаги мазмунда хат олдим: “Тадқиқотингиз ҳаддан ташқари чузилиб кетди. Унга чек қўйиш ва узингизнинг Биҳардан чиқиб кетиш вақтингиз етмадимикан?”. Хат одоб билан ёзилган булса-да, ammo маъноси айнан ҳалигидай эди.

Мен жавоб хати ёзиб, унда гадқиқот Биҳар аҳолиси аҳволи яхшиланишига олиб келмагунча кетмоқчи эмаслигини, ҳукумат раиятлар талабларини адолатли деб эътироф этиб, уларни қондиргандан кейингина кетишимни билдирдим. Яна бошқа йули ҳам йуқ эмас: раият иши — зудлик билан ўтказилиши керак булган расмий тадқиқот учун биринчи даражали иш деб тан олиниси керак.

Музофот губернатори сэр Эдвард Гейт мен билан куришишни таклиф этди. У расмий гадқиқот учун ҳайъат тайинлаш истагини билдирди ва мени шу ҳайъат аъзолигига таклиф этди. Мен қолган аъзолар исмларидан воқиф булдим ва сафдошларим билан маслаҳатни бир жойга қўйиб, тадқиқот вақтида уз ходимларим билан кенгаша олишим шарти билан таклифни қабул қилдим. Ҳукумат эса менинг ҳайъат аъзоси булганим улуроқ илгаригидай раиятни ҳимоя қилиши мумкинлигини эътироф этиши керак. Борди-ю, расмий тадқиқотни қониқарли деб топмасам, мен раиятга маслаҳатлар бериш ва уларнинг ҳаракатига раҳбарлик қилиш ҳуқуқимни сақлаб қоламан.

Сэр Эдвард Гейт менинг шартларимни адолатли деб топди ва тадқиқот бошланишини эълон қилди. Ҳозирда марҳум сэр Фрэнк Слай тадқиқот буйича ҳайъат раиси этиб тайинланган эди.

Ҳайъат раиятлар фойдасига фикр билдирди ва уз ҳисоботида плантаторлар ҳайъат ноқонуний деб топган солиқларнинг бир қисмини қайтариб беришини ва тинкати тизимини қонунчилик руйхатида бекор қилинишини тавсия этди.

Ҳайъат аъзолари бир овоздан тасдиқлаган ҳисоботни тузишда ва ҳайъат тавсияларига мувофиқ аграр қонун лойиҳаси ўтказишда сэр Эдвард Гейтнинг хизмати катта булди. Борди-ю, у бундай қаттиқ нуқтаи назарда турмаганида ва унга хос булган катта одоб билан ҳаракат қилмаганида ҳисобот бир овоздан қабул қилинмас, аграр қонуни маъқулланмас эди. Плантаторлар катта кучга эга эдилар. Улар қонун лойиҳасига тиш-тирноқлари билан қаршилиқ кўрсатдилар. Аммо сэр Эдвард Гейт охиригача маҳкам турди ва ҳайъат тавсияларини тўла адо этди.

Шундай қилиб, юз йилдан бери амал қилиб келаётган тинкати тизими бекор қилинди, унинг бекор қилиниши билан эса плантаторлар ҳукмронлиги ҳам барбод булди. Ҳар

доим камситилиб келинган раиятлар эса бироз узларига келиб олишти ва индиго догини ювиб кетказиб булмади деган ақида барҳам еди.

Мен бу бунёдкорлик фаолиятини яна бир неча йил давом этдиришга аҳд қилдим: мактаблар очиш ва қишлоққа чуқуроқ кириб бориши керак эди. Бунга замин тайёрланганди, аммо илгари ҳам аксар булганидек, менинг режаларим рўёбга чиқишига Худо йул бермади. Тақдир ҳукми бошқача эди ва мен бошқа жойда янги ишни бошлашга мажбур булдим.

ИШЧИЛАР БИЛАН ЯҚИНЛАШУВ

Эдвард Гейт ҳайъатида банд булган вақтимда Муҳанлаъл Пандйя ва Шанкарлаъл Парикх менга Кҳеда дистриктида ҳосил булмагани ҳақида хабар қилиб қолди ва улпонни тулашга қурби етмаган деҳқонларга раҳбарликни қулга олишимни илтимос қилди. Аммо жойда тадқиқот утказмай туриб маслаҳат бериш хоҳишим йуқ эди, бу қўлимдан келмас ва журъат эта олмас ҳам эдим.

Айни вақтда Аҳмадободдаги туқимачилар аҳволи ҳақида шримати Анасуя беҳндан ҳам хат келди. Иш ҳақи у ерда паст ва ишчилар анчадан бери унинг кўтарилишини талаб қилмоқда экан. Менда уз қобилятимга яраша уларнинг ҳаракатига раҳбарлик қилиш хоҳиши пайдо булди. Аммо узоқдан туриб нисбатан кичикроқ бу ишни бошқара олишимга кўзим етмаётганди. Шу боис дастлабки имкониятданоқ Аҳмадободга бориб келдим. У ерда бу иккала ишни тез тугатишга ва Чампарандаги ишчан фаолиятнинг бошланишини кузатиш учун у ерга қайтишга умид қилгандим.

Бироқ воқеалар мен истагандай тез ривожланмади. Мен Чампаранга қайта олмадим ва у ердаги мактаблар биринкетин ёпила бошлади. Ишдаги уртоқларим билан мен куплаб ҳавойи орзуларга берилган эдик ва бу орзулар битта-битта барбод булмаётган эди.

Қишлоқдаги мактаб ва тиббий-санитарлик ишидан ташқари мана шундай ҳавойи орзулардан бири Чампарандаги сигирларни ҳимоя қилиш буйича иш эди. Мамлакат буйлаб айланиб юрганимда сигирларни ҳимоя қилиш ва ҳиндий тилини тарғиб этиш билан фақат марварийлар шуғулланишига амин булдим. Бу марварий айнан мени Беттиада булга-

нимда дҳармшаълага жойлаб қўйганди. Бошқа маҳаллий марварийлар мени ўзларининг гушаъла (оғил)лари билан қизиқтириб қўйишганди. Сигирларни ҳимоя қилиш буйича фаолиятга нисбатан узил-кесил фикрлар айнан ушанда кунглимга келганди ва ҳозир ҳам шу фикрда турибман. Менимча, сигирларни ҳимоя қилиш молларни кўпайтириш, наслини яхшилаш, ҳўкизларга инсоф билан муомалада бўлиш, намунали сут фермалари яратиш ва ҳ.к. лардан иборат. Марварий ошналарим бунда менга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатишга ваъда беришди. Бироқ мен Чампарандан кетадиган бўлиб қолдим ва бу режа бажарилмай қолиб кетди.

Беттиадаги оғилхона ҳали ҳам бор, аммо у намунавий тарзда эмас, Чампаранда ҳўкизларни аввалгидай меъёрдан ортиқ даражада ишлашга мажбур қилишади; ўзларини ҳинду деб атаган одамлар ҳали-ҳамон бечора жониворларга қўпол муомала қилишади ва бу билан ўз динларини уятга қўйишади.

Бу иш ярим йўлда қолиб кетгани менга сира тинчлик бермайди ва Чампаранга борганимда марварий ошналарим ва биҳарликларнинг майда ўпка-гиналарини эшитишимга тўғри келганда тўсатдан воз кечишга мажбур бўлганим режалар тўғрисидаги хотираларни алам билан эслайман.

Маърифий ишлар у ёки бу даражада кўп жойларда давом этмоқда. Бироқ сигирларни ҳимоя қилиш борасидаги ишлар кенг қўлоч ёймади ва шу боис ҳалигача кўнгилдагидай олға силжигани йўқ.

Кҳеда деҳқонлари борасидаги масала ҳали муҳокама босқичида турганидан мен Аҳмадободдаги фабрика ишчилари ишлари билан машғул бўлдим.

Мен жуда ноқулай аҳволда қолган эдим. Фабрика ишчиларининг талаблари асосли эди. Шримати Анасуя беҳн айни ҳолда фабрика эгаси номидан иш олиб бораётган ўз укаси оқловчи Анбалаъл Сарабҳўйга қарши курашишига тўғри келаётганди. Мен ишчилар билан дўстона муносабатда эдим ва бу нарса ишни баттар қийинлаштираётган эди. Мен уларга баҳсли масалани ҳакамлик судига беришни таклиф қилдим, аммо улар ҳакамликнинг айнан жиддийлигини эътироф этишдан воз кечишди.

Шунда мен ишчиларга иш ташлашни маслаҳат беришга мажбур бўлдим. Ишчилар ва уларнинг раҳбарлари билан ол-

диндан узвий алоқа урнатиб, қандай шароитларда иш ташлаш муваффақиятли чиқишини тушунтириб бердим:

1) ҳеч қачон зуравонлик қилинмаслиги керак;

2) ҳеч қачон штрейкбрехерларга тегмаслик;

3) ҳеч қачон меҳр-мурувватга умид қилмаслик;

4) иш ташлаш қанча давом этишидан қатъи назар аҳддан қайтмаслик ва иш ташлаш вақтида қандайдир бошқа ҳалол йул билан пул топиш.

Иш ташлаш раҳбарлари буни тушунишди ва бу шартларни қабул қилишди, ишчилар эса умумий йиғилишда уларнинг барча талаблари қондирилмагунча ёки фабрикантлар баҳсли, масалан, ҳакамлик судида куриб чиқишга топширишга рози бўлмагунларича ишга қул урмасликка қасамёд қилишди.

Айнан мана шу иш ташлашда мен оқловчи Валлабҳой Пател ва Шанкарлаъл Банкер билан яқиндан танишдим. Шримати Анасуя беҳнни мен олдиндан ҳам яхши билардим.

Ҳар куни биз Сабармати соҳилидаги дарахтлар соясида исёнчилар митингини ташкил этар эдик. Бу митингларда минглаб ишчилар тупланарди ва ўз нутқларимда мен уларга қасамёдлари ҳақида, тинчликни сақлашдаги уларнинг бурчи ҳақида эслатардим ва уз қадр-қимматингизни йуқотманг деб уқтирардим. Ишчилар тинч йул билан иштихорлар кутариб шаҳар кучаларидан намоийиш қилиб ўтар эдилар. Иштихорларда “эк тек” (қасамёдга риоя қил) сузлари ёзилган буларди.

Иш ташлаш йигирма бир кун давом этди. Вақти-вақти билан мен фабрикантлар билан кенгашардим ва улардан ишчилар билан ҳаққоний муносабатда булинглар деб илтимос қилардим.

— Бизнинг ҳам уз онтимиз бор, — деб жавоб берар эдилар улар бундай пайтларда. — Биз ишчиларга ота-она боласига қарагандай қараймиз... Ташқаридан бошқа одамнинг бурнини тиқишига бало борми? Ҳеч қанақанги ҳакамлик суди туғрисида гап бўлиши мумкин эмас...



ОЧЛИК

...Дастлабки икки ҳафтада ишчилар катта мардлик ва сабртоқат намоён этишди ва ҳар куни митинглар уюштириб турдилар. Митингларда уларга қасамёдларини эслатганимда унга

жавобан, суздан қайтгандан улган афзал, деб қичқирар эдилар.

Бироқ аста-секин руҳдан тушиш аломатлари пайдо була бошлади. Одамнинг жисмоний заифлиги асабийлашувда намоеън булгани каби иш ташлаш сусая бориши баробарида исёнчиларнинг штрейкбрехерларга муносабатлари тобора даҳшатли тус ола бошлади ва мен бирон портлаш юз беришидан хавотирлана бошладим. Кундалик митингларга тобора камроқ одам келарди, келганларнинг юзларида эса тушкунлик ва умидсизлик зоҳир эди. Ниҳоят бир куни менга иш ташловчилар иккилана бошляптилар, деб хабар беришди. Мен жуда ташвишландим ва юзага келган вазиятда қандай иш тутиш кераклиги ҳақида уйлай бошладим. Мен унчамунча тажриба ордирган эдим, чунки Жанубий Африкада улкан иш ташлашда иштирок этгандим, бу ерда эса аҳвол бошқача эди. Ишчилар менинг таклифим буйича қасамёд қилган эдилар. Улар онтни ҳар куни такрорлашарди ва уларнинг онтларидан қайтишини уйласам, узимни қаерга қуйишимни билмай қолардим. Бунинг ортида нима ётибди — гурурми ёки ишчиларга муҳаббат ва ҳақиқатга эҳтиросли мойилликми — ким билиб утирибди?

Бир куни эрталаб навбатдаги митингга нима қилишимни билмай тургандим, тусатдан миям ишлаб кетди. Лабларимдан беихтиёр шундай сузлар учиб чиқди:

— Жипслашмагунча ва то бир битимга келмагунча ёки сизлар бир ёқадан бош чиқариб, фабрикани тарк этмагунингизгача мен туз ҳам тотмайман.

Ишчиларни яшин ургандай булди. Анасуя беҳннинг юзларидан ёш томчилари думалай бошлади. Ишчилар қичқирешарди:

— Сиз эмас, биз очлик эълон қилишимиз керак. Бизни деб сиз оч қолсангиз, бунга чидаб туролмаймиз. Бизни заифлик қилганимиз учун кечиринг, биз уз қасамимизга охиригача содиқ қоламиз.

— Сизларнинг очлик эълон қилишингиз учун ҳеч қандай зарурат йуқ, — деб жавоб бердим мен уларга, — сиз уз онтингизга содиқ булсангиз, шунинг узи етарди. Биласиз, маблағимиз йуқ, биз жамоатчилик хайрияси ҳисобига иш ташлашни давом эттирмақчи эмасмиз. Шу боис нима қилиб булса ҳам тирикчилик учун пул топишимиз керак, шунда

ҳар қанча чузилса ҳам иш ташлашдан қурқмасангиз булади. Менинг очлик эълон қилишимизга келсак, ишлар жойига тушиб кетгандан кейингина уни тухтатаман.

Шу тариқа Валлабхай иш ташловчилар учун муниципалитетда қандайдир иш топишга ҳаракат қилди, бироқ бунга умид жуда оз эди. Шунда Маганлаъл Ганди ашрамдаги мактаб қурилишига қум ташиш учун бир қанча ишчини ёллашни таклиф этди. Ишчилар бу таклифни олқишладилар. Анасуя беҳн урناк кўрсатди. У биринчи булиб дарё узанидаги қумдан саватга солиб, бошига қўйди, унинг ортидан бошида савати бор ишчиларнинг сунгсиз қатори эргашди. Бу манзарани томоша қилиб тўймайсан, киши. Ишчилар вужудларига куч қўйилиб киргандай ҳис этмоқда эдилар, улар шу қадар куп эдиларки, ҳатто иш ҳақи беришга ҳам қийналиб қолдик.

Менинг очлик эълон қилишим, афсуски, узининг салбий томонига ҳам эга эди. Олдинги бобда гапириб утганимдек, мен фабрикантлар билан узвий дустона муносабатда эдим, шу боис мен эълон қилган очлик уларнинг қарорига таъсир қилмай қолмасди. Сатйаграҳ булганим улароқ очлик эълон қилиб, уларга ҳеч қандай тазйиқ утказишим керакмаслигини билардим, балки уларга иш ташловчиларнинг узлари тазйиқи остидагина амал қилиш имконияти туғдиришим керак эди. Менинг очлик эълон қилишим фабрикантлар туфайли эмас, балки вакил сифатида айбларини баҳам кўраётганим ишчиларнинг гуноҳ қилиб қўйишлари туфайли бошланган эди. Фабрикантлардан фақат илтимос қила олар эдим, очлик эълон қилишим эса зуравонликка қўл уришни англатарди. Барибир ҳам гарчанд очлик эълон қилишим фабрикантларга босим кўрсатишини билсам-да, ҳақиқатда шундай булди ҳам, уз бурчим деб ҳисоблаб, уни бошламасдан иложим йўқ эди.

Мен фабрикантларни тинчлантиришга ҳаракат қилдим.

— Сизларнинг ён беришингизга ҳеч қандай зарурат йўқ, — дедим мен уларга.

Бироқ улар сузимга совуқ муносабатда булибгина қолмай, ҳатто бир қанча заҳарханда танбеҳлар қилишдан узларини тийиб туролмадилар, бундай қилишга уларнинг ҳақи бор эди.

Фабрикантлар тепасида шет Амбалаъл турарди. У иш ташлашга мурасасиз қарарди. Унинг енгилмас иродаси ва самийлиги шу қадар ҳайратомуз эдики, мен унга меҳр қўйиб

қолдим. Унга қарши кураш менга лаззат бағишларди. Бироқ мен эълон қилган очлик — унинг бошчилигидаги муҳолифатга тазйиқи мени қаттиқ ҳаяжонга солди. Бундан ташқари, Амбалаълнинг хотини Сарладевий мени худди акасидай кўриб қолганди ва мен туфайли у чекаётган изтиробларни куришга тоқатим чидамасди.

Биринчи куни мен билан баравар Анасуя беҳн ва бир қанча дўстлар ва ишчилар очлик эълон қилишди. Уларни жуда катта қийинчилик билан очликни давом эттиришдан тухтатиб қолдим.

Булар барчаси натижасида хайрихоҳона муҳит юзага келди. Фабрикантларнинг юраклари юмшади ва улар сулҳ учун имкониятлар қилира бошлашди. Улар Анасуя беҳн уйига келиб, барча масалаларни муҳокама қила бошлашди. Ишга охири ҳакам тайинлаган оқловчи Анандшанкар Дҳрув ҳам аралашди ва иш ташлаш тухтатилди. Мен очликка ҳаммаси бўлиб уч кун риюя қилдим. Фабрикантлар иш ташлашнинг тугашини ишчиларга ширинлик улашиш билан нишонладилар. Шундай қилиб, иш ташлашнинг йигирма биринчи кунда битимга эришилди.

Битимни нишонлаш мақсадида чақирилган митингда фабрикантлар ва ҳукумат комиссари иштирок этдилар.

— Сизларга м-р Ганди қандай маслаҳат берсалар, сиз ҳар доим ана шундай иш тутишингиз керак, — деб ишчиларга маслаҳат берди ҳукуматнинг комиссари.

Куп утмай айнан шу жаноб билан яна туқнаш келдим. Бироқ вазият узгарган ва шу билан бирга унинг узи ҳам узгарганди. Энди комиссар Кҳеда патидорларига менинг маслаҳатимга кирмасликни уқдирарди!

Ширинлик улашиш қанчалик мароқли булса, у билан боғлиқ шунчалик қайғули яна бир воқеани таъкидлаб ўтишим керак. Фабрикантлар жуда катта миқдорда ширинлик буюртма қилишган экан, мингта ишчи орасида уларни қандай улашиш муаммоси пайдо бўлибди. Ширинликни очиқ ҳавода, ишчилар онт ичган дарахт яқинида улашишга келишишибди. Шунча халойиқни бошқа бирон жойда тўплаш амри маҳол эди.

Уч ҳафтагача уз сафларида интизомни сақлай олган одамлар ширинлик улашилганда ҳам тартибга риюя қилиши ва бундан тўс-тўполон чиқармаслигига заррача шубҳа қилмагандим, албатта. Бироқ амалда бутунлай бошқача

булиб чиқди — ширинликни хотиржам улашишдаги барча ҳаракатлар пучга чиқди. Бир неча дақиқа утдими-йўқми, ишчиларнинг теп-текис сафи бир жойга ғуж булиб олди. Ишчиларнинг раҳнамолари тартиб урнатишга беҳуда уринишарди. Шунақанги урҳо-ур ва сурҳо-сур бошландики, ширинликнинг катта қисми оёқ остида топталиб кетди. Охири уни очиқ ҳавода улашишдан воз кечишга тўғри келди. Қолган ширинликларнинг ҳаммасини Мирзапурдаги шет Амбалаълнинг бунгалосига базур олиб кириб ололдик. Эртасига шу бунгало ҳовлисида ширинликларни бемалол улашдик.

Воқеанинг кулгили томони ўз-уздан равшан, унинг қай-ғули жиҳати ҳақида икки оғиз сўз айтишга тўғри келади. Текширув шуни курсатдики, эк-тек дарахти тагида ширинликлар улашилишидан дарак топган Аҳмадободнинг қашшоқ одамлари бу ерга гурас-гурас булиб келишган экан. Мана шу оч одамларнинг ширинлик орқасидан бошлаган муштлашувлари тартибсизлик ва тус-туполон келтириб чиқарган экан.

Мамлакатимиздаги қашшоқлик ва очлик шунақаки, ҳар йили аҳолининг янги-янги оммаси қашшоққа айланмоқда. Нон учун жонини жабборга бериб курашиш улардаги ҳар қанақанги одоб ва узаро ҳурмат туйғуларини йўққа чиқармоқда. Саховатпеша инсонлар эса одамларни нон берадиган иш билан таъминлаш урнига уларга садақа итқитадилар.



Чампаран — Ҳиндистоннинг овлоқ бурчаги. У ерда авж олган кампанияда иштирок этиш учун матбуот қуйилмагани ва у ёққа ҳеч бормасди. Кҳедадаги воқеаларга келсак, бу ерда иш бошқача эди. Матбуотда Худонинг берган куни у ерда содир булаётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги хабарлар босилиб турарди.

Гужаротликлар улар учун янгилик булган курашга қизиқиб қолишди. Бу ишда муваффақият қозониш учун улар ҳар қандай воситани тақдим этишга тайёрликларини айтар эдилар. Ёлғиз пул ёрдамидагина сатйаграҳ утказиб булмаслигини уларга ҳеч тушунтириб булмасди. Бу ҳаракат пулга унчалик муҳтож эмас. Менинг барча норозиликларимга қарамай, бомбейлик савдогарлар бизга керагидан ортиқча пул юбор-

дилар, бунинг оқибатида кампания охирига келиб бизда ҳатто бирмунча пул ортиб қолди.

Шу билан бирга кунгилли сатйаграҳийлар оддийликдан янги сабоқ олдилар. Улар буни тула узлаштириб олдиларми-йўқми, айта олмайману, аммо куплар унча-мунча даражада уз ҳаёт тарзларини узгартирдилар.

Бу кураш патидор деҳқонлар учун ҳам янгилик эди. Шу боис биз қишлоқма-қишлоқ юрар ва сатйаграҳ тамойилларини тушунтирар эдик.

Асосий нарса шундан иборат эдики, амалдорлар хужайинлар эмас, балки халқ хизматкорларидир, чунки улар солиқ туловчилар чунтагидан маош оладилар деб миясига синглириб, деҳқонларни қўрқувдан халос қилиш керак. Уларга жасоратни назокат билан қўшиб юбориш муҳимлигини тушунтиришнинг сира иложи йўқдай булиб кўринар эди. Ҳа-да, агар деҳқон амалдордан қўрқмай қўйса, таҳқирланганига таҳқирлаш билан жавоб беришдан узини тийиб қола олармиди? Борди-ю, у қўполликка йўл қўйгудек бўлса, худди бир томчи заҳар сутни бузганидай, бу сатйаграҳни йўққа чиқаради-қўяди. Кейинроқ деҳқонлар назокат сабогини мен тахмин қилганимдан камроқ даражада англаб етганларини тушундим. Тажриба менга шуни ургатдики, назокат сатйаграҳнинг энг заиф жойи экан. Зеро назокат деганда нутқдаги айни ҳол учун ишлаб чиқилган кафолатгина эмас, балки ички ювошлик ва рақибга яхшилик тилаш ҳам англашилади. Сатйаграҳнинг ҳар бир ишида мана шу нарса намоён булиши керак.

Дастлабки вақтда, аҳоли курсатган жасоратга қарамай, ҳукумат қатъий чоралар кўришга мойил эмасди. Аммо вақт утиб борарди, деҳқонлар маҳкам турардилар, натижада ҳукумат зуравонлик ишлатишга бел боғлади. Улпон тупловчи амалдорлар деҳқон молларини сота бошлардилар ва қўлларига тушган ҳар қанақанги кучар мулкни тортиб олишга жазм этдилар. Амалдорлар нарсаларни рўйхатга олар эдилар, айрим ҳолларда эса ҳатто илдиздаги ҳосилни ҳам ҳибсга олар эдилар. Булар барчаси деҳқонни гангитиб қўяр эди: айрим раиятлар улпонларни тулай бошлашди, бошқалари қарзни узиш учун унчалик керак бўлмаган буюмларини рўйхатга киритгани амалдорларга узлари тиқиштирар эдилар. Бироқ охиригача курашишга қарор қилган раиятлар ҳам бор эди.

Худди уша вақтда оқловчи Шанкарлаъл Парикх ижарадорларидан бири ер солиги тулади. Бу ҳаммани тонг қолдирди. Хайрия мақсадларида улпон туланган ерни уз ижарадорига бериб, Шанкарлаъл Парикх хатосини туғрилади. Шу тариқа у уз номусини сақлаб қолди ва айни вақтда бошқаларга ажойиб урناق курсатди.

Қурқитилганларнинг юрагини забт этиш учун мен деҳқонларга Муҳанлаъл Пандйя раҳбарлиги остида, менимча, қонуний ҳибсга олинган даладан пиёз кавлашни таклиф қилдим. Мен буни фуқаро буйсунмаслиги ҳаракати деб ҳисобламагандим. Аммо борди-ю, бу буйсунмаслик бўлган тақдирда ҳам мен барибир шу чорани қўлаган булар эдим, чунки далада ётган ҳосилни ҳибсга олишни қонун ёқлаганида ҳам бу ахлоқ нуқтаи назаридан номақбул эди. Бу жунгина айтганда талончилик эди. Шу боис ҳибс билан қурқитишларига қарамай одамларимиз пиёзни кавлаб олишлари керак эди. Одамларга бу сабоқ олиш ва бундай буйсунмасликнинг муқаррар оқибати ҳисобланмиш жарима ёки қамоққа тушиш нима эканини билиш учун яхши имконият бўлган булур эди. Оқловчи Муҳанлаъл Пандйя учун бу жуда кунгилдагидек иш бўлганди. Кампания тинч тугайди, сатйаграҳ тартиботлари учун ҳеч ким азият чекмайди ва ҳеч ким қамоққа ошиқмайди деган фикр билан у сира чиқиша олмасди. У пиёз кавлашга тушиб кетди ва етти-саккиз дўсти унга келиб қушилди.

Ўз-ўзидан маълумки, уларнинг эркинликда қолишига ҳукумат йул қўлмасди. Оқловчи Муҳанлаъл ва уртоқларининг ҳибсга олиниши деҳқонлар орасида қаттиқ ғазабга сабаб бўлди. Агар қамоқхона олдидаги қурқув йуқолса, қаттонлар энди-энди халқ руҳини уйғотаётган бўлади. Иш тингланадиган куни деҳқонлар оломони суд биноси олдига келди. Муҳанлаъл Пандйя ва уртоқлари унча катта бўлмаган муддатга ҳукм қилинганди. Мен ҳукмни ноҳақ деб ҳисоблар эдим, чунки пиёз кавлашни ўғрилиқ ҳақидаги жиноят кодекс моддасига киритиб бўлмасди. Бироқ ҳукм устидан шикоятга урин йуқ, зеро биз суд муассасаларини четлаб утиш сиёсатига амал қилар эдик.

Улкан оломон ҳамроҳлигида “қамалганлар”ни қамоқхонага кузатиб қўйишди. Оқловчи Муҳанлаъл Пандйя деҳқонлардан “дунгли чўр” (пиёз ўғриси) деган фахрий лақаб ортдириб олди ва бу лақаб бугунги кунгача сақланиб қолган.



КҲЕДА САТҲАГРАҲНИНГ ТУГАШИ



Кҳедадаги кампания ҳеч бир кутилмаганда тугади. Аҳоли сунгги кучини сарфлаётгани аниқ эди ва мен таслим бўлмаганларни бутунлай хонавайрон қилиш шартмикан, деб уйланиб қолдим. Мен курашни ниҳоялашнинг сатйаграҳ учун мақбул усулини топишга ҳаракат қилардим. Чора кутилмаганда топилди. Надида талукасида мамлатдор менга хабар қилдики, агар бадавлатроқ патиадорлар улпонни тулашса, камбағалларга муддат бериларкан. Мен ёзма тасдиқномани талаб қилдим ва уни олдим. Аммо ҳар бир мамлатдор фақат ўз талукаси учун жавоб берарди ва мен коллектордан (у бутун дисткрикт учун масъул эди) мамлатдорнинг аризаси бутун дисткриктга ҳақиқатан ҳам тегишлилигини тасдиқлаб беришини сурадим. У мени ишонтириб айтдики, мамлатдорнинг хатида тилга олинган шартларда муддат бериш туғрисида фармойиш аллақачон берилган. Мен бундан хабардор эмасдим, бироқ агар иш ростданам айнан шундоқ бўладиган бўлса, деҳқонлар зиммаларига олган мажбурият бажарилган бўлиб чиқади. Олдин айтганимдай, фақат бадавлатлар тўлов тўлашига эришаётган эдик, демак, ушбу фармойиш билан тулик қаноат ҳосил қилсак бўлаверали.

Шундай бўлса-да, бундай ниҳояланиш мени унчалик қувонтирмади. Бу ерда сатйаграҳнинг ҳар бир кампанияси сазовор бўладиган меҳр-мурувват йуқ эди. Коллектор битим ҳақида тушунчаси йуқ одамдай иш олиб борганди. Камбағаллар муҳлат олишлари керак эди, аммо бундан бировнинг ютиб чиқиши амри маҳол эди. Ким камбағаллигини белгилаш ҳуқуқи аҳолининг қўлида, аммо халқ бундан фойдаланадиган ҳолатда эмасди. Деҳқонларда бу ҳуқуқдан фойдаланишга куч топилмаганидан қаттиқ хафа бўлдим. Буларнинг барчасига қарамай, кампаниянинг тугаши сатйаграҳнинг шонли ғалабасидай нишонланган эди. Бироқ мен қониқиш ҳосил қилмадим, чунки сатйаграҳ тула муваффақият қозонмаган эди.

Сатйаграҳийлар ундан кураш бошидагига қараганда янада кучлироқ ва ишончлироқ чиқсаларгина уни муваффақиятли деб ҳисоблаш мумкин.

Шундай булса-да, кампания билвосита ижобий натижаларга ҳам эга эди. Унинг меваларини биз бугунги кунгача ҳам емоқдамиз. Кҳедадаги сатйаграҳ Гужарот деҳқонларининг уйғонишини, уларнинг ҳақиқий сиёсий гарбияси бошланганини узида ифода этади.

Д-р Безантнинг Ҳиндистонни узини узи бошқариши учун олиб борган ажойиб ташвиқоти, шубҳасиз, деҳқонларга ҳам дахл қилар эди, аммо фақат Кҳедадаги кампаниягина жамоатчи зиёли арбобларни деҳқонларнинг ҳақиқий ҳаётига яқинлашишга ундади, ўзларини деҳқонларга қиёс қилишга ургатди. Бу арбоблар бу ерда ўз кучларини муносиб тарзда ишлатиш жойини топдилар ва шу туфайли уларнинг фидо-корликка булган шайлиги ўсди. Валлабҳайнинг ушбу кампанияда ўзини топганлигининг ўзиёқ озмунча ютуқ эмас. Биз буни бултур сув тошқини билан кураш вақтида ва бу йил Бардўлидаги сатйаграҳ вақтидагина алоҳида баҳолай олдик. Гужарот ижтимоий ҳаёти юраги янада жўшқинроқ ура бошлади. Патидор деҳқонлар ўзларининг кучларига тўлатуқис ишонч ҳосил қилдилар. Олинган сабоқ жамоатчилик онгида умрбод муҳрланиб қолди: халқни қутқариш унинг ўзига, унинг азоб чекиши ва ўзини фидо қилишга тайёрлигига боғлиқ. Кҳедадаги кампания шарофати билан сатйаграҳ ҳаракати Гужаротда чуқур из отди.

Сатйаграҳнинг тухтатилгани муносабати билан ҳаяжонга тушишга ҳеч қандай асосни кўрмаган бир палламда Кҳеда деҳқонлари қувонч билан тантана қиларди. Улар эришилган натижалар улар сарфлаган саъй-ҳаракатларга муносиб эканини билар эдилар ва уз талабларининг бажарилишига эришишнинг ишончли усулига эга булганларини тушунган эдилар. Мана шу нарсани англаш улар шодлигини англаш учун етарли эди.

Барибир ҳам Кҳеда деҳқонлари сатйаграҳнинг ботиний аҳамиятини тула тушуниб етмадилар. Улар буни ўзларининг аччиқ тажрибаларида кейинроқ тушундилар.

БИРЛИККА ИНТИЛИБ

Кҳедада кампания бошланганда, Оврүпода ҳали қиргин-барот уруш давом этарди. Аҳвол жуда нозик бўлиб, ва вице-қирол турли раҳнамоларни ҳарбий анжуманга Деҳли-

га чақирар эди. Мен ҳам таклифнома олдим. Вице-қирол лорд Челмсфорд билан дустана муносабатларим тугрисида илгари ҳам айтиб утган эдим.

Таклифномага жавобан мен Деҳлига жунаб кетдим. Аслида анжуманда иштирок этишга қарши менда айрим эътирозлар бор эди ва асосий сабаблардан биттаси унда ака-ука Алилардек раҳнамоларнинг йуқлиги эди. Бу пайтда улар қамокда утиришарди. Мен уларни бор-йўғи икки мартагина кўрганман, аммо улар ҳақида жуда кўп эшитганман. Ҳамма уларнинг ишлари ва улар кўрсатган матонат ҳақида яхши гапларни айтар эди. Мен Ҳаким Соҳиб билан яхши таниш эмас эдим, аммо патрон Рудр ва Динбандху Эндрюс у ҳақда кўп ёқимли гапларни айтганди. М-р Шуаяуб Қурайший ва м-р Хожа билан мен Калькуттадаги Мусулмонлар лигасида кўришган эдим. Самимий мусулмонлар билан дустлашишга интилиб, мен яна д-р Ансорий ва д-р Абдур Раҳмон билан ҳам танишгандим. Энг яхши ва энг ватанпарварлик руҳидаги мусулмон вакиллар билан танишлар орттирар эканман, мусулмонлик руҳини англашга умид боғлар ва шу боисдан ҳам улар билан учрашиш учун ҳар доим қаёққа бўлса жон-жон деб борар эдим.

Ҳали Жанубий Африкадаёқ менга шу нарса мутлақо равшан эдики, мусулмонлар билан ҳиндулар ўртасида чинакам дустлик йуқ. Мен ҳеч қачон уларнинг бирлашиши йулидаги тўсиқни бартараф этиш имкониятини бой бермаганман. Бироқ ялтоқланиб ёки ўз қадримни ерга уриш ҳисобига бирон-бир одамни ўзимга қаратиш одати менга буткул ёт нарса эди. Жанубий Африкадаги ишимдан шу нарсага иймоним комил бўлдики, айнан ҳинду-мусулмон бирлиги масаласида менинг аҳимсам энг жиддий синовга дуч келади ва ўша вақтда ушбу масала аҳимса соҳасидаги менинг излаНИШЛАРИМ учун кенг майдон очиб беради. Мен бунга ҳозир ҳам ишониб турибман. Худо мени синовларга дучор этажани бир умр ҳис этиб келганман.

Жанубий Африкадан ана шундай ишончу эътиқодлар билан қайтиб келиб, мен ака-ука Алилар билан яқинлашишга ҳаракат қилдим. Орамизда узвий дустана муносабатлар ўрнатилишидан олдинроқ, афсуски, улар қамокқа тушиб қолишганди. Ўз қамокхона нозирларидан рухсат олиши биланоқ мавлоно Муҳаммад Али Бетул ва Чҳиндвардан менга узун-

дан-узоқ хатлар ёза бошлади. Мен ака-ука Алиларни бориб куришга рухсат сураб мурожаат қилган эдим, бироқ ҳеч иш чиқмади.

Ака-ука Алилар ҳибсга олинганидан кейин мусулмон дусларим мени Калькуттадаги Мусулмонларнинг сессиясига таклиф этишди. Мендан сузга чиқишимни илтимос қилишди ва ака-ука Алиларни озод этиш учун мусулмонлар бор кучларини аямасликлари кераклиги туғрисида икки огиз гапирдим. Бирмунча вақтдан кейин уша дуслар мени Алигарҳдан мусулмонлар коллежига олиб боришди, у ерда ёшларга ватанга хизмат қилиш ишида “фақир”лар булишга чақирдим.

Сунг ака-ука Алиларни озод қилиш буйича ҳукумат билан ёзишмаларга киришиб кетдим. Шу муносабат билан уларнинг қарашларини ва халифалик ҳақидаги масалада фаолиятини ургандим ва мусулмон дуслар билан бир нечта суҳбат утказдим. Агар ака-ука Алиларни озод этиш ишида ва халифалик масаласини ҳал этишда қулимдан келганча ёрдам курсата олсамгина мусулмонларнинг чин дустри булишимни билар эдим. Мен бу ишимнинг ҳаққонийлиги туғрисида ҳукм чиқара олмайману, аммо мусулмонларнинг талабларида ҳеч қандай ахлоқсизлик йуқ эди. Диний қарашларда биз бошқа-бошқамиз. Ҳар биримизга уз динимиз энг олий булиб куринади. Агарда, ҳамма бир хилдаги диний эътиқод йулини тутганида, дунёда фақат биттагина дин булар эди. Вақти билан шу нарсага амин булдимки, халифалик туғрисидаги масалада мусулмонларнинг талаблари ахлоқий негизларга қарши борувчи гуноҳ иш эмас. Ҳатто Британия бош вазири уни адолатли деб эътироф этади. Шу боис бош вазир ваъдасини бажариш учун мен узимдан жоиз барча ишларни қилишни уз бурчим деб ҳисобладим. Бу ваъда шу қадар ёрқин ифодаларда берилган эдики, мусулмонларнинг талабларини мен фақат виждонимни тинчлантириш учунгина урганиш билан машғул булдим.

Халифалик ҳақидаги масалага менинг муносабатимни дуслар купинча танқид қилиб чиқар эдилар. Бироқ шунга қарамасдан на уз нуқтаи назаримни қайта куриб чиқишга ва на мусулмонлар билан ҳамкорлигимдан афсусланишимга менда қилча зарурат йуқ деб ҳисоблайман. Борди-ю, яна мана шундай вазият юзага келгудек булса, мен худди шундай йул тутаман.

Дехлига жунар эканман, мусулмонлар туғрисида вице-қирол билан музокара қилишга қаттиқ аҳд қилдим. Халифалик ҳақидаги масала ушанда у кейинчалик олган шаклга кириб улгурмаганди.

Дехлида утадиган конференцияда менинг иштироким учун янги қийинчилик пайдо булди. Динбандху Эндрюс менинг ҳарбий анжуманда иштирокимнинг ахлоқий жиҳати туғрисидаги масалани кутариб чиқди. У Англия ва Италия уртасидаги махфий шартномалар борасида инглиз матбуотида пайдо булган хилма-хил хабарлар туғрисида менга сўзлаб берди. Модомики, Англия бошқа Оврупо давлати билан махфий шартномалар тузар экан, менинг анжуманда иштирок этишим қалай буларкин? — м-р Эндрюс шундай саволни кундаланг қуйди. Мен бу ҳақда ҳеч нарса билмасдим, аммо Динбандху Эндрюснинг сўзлари мутлақо етарли эди. Мен лорд Челмсфордга хат билан мурожаат қилдим, унда анжуманда иштироким борасида уз иккиланишларим сабабини тушунтириб бергандим. Бу масалани муҳокама қилиш учун вице-қирол мени ҳузурига таклиф қилди. Мен у ва унинг шахсий котиби м-р Маффи билан узоқ суҳбатлашдим. Охири мен анжуманда иштирок этишга розилик билдирдим. Вице-қирол қуйидаги фикрни илгари сурди:

— Ҳиндистон вице-қироли Британия вазирлар маҳкамаси кураётган барча чоралардан воқиф деб уйламаслигингизга умид қиламан. Мен Британия ҳукуматини сутдай оқ деб уйламайман ва бошқалар ҳам бундай уйламайди. Бироқ борди-ю, сиз империяни умуман эзгулик курашчиси деб билсангиз ва Англия билан муносабатларида Ҳиндистоннинг умуман ютиб чиққанига иқдор булсангиз, қийин соатда империяга ёрдам кўрсатиш ҳар бир ҳинд фуқаросининг вазифаси деб ҳисоблайсизми? Мен узим махфий шартномалар туғрисида инглиз рузномаларида уқидим. Рузномаларда хабар қилинганидан ортиқ ҳеч нарса билмаслигимга сизни ишонтира оламан. Сиз эса, албатта, матбуотда кўплаб пайдо булаётган “мишмиш”лар ҳақида тасаввурга эгасиз, шундайми? Наҳотки, биргина рузномадаги мақолага асосланиб шундай қалтис пайтда сиз империяга ёрдам беришдан бош тортсангиз? Уруш тугагандан кейин ҳар қанақанги ахлоқий талабларни пеш қилишингиз ва бизга дуқлар қилишингиз мумкин, аммо, илтимос, фақат урушдан кейин, ҳозир эмас.

Бу янги гап эмасди. Менга у баён этилиш шакли ва ҳолатлари туфайли янгидай бўлиб кўринди ва мен анжуманда иштирок этишга рози булдим. Мусулмонларнинг талабларига келганда, улар ҳақида мен вице-қиролга ёзишга қарор қилдим.

САФАРБАРЛИК

Шундай қилиб, мен анжуманда иштирок этдим. Вице-қирол сафарбарлик ҳақидаги резолюцияни қўллаб-қувватлашда ўз фикримни айтишимни ғоят муҳим деб ҳисобларди. Мен ҳиндий — ҳиндустонийда гапиришга рухсат сўрадим. Вице-қирол рози бўлди, аммо инглиз тилида ҳам гапиришимни таклиф этди. Аммо мен нутқ қилмоқчи эмас эдим. Мен бор-йўғи биргина жумлани айтдим:

— Ўз масъулиятимни тулиқ ҳис қилган ҳолда ушбу резолюцияни қўллаб-қувватлашингизни сўрайман.

Ҳиндустонийда сўзлаганим боисидан ҳар тарафдан менга табриклар ёғила кетди. Бу, дейишди менга, бунақа мажлисда ҳиндустонийда биринчи марта гапирилиши. Вице-қирол борлигида мен ҳиндустонийда гапириб, гуё кашфиёт қилганимдай ёғилаётган олқишлардан миллий гурурим қаттиқ лаг еди. Мен чуқур уйга чўмдим. Шу мамлакатнинг ўзида бўлаётган мажлисларда, бевосита шу мамлакатга тааллуқли ишда унинг тили “табу” деб эълон қилинса ва менга ўхшаган тасодифий одамнинг ҳиндустонийда ирод қилинган нутқи ҳатто табрик-олқишларга сазовор бўлса, мамлакат учун нақадар фожиа! Бундай кунгилсиз воқеалар бизларнинг нақадар пастга уриб юборилганимиздан гувоҳлик берали, холос.

Анжуманда ирод қилганим биттаю битта жумла мен учун катта аҳамиятга эга эди. Мен анжуманнинг узини ҳам, қўллаб-қувватлаган резолюцияни ҳам унутолмас эдим. Деҳлида туришим ўлароқ мен яна бир ишни қилишим — вице-қиролга хат ёзишим керак эди. Бу мен учун ҳазилакам нарса эмасди. Ҳукумат ва халқ манфаатлари учун анжуманда қандай ва нима учун иштирок этганимни тушунтиришим ва халқ ҳукуматдан нимани кутаётганини аниқ баён этишим кераклигини тушуниб турардим.

Хатда анжуманда Локманйя Тилак ва ака-ука Алилардек раҳнамолар йўқлигидан афсус-надоматларимни ифода эт-

гандим, сунг халқнинг энг кичик сиёсий талабларини, шунингдек уруш вақтида юзага келган вазият муносабати билан мусулмонларнинг талабларини баён этгандим. Мен бу хатни чоп этишга рухсат беришларини сурадим. Вице-қирол мамнуният билан рози булди.

Анжумандан кейин вице-қирол дарров Симлага жунаб кетганди. Хатни уша ёққа юбориш керак эди. Мен учун бу хат катта аҳамият касб этарди, уни почтадан жунатиш ишни чузиб юбориши тайин эди. Мен вақтдан ютмоқчи булдим ва айни дамда дуч келган йуловчи нақлиётдан фойдаланишни истамасдим. Ушбу хатни вице-қирол қароргоҳига етказадиган ва уни шахсан қулига топширадиган қалби соф бир одам керак эди. Динбандху Эндрюс ва патрон Рудр менга Кембриж мубашширлигидан пастор Айрлендни тавсия этишди. У бир шарт билан хатни олиб бориб беришга рози булди, яъни хатни ўзи ўқиб чиқишига рухсат беришсин ва хат унга ҳаққоний булиб куринсин. Мен қаршилиқ курсатмадим, чунки хат шахсий маъно касб этмасди. У хатни ўқиб чиқди, хат унга ёқди ва у олиб бориб беришга рози булди. Мен унга иккинчи классга пул таклиф қилдим, аммо у кўнмади, чунки умумий вагонда сафар қилишга одатланган экан. Гарчи тун буйи йўл юриш керак бўлса ҳам, у ўзи айтганидай қилди. Унинг оддийлиги, кўнгли туғрилиги ва очиқлиги мени мафтун қилди. Соф қалбли одам олиб бориб берган хат ҳам, уйлашимча, кутилган натижаларни олиб келди. Хат мени хотиржам қилди ва бундан кейинги йўлимни равшанлаштирди.

Мана ўша вице-қиролга ёзган хатим:

“Сизга маълумки, узоқ мулоҳазалардан кейин 26 апрелдаги хатимда баён этилган сабаблар буйича анжуман ишида қатнаша олмаслигимни Сиз Жаноби олийларига хабар қилишга мажбур булган эдим. Сизнинг қабулингизда булиш шарафига эга булганимдан кейин лоақал Сизга нисбатан чуқур ҳурматим туфайли унда иштирок этишга қарор қилдим. Анжуманда иштирок этишдан бош тортганимнинг биргина ва, айтиш мумкинки, асосий сабаби жамоатчилик фикрининг энг бообру раҳбарларидан деб ҳисоблаб келганим Локманя Тилак, м-с Безант ва ака-ука Алилар анжуманга таклиф этилмадилар. Мен буни ҳамон энг қупол хато деб ҳисоблайман ва Сизга азбаройи ҳурматим юзасидан уйлайманки, бундан кейин чақириладиган провинциал анжуман-

ларда узларининг маслаҳатлари билан ҳукуматга ҳамкорлик қилишлари учун шу раҳнамоларни таклиф этиб ушбу хатони тузатиш мумкин. Шунини таъкидлашга журъат этаманки, гарчи уларнинг дунёқарашлари мутлақо бошқача булса-да, айна ҳолда кенг халқ оммасини намоён этадиган бундай раҳнамоларни ҳеч бир ҳукумат менсимаслиги мумкин эмас. Шу билан бирга анжуман ҳайъатларида барча фирқалар уз қарашларини бемалол ифода этиш имкониятига эга булдилар деб айта олишимдан хурсандман. Менга келсак, анжуманнинг узида булгани каби аъзоси бўлиш шарафига эга булганим ҳайъат мажлисларида сўзга чиқишдан билиб туриб узимни тийдим. Яхшиси анжуманнинг муваффақиятига тегишли резолюцияларни қўллаб-қувватлаш билангина ҳамкорлик курсата оламан деб ҳисоблардим ва ҳеч бир гап-сўзсиз шундай қилдим ҳам. Ҳукумат таклифларни амалга ошириш имкониятини топгани ҳамон мен ирод қилган сўзларни кўп ўтмай амалга оширишга умид қиламан, таклифларни алоҳида хатга илова қилмоқдаман.

Қарор қилинганидек, хатарли соатда худди денгиз ортидаги доминионлари каби шерикларига айланишимиз кутилаётган империяга чин юракдан сўзсиз ёрдам курсатишимиз керак деб ҳисоблайман. Мутлақо равшанки, бу тайёрлик мақсадимизнинг яқин келажакда рўёбга чиқишига умидворликдан келиб чиққан. Шу боис ҳеч бўлмаганда бурчни адо этиш ўз-ўзидан тегишли ҳуқуқ беради, шу нутқингизда гапирган ислоҳот Конгресс ва Лига дастурларининг асосий умумий тамойилларини ўзида мужассам этади деб ишонишга халқнинг тула ҳаққи бор. Айнан мана шу ишонч анжуманнинг кўплаб иштирокчиларига ҳукуматга ўзларининг астойдил ҳамкорликларини таклиф этиш имконини беришига шубҳа қилмайман.

Борди-ю, мен ватандошларимни орқага қайтишга мажбур қилолганимда эди, токи уруш борар экан, уларни Конгресснинг барча резолюцияларини олиб ташлашга ва қулоқларига “уз-узини бошқариш” ёки “масъул ҳукумат” деб шипшитмасликка ундаган бўлардим. Империя учун нозик бир пайтда мен Ҳиндистонни ўзининг ҳарбий хизматга яроқли барча ўғлонларини қурбон қилдиришга мажбур этган бўлардим. Ана шундай иши туфайли Ҳиндистон империянинг энг суюкли аъзоси бўлиб қолар ва ирқий тафовутлар

утмишга чекинар эди деб ишонаман. Аммо Ҳиндистон зиё-лиси анча суст йулдан боришга қарор қилди ва у оилага ҳеч қандай таъсир утказмаяпти дейиш мумкин эмас. Жанубий Африкадан Ҳиндистонга қайтиб келгач, мен ҳинд деҳқонлари билан жуда мустақкам алоқа урнатдим ва Сизни ишонтириб айта оламанки, ўз-ўзини бошқаришга эришиш хоҳиши уларнинг қалбида чуқур илдиз отган. Мен Конгресснинг сунгги сессиясида бўлдим ва Британия Ҳиндистонига парламент қонуний ҳукумат билан узил-кесил белгилаган даврга масъул ҳукуматни бутунлай тақдим этиш туғрисидаги резолюция учун овоз бердим. Эҳтимол, бу дадил қадамдир, аммо ҳинд халқи энг қисқа муддатлар ичида ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини олишига кафолат билангина қаноат ҳосил қилишига аминман. Биламан, Ҳиндистонда кўплар бу мақсадга етишиш учун ҳар қандай қурбон берса арзийди деб ҳисоблайдилар. Ичида туриб ўзларининг узил-кесил мақомларига эга бўлишни истаган ва умид қилган империяни деб ўзларини қурбон қилишлари кераклигини англаб етиш учун ҳиндларнинг фаросати бемалол етади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, империяни хатардан сақлаш ишига ўзимизни жим ва жўнгина бахшида қилиб, биз мақсад томон ҳаракатимизни янада жадаллаштирган бўламиз. Бу оддий ҳақиқатни эътироф қилмаслик ўз жонига қасд қилган билан барабардир. Биз шуни англашимиз керакки, империяни сақлаб қолиш ишига хизмат қилиб, ўзимизни ўз-ўзини бошқариш билан таъминлаймиз.

Шу боис менга мутлақо равшанки, империяни ҳимоя қилиш учун биз барча яроқли одамларни беришимиз керак. Бироқ худди шу гапни молиявий ёрдамга нисбатан айтишдан қурқаман. Деҳқонлар билан очиқчасига қилган суҳбатларимиздан амин бўлдимки, Ҳиндистон империя хазинасига имконидан кўпроқ нарсани аллақачон берди. Бу гапни айтар эканман, мен ватандошларимнинг кўпчилиги фикрини ифода этган бўламан.

Мен ва, ишонаманки, кўпчилик учун анжуман ҳаёти-мизни умумий ишга бағишлаш йўлида муайян қадамни англа-тади, аммо аҳволимиз бошқача. Ҳозирги вақтда биз империянинг тенг ҳуқуқли аъзолари эмасмиз. Биз яхши келажакка умид қилишга асосланган ҳолда ўзимизни унга бағишлаймиз. Бу қандай умид эканини аниқ ва софдиллик

билан айтмаслик сизга ва мамлакатимизга нисбатан носамимийлик булур эди. Уни амалга ошириш учун мен ҳеч қанақа шарт қўймайман, аммо умидни йўқотиш ҳафсала пир булишини англатишини сиз тушунмогингиз керак.

Мен индамай утишни истамаган яна бир гап бор. Сиз бизни ички низоларни унутишга чақирган эдингиз. Агар бу мурожаат амалдорларнинг зулм-тааддилари ва суиистеъмолликларига нисбатан лоқайд булишимизни кузда тутадиган булса, бу ерда мен ожизман. Бор кучим билан мен уюштирилган зулм-тааддига қаршилик курсатаман. Амалдорларни ҳеч ким билан ёмон муомала қилмасликка, жамоатчилик фикрига қулоқ солишга ва уни ҳар доимгидан ҳам кучлироқ ҳурмат қилишга чақириб лозим. Чампаранда уз қаршилик курсатиш ҳаракатим билан шуни исботладимки, Британия ҳокимияти ҳам абадий эмас. Кҳедада ҳукуматни сукиб юрган деҳқонлар эндиликда ҳаққоният йўлида азоб чекишга тайёр булганда ҳукумат эмас, улар куч эканини тушунадилар. Ҳукумат халқ учун ҳукумат булиши керак деб узига айтар экан, аҳоли адолатсизлик руй берган жойда уюшган ва муътабар буйсунмасликка йул қуяди. Шу боис менинг Чампаран ва Кҳедадаги фаолиятим — бу менинг урушга қушган бевосита, муайян ва алоҳида ҳиссамдир. Бу йуналишдаги фаолиятимни тухтатишни сураш ҳаётимни тухтатишни сураш билан баравар. Қупол куч урнига агар мен руҳий кучимдан фойдаланишни оммалаштира олганимда эди (у муҳаббат кучидан узга ҳеч нима эмасди), биламан, бу бутун дунёга ошкора буйсунмасликни намойиш эта оладиган Ҳиндистонни сизга инъом қилиб юборган булардим. Шу боис мен ҳаётимизни изтиробнинг абадий қонуни ифодаси булиб қолиши учун муттасил ҳаракат қиламан, истаганлар эса, майли, мендан уртак олишлари мумкин. Мен қандай фаолият билан шуғулланган булмайин, шу қонуннинг беқиёс афзаллигини курсатиш унинг учун асосий туртки булади.

Ниҳоят, шуни хоҳлардимки, сиз Онҳазратнинг вазирларидан мусулмон давлатларига нисбатан қаттиқ кафолат беришларини сурасангиз. Ҳар бир мусулмон одами бундан нечоғли чуқур манфаатдор эканини билишингизга аминман. Гарчанд мен ҳинду булсам-да, уларнинг ишига бефарқ қараб туролмайман. Уларнинг дарду аламлари бизнинг дарду аламларимиз булиши керак. Империя хавфсизлиги илди-

зи шу давлатларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳалол ҳурмат қилишга ва мусулмонларнинг уз муқаддас жойларига булган ихлосига, шунингдек Ҳиндистоннинг талабларини — унга уз-узини бошқариш ҳуқуқини тақдим этиш талабларини уз вақтида ва адолатли қондиришга бориб тақалади. Менинг бу туғрида ёзаётганим сабаби шундаки, инглиз халқини севаман ва ҳар бир ҳинд юрагида инглизларга нисбатан хайрихоҳлик туйғусини уйғотишни истаيمان”.

Менинг иккинчи мажбуриятим рекрутларни сафарбар этиш эди. Кҳедадан бошқа қаерда мен бу ишни бошлай олардим ва дастлабки рекрутлар сифатида уз ходимларимдан бошқа кимни чақирардим? Надиадга келган заҳотим Валлабҳай ва бошқа дўстларим билан кенгаш утказдим. Улардан бир қанчалари таклифимни жуда қийинчилик билан қабул қилдилар. Ёқтирган одамлар сафарбарликнинг муваффақият қозонишига шубҳа билан қарар эдилар. Мурожаат қилиш ниятида бўлганим ҳукумат ва аҳоли тоифалари уртасида узаро хайрихоҳлик йўқ эди; ҳукумат амалдорларидан чеккан жабру ситамлар одамлар хотирасидан асло ўчгани йўқ эди.

Барибир ҳам дўстлар ишни бошлаб юбориш учун овоз бердилар. Бироқ ишни бошлашга келганда кузим мошдай очилди. Ҳаётбахш туйғуларим қаттиқ зарба еди. Кампания вақтида улпон тулашдан қочиш учун аҳоли бизга жон-жон деб ва беғараз аравалар олиб келиб берарди, битта кунгилли керак булган жойда иккитаси тайёр турарди. Энди эса аравани ҳатто пулга топиб булмасди, кунгиллилар туғрисида ку, гапирмаса ҳам булади. Бироқ аравалар булмаган пайтда хафа булмасдик, гоҳо бир кунда йигирма мил масофани яёв босиб утардик. Озиқ-овқат олиш масаласи бундан ҳам қийин эди. Озиқ-овқат маҳсулотларини тилаб олиш ноқулай эди ва биз ҳар ким озуқасини халтасида ўзи олиб юришга қарор қилдик. Ёз ойлари эди ва шу боис чодир ва кўрпа-тушакка эҳтиёж йўқ эди.

Бизлар қаерга бормайлик, митинг бошланарди. Одам кўп келарди-ю, рекрутликка битта-иккитагина олинарди.

— Аҳимса издошлари була туриб, қурол ол деб қандай айта оласизлар?

— Ҳукумат бизнинг ҳамкорлигимизга яраша Ҳиндистон учун қанақа яхшилик қилиб қўйибди?

Бундай саволларни ҳар қадамда беришарли.

Охири бизнинг қаттиқ турганимиз энгиб чиқди. Сафарбар қилинганларнинг узун руйхати қулимизда, кунгиллилар оқими мунтазам булишига шубҳа қилмасдим. Мен рекрутларни жойлаштириш борасида комиссар билан музокаралар бошлаб юбордим.

Барча округларнинг комиссарлари Деҳлидан урناк олиб узларида ҳарбий анжуманлар чақирдилар. Гужаротдаги ана шундай анжуманлардан бирига мен билан сафдошларимни ҳам таклиф қилишди. Биз келдик, бироқ бу жой Деҳлига қараганда унчалик бопта эмаслигимни англадим. Хушомадгўйликнинг бу муҳитида узимни ёмон ҳис қилдим. Анжуманда амалдорлар учун анча ёқимсиз нарсалар туғрисида гапиришимга туғри келди.

Мен рекрутга ёзилиш учун аҳолига даъват варақалари чиқардим. Фикрларимдан биттаси комиссарга айниқса малол келди:

“Тарих Ҳиндистонда Британия ҳукмронлигининг барча ёвузликлари ичида халқни қурол олиш ҳуқуқидан маҳрум этувчи қонунни энг оғир қонун деб ҳисоблайди. Агар бу қонуннинг бекор қилинишини ҳамда қуролни тасарруф этишни урганишни истасак, биз ажойиб имкониятга эга буламиз. Агар аҳолининг ўрта табақаси оғир соатда ҳукуматга ихтиёрий тарзда ёрдам курсатса, унинг ишончсизлиги барҳам ейди ва қурол олиб юриш монелиги бекор қилинади”. Комиссар орамизда мавжуд келишмовчиликка қарамай, анжуманда менинг бўлишимни қадрлашини айтди. Менинг эса уз нуқтаи назаримни ҳоятда назокатли ибораларда ҳимоя қилишдан бошқа чорам қолмаганди.

АЖАЛ БУСАФАСИДА

Сафарбарлик кампанияси вақтида мен деярли бутунлай соғлигимни ишдан чиқарган эдим. Асосан ерёнгоқ мойи ва лиму билан озиқланардим. Мойни куп миқдорда истеъмол қилиш зарарли эканини билардим, шундай булса ҳам узимни тиёлмасдим ва энгил ичкетар бўлиб қолдим, бироқ касалимга анчайин бепарво бўлдим, охири кечқурун ҳар замонда бориб турадиган ашрамга кетдим. Ўша вақтларда қарийб дори ичмасдим, бир гал нонушта қилмасам, узимга келиб қоламан деб уйладим. Дарҳақиқат, бу бироз ёрдам берди ҳам.

Бироқ бутунлаи соғайиб кетишим учун рўзани давом этдириш ва мева шарбатларидан бошқа ҳеч қанақа овқат истеъмол қилмаслик кераклигини билардим.

Байрам куни эди, гарчанд Кастурбайга тушликка ҳеч нима емайман деб қуйган булсам-да, у авровчи вазифасини адо этган ва мен лаққа тушган эдим. Гарчанд сут ичмасликка ва сут маҳсулотлари емасликка онт ичган булсам-да, у гҳига эмас¹, усимлик мойига мен учун махсус ширин буғдой бутқаси тайёрлаганди, шунингдек бир коса мунга ҳам олиб қуйганди. Булар барини жуда яхши кўрардим ва озгина есам ҳеч нарса қилмайди дея бир чеккадан тушира кетдим. Бир чети хотинимни хафа қилгим келмаган булса, бир чети нафсим ҳакалак отиб кетаётганди. Бироқ шайтони лаин узи худди шунақа бехосиятликини пойлаб юради-да! Озгина ейман деган одам ҳаммасини пок-покиза туширсамми! Энди тепамга шайтон кетиб, азроил келди десам, сира ажабланманг. Бир соатдан кейин нақ жоним суғурилиб чиққудек бўлиб, ичим бураб оғрий кетди.

Уша куни кечқурун Надиядга қайтиб кетишим керак эди. Мен уйимиздан бир-икки мил нарида жойлашган Сабармати станциясигача базур етиб олдим. Аҳмадободда менга қўшилиб олган оқловчи Валлабхай қарасаки, мазам йўқ. Аммо мен чидаб булмас оғриқни унга билдирмасликка ҳаракат қилардим.

Биз Надиядга тахминан ўнда етиб келдик. Қароргоҳимиз жойлашган ҳинду анатҳашрами станциядан атиги ярим милча нарида эди, аммо бу ярим мил менга ўн милдан ҳам узоқ туюлиб кетди. Қароргоҳгача бир амаллаб етиб олдим. Қорним баттар бураб оғрирди. Уйдан сал нарида жойлашган одатдаги ҳожатхонадан фойдаланиш урнига мен даҳлизга идиш қўйиб қўйишни илтимос қилдим. Бу ҳақда сўраш уят булса-да, бошқа иложим йўқ эди. Оқловчи Пхулчанд уша заҳоти идиш топиб келди. Қаттиқ ташвишга тушиб қолган дўстларим мени қуршаб олишганди. Улар ёрдам беришга ҳарчанд уринишмасин, бироқ оғриқни босолмаётган эдилар. Менинг ўжарлигим улар учун дард устига чипқон бўлаётганди. Мен ҳеч қанақанги тиббий ёрдамни писанд этмас, дори ичишни истамасдим, аҳмоқлигим жазоси деб азоб чекишни афзал билмоқда эдим. Улар аллақачон мени кузатиб

¹ Гҳи — сариёғ.

туришган экан. Ошқозоним бир кеча-кундузда уттиз-қирқ мартадан ҳаракаг қилаётган булса керагов. Мен ҳеч қанақа овқат емадим, бошда эса ҳатто мева шарбати ҳам ичмадим. Иштаҳа бутунлай улган. Мен ҳар доим соғлиғим темирдан деб юрардим, бироқ ҳозир баданим ғовак харсангга ухшаб қолганди. Вужудим ҳеч нарсага қаршилиқ курсатолмайдиган бўлиб қолганди. Д-р Кануга келди ва дори ичишимни илтимос қилди — мен рад этдим. Шунда у терим остидан укол қилишни таклиф этди, аммо бунга ҳам рози булмадим. Уша вақтда укол борасидаги менинг жаҳолагим гирт масхарабозлик эди. Тери остига укол қилиш — бу қандайдир сариқ сув олиш булса керак деб уйлардим. Кейинроқ билсам, доктор менга усимлик таркиби киритмоқчи булган экан, лекин буни жуда кеч билдим. Ичкетар мени бутунлай одамгарчиликдан чиқариб қўйганди. Безгак ва алаҳсираш хуружига олди. Янги-янги врачларни чақиравериб, дўстларимнинг энка-тенкаси қуриди узиям. Аммо бемор айтганини бажармаганидан кейин врач додини кимга бориб айтсин?

Надиадга узининг очик чехрали хотини билан шет Амбалаъл келиб қолди. Ишдаги уртоқларим билан маслаҳатлашиб у жуда зур эҳтиёткорлик билан мени узининг Аҳмадободдаги Мирзапур бунгалосига олиб борди. Шу касаллигим вақтида дўстларим менга шунақанги яхши қарашдики, бунчалик муҳаббат ва беғараз эътибор ҳеч қачон ва ҳеч кимнинг чекига тушмаган булса керак. Аммо безгак давом этарди ва мен кундан-кун заифлашиб борардим. Касалим сурункали ва охири вой деб уйладим. Амбалаълнинг уйида мени қуршаб олган муҳаббат ва эътиборга қарамай, асабийлаша бошладим ва ашрамга олиб утишларини талаб қила бошладим. Амбалаъл менинг инжиқлигимни кутаришга мажбур эди.

Дарднинг зуридан тушакда узимни у ёқдан-бу ёққа уриб ётар эканман, оқловчи Валлабҳай менга Германия узилкесил енгилгани ҳақидаги хабарни олиб келди ва комиссарнинг хабар беришича, рекрутларни бундан кейин сафарбар қилиш тўхтатилибди. Йигит олиш ҳақида ортиқ қайғуришга ҳожат қолмаганди ва мен елкамдан тоғ ағдарилгандай узимни енгил ҳис қилдим.

Мен сув муолижасини қилиб кўрдим ва бундан анча енгил тортдим. Аммо қувватга киришим анча қийин булди. Врачлар усти-устига турли маслаҳатлар берар, лекин мен улардан

бирортасига амал қилишни уйламасдим. Икки-учтаси сут урнига гушт шурвасини тавсия қилди. “Аюрведа”дан иқтибослар келтириб, уз маслаҳатимда собит турар эканман, сут ичишдан ҳам парҳез қилган эдим. Яна бир врач тухум енг деб туриб олганди. Бироқ ҳаммасига битта жавоб айтардим — йуқ.

Овқатланиш тугрисидаги масала мен учун муборак шастрлар асосида ҳал этилмасди. Мен уни ҳаётда муттасил амал қилиб келган ва ёт китобларга боғлиқ булмаган тамойиллар билан боғлар эдим. Мен тамойилларимдан воз кечиш эвазига ҳаётимни сақлаб қолмоқчи эмасдим. Ҳар доим хотиним, болаларим ва дўстларимни риоя қилишга мажбур этиб келганим тамойилларга ўзим менсимасдан қарашим мумкинмиди?

Умримдаги бу биринчи узоқ муддатли касал менга ўз тамойилларимни текшириш ва синовдан ўтказиш учун ўзига яраша бир имконият тугдиргандай эди. Бир куни тунда ажал бусағасида турганимни ҳис этиб, мен бутунлай даҳшатга тушдим. Мен Анасуяга хат чиқариб юбордим. У ўша заҳоти ашрамга чошиб келди.

— Томир уриши яхши. Ҳеч қандай хатарни курмаяпман. Бу кучли заифликдан келиб чиққан асабий зуриқиш, — деди доктор томиримни пайпаслаб.

Бироқ мен тинчлана олмаётган эдим ва тун бўйи мижжа қоқмадим.

Тонг отди, мен эса ҳамон тирик эдим. Куним битган деган сезги вужудимни қамраб олган бир ҳолда мен уйғоқ соатларимда ашрамдагиларни “Гита”ни ўқишга мажбур қилардим. Ўзим ўқийдиган аҳволда эмас эдим. Биров билан гаплашиш ёқмасди. Ҳатто икки оғиз суҳбат ҳам асабимни таранглаштириб юборарди. Яшашга зиғирча ҳавасим қолмаганди, чунки мен ҳеч қачон ҳаётнинг узини деб яшай олмасдим. Ўзингни ожиз ҳис этиб, ҳеч нарса қилмай, дўсту ёрларнинг кумагига зор булиб ва жисмининг аста-секин ўчиб бораётганини кузатиб яшаш қандай азоб!

Шу тариқа мен ажалимни кутиб ётардим. Бироқ бир Худо ярлақан куни олдимга ғоят ажибу ғариб сиёқли бир одамни эргаштириб д-р Тасвалкар келиб қолди. Бу одам асли маҳораштрлик экан. У катта ном қозонмаган эди, бироқ унга кўзим тушди-ю, у ҳам менга ухшаган феълдор одам эканини англадим. У узининг муолажа услубини менда си-наб курмоқчи булиб келган экан. У “Гранд медицинал кол-

леж”да деярли тулиқ маълумот олган, аммо диплом олманган экан. Доктор Кекар, унинг исми шунақа эди, мустақил ва уjar одам эди. У муз муолажасининг таъсирчанлигига ишонар ва уни менда синаб кўрмоқчи эди. У малакали врачларнинг қулидан келмайдиган кашфиёт қилганига қаттиқ ишонарди. Мен ва у — иккаламиз барабар афсус-надомат ила эътироф этмай иложимиз йўқки, у мени узининг янги тизимига маҳлиё этолмади. Гарчанд мен унинг таъсирчанлигига бир қадар ишонсам-да, у айрим хулосаларда бироз шошма-шошарликка йул қўймаганмикан деб қўрқаман.

Унинг кашфиёти қанақа бўлишидан қатъи назар, мен узимда синаб куришларига изн бердим. Мен ташқи муолажага қарши эмасдим. У шундан иборат эдики, аъзои баданга муз парчалари қалаб чиқилади. Муолижа фойдали таъсир қилди деган гапга қўшилолмайман, аммо у барибир менда янги умид пайдо қилди, қувватга кирдим, зеҳн эса, табиийки, жисмга таъсир этди: иштаҳам очилди ва мен беш-ўн дақиқадан сайр қила бошладим. Шунда, у менга парҳезни узгартиришимни таклиф қилди.

— Гапимга ишонинг, агар хом тухум ичиб турсангиз, яна ҳам қувватга кирасиз ва кучингизни тезроқ тиклаб оласиз. Худди сут сингари тухум ҳам безарар. Ахир бу гуштли овқат эмас-ку. Ҳамма тухум ҳам уруғли эмаслиги узимизга аён-ку. Сотувда ҳатто уруғсизлантирилган тухумлар ҳам бор.

Бироқ мен ҳатто уруғсизлантирилган тухум ҳам емоқчи эмас эдим. Мен яна ижтимоий фаолиятга қизиқадиغان бўлиш даражасида ўзимга келиб олган эдим.

РОУЛЕТНИНГ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ВА МЕНИНГ ДИЛЕММАМ

Врачлар ва дўст-ёрларим жойнинг узгариши кучимни тез тиклашини айтишди. Мен Матеранга кетдим. Матераннинг суви жуда қаттиқ (шур) экан ва у ерга келиб мен дузаҳ азобида қолдим. Ичкетардан кейин ичак йўлим шундай сезгир бўлиб қолгандики, орқа тешикдаги ёриқлар дастидан ичим бушанаётганда қаттиқ оғриқ ҳис қилардим, шу боис овқатни уйлашнинг узидан юрагим тарс ёрилгудек буларди. Бир ҳафта ўтдими-йўқми, Матерандан қочишим кераклигини ҳис этдим. Соғлиғимга ғамхўрлик қилишни узига олган Шанкарлаъл Банкер менга д-р Далал билан маслаҳатла-

шиб куринг деди. Биз д-р Далални таклиф этдик. Унинг яшин тезлигида бир тухтамга келиши менга ёқди.

— Агар сиз сут ичсангиз, соғлигингизни тиклашга киришаман, — деди у. Бундан ташқари, кучала ва темир укол-лига рози булмасангиз, булмайди. Шунда аъзойи баданингизни онадан қайта туққандай қилиб бераман.

— Менга укол қилишингиз мумкин, — жавоб бердим, — аммо сут — бошқа масала. Мен сут ичмасликка қасамёд қилганман.

— Қанақа қасамёд қилгансиз? — сўради доктор.

Мен унга ҳамма гапни гапириб бердим ва бундай қасамёд ичишимга туртки булган сабаблар ҳақида маълумот бердим. Сигир ва ҳукизларнинг пхункага¹ гирифтор этилганларини билганимдан буён менда сутга нисбатан кучли наф-рат пайдо булганини айтдим. Бунинг устига, мен ҳар доим сут инсон учун табиий озуқа ҳисобланмайди деб ҳисоблар эдим. Шу боис сутдан қаттиқ кўнглим қолган. Тушагим ёнида турган Кастурбай ҳамма гапни эшитиб турарди.

— Унда сигир сути эмас, эчки сути ичиб қўя қолинг-да, — деб сўз қотди у.

Доктор шу гапни маҳкам ушлаб олди.

— Агар эчки сути ичишга рози булсангиз, шунинг узи етарли, — деди у.

Мен таслим булдим. Сатйаграҳда бевосита иштирок этишга булган зўр хоҳиш ҳаётга ташналик пайдо қилди ва шу боис қасамимнинг моҳиятини қурбон қилиб, унга расман мойиллигим билан қаноатланиб қўя қолдим. Сут ичмасликка онт ичганимда фақат қорамол сутини назарда тутган эдим, аммо менинг онтим, табиийки, бошқа жониворларнинг сутига ҳам тааллуқли эди. Бироқ буларнинг барига қарамай, мен эчки сути ича бошладим. Ҳаётга ташналик ҳақиқатга муҳаббатдан кучлироқ экан ва ҳақиқат шайдоси сатйаграҳда иштирок этиш хоҳиши туфайли уз гоясини узгартирган эди. Шуларни эсласам, ҳали-ҳануз виждоним қийналади. Эчки сутидан қандай халос булсам экан деган хаёл сира миямдан кетмайди. Аммо уз ҳаётимнинг лаззатининг узи — одамларга хизмат қилиш туйғусидан сира халос булолмайман.

¹ Пхунка — қорамол касаллиги (изоҳлар таржимонники).

Овқатланиш соҳасидаги тажрибаларим менга аҳимсадаги изланишларимнинг бир қисми каби қадрлидир. Улар менга қувонч ва куч бағишлайди. Аммо ҳозирги вақтда эчки сути ичиб юришим овқатда аҳимсага риоя қилиш нуқтаи назаридан купроқ ташвишга соларди, чунки бу қасамни бузиш эди. Мен аҳимса гојасидан кура ҳақиқат гојасини яхшироқ тушунадигандек эдим, тажрибам шуни қулоғимга қуяр эдики, агар ҳақиқатга қарши боришга журъат этсам, мен ҳеч қачон аҳимса жумбоғини еча олмайман. Ҳақиқатнинг олий гојаси қасамёднинг моҳиятига ҳам, сузига ҳам риоя қилишимни талаб этарди. Айни ҳолда мен моҳият — қасамёднинг жонини унинг фақат ташқи қуринишига риоя қилишим билан улдирган эдим ва бу мени ташвишга солгани-солган эди. Аммо бунини ёрқин тушунган ҳолда мен туғри йулни танлай олмас эдим. Бошқача айтганда, туғри йулдан боришим учун, эҳтимол, менда матонат етишмаётганди. Уз асос-негизда бу битта нарсанинг узидир, зеро шубҳа ишонч-иймоннинг йўқлиги ёки заифлигининг муқаррар натижасидир. Шу боис мен кечаси ҳам, кундузи ҳам Худо-дан менга иймон беришини илтижо қиламан.

Эчки сути ичишни ташлаганимдан кейин куп утмай д-р Далал орқа тешигимни муваффақиятли операция қилди. Операциядан кейин тузалиб кетгач, яшаш хоҳишим дучандон авж олди, асосан шунинг учунки, Худо менга янги ишни тайёрлаб қуйганди.

Бутунлай тузалиб кетишимга улгурмасимдан рўзнамаларда тасодифан Роулэтт ҳайъатининг янги эълон қилинган ҳисоботини уқиб қолдим. Шанкарлаъл Банкер ва Умар Субоний менга бетухтов ҳаракатни бошлаб юборишни маслаҳат беришди. Тахминан бир ойдан кейин мен Аҳмадободга кетдим. У ерда деярли ҳар куни мени кургани келиб турадиган Валлабҳайга уз фикримни билдирдим.

— Нимадир қилиш керак, — дедим мен унга.

— Бу аҳволда нима ҳам қила олардик? — суради у.

— Норозилик хатига имзо чекишга рози буладиган локал бир ҳовучгина одам топиш керак ва борди-ю, шу норозиликка қарши таклиф этилган тадбир қонун кучига кирса, биз ўша заҳоти сатйаграҳни бошлаб юборамиз, — жавоб бердим мен. — Агар ўзимни яхшироқ ҳис қилганимда, бу қонунга қарши курашни бир ўзим бошлаб юборган булар

эдим, бошқалар ортимдан эргашишига умид боғлаб, албатта. Лекин ҳозирги аҳволимда бу вазифа менга огирлик қилади.

Бу суҳбат натижасида менга яқин булган шахсларни кичикроқ кенгашга чақиришга қарор қилинди. Роулэтт ҳайъатининг таклифлари у эълон қилган ҳисобот мазмунига мос эмасдек бўлиб кўринди ва узини ҳурмат қилган ҳеч бир халқ уларни қабул қила олмайдиган тус касб этарди.

Кенгашга ашрамда йиғилдик. Йигирмага яқин одам таклиф этилганди. Келганлар орасида Валлабҳайдан ташқари, Миллимасам, шримати Сарожини Найду, м-р Гурниман, ҳозирда марҳум м-р Умар Субоний, оқловчи Шанкарлаъл Банкер ва шримати Анасуя беҳн бор эди. Кенгашда сатйаграҳни бошлаб юборишга қарор қилинди. Қарор тагига, эсимда булса, келганларнинг барчаси имзо чекди. Уша вақтда мен ҳеч қанақа рузнома нашр қилмагандим, аммо баъзи-баъзида матбуотда ўз нуқтаи назаримни баён этиб турардим. Ҳозир ҳам шундай иш тутдим. Шанкарлаъл Банкер жони дили билан ташвиқот ишларига киришиб кетди ва мен унинг ҳайратомуз иш қобилияти ва ташкилотчилик истеъдодига гувоҳ булдим.

Жамоатчилик ташкилотларидан қайси биридир сатйаграҳдек янги қуролдан фойаланишига умид қилмагандим; шу боис менинг зўр беришим билан “Сатйаграҳ сабҳа” ташкил этилган эди. Унинг қароргоҳи Бомбейда жойлашганди, чунки унинг купчилик аъзолари шу ерда истиқомат қилишарди. Бирмунча вақтдан кейин хайрихоҳлар гурас-гурас бўлиб кела бошлашди. Улар сатйаграҳга содиқ бўлиб қолишга онт ичар эдилар. “Сабҳа” бюллетень чиқара бошлади, митинглар уюштирилди, бу купроқ Кҳедадаги кампанияни эслатарди.

Мен “Сатйаграҳ сабҳа”нинг раиси эдим. Аммо куп ўтмай “Сабҳа”га кирувчи зиёлилар вакиллари билан битимга эришимга анча қийинлигини англадим. Мен узимнинг алоҳида иш услубимга ва “Сабҳа”да алоқа тили гужаротий булишига зўр берардим, бу эса уларни аро йулга солиб куйганди ва озмунча ташвиш келтирмаганди. Шунга қарамай, этироф этишим керакки, купчилик менинг ҳунарларим билан фоят очиққунгиллик ила чиқишиб кетар эди.

Бироқ энг бошиданоқ “Сабҳа”нинг умри қисқалиги менга аён эди. Менинг ҳақиқатга булган муҳабатим ва аҳимса

сари интилишим ташкилотнинг куплаб аъзоларига ёқмаганини сезиб турардим. Шундай бўлса-да, дастлабки вақтларда иш рисоладагидай борди ва ҳаракат тез суръатлар билан ривожланаётган эди.

АЖОЙИБ МАНЗАРА

Роулетт ҳайъати ҳисоботига қарши ташвиқот тобора кенг кулоч ёяётган бир вақтда уз томонидан ҳукумат ҳам ҳайъат таклифларини ҳаётга татбиқ этишга қатъий қарор қилганди. Роулетт қонун лойиҳаси чоп этилганди. Ҳиндистон қонунчилиқ палатаси мажлисида умримда бир марта — айни мана шу қонун лойиҳаси муҳокамасида иштирок этгандим. Шастрийжий оташин нутқ сузлаганди, унда ҳукуматни тантанали суратда эҳтиёт бўлишга ундаганди. У уз нотиклиқ санъатини маҳорат билан намоиш этаётганида вице-қирол ундан қузини узмай, маҳлиё бўлиб тинглаб утирди. Нутқ шу қадар самимий ва жонли чиққанди, вице-қирол унинг нутқидан ҳатто ҳаяжонланиб кетди.

Ҳақиқатан ҳам ухлаётган одамни уйғотиш мумкин, аммо у узини ухлаётганга солиб ётган бўлса, уни уйғотиб бўлибсиз. Ҳукумат тахминан шундай нуқтаи назарда эди. У фақат ҳуқуқшунослик хужакурсинлиги томошасини уйнашга ҳаракат қилаётганди. Қарор қабул қилиниб булинган эди. Шу боис Шастрийжийнинг тантанавор эҳтиёткорлиги ҳукуматга чивин чаққанчалиқ ҳам таъсир қилмаганди.

Бундай ҳолатларда менинг нутқим ҳам сахро уртасида туриб қичқирган билан баравар эди. Мен вице-қиролга астойдил мурожаат қилдим. Мен унга хусусий ва очиқ хатлар ёзар, уларда ҳукумат уз хулқ-атвори билан мени сатйаграҳ йулини туттишга мажбур қилаётганини айтар эдим. Бироқ ҳаммаси беҳуда эди.

Янги қонун ҳали эълон қилинмаганди. Мен Мадрасга етиб келгани таклифнома олгандим ва гарчи узимни ҳали ҳолсиз сезиб турган бўлсам-да, ҳайт дея узоқ сафарга отландим. У пайтларда ҳали митингларда нутқ сузлай олмас эдим. Соғлиғимга жуда путур етганди ва узоқ вақт бир жойда тик туриб сузлаганимда вужудим қалтираб, юрагим тез-тез ура бошларди.

Жанубда ҳар доим ўзимни уйдагидай ҳис этардим. Жанубий Африкада ишлаганим шарофати билан телугу ва тамилларга нисбатан қандайдир алоҳида ҳуқуқим бор эди ва жанубнинг бу танти одамлари ҳеч қачон мен уйлагандан бошқача бўлмас эдилар. Таклифнома ҳозирда марҳум оқловчи Кастурий Ранга Айенгар имзоси остида келганди. Бироқ Мадрас йулидаёқ таклифноманинг ташаббускори Рож Гупал Ачарйа эканини билдим. Бу менинг у билан биринчи учрашувим эди деса бўлади. Нима бўлганда ҳам биз шахсан биринчи марта куришиб турардик.

Дўстлар, шу жумладан Кастурий Ранга Айенгар қистови билан Рож Гупал Ачарйа Салемдан ҳозиргина келиб тургани ва ҳуқуқшунослик амалиёти билан шуғулланиш ниятида Мадрасда қўнган эди. У шу ердаги ижтимоий фаолиятда янада фаол иштирок этишга азму қарор қилганди. Мадрасда биз у билан битта бошпана ичида яшардик. Мен буни бир неча кундан кейин билдим. Биз яшаётган бунгало Кастурий Ранга Айенгарга қарашли эди ва аввалига мен узимизни унинг меҳмони деб ўйлагандим. Бироқ Маҳодев Десай менга барини тушунтириб берди. У табиатан ғоят тортинчоқ бўлган, узини доим бошқалардан тортиб юрадиган Рож Гупал Ачарйа билан жуда тез киришиб кетди.

— Сиз шу одамнинг этагидан тутишингиз керак, — деди бир гал Маҳодев менга.

Мен шундай қилдим ҳам. Ҳар куни биз олдинда турган кураш режасини муҳокама қилардик, бироқ ўшанда миямизга митинг ташкил этишдан бошқа ҳеч нарса келмас эди. Бошқа ҳеч қандай дастур йўқ эди. Агар барибир ҳам Роулетт қонун лойиҳаси қонун тусини олса, унга қарши фуқаролик буйсунмаслиги қайси шаклга кириши кераклигини ўзим ҳам билмасдим, мен буни жуда яхши тушунардим. Агар ҳукумат ўз хатти-ҳаракатлари билан муносиб муҳит яратиб берган тақдирдагина ушбу қонунга қарши буйсунмаслик чорасини кўриш мумкин бўлади. Борди-ю, бундай бўлмаса, бошқа қонунларга қарши фуқаро норозилигини намоён этиш ҳуқуқига эга бўламизми? Агар эга булсак, унда қай даражада? Бу ва бошқа куплаб шунга ўхшаш саволлар муҳокамамиз мояси ҳисобланарди.

Кастурий Ранга Айенгар раҳнамоларнинг чоққина кенгашини чақирди. Улар орасида айниқса Вижай Рогҳав Ачарйа ажралиб турар эди. У менга сатйаграҳ буйича чуқур, муфас-

сал қўлланма тузишни топширишни таклиф этди. Мен бунга кучим етмаслигини билардим ва буни ошкора тан олдим.

Бизлар мушоҳада ва баҳс қилар эканмиз, Роулетт қонун лойиҳаси чоп этилди, яъни қонун кучга кирди. Уша куни тунда то уйқуга кетгунча шу масала устида узоқ уйладим. Миямда тусатдан бир гоё пайдо булди. Мен қутлуг курашни уз-узини поклаш ишидан бошлаш керак деб уйлаб қолдим. Ҳиндистоннинг барча аҳолиси бир кунга ишини қўйсин-да, уни тоат-ибодат ва руза кунига айлантирсин. Мусулмонларнинг рузаси кундуздан ортиққа чўзилмайди, шу боис рузани йигирма турт соатгача узайтириш керак. Барча провинцияларда даъватимизга лаббай деб жавоб беришларига ишонин қийин, аммо Бомбей, Мадрас, Биҳор ва Синд учун мен жавоб берман. Ҳатто агар шу провинцияларнинг узи ҳартол¹ утказсалар ҳам ёмон булмайди.

Менинг таклифимдан Рож Гупал Ачарйя донг қотиб қолди. У ҳақда сузлаб бергач, қолган дўстлар ҳам уни олқишладилар. Мен қисқача даъватнома ёзиб бердим. Ҳартол аввалига 1919 йилнинг 30 мартага тайин қилинган эди, кейин эса 6 апрелга кучирилди. Аҳолига ҳартол тўғрисида қисқагина хабар қилинганди. Вақт тифиз булганлиги сабабли бутун аҳолига кенг хабар қилишнинг имконияти йўқ эди.

Булар бари қандай содир булганини ким айта олади? Бутун Ҳиндистон у чеккасидан бу чеккасигача, барча шаҳар ва қишлоқлар — ҳаммаси белгиланган кунда тула ҳартол утказди. Бу ажойиб манзара булган эди!

УНУТИЛМАС ҲАФТА — I

Жанубий Ҳиндистон буйлаб қисқа сафар қилдим-да, янглишмасам, 4 апрелда Бомбейга келдим, бу ерга Шанкарлаъл Бинкар 6 апрель кунини утказишда иштирок этиш учун келишни мендан утиниб сураганди.

Деҳлида ҳартол 30 мартдаёқ бошланганди. У ерда ҳозирда марҳум свамий Шраддх Ананджий ва Ҳаким Ажмал Хон Соҳибнинг айтгани айтган, дегани деган эди. Ҳартолни 6 апрелга кўчиришга доир телеграмма пойтахтга анча кеч келганди. Деҳлида ҳали бунақа ҳартолни куришмаганди. Ҳиндулар ва мусулмонлар ягона оиладек жипслашган эдилар. Свамий

¹ Ҳартол — иш ташлаш.

Шраддх Ананджий нутқ ирод қилгани Жоме Масжидга таклиф этилган ва у буни адо этган эди. Булиб уган воқеалар билан ҳокимият, албатта, чиқиша олмас эди. Полиция темир йул станцияси томон йул олган ҳартол маросими йулини тўсди ва унга қараб ут очди. Улганлар ва яраланганлар булди. Деҳли буйлаб қатағон тулқини ёйилди. Шраддх Ананджий мени уша ёққа чақирди. Мен, 6 апрелда Бомбейда ҳартол утказилгандан сўнг дарҳол етиб бораман, деб жавоб қилдим.

Деҳлидагига ўхшаган воқеалар Лоҳур ва Амритсарда ҳам бўлиб ўтди. Амритсардан д-р Сатйапаъл ва д-р Китчлу у ерга келинг деб утиниб суралган телеграмма юборишди. У пайтда мен уларни мутлақо билмасдим, аммо Амритсарга Деҳлидан кейин бораман деб жавоб бердим.

6 апрель куни эрталаб Бомбей аҳолиси минг-минглаб оломон бўлиб денгизда гусл қилгани Чоупатига йул олди, кейин эса улкан издиҳом бўлиб Тҳокурворга қараб йулида давом этди. Издиҳомда болалар ва хотин-қизлар бор эди. Мусулмонлар ҳам қатта-қатта тудалар бўлиб уларга қўшиларди. Тҳокурвардан мусулмонлар бизни масжидга таклиф қилишди ва м-с Найду ва мени нутқ қилишга кўндиришди. Оқловчи Витҳалдос Жеражний шу ернинг ўзида халқни свадеший¹ ва ҳинду-мусулмон бирлигига қасамёд эттиришимизни талаб қилди, аммо мен бундай қасамёдлар шошма-шошарликда қилинмайди, деб қарши чиқдим. Халқ ҳозирги чиқишидан биз қаноат ҳосил қилишимиз керак. Борди-ю, қасам ичилса, уни бузиб бўлмайди. Шу боис ҳамма свадеший ҳақидаги қасамёднинг аҳамиятини тузуккина тушуниб олиши учун ҳинду-мусулмон бирлиги ҳақидаги қасамёддан келиб чиқувчи улкан масъулиятни тула ҳисобга олмоғи зарур. Шундай қасамёд қилмоқчи бўлганларни эртасига эрталаб тупланишларини таклиф этдим.

Бомбейдаги ҳартол муваффақият қозонди деб айтиш мумкинми? Фуқаролик бўйсунмаслиги кампаниясини тайёрлар эканмиз, икки-учта масалани муҳокама қилдик. Фуқаролик бўйсунмаслиги омманинг ўзи бузишга мойил бўлган қонунларгагина даҳл қилиши керак. Масалан, туз солиғи олий даражада оммабоп бўлмади ва яқингинада уни бекор қилиш ҳаракати бўлиб ўтди. Мен таклиф қилдимки, туз як-каҳокимлиги ҳақидаги қонунни писанд қилмаган ҳолда аҳоли қўлбола усул билан денгиз сувидан тузни ўзи буғ-

лантириб юборди. Менинг иккинчи таклифим тақиқланган адабиётни сотишга тааллуқли эди. Бунинг учун менинг яқинда тақиқланган “Хинд свараж” ва “Сарводайя” (Раскиннинг “Биринчи булган охиргига” китобининг гуजारотийга эркин таржимаси) китобларим қўл келар эди. Нашр этиб, очиқчасига сотиш фуқаролик буйсунмаслигининг энг оддий куруниши эди. Улар етарли миқдорда нашр этилиб, ва ҳартол тугагандан кейин 6 апрель кечқурун улкан митингда сотиш учун шайлаб қўйилди.

6 апрель кечқурун кунгиллилларнинг бутун бир қўшини тақиқланган китобларни сотиб олишга тушиб кетди. Шу сабабли шримати Сарожини Деви ва мен автомобилда кетдик. Китоблар тезда сотиб булинганди. Тушган пулларни фуқаролик буйсунмаслиги кампаниясини қўлаб-қувватлашга бериш кўзда тутилганди. Биронта ҳам одам китобни белгиланган турт аннага сотиб олмаганди: ҳар ким купроқ тулаганди, чўнтаклараридаги бор пулни чиқариб берганлар ҳам булган. Ёппасига беш ва ўн рупиядан бермоқда эдилар, бир нусхасини эса мен ўзим нақд эллик рупияга сотдим! Биз муштарийларни тақиқланган китобларни олганингиз учун ҳибсга олишлари ва қамашлари мумкин деб огоҳлантирган эдик. Аммо ўша аснода одамлар қамоқдан қурқиб нималигини билмасдилар.

Бироқ кейин билсак, ҳукумат тақиқланган китоблар аслида сотилмаган деб ҳисоблашга қарор қилибди, биз сотган китоблар эса тақиқланган адабиёт сирасига кирмас экан. Қайта босиб чиқаришни ҳукумат тақиқланган китобларни қайта нашр этиш деб, янги нашрни сотиш эса қонунбузарлик деб ҳисобланаркан. Бу хабар ёппасига ҳамманинг ҳафсаласини пир қилди.

Эртасига эрталаб свадеший ва ҳинду-мусулмон бирлиги тугрисида резоляцияни қабул қилиш учун митинг уюштирдик. Шу ерда Витҳалдос Жеражний ҳар қандай ялтираган нарса олтин булавермаслигини англаб етди. Митингга бир ҳовучгина одам келди. Бу йиғилишга бир нечта хотин-қиз келганини аниқ эслайман. Эркаклар ҳам бармоқ билан санарли эди. Менда резолюциянинг олдиндан тузилган лойиҳаси бор эди. Уни ўқишдан олдин бу резолюциянинг аҳамиятини батафсил тушунтириб бердим. Келганларнинг камчилиги мени

¹ *Свадеший* — миллийлик, миллий.

хафа ҳам қилгани, таажжубга солгани ҳам йуқ. Мен одамларнинг жиддий фаолиятга иштиёқию тинч ишчан саъй-ҳаракатларга нафратини анчадан бери пайқаб келардим.

Аммо бунга алоҳида бобни бағишлайман. Энди ҳикоямни давом этдираман. 7 апрелга утар кечаси мен Деҳли ва Амритсарга жунаб кетдим. 8 апрель куни Магҳурага кетганимда мендан илгарироқ ҳибсга олинишим туғрисидаги хабар келган экан. Магҳурадан кейинги навбатдаги станцияда мени кутиб олган Ачарийа Жидваний менга очиқ-ойдин қилиб мен ҳибсга олинишимни айтди, шу боис у хизмат резолюциямни суради. Зарур булган ҳолда, бу хизматимдан албатта фойдаланаман, деб ваъда бердим миннатдорчилик билан.

Менинг Панжоб провинциясига келишим у ерда тартибсизликлар келтириб чиқариши мумкинлигига асосланиб бу ерга келишим ман этилгани туғрисидаги буйруқни қўлимга тутқизганларида поезд Палвал станцияси томон елиб келарди. Полиция тезда поезддан тушиб қолишимни таклиф этди.

— Мен Панжобга астойдил таклиф қилганлари учун келаяпман, боз устига, у ерда тартибсизликлар келтириб чиқариш учун эмас, аксинча, уларга барҳам бериш учун келаяпман. Шу боис буйруғингизга, афсуски, буйсуна олмайман, — дедим мен поезддан тушиш таклифини рад этиб.

Ниҳоят поезд Палвалга етиб келди. Менга Маҳодев ҳамроҳлик қилаётган эди. Мен унга Деҳлига боришни, воқеадан свамий Шраддх Ананджийни воқиф этишни ва тинчликни сақлаш илтимоси билан халққа мурожаат этишни тайинладим. Нима учун буйруққа буйсунмаганимни ва буйсунмаслигим жабрини тортганимни, шунингдек, нима учун менга берилган ҳар қандай жазога жавобан мутлақо осойишталик ғалабамиз гарови бўлишини тушунтириб бериш керак эди.

Палвалда мени поезддан туширишди ва ҳибсга олишди. Куп утмай Деҳлидан поезд келди. Мени полициячи ҳамроҳлигида учинчи класс вагонига утқазишди. Магҳурада мени поезддан тушириб полиция казармаларига жойлаштиришди. Шуниси қизиқки, полициячилардан бирортаси бундан кейин менга нима буладию қаёққа олиб боришади, билмас эди. Эрталаб соат 4 да мени уйғотишди ва Бомбейга кетадиган товар поездига утқазишди. Кундузи мени Савай-Мадҳупурийда тушишга мажбур қилишди. Мен Лоҳурдан почта поездидида келган полиция нозир м-р Боуринг ихтиёрига ўтдим. Мени у билан

бирга биринчи класс вагонига олиб утқазиди. Оддий маҳбусдан энди мен “жентльмен” маҳбусга айлангандим. Нозир сэр Майкл О Двайерга узундан-узун қасидагуйликни бошлади. Сэр Майклнинг менга қарши ҳеч қандай хусумати йуқ эмиш, у фақат менга Панжобга келишим тартибсизликлар келтириб чиқаришидан кўрқар эмиш, холос. Гапининг охирида у менга уз ихтиёрим билан Бомбейга қайтиб кетишимни таклиф этди ва Панжоб чегарасидан ҳатлаб ўтмасликка ваъда беришимни суради. Мен жавобан нима булганда ҳам бу буйруқни бажара олмаслигимни ва умуман уз ихтиёрим билан қайтиб кетиш ниятим йуқлигини айтдим.

Мени гапга киритолмаслигини куриб, нозир ундай ҳолда қонунга мувофиқ иш тутишига туғри келишини айтди.

— Мени нима қилмоқчисизлар? — сурадим мен.

У, ҳозирча билмайман, аммо бундан кейинги фармоишларни кутамиз, деб жавоб берди.

— Ҳозирча, — деди у, — мен сизни Бомбейга олиб бораман.

Биз Сураатга етиб келдик. Бу ерда мени бошқа полиция зобитига топширишди.

— Сиз озодсиз, — деди у менга, Бомбейга яқинлашар эканмиз, — аммо Мерин-Лайнеда тушиб қолсангиз яхши булар эди, мен сиз учун поездни тухтатаман. Кулобда одам ҳаддан ташқари куп булиши мумкин.

Мен, истагингизни бажо этишдан хурсандман, деб жавоб бердим. Бу унга ёқди ва менга ташаккур билдирди. Мен Мерин-Лайнеда тушиб қолдим. Худди шу пайтда аравачада менинг бир ошнам утиб қолди. У мени ёнига утқазди-да, Рев Шанкар Жҳаверийнинг уйигача олиб бориб қўйди. Дустим, менинг ҳибсга олинганим ҳақидаги миш-мишлардан халқ туғёнга келгани ва ғазаби тошганини сузлаб берди.

— Пайдҳуни туманида ҳар дақиқада галаён кутарилиши кутилмоқда. Судья ва полиция уша ерда, — қўшиб қўйди у.

Уша жойга етишга ҳам улгурмай олдимга Умар Субоний ва Анасуя беҳн келиб қолишди ва ҳозироқ автомобилда Пандҳунига жўнашни таклиф этишди.

— Халқ шунақанги туғёнга келганки, биз уни сира ҳам тинчитолмаймиз, — дейишди улар. — Фақат сизнинг келишингизгина кор қилади.

Мен автомобилга ўтирдим. Пайдҳуни яқинида туманот одам тупланганди. Мени куриб одамлар севинчдан узларини йўқотиб қўя ёзишди. Куз очиб юмгунча издиҳом ташкил этишди. “Банде Матарам” ва “Оллоҳу акбар” қичқариқлари янгради. Пайдҳунида биз отлиқ полиция гуруҳи билан туқнаш келдик. Оломон орасидан ғишт парчалари уча бошлади. Мен оломонни осойишталикни сақлашга чақирдим, аммо, афтидан, ғишт ёмғири тинадиган кўринмасди. Издиҳом Абдур Раҳмон кучасидан Кроуфорд Маркет томонга йўл олди, у ерда Фортга олиб борадиган йўлни тусиб олган янги отлиқ полиция гуруҳига дуч келди. Оломон қисилиб борар ва полиция кордони орқали ёриб ўтаман дер эди. Шунананги шовқин кутарилдики, менинг товушим умуман эшитилмай қолди. Отлиқ полиция бошлиғи оломонни тарқатишга буйруқ берди. Отлиқ полициячилар найзаларини уйнатиб одамлар устига ташланишди. Қандайдир лаҳзада менга найза келиб санчиладигандай туюлиб кетди ўзимга. Бироқ хавотирим беҳуда бўлиб чиқди. Отлиқлар найзаларини автомобилга шарақ-шуруқ урганча ёнимдан утиб кетишди. Кўп ўтмай издиҳом аралаш-қуралаш бўлиб кетди, қаттиқ тартибсизлик юзага келди. Халқ қоча бошлади. Баъзилар йиқилиб, оёқлар остида топталди, баъзилари қаттиқ жароҳат олди. Ғуж одамлар ўпқони ичидан чиқиб олишнинг сира иложи йўқ эди. Отлиқ полициячилар ҳеч ёққа қарамасдан оломон орасидан ёриб ўтмоқда эди. Улар нима қилаётганларини ўзлари билишарди, деб айтолмайман. Манзара ғоят мудҳиш эди. Пиёдалар ва отлиқлар даҳшатли суратда бири-бирига қоришиб кетганди.

Оломон тарқалгандан сўнг издиҳом юриш-да тўхтади. Автомобилимиз олға ҳаракат қилишга рухсат олди. Мен комиссар қароргоҳи олдида тўхтадим ва полицияга шикоят қилиш учун унинг ҳузурига йўл олдим.



УНУТИЛМАС ҲАФТА

(давоми)

Шундай қилиб, мен комиссар м-р Гриффит ҳузурига йўл олдим. Хонага олиб борадиган зина бамисоли ҳарбий ҳаракатлар учун тиш-тирноғигача қуролланган аскарлар билан тулиб-тошган эди. Айвонда ғала-говур. Комиссар хона-

сига кирганимда м-р Гриффит билан ёнма-ён утирган м-р Боурингга кўзим тушди.

Мен комиссарга узим гувоҳ булганим манзаралар ҳақида сузлаб бердим.

— Мен оломонни Фортга қўйиб юбормоқчи эмас эдим, — деб кескин оҳангда жавоб берди у, — унда тартибсизликлар содир бўлиши муқаррар эди. Оломоннинг ҳеч гапга киргиси келмаётганини кўриб, отлиқ полицияга оломонни тарқатиш туғрисида буйруқ беришга мажбур бўлдим.

— Аммо, — эътироз билдирдим мен, — оқибати қанақа бўлишини билар эдингиз-ку. Шунча кўп отлиқ полициячиларни юборишга ҳеч қандай зарурат йўқ эди деб ҳисоблайман.

— Бу сизнинг ишингиз эмас, — деди комиссар. — биз, полиция зобитлари, сизнинг таълимотингиз халққа қанақа таъсир қилишини яхши биламиз. Агар биз вақтида кескин чоралар кўрмаганимизда, биз вазиятни қўлга ололмаган бўлардик. Халқни назоратингиз остига олишга муваффақ бўлолмастизингизга юз фоиз ишонаман. У сизнинг қонунларга буйсунмаслик ваъзларингизни жуда тез узлаштириб олади, аммо осойишталикни сақлаш заруратини тушунмайди. Шахсан мен ниятларингиз яхшилигига шак келтирмайман, аммо халқ сизни тушунмайди. У ўз билганидан қолмайди.

— Бу нарсада мен сизга қўшилмайман, — дедим мен. — Бизнинг халқимиз табиатан зўравонликка қарши, у тинчликсевар халқ.

Шу тариқа биз узоқ баҳслашиб қолдик. Охири м-р Гриффит сўради:

— Фараз қилайлик, халқ сизнинг таълимотингизни тушунмаслигига амин бўлдингиз, ҳуш, унда нима қилар эдингиз?

— Агар бунга амин булганимда, фуқаролик буйсунмаслигини тўхтатган булар эдим, — жавоб бердим мен.

— Бу билан нима демоқчисиз? Сизни озод қилишлари билан Панжобга бораман дедингизми м-р Боурингга?

— Ҳа, мен навбатдаги поезддаёқ у ёққа жунамоқчи эдим. Лекин бугун бу тўғрида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

— Яна бир оз сабр қилинг, халқ сизнинг таълимотингизни тушунмаслигини ўз кузингиз билан кўрасиз. Аҳмад-ободда нималар бўлаётганини биласизми? Амритсарда нима бўлган эди? Халқ бамисоли ақлдан озган. Мендаги маълу-

мотлар ҳали гулиқ эмас. Телеграф симлари куп жойларда қирқиб ташланган. Огоҳлантираман, мана шу тартибсизликлар учун сиз жавоб берасиз.

— Кунглингиз туқ булсин, башарти бунга зарурат туғилса, мен жавобгарликни жон-жон деб ўзимга оламан, Аҳмадободда тартибсизликлар содир булганини билганимда, мен қаттиқ хафа булган ва ҳайратланган булар эдим. Аммо Амритсар учун мен жавоб бермайман. Мен у ерда ҳеч қачон булмаганман ва мени у ерда ҳеч ким билмайди. Агар Панжоб ҳукумати менинг Панжобга келишимга халақит бермаганида, мен шу провинцияда осойишталикни сақлашда анча-мунча ёрдам беришга муваффақ булардим. Мени ушлаб қолиб, ҳукумат аҳолини галаён кутаришга гиж-гижлади, холос.

Шу тариқа биз баҳслашавердик ва ҳеч бир битимга келолмадик. Мен комиссарга Чоупатидаги митингда аҳолига осойишталикни сақланг деб мурожаат қилишга қарор қилганимни айтдим. Шу билан биз хайрлашдик.

Митинг Чоупати қумлоғида бўлиб ўтди. Мен куч ишлатмасликнинг зарурияти ҳақида гапириб дедим:

— Сатйаграҳ, аслида, ҳақиқатга ишонувчилар қуроли. Сатйаграҳ зўравонлик ишлатишни ёқламайди ва токи халқ фикрда, сузда ва ишда бунга риоя қилмас экан, мен оммавий сатйаграҳ эълон қила олмайман.

Анасоя беҳн ҳам Аҳмадободдаги тартибсизликлар туғри-сида маълумотлар олган экан. Кимдир уни ҳам ҳибсга олишибди деб овоза тарқатди. Фабрика ишчилари бу хабарни эшитиб тутақиб кетишди, ишни ташладилар ва қатор зўравонлик ҳаракати содир этдилар ва бир сержантни ўласи қилиб калтакладилар.

Мен Аҳмадободга жунадим. Надиад яқинида темир йўлни қупориб ташлашга уриниш булганидан, Вирангалда ҳукумат амалдори улдирилганидан, Аҳмадободда эса ҳарбий ҳолат эълон қилинганидан хабар топдим. Одамларни даҳшат чулғаб олган эди. Улар ҳар қандай зўравонлик қилишдан қайтмас ва бунинг учун болаб таъзирларини ер эдилар.

Вокзалда менга полиция зобити учраб қолди ва ҳукумат комиссари Пратт ҳузурига бошлаб борди. Пратт қаттиқ даргазаб эди. Мен содир булган тартибсизликлардан афсус билдириб, у билан хушмуомалалик билан гаплашдим. Мен ҳарбий ҳолатга ҳеч қандай зарурат йўқлигини айтдим

ва осойишталикни сақлаш учун бор кучимни ишга солишга тайёрлигимни изҳор қилдим. Мен Сабармати ашрами ҳудудида митинг чақиришга рухсат беришларини сўрадим. Унга таклифим ёқди. Митинг 13 апрель якшанбада бўлиб ўтди, ҳарбий ҳолат эса ё уша кун, ё эртасига бекор қилинди. Митингда сузлар эканман, халққа унинг ноҳақлигини кўрсатишга ҳаракат қилдим, ўзим уч кунлик руза тутиб, тавба-тазарру қилишимни айтдим, бошқаларга ҳам бир кун руза тутишни, зўравонлик содир этган айбдорлар эса уз айбларидан тавба қилишларини таклиф этдим.

Менинг мажбуриятларим ўзимга кундай равшан эди. Ораларида куп вақтимни ўтказган, уларга хизмат қилган ва улардан фақат яхши нарсани кутган ишчиларнинг исёнда иштирок этганларини уйласам, баданим жимирлашиб кетар эди. Уларнинг айбини тенг баҳам кўришим кераклигини ҳис этдим.

Мен халққа тавба қилишни таклиф этиш билан бирга ҳукуматдан халқни кечирришни сўрадим. Бироқ на у, на бошқа томон менинг бу таклифимни қабул қилди.

Ҳузуримга ҳозирда марҳум сэр Раманбхай ва Аҳмадободнинг бир неча бошқа фуқаролари келиб, сатйаграҳни тухтатишни илтимос қилишди. Бу энди ортиқча эди, мен ўзим то халқ тинчлик сабоғини ўзлаштириб олмагунча шундай қилишга қарор қилгандим. Дустларим жуда хурсанд бўлиб кетишди.

Бироқ худди шу нарсдан ўзларини маҳзун ҳис қилганлар ҳам бўлди. Улар агар мен аҳолининг тинчликпарварлик хусусиятини сатйаграҳ ўтказишнинг муқаррар шarti қилиб қўядиган бўлсам, оммавий сатйаграҳга ҳеч қачон эришиб бўлмайди деб ҳисоблар эдилар. Афсуски, мен уларга қўшилмас эдим. Ҳатто мен орасида ишлаган ва куч ишлатмаслик ва фидойиликка тулиқ тайёр деб ҳисоблаган одамлар зўравонликдан ўзларини тийиб туролмас эканлар, сатйаграҳ бўлиши мумкин эмаслиги ўз-ўзидан аён эди. Мен шу нарсага қаттиқ ишонардимки, сатйаграҳда халққа раҳбарлик қиламан деган одам уни куч ишлатмаслик чегарасида тутиб тура олиши керак. Ҳозир ҳам шу фикримда турибман.

“ҲИМОЛАЙДАЙ УЛКАН ХАТО”


Аҳмадободдаги митингдан кейин дарҳол Надиадга жунаб кетдим. Худди уша ерда мен биринчи марта: “Ҳимолайдай улкан хато” деган иборани қўлаган эдим ва бу ҳикматли сўзга айланиб қолди. Ҳали Аҳмадободдалигимдаёқ хато қилганимни уйлаб, ўзимни маъюс ҳис этиб юрардим. Аммо Надиадда аҳвол билан танишиб чиққач ва Кҳеда дистрик-тининг куплаб аҳолиси ҳибсга олинганини билгач, бирдан англадимки, афтидан Кҳеда ва бошқа жойларнинг аҳоли-сини муддатидан олдин фуқаролик буйсунмаслигига чақи-риб, жиддий хатога йул қуйибман. Буларнинг барчасини митингга оммавий тарзда айтиб ўтдим. Менинг айбимни буйнимга олганим озмунча кулгига қолишимга сабаб бул-мади, дейсиз. Аммо айбимни буйнимга олганимдан мен ҳеч қачон афсусланмаганман, зеро ҳар доим уз хатоларимни катталаштириб курсатадиган шиша орқали ва бировларнинг хатоларини кичрайтириб курсатадиган шиша орқали қарай-диган одамгина унисининг ҳам, бунисининг ҳам аҳамия-тини англашга қодир бўлади. Мен яна шу нарсага амин-манки, сатйаграҳни хоҳлаган ҳар бир кимса бу қоидага оғиш-май ва ҳалол риоя қилиши шарт.

Менинг “улкан хато”им нимадан иборат эди? Фуқаро-лик буйсунмаслигини амалда ўтказишга қодир булиш учун одам энг аввало мамлакат қонунларига ихтиёрий равишда ва ҳурмат ила буйсуниш мактабини ўташи керак. Зеро аксар ҳолларда биз қонунни бузганимиз учун жазо олишдан қўрққанимиздангина уларга буйсунамиз. Айниқса, бу ахло-қий тамойилларга асосланмаган қонунларга нисбатан туғри. Буни мисол ёрдамида тушунтириб бераман. Ўғрилик қилган-ни учун жазолайдиган қонун борми ёки йўқми, бундан қатъи назар, ҳалол, ҳурматли одам бирданига ўғрилик қилмайди. Аммо худди шу одам қоронғи тушиши билан чироқсиз вело-сипедда юришни тақиқловчи қоидани бузганда виждони қийналмайди. Унинг бу борада эҳтиёткорликка риоя қилиш ҳақидаги маслаҳатга диққат билан қулоқ солиши ҳам амри маҳол. Бироқ у қоидабузарлик туфайли суд жавобгарлигига тортилишдан қутулиб қолиш учун бу борадаги ҳар қандай мажбурий буйруққа риоя қилади. Аммо қонунларга бундай риоя қилиш ихтиёрий ҳисобланмайди ва сатйаграҳдан бу

нарса талаб этилмайди. Сатйаграҳ қонунларга онгли равишда ва яхши ниятда буйсунади, чунки у буни узининг муқаддас бурчи деб билади. Жамият қонунларини оғишмай бажарадиган одамгина улардан қайси бирлари яхши ва адолатлию қайси бирлари аҳмоқона ва адолатсиз эканини ҳал эта олади. Шундагина у муайян ҳолатларда айрим қонунларга нисбатан фуқаролик буйсунмаслиги курсатиш ҳуқуқига эга булади. Менинг хатоим мана шуларнинг барчасини ҳисобга олмаганимдан иборат эди. Мен халқни фуқаролик буйсунмаслигига тайёр бўлишдан сал илгарироқ бошлаб юборишга чақирган эдим. Бу хато менга Ҳимолай тоғидай баҳайбат кўриниб кетган эди. Кҳедага келишим билан сатйаграҳ муносабати билан эски хотиралар миямга қуйилиб кела бошлади ва мен бу қадар яққол кўриниб турган ҳолни қандай назардан қочирдим экан деб ҳайрон булдим. Шунда билдимки, фуқаролик буйсунмаслигини ўтказишга тайёр бўлиш учун халқ унинг маъносини чуқур англаши керак экан. Шу боисдан, оммавий миқёсда фуқаролик буйсунмаслигини қайта бошладан олдин сатйаграҳнинг ҳақиқий маъносини тула узлаштириб олган, яхши ўқиган, соф қалбли кунгиллилар гуруҳини тузиш керак экан. Улар унинг маъносини халққа тушунтира оладилар ва уларининг зийракликлари туфайли халқнинг туғри йўлдан тойиб кетишига имкон бермайдилар.

Шундай хаёлларга берилиб, мен Бомбейга келдим. Бу ерда “Сатйаграҳ сабҳа” ёрдамида мен кунгилли сатйаграҳлар гуруҳини туздим ва улар билан бирга халққа сатйаграҳнинг аҳамияти ва ички маъносини тушунтира бошладим. Буни асосан тегишли тушунтиришлар берилган варақалар тарқатиш йўли билан олиб бордик.

Иш жараёнида шу нарсага амин булдимки, халқни сатйаграҳнинг тинч йўли билан қизиқтириш ғоят қийин бўлар экан. Кунгиллилар ҳам жуда кам эди. Ёзилганлар эса мунтазам ўқишни истамасди, нарига бориб сатйаграҳнинг янги аъзолари ортиш у ёқда турсин, балки кундан-кун камайиб бораётган эди. Фуқаролик буйсунмаслиги руҳида тарбиялаш мен кутганчалик тез кетмаётган эди.



“НАВЖИВАН” ВА “ЯНГ ИНДИЯ”

Курашнинг куч ишлатмаслик усули ҳаракати секин, аммо оғишмай ривожланиб борган бир вақтда ноқонуний

қатағонлар буйича ҳукумат сиёсати кизгин тус олган эди ва Панжобда айниқса кескин намоён булаётган эди. Раҳнамо-лар ҳибсга олинган, провинцияда ҳарбий ҳолат эълон қилин-ганди. Тула бошбошдоқлик ҳукм сурарди. Ҳамма жойда махсус трибуналлар ташкил этилганди, афсуски, улар адолат ҳук-мфармолари эмас, балки мустабидлик нияти қуроллари эди-лар. Етарли асосларсиз ҳукмлар чиқарилар ва бу билан энг оддий адолат ҳам топталар эди. Амритсарда ҳеч бир айби йўқ эркагу аёлларни чувалчанг каби ерда қорни билан ўрмалашга мажбур қилар эдилар. Бундай зулмулар олдида мен учун ҳатто Жолиёнвала Боғидаги фожиа ҳам ҳеч нима булмай қолганди, ҳолбуки айнан шу хунрезлик Ҳиндистон ва бутун дунё эътиборини узига тортганди.

Оқибатлари ҳақида уйлаб утирмасдан мени Панжобга бо-ришга тезлар эдилар. Мен у ёққа сафар қилгани рухсат сураб вице-қиролга неча бор ёзма мурожаат қилдим, аммо бефойда. Борди-ю, у ёққа рухсатсиз боргудек бўлсам, менинг ҳатто Панжоб чегарасини кесиб ўтишимга ҳам йўл қўймас эдилар ва фақат оммавий итоатсизлик билан қаноатланишимга тўғри келарди. Мен икки ўт орасида қолган эдим. Юзага келган айна ҳолатда Панжобга кириш ҳақидаги тақиқни бузиш оммавий итоатсизлик ҳаракати сифатида баҳоланиши амри маҳол эди, чунки атрофимда, мен хоҳлаганимдек тинчликпарвар муҳит-ни кўрмаётган эдим. Панжобда авж олган қатағонлар эса яна-да каттароқ ярамасликлар келтириб чиқариши мумкин эди. Шу боис мана шундай паллада оммавий итоатсизликни бош-лаш оловни гуриллатиб ёқиб юбориш билан тенг эди. Дусларимнинг илтимосига қарамай, Панжобга бормасликка қарор қилганимнинг сабаби ана шунда эди. Бу аччиқ заҳарни қўлт этиб ичга ютишга мажбур эдим. Ҳар куни Панжобдан адолат-сизлик ва зулмнинг янги-янги хуружлари тўғрисида маълум-отлар келар, мен эса тишимни тишимга босиб, жойимда қўлт этмай ўтиришдан бошқа чора тополмасдим.

Шу паллада бу вақтга келиб даҳшатли кучга айланган “Бомбей кроникл” рўзномасига раҳбарлик қилган м-р Ҳор-ниман қўтилмаганда ҳибсга олинди. Ҳукуматнинг бу қили-ғидан мен шу қадар нафратланиб кетдимки, ҳали-ҳанузгача унинг бадбуй ҳиди димоғимдан кетгани йўқ. Билардим, м-р Ҳорниман ҳеч қачон қонунни бузишга ҳаракат қилган эмасди. Менинг сатйаграҳ кўмитаси рухсатсиз Панжобга кириш та-

қиқини бузишим унга етмасди ва у оммавий итоатсизликнинг тухтатилиши туғрисидаги қарорни тула қўллаб-қувватларди. Мен ҳатто ундан узимнинг қарорим эълон қилингунга қадар ёзган хатини олгандим, унда у оммавий итоатсизликка чек қўйиш кераклигини ёзганди. Бомбейнинг Аҳмадоддан ҳаддан ташқари олисда жойлашганлиги сабабли унинг хати менинг чақирғим эълон қилингандан кейин келган эди. Шу боис м-р Ҳорниманнинг тусатдан ишдан четлатилиши мени хафа қилиш билан бирга ҳайратга ҳам солди.

Бу воқеалар натижасида “Бомбей кроникл” бошқарувчилари менга рўзнома нашрини зиммамга олишни таклиф этишди. М-р Брелви алақачон таҳририят таркибида эди, бинобарин, чекимга тушадиган иш унча қўп эмасди, мана бу феъл-атворим жонибидан бу мен учун қўшимча юк маъносини англатарди. Бироқ “Бомбей кроникл”ни тақиқлаб, ҳукумат, таъбир жоиз бўлса, менга ўзи ёрдам бериб юборди.

“Бомбей кроникл”ни нашр этувчилар дўстларим Умар Субоний ва Шанкарлаъл Банкер яна “Янг Индия” рўзномасини ҳам чиқарар эдилар. Улар менга “Янг Индия” рўзномасининг муҳаррири булишимни ва “Бомбей кроникл”нинг ёпилиши натижасида юзага келган кемтикликларни тўлдириш учун рўзномани ҳафтасига бир эмас, икки марта чиқаришни таклиф этишди. Бу менинг кўнглимга мос келар эди. Мен қачондан бери сатйаграҳнинг ботиний маъносини жамоатга тушунтиришни хоҳлаб юргандим; бундан ташқари, ушбу рўзнома орқали Панжобдаги аҳволни холисона ёритишим мумкинлигига умид қилардим. Зеро, нима ёзган бўлсам, ҳаммасида кучли сатйаграҳ буларди ва ҳукумат бу ҳақда биларди. Шу боис мен дўстларимнинг таклифини жон-жон деб қабул қилдим.

Бироқ инглиз тилида чиқадиган рўзномада халқ ичида сатйаграҳни тарғиб қилиб булармикан? Менинг асосий фаолият майдоним Гужарот эди. Уша пайтларда оқловчи Индулаъл Яжник Субоний ва Банкер билан ҳамкорлик қилар эди. У гужаротийда чиқадиган ва юқорида тилга олиб ўтилган дўстларим нашр қиладиган ойлик “Навживан”га муҳаррирлик қиларди. У ойлик рўзномани менинг ихтиёримга берди. Кейинчалик ойлик рўзнома ҳафталик рўзномага айлантирилди.

Бу орада “Бомбей кроникл”дан тақиқни олиб ташлашди. “Янг Индия” тагин ҳафтасига бир марта чиқадиган бўлди. Турли

жойларда иккита ҳафталикни чиқариш мен учун жуда ноқулай эди, бу катта чиқимни талаб этишини-ку гапирмаса ҳам булади. “Навживан” Аҳмадободда чиқарди ва менинг таклифим билан “Янг Индия”ни ҳам шу шаҳарга кучирдик.

Мана шу рузномалар орқали мен аҳолини сатйаграҳ руҳида тарбиялашга киришдим. Ҳар иккала орган кенг тарқалди ва бир гал ҳатто ҳар бирининг нусхаси қирқ мингтагача етди, бор-йуқ фарқ шунда эдики, “Навживан”нинг нусхалари тез усиб борар, “Янг Индия”ники эса жуда секин усар эди. Бироқ мени ҳибсга олишгандан кейин ҳар иккала рузноманинг нусхаси тушиб кета бошлади, ҳозирги вақтда эса у саккиз мингтадан ҳам камроқни ташкил этиб турибди.

Бу рузномаларда ишлаганимнинг биринчи куниданоқ мен эълонлар беришдан воз кечгандим. Бундан зарар курдик деб уйлай олмайман. Аксинча, менимча, бу куп даражада бизга рузномаларимизнинг мустақиллигини сақлаб қолишга ёрдам берди.

Айтмоқчи, бир нарсани таъкидлаб утайки, рузномаларда ишлаш менга қайсидир даражада руҳий мувозанатимни сақлашга ёрдам берди. Гарчи оммавий итоатсизлик навбатда турмаган булса-да, матбуот органлари менга уз нуқтаи назаримни бемалол айтиш ва халқни ахлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имконини берди. Шу боис синов соатида ҳар иккала нашр халққа ҳалол хизмат қилди ва ҳарбий ҳолатни енгиллаштириш учун узининг муносиб ҳиссасини қўшди.

ПАНЖОБДА

Сэр Майкл О Двайер Панжобдаги воқеалар учун жавобгарликни менинг зиммамга юклади, айрим дарғазаб ёш панжобликлар эса ҳарбий ҳолат эълон қилинишини ҳам менга тункашди. Улар агар оилавий итоатсизлик кампаниясини тўхтатиб қолмаганимда, Жолиёнвала боғидаги хунрезлик ҳам содир бўлмасди, деб уқдиришди. Айрим панжобликлар агар мен Панжобга қадам қўядиган бўлсам, улдирамиз деб қўрқитишгача боришди.

Бироқ мен, тутган йулим туғри ва ҳаққоний, ҳар бир ақли расо одам буну тушунади, деб ҳисоблардим.

Мен Панжобга интилардим. Мен у ёқда ҳеч бўлмаганман, қолаверса булган воқеаларни кўзим билан кўриб ишонч

ҳосил қилишни истардим. Мени Панжобга таклиф қилган д-р Сатйалаъл, д-р Китчлу ва пандит Рамбҳаж Датт Чоудҳрий бу пайтда қамоқда эдилар. Бироқ мен ҳукумат на уларни, на бошқа маҳбусларни узоқ ушлаб тура олмаслигига амин эдим. Мен Бомбейда бўлган вақтимда куплаб панжобликлар мени бориб куришганди. Мен уларга далда берардим ва мендаги ишонч уларга ҳам утарди.

Бу орада сафарим нуқул орқага сурилаверди. Рухсат сураб, ҳар гал вице-киролга мурожаат қилганимда, у бир хилда “Ҳозир эмас”, деб жавоб қайтарарди.

Ҳарбий ҳолат даврида панжоб ҳукуматининг хатти-ҳаракатларини текшириш учун Хантер ҳайъати таъсис этилган эди. М-р К.Ф.Эндрюс Панжобга борди ва у ердан туриб менга юракни ларзага солувчи хатлар езди, ҳарбий ҳолат вақтида содир этилган ваҳшийликлар матбуотда хабар қилинганидан бир неча баравар даҳшатлироқ эди. Эндрюс мени олдига иложи борица тезроқ етиб боришимга ундарди. Малвияжий ҳам Панжобга зудлик билан етиб келишимни илтимос қиларди. Энди Панжобга йул олсам бўладими, деб вице-киролга яна бир марта мурожаат қилдим. У, менга у ёққа боришимга бирмунча муддатдан кейин рухсат берилди, деб жавоб берди.

Аниқ куни эсимда йўғу, аммо бу 17 октябрь булса керак. Лоҳурга келганимни ҳеч қачон эсимдан чиқармайман. Вокзалда нина ташласанг ерга тушмайди — одам қалин. Худди узоқ айрилиқдан кейин азиз қариндошини кутиб олгандек, сабр косаси тулиб-тошган шаҳар аҳолиси кўчага чиққанди. Севинчдан оломон ҳайқирарди. Мени ҳозирда марҳум пандит Рамбҳай Даттнинг бунгалосига олиб келишди. Менга қараш ва хизмат қилиш вазифаси шримати Сарла девий зиммасига юклатилганди. Бу оғир вазифалар эди, чунки мен яшаган уй чинакам карвонсаройга айланганди.

Панжобнинг асосий раҳнаmolари ҳибсга олингани туфайли уларнинг ўрнини қандайдир Маквилжий ва Мутилаължий, шунингдек ҳозирда марҳум Шрадҳ Ананд жий эгаллаганди. Малвияжий, Шрадҳ Ананджийни мен олдинлари ҳам яхши билардим, аммо Мутилаължий билан шу ерда яқиндан танишдим. Қамоққа тушмаган маҳаллий раҳбарлар каби уларнинг барчалари мени илиқ кутиб олишди.

Биз Хантер ҳайъатига ҳеч қандай кўрсатма бермасликка бир овоздан келишиб олдик. Бундай келишув сабаblари

ҳақида уз вақтида рузнамаларда ёзилар эди ва улар изоҳ талаб қилар эдилар. Ҳозир ҳам, орадан талай вақт ўтгач, айтишим мумкинки, бизнинг ҳайъатни бойқот қилиш қарорларимизни мутлақо туғри ва жоиз деб ҳисоблайман.

Конгресс номидан барабар текширув олиб бориш учун норасмий ҳайъат тузиш қарори Хантер ҳайъати бойқотининг мантиқий оқибати эди. Пандит Малвияжий пандит Мутилаъл Неруни, ҳозирда марҳум Дешбандху Ч.Р.Досни, оқловчи Аббос Тйабжийни, оқловчи М.Р.Жаянкарни ва мени ҳайъат аъзоси этиб тайинлади. Текширувлар учун туманларни ўзаро бўлиб олдик. Ҳайъат ишини ташкил этиш учун масъулият менинг зиммамга юклатилган эди; менинг чекимга яна кўпгина туманларда текширишлар олиб бориш ҳам тушганди. Бунинг шарофати билан Панжоб аҳолисини яқиндан кўришдек ва Панжоб деҳқонларининг турмуши билан танишишдек ажойиб имкониятга эга бўлдим.

Текширув вақтида мен Панжоб хотин-қизлари билан ҳам танишдим. Гуё биз бир-биримизни азал-азалдан биладигандек эдик. Қаерга бормаи, улар бутун бир оломон бўлиб келишар ва атрофларига узларининг урчуқларини қўйиб олар эдилар. Текширув буйича иш муносабати билан менинг фаолиятим шуни курсатдики, кҳадий ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамма жойдагига нисбатан Панжобда осонроқ эди.

Аҳолига нисбатан қилинган ваҳшийликларни текшириш буйича ишим жунашиб борган сайин ҳукумат зулми ва амалдорларнинг узбошимчалиги ҳақидаги ҳикояларни шунақа кўп эшитар эдимки, юрагим қонларга тулиб кетарди. Бу барча ваҳшийликлар уруш вақтида Британия ҳукуматига энг кўп миқдорда аскар берган провинцияда содир этилганлиги мени янада кўпроқ ҳайратга солган эди ва ҳали-ҳануз ҳайратга солиб келади.

Ҳайъат ҳисоботини тузиш ҳам менга топширилганди. Панжобда амалга оширилган ваҳшийликлар ҳақида тасаввурга эга бўлишни хоҳлаган ҳар бир одамга бизнинг ҳисоботимизни диққат билан ўқиб чиқишни тавсия этаман. Бу ерда фақат шуни таъкидламоқчиманки, бу ҳисоботда биронта ҳам атайлаб ошириб-тоширилган жой йўқ: ҳар бир ҳолат тегишли ҳужжатлар билан исботланган. Асосланишига кўра лоақал зиғирча шубҳа бўлган биронта маълумот ҳисоботга киритилгани йўқ. У мутлақо ҳақиқатни ва фақат

ҳақиқатни аниқлаш ва британ ҳукумати қай даражада ҳаддидан ошганини, ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш учун у қанақанги ваҳшийликлар қилганини курсатиш мақсадида тузилганди. Менга маълум қилишларича, ҳисоботда тилга олиб утилган биронта ҳам далил рад этилмаган.



МУСУЛМОНЛАР СИГИР ҲИМОЯСИГА ҚАРШИМИ?



Конгресс ҳайъати Панжобда ҳукумат содир этган ваҳшийликлар (дайеризм)ни текшириш буйича ўз ишини бошлар-бошламас мен ҳиндулар ва мусулмонларнинг Деҳлидаги қўшма анжуманида иштирок этиш учун таклифнома олдим. Таклифномага имзо чекканлар орасида ҳозирда марҳум Ҳақим Ажмал Хон Соҳиб ва м-р Осаф Али бор эди...

... Бир қанча одам анжуманда Панжоб воқеалари ҳақидаги масала ҳам куриб чиқилишини талаб этишди. Аммо мен бунга рози булмадим, Панжобдаги воқеалар маҳаллий тусга эга эканини ва шу боис бизнинг сулҳ тузиш буйича тананаларимизда иштирок этиш ё этмаслик ҳақидаги қароримизга таъсир қилмаслигини бунга сабаб қилиб курсатдим...

... Делегатлар орасида мавлоно Ҳасрат Муҳаний ҳам бор эди. Мен у билан олдиндан таниш эдим, лекин энди унинг нечоғли жанговар одам эканини билдим. Аввал-бошданок қарашларимиз куп масалаларда айри эди, баъзи масалалар буйича ҳозир ҳам якдил эмасдик.

Анжуманда қабул қилинган купсонли резолюциялардан бири ҳиндулар ва мусулмонларни свадешийга онт ичишга, бунинг оқибати ўлароқ чет эл молларини бойқот қилишни бошлаб юборишга чақирарди. Кҳадий ҳақида ҳали бир оғиз суз йуқ эди. Ҳасрат Муҳаний бу резолюцияни номақбул деб топди. Унинг фикрича, исломий давлат масаласи буйича адолат тантана қилган тақдирдагина Британия империясидан интиқом олиш зарур булади. У акс таклифни олға суриб чиқди ва агар мумкин булса, фақат инглиз молларини бойқот қилишни талаб этди. Ҳам моҳият жиҳатидан, ҳам унинг амалийлиги нуқтаи назаридан эндиликда кенг маълум булган асослар келтирган ҳолда унинг таклифини рад этдим. Йиғилганлар олдида яна куч ишлатмаслик борасида ўз қарашимни баён этдим. Менинг гапларим тингловчиларда катта таассу-

рот қолдирди. Менгача Ҳасрат Муҳаний сузга чиқди, унинг нутқи шунақанги шовқинли жонланиш билан кутиб олиндики, беихтиёр ишқилиб менинг сузларим саҳро уртасида туриб қичқирганга ухшаб қолмасин-да, деб хавотирга тушдим. Анжуман олдида уз қарашларимни баён қилишни бурчим деб ҳисобалаганим учун ҳам сузга чиқишга журъат этдим. Не ҳайратким, менинг фикримни катта эътибор билан тинглашди ва президиум уни тула қуллаб-қувватлади. Нотиқлар бирин-кетин менинг нуқтаи назаримни ҳимоя қилиб суз олдилар. Улар инглиз молларини бойқот қилиш мақсадга еткизмайдигина эмас, балки раҳнамоларнинг узларини ҳам кулгили аҳволга солиб қуяди, — деган фикрни билдиришди. — Чунки анжуманда Англияда ишлаб чиқарилган матолардан кийим киймаган битта ҳам одам йуқ эди. Инглиз молларини бойқот қилиш зарардан бошқа ҳеч нарса келтирмаслигини купчилик англаб етди, ҳатто резолюция учун қул кутарганлар ҳам амалда уни руёбга чиқара олмас эдилар.

— Чет эл молларини бойқот қилиш, — деди мавлоно Ҳасрат Муҳаний, — бизни лоақал шуниси билан қаноатлантирмайдик, биз “свадеший” матосини бутун аҳоли эҳтиёжини қондириш учун етарли миқдорда туқиб чиқара олгунимизча қанча вақт утишини ҳеч ким билмайди. Чет эл моллари бойқотини самарали амалга оширишдан олдин шундай бир чора топиш керакки, инглизларга дарҳол таъсир курсатсин. Чет эл молларини бойқот қилаверинг — биз қарши эмасмиз. Аммо инглизларга тез таъсир қилишга қодир яна бошқа биронта воситани беринг бизга.

Ҳасрат Муҳаний сузларини тинглар эканман, чет эл молларини бойқот қилишдан кура янгироқ, яхшироқ нимадир ўйлаб топиш керак деган қарорга келдим. Бетухтов бойқот қилиш ўшанда менга ҳам мутлақо имконсиздай булиб куринганди. Ўшанда барча эҳтиёжларимизни қондириш учун, агар хоҳласак, етарли миқдорда кҳадий ишлаб чиқаришимиз мумкинлигини ҳали билмас эдим. Бу кашфиётни биз кейинроқ қилдик. Бошқа томондан, бойқот пайтида биз фақат фабрика молига ишониб қолишимизни билардим. Мен ана шундай муаммо устида ўй суриб утирарканман, Ҳасрат Муҳаний уз нутқини тугатди.

Ҳиндий ва урду тилидаги сузларни қийинчилик билан танлашим менга халақит берарди. Менга биринчи марта

шимолнинг деярли мутлақо мусулмонлардан иборат тингловчилари қаршисида сўзлаш тўғри келганди. Мусулмонлар лигаси сессиясида урду тилида гапирган эдим, бироқ ушанда менинг қисқача нутқим даъватдек бўлган эди, холос. Бу ерда эса адоватли бўлмаса-да, ғоят танқидий кайфиятдаги тингловчиларга дуч келгандим — уларга ўз нуқтаи назаримни тушунтиришим керак эди. Лекин мен ҳар қандай тортинчоқлигимни бир четга йиғиштириб қўйдим. Умуман Деҳли мусулмонлари гапирадиган — бекусур, сайқал топган урдуда нутқ қилишим шарт эмас эди. Ўз қарашларимни ифода этиш учун ҳатто бузилган ҳиндийда ҳам гапиришим мумкин эди. Мен бунинг уддасидан чиқдим. Анжуман менга бутун Ҳиндистон учун фақат ҳиндий-урдугина асосий тил бўла олишини яққол курсатди. Ушанда инглиз тилида гапирганимда мен тингловчиларда бундай таассурот қолдирилмаган бўлардим, мавлоно Ҳасрат эса менга дуқ уришни хаёлига ҳам келтирмасди. Борди-ю, у дуқ урганида ҳам мен уни бу қадар дадил қайтариб ташламасдим.

Ўзимнинг янги фикримни ифодалаш учун ҳиндий ёки урду тилида мос сўзларни танлай олмаётган эдим ва бу бир қадар мени тутилтириб қўяётганди. Охири мен уни бу йиғилишда биринчи марта қўллаётганим “ҳамкорлик қилмаслик” сузи билан ифода этдим. Мавлоно Ҳасрат сузлаб турар экан, агар қуrol ишлатишнинг иложи йўқ ёки номақбул экан, у кўп ҳолда ҳамкорлик қилаётган ҳукуматга фаол қаршилик кўрсатиш тўғрисида бекор гапираяпти деб уйладим. Шу боис ҳукумат билан ҳамкорлик қилишдан бош тортиш унга ягона таъсирчан қаршилик кўрсатиш бўладигандек кўринди менга. Шундай қилиб, мен “ҳамкорлик қилмаслик” сузига келдим. Мен ушанда ҳамкорлик қилмасликнинг бутун мураккаблиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга эмас эдим, шу боис тафсилотларга берилиб ўтирмадим-да, жўнгина айтиб қўя қолдим:

— Мусулмонлар ғоят муҳим резолюцияни қабул қилдилар. Агар тинчлик шартлари, худо кўрсатмасин, улар учун ноқулай бўлиб чиқса, улар ҳукумат билан ҳар қандай ҳамкорликдан воз кечадилар. Халқ ҳамкорлик курсатишдан бош тортиш учун ҳеч ким дахл қилолмайдиган ҳуқуққа эга. Биз ҳукуматдан олган унвону шарафларни сақлаб қолишга ва давлат хизматида қолишга мажбур эмасмиз. Борди-ю, ҳукумат исломий давлат тузишдек буюк ишда бизни сотгудек

булса, бизга ҳамкорлик қилишдан бошқа ҳеч нарса қолмайди. Бинобарин, ҳукумат томонидан сотқинлик содир булса, биз ҳамкорлик қилмаслик ҳуқуқига эга буламиз.

Бироқ “ҳамкорлик қилмаслик” сузи менга урф булишидан олдин яна кўп ойлар утди. Ҳозирча эса у анжуман иш баёнлари ичида курунмай кетди. Бир ой утгач, Конгресснинг Амритсардаги сессиясида мен яна ҳукумат билан ҳамкорлик қилиш ҳақидаги резолюцияни қўллаб-қувватлаб чиқдим; ушанда ҳукумат томонидан ҳеч қанақа сотқинлик булмаслигига умид боғлаган эдим.

КОНГРЕССНИНГ **АМРИТСАРДАГИ СЕССИЯСИ**

Панжоб ҳукумати фақат номигагина судлар ҳисобланган трибуналларнинг ҳукми билан ҳарбий ҳолат давомида мутлақо чала далил-исботлар асосида қамоққа ташланган юзлаб панжобликларни узоқ вақт ушлаб тура олмас эди. Бу ўта адолатсизликка қарши оммавий қаҳр-ғазаб алангаси шу қадар кучли эдики, маҳбусларни бундан кейин қамоқда ушлаб туриш амри маҳол булиб қолди. Улардан кўпчилиги Конгресс сессияси очилиши арафасидаёқ озод килиб юборилганди. Лола Ҳаркишанлаъл ва бошқа раҳнамолар сессия вақтида чиқариб юборилди. Ака-ука Алилар мажлисга тўғри қамоқхонадан келишди. Халқ қувончининг чеки йўқ эди. Конгресс раиси узининг бой тажрибасини қурбон қилган ва узини жамият хизматига бағишлаб Панжобга келиб туриб қолган пандит Мутилаъл Неру бор эди. Свамий Шраддх Ананд жий протокол ҳайъати раиси эди.

Шунгача Конгресснинг йиллик мажлисларида менинг иштироким ҳиндий тилини тарғиб қилиш билан чегараланарди, бунинг оқибати улароқ мен ҳиндий тилида нутқ сўзлар, унда ҳиндларнинг бошқа мамлакатлардаги аҳволи билан таништирар эдим. Бу йил бирон-бир нарса билан машғул булишимга тўғри келар деб ўйламагандим. Бироқ илгари ҳам кўп марталаб булгани каби зиммамга кутилмаганда масъул иш тушиб қолди.

Худди шу паллаларда матбуотда қиролнинг янги ислохотлар туғрисидаги басноти эълон қилиниб қолди. Ҳатто менга у унчалик қониқарли эмасдай булиб курунди; кўпчилик қисми

эса мутлақо қониқарсиз эди. Аммо ушанда гарчи камчиликлардан холи булмаса-да, ислохотлар мақбул булиб куринганди. Қирол баёнотининг мазмуни ва услуби буйича унинг муаллифи лорд Синҳа эканини пайқаб қолдим ва дилимда умид учқуни йилт этди. Аммо ҳозирда марҳум Локманйя ва Дешбандху Читта Ранжан Дос каби тажрибали сиёсатчилар шубҳа билан бош чайқар эдилар. Пандит Малвия жий холис қолди.

Бу келишимда пандит Малвия жийнинг хонасида яшадим. Илгари ҳинду дорилфунунига асос солинишига бағишланган маросимда иштирок этиш учун келганимдаёқ унинг ҳаётининг оддийлиги этиборимни тортган эди. Энди эса у билан битта хонада яшаб туриб, унинг кундалик ҳаётини бутун майда-чуйда тафсилотларигача кузатиш имкониятига эга булгандим. Унинг хонаси камбағаллар карвонсаройига ухшарди. Хонанинг бир бурчагидан бошқа бурчагига зурға утиб оларди киши, чунки хона одамга лиқ тўла буларди. Бўш (дам олиш) соатларида ҳам у ҳар қандай келувчи учун очиқ булар ва хона соҳиби билан бити тукилгунча суҳбатлашиш мумкин эди. Шу кулбанинг бир бурчагида менинг чорпоям савлат тўкиб турарди.

Аммо бу ерда Малвия жий ҳаёт тарзини муфассал тасвирлаб утирмайлик-да, ўзимнинг ҳикоямга қайтайлик.

Мен Малвияжий билан ҳар куни суҳбатлашиш имкониятига эгаман, у худди акамдай менга турли фирқаларнинг қарашларини эринмай тушунтирарди. Мен қирол эълон қилган ислохотлар туғрисидаги мунозаларда иштирок этишим шартлигини англадим. Конгрессга (Панжобдаги жиноятлар туғрисида) ҳисобот тузиш учун масъул булганим сабабли бу масала буйича яна қилиниши керак булган нарсага эътиборни тортишим зарурлигини англадим. Ҳукумат билан музокаралар утказмаса булмасди. Навбатда яна ислом давлати туғрисидаги масала турарди. Уша вақтда мен м-р Монтегю Ҳиндистон ишини узи ҳам сотмайди ва бировларнинг ҳам сотишига йул қўймайди деб ишонардим. Ака-ука Алилар ва бошқа маҳбусларнинг озод этилиши менга яхшиликдан дарак беролмайдигандай булиб куринганди. Шу боис мен резолюцияда ислохотларни рад этиш эмас, балки қабул қилиш учун фикр билдирган эдим. Дешбандху Читта Ранжан Дос, аксинча, мутлақо чала ва қониқарсиз деб ислохотларни рад этишни талаб қилиб

қаттиқ туриб олганди. Локманйа холис турди, бироқ Дешбанд-ху маъқуллаган резолюцияга қушилишга қарор қилди.

Шундай тажрибали, барча бирдек ҳурмат қиладиган раҳнамолар билан бошқа-бошқа фикрлашга мажбур булишим туғрисидаги фикр мени қийнар эди. Аммо, бошқа томондан, виждон азоби баралла жаранглар эди. Менинг кейинги мажлисларда булмаслигим мақсадга мувофиқ эканлигини пандит Малвия жий ва Мутилахъл жийга айтиб, Конгрессдан кетишга ҳаракат қилиб кўрдим: барча ҳурмат қиладиган раҳнамолар билан қарашларимизда фарқ борлигини оммавий тарзда намойиш этишимга туғри келарди.

Аммо улар менинг қароримни қабул қилишмади. У ҳақда Лола Ҳаркишанлахъл ҳам билиб қолган экан.

— Булмағур гаплар кимга керак, — деди у. — Бундан ташқари, бу панжобликларни қаттиқ ранжитади.

Мен Локманйа, Дешбандху ва м-р Жинноҳ билан ҳам маслаҳатлашиб кўрдим, аммо ҳеч чора тополмадим. Охири уз муаммомни Малвия жийга баён этишга аҳд қилдим.

— Ҳеч муросага бориш имкони булмаёпти, — дедим мен унга, — борди-ю, мен уз резолюциямни таклиф этсам, унда овоз бериш масаласини ҳал этиш талаб қилинади. Қандай қилиб бу ерда овозларни ҳисоблаб чиқиш мумкинлигини тасаввур қилолмайман. Шу пайтгача ўрнатилган анъанага кўра, Конгресснинг очиқ сессияларида овоз бериш шунчаки қўл кўтариш йўли билан олиб борилган ва меҳмонлар овозлари ва делегатлар овозлари ўртасида ҳеч қандай фарқ булмаган. Бундай улкан йиғилишда биз овозларни санай олмаимиз. Мабодо иш шунгача етгудек булса, осон булмайди. Бундан бир иш чиқиши ҳам амри маҳол.

Бироқ Лола Ҳаркишанлахъл жонимга оро кирди ва зарурий тайёргарликлар олиб боришга киришиб кетди.

— Овоз берадиган куни Конгресс раёсатига меҳмонларни қўймаймиз, — деди у. — Овозларни санашга келганда, бунини мен зиммамга оламан. Аммо сиз Конгрессда қатнашмасангиз булмайди.

Мен ён бердим. Юрак ютиб уз резолюциямни ҳозир булганларга ҳавола қилдим. Пандит Малвия жий ва м-р Жинноҳ уни қўллаб-қувватлашлари керак эди. Гарчи фикрлардаги айрилиқ кескин ифода этилмаган ва нутқларимизда совуқ му-

шоҳадалардан бошқа ҳеч вақо булмаган эса-да, қарама-қаршилик борлиги йиғилганларга ёқмаганини сезмай иложим йуқ эди. Улар қарашларимизда тулиқ яқдилликни ишташарди.

Ҳатто нутқлар вақтидаёқ бу қарама-қаршиликларни шиб-балаб юборишга ҳаракат қилинди ва раҳнамолар тинмай бир-бирларига хат юбориб мурожаат қилиб туришди. Малвия жий бизни ажратиб турган орамиздаги чоҳни йуқотиш учун бор кучини аямаётганди. Шу сабабли Жерандос менга уз тузатишини ёзиб юборди ва унинг узига хос булган такаллуф билан делегатларни сайлов заруриятидан фориг қилишни суради. Тузатишлар менга маъқул булди. Мен Малвия жийга тузатиш ҳар икки томон учун мақбул эканлигини билдирдим. Тузатишни кўрсатишганида:

— Агар Дос уни маъқулласа, мен қарши эмасман, — деди Локманйа.

Ниҳоят иккиланган Дешбандху ёрдам қидиргандай оқловчи Бепин Чандр Паълга қараб қуйди. Малвия жий узини унглаб олди. У тузатиш моҳияти баён этилган бир варақ қоғозни ушлади-да, Дешбандху узил-кесил “ҳа” демагунча, қич-қириб:

— Делегат биродарлар, сизни суюнтриб айтишим керакки, биз бир битимга келишга муваффақ булдик! — деди.

Шундай кейин нима булганини тасвирлаш қийин. Раёсат қарсақлардан ларзага келди ва шу пайтгача хумрайиб турган чехралар гул-гул очилиб кетди.

Бу ерда тузатиш матнини келтиришга ҳожат булмаса керак. Менинг мақсадим резолюция қандай қабул қилинганини тасвирлаб бериш эди, холос. Ахир бу ушбу китоб бағишланган изланишларимнинг бир қисми эди-да.

Бу битим менинг масъулиятимни жуда ошириб юборди.

КОНГРЕССГА КИРИШИМ

Амритсардаги Конгресс мажлисларида иштирок этганимни мен Конгрессда уз сиёсий фаолиятимнинг чинакам бошланиши деб қарайман. Олдинги сессиялардаги иштироким Конгрессга содиқлигимнинг ҳар йили такрорланиб турувчи изҳоридан бошқа ҳеч нима эмасди. Бунда мен соф шахсий ишдан бошқа иш учун ҳеч қанақа иш тайёрлаб қуйилмаган деб ҳисоблар эдим ва шундан ортигига умидвор ҳам эмасдим.

Амритсардаги тажрибадан англадимки, Конгрессга фойдали булиши мумкин булган айрим нарсаларга нисбатан маълум қобилиятим борлигини тушундим. Локманья, Дешбандху, пандит Мутилаъл жий ва бошқа раҳнамоларнинг Панжобдаги текширувлардан мамнун эканликларини кўрдим. Улар кўпинча резолюция лойиҳалари ишлаб чиқиладиган норасмий мажлисларига мени таклиф этишарди. Бу пошшоликларга, одатда, раҳнамолар алоҳида ишонч билдирган ёки хизматларига эҳтиёж сезган шахсларгина таклиф этиларди. Тўғри, бу мажлисларга гоҳо мутлақо чет шахслар ҳам кириб қоларди.

Кириб келаётган йилда қобилиятимга мос келган икки нарса мени қизиқтирарди. Биринчидан, Жолиёнвала богидаги хунрезлик қурбонларига ёдгорлик тиклаш. Бу масала бўйича резолюция Конгресс сессиясида зур кутаринкилик билан қабул қилинган эди. Ёдгорлик учун тахминан 500 минг рупия пул тўплаш зарур эди. Мени ишончли шахслардан бири қилиб тайинлашди. Пандит Малвия жий жамоатчилик эҳтиёжларига пул тўплаганда қуролдан садақа ундирувчи сифатида ном қозонган эди. Бироқ бу борада ундан бироз кейинда туришимни билардим. Жанубий Африкада эканлигимдаёқ узимда шу қобилиятни кашф этган эдим. Албатта, Ҳиндистон ҳукмронларини ечилиб кетишга мажбур қилиш уқувида Малвия жийга тенг келолмас эдим. Аммо ҳозир Жолиёнвала богидаги хунрезлик қурбонлари хотирасига ҳисса қўшиш учун рожа ва маҳорожалар олдига юкиниб боришни хаёлга ҳам келтириб бўлмасди. Шу боис узим уйлагандай садақа тўплаш ташвиши менинг елкамга тушди. Бомбейнинг танги фуқаролари садақаларни ўз ихтиёри билан келтириб беришди ва банкда анча куп пул жамғарилди. Мамлакат олдида энди бир муаммо турарди — ҳиндулар, мусулмонлар ва сикхлар қони билан ювилган муқаддас жойда қад кутарадиган ёдгорлик қанақа булиши керак. Аммо бу учала жамоа ягона дустона иттифоққа бирлашиш урнига, ҳалигача, афтидан, бир-бири билан адоватда, халқ эса ёдгорликка тўпланган жамғармадан қандай фойдаланишни билмасди.

Конгресс менинг бошқа қобилиятим — турли-туман лойиҳалар тузиш қобилиятимдан фойдаланиши мумкин эди. Конгресс раҳнамолари фикрларимни қисқа ва лунда баён этиш қобилиятимни пайқаб қолишди. Мен бунга узоқ давом этган амалиётим натижасида эришганман. Ушандаги мавжуд Конгресс низоми Гукҳале мероси эди. У низомнинг бир қанча

моддаларини қоралаган булиб, улар Конгресс иши учун асос булиб хизмат қилган эди. Бу моддаларни тузиш туғрисидаги қизиқарли тафсилотларни мен Гукҳаленинг узидан эшитган эдим. Бироқ энди уларнинг барчалари бу моддалар Конгресснинг тобора кенгайиб бораётган фаолиятига мувофиқ келмаслигини тушунар эдилар. Бу масала йилдан-йилга кундаланг булаверарди. Конгресснинг сессиялар оралиғида фаолият курсатадиган ва йил давомида юзага келувчи масалаларни куриб чиқа оладиган аппарати айни вақтда деярли йуқ эди. Мавжуд низом учта котиб булишини кузда тутарди, аммо ҳақиқатда фақат биттаси ишларди, у ҳам доимий эмас. Қандай қилиб у бир узи Конгресснинг барча ишларини олиб бориши, келажак ҳақида уйлаши ва ўтмишда Конгресс уз зиммасига олган мажбуриятларни жорий йилда бажара олиши мумкин? Бу йил низом хусусидаги масала янада жиддийроқ кундаланг булишини ҳамма гушунарди. Бундан ташқари, ижтимоий масалаларни ҳал этиш учун Конгресс узи ҳаддан ташқари йирик орган эди. На Конгресс делегатлари умумий миқдори учун ва на ҳар бир провинциядан келадиган делегатлар миқдори учун ҳеч қанақа чеклов йуқ эди. Бу тартибсизликка чек қўйиш зарурлигини ҳамма ҳис этиб турарди. Мен биргина шарт билан Конгресс низомини қоралаб бериш вазифасини узимга олдим. Аҳоли орасида икки киши — Локманйя ва Дешбандху энг катта обруга эга эканини куриб турардим ва шу боис уларни Конгресснинг янги низо-мини ишлаб чиқиш буйича халқ вакиллари сифатида ҳайъатга киришларини галаб қилдим. Бироқ ишда шахсан иштирок этиш учун ҳар иккаласининг ҳам вақти бўлмаслиги аниқ булгани сабабли мен улар узларининг урниларига тулиқ ишончларини қозонган икки вакилларини юборишларини таклиф этдим. Шу тариқа, ҳайъат уч одамдан иборат булиши керак эди. Локманйя ва Дешбандху менинг таклифимни қабул қилишди ва вакиллар сифатида оқловчи Келкар ва И.Б. Сенни жунатишди. Ҳайъат мажлисга бир марта ҳам йигилмади, аммо биз ёзма равишда кенгашиш имконига эга бўлдик ва келишилган маърузани тақдим этдик. Маълум даражада Конгресснинг бу низоми билан фахрланаман ва борди-ю, биз унга аниқ риоя қиладиган бўлсак, шу биргина нарсанинг узи ҳам бизни свараж билан таъминлаши мумкин деб ҳисоблайман. Низомни ишлаб чиқиш масъулиятини уз зиммамга олиб, мен Конгресс сиёсий фаолиятининг чинакам иштирокчисига айландим деб билардим.

ИБРАТЛИ СУҲБАТ

Уша пайтдаги ном билан “кҳадий” ёки “свадеший” деган ҳаракатлар ўз келиб чиқишининг бошиданоқ фабрикантлар томонидан нохуш кутиб олинган эди. Ғоят ишбилармон фабрикант Умар Субоний билим ва тажрибасини мен билан баҳам курибгина қолмай, мени бошқа фабрикантларнинг кайфиятларидан воқиф ҳам қилиб турарди. Шулардан бирининг гаплари Умар Субонийда катта таассурот қолдирган. Фабрикант мени ўзи билан куришишга қайта-қайта айтиб юрар экан. Мен рози бўлдим. Субоний бизларни учраштирди. Суҳбатни фабрикант бошлади.

— “Свадеший” ҳаракати илгари ҳам булганидан хабардормисиз?

— Ҳа, — жавоб бердим мен.

— Ажралиш вақтида биз, фабрикантлар, “свадеший” ҳаракатидан яхши фойдаланганимиз ҳам сизга маълум бўлиши керак. У юқори нуқтасига етганида биз газмол нархларини кўтариб юбордик, шунингдек бундан ёмонроқ баъзи ишлар қилгандик.

— Ҳа, мен бу ҳақда эшитгандим ва қаттиқ хафа бўлган эдим.

— Сизнинг хафа булганингизни тушунаман, аммо бунинг учун асосни курмаяпман. Биз филантропияни деб иш қилмаймиз, балки фойдали деб иш қиламиз, биз ҳиссадорларга дивидендлар тулашимиз керак. Молнинг баҳоси талабга боғлиқ бўлади. Талаб ва таклиф қонуни билан ҳисоблашмаса булар эканми? “Свадеший” матосига талаб ортишига олиб келадиган ташвиқотлари уларнинг нархи кўтарилишига ҳам олиб келишини бенгалияликлар билишлари керак эди.

— Менга ухшаб, — дедим мен, унинг гапини бўлиб — бенгалияликлар ҳам ишонувчан одамлар. Фабрикантлар эҳтиёж дамларида нақадар худбин ва ватанфуруш бўлиб кетишлари ва чет эл молларини “свадеший”га чиқариб, пуллашлари ва халқни алдашлари билан ватанларини сотишлари уларнинг хаёлига ҳам келмайди.

— Сизнинг ишонувчанлигингиз менга маълум, — эътироз билдирди фабрикант, — шу боис соддадил бенгалияликларнинг хатосини сиз ҳам такрорламаслигингиз учун олдимга чақириб сизни безовта қилишга жазм этгандим.

Шу сўзларни айтар экан, фабрикант унинг фабрикасида туқилган газмол намуналари билан турган идора ходимини чақирди.

— Мана бу матога қаранг, — деди у, — бу фабрикамининг сўнгги янги моли. У қўлма-қўл бўлиб кетяпти. Биз уни чиқиндилардан туқиймиз, шунинг учун ҳам у арзон. Биз уни олис шимолга, Ҳимолай водийсига жўнатамиз. Агентларимиз бутун мамлакат бўйлаб юришади. Улар ҳатто на сизнинг сўзларингиз, на агентларингиз етиб бора оладиган жойларда бўлишади. Бизга яна агентлар кераклигини узингиз куриб турибсиз. Бундан ташқари, Ҳиндистон гўқимачилик фабрикалари аҳоли талабларини қондирмаётганини ҳам билсангиз керак, шундайми? Бинобарин, “свадеший” ҳақидаги масала маълум миқдорда ишлаб чиқариш ҳақидаги масалага келиб тақалади. Биз уз маҳсулотимизни купайтирсак ва сифатини яхшиласак, чет эл матоларини олиб кириш ҳам ўз-ўзидан тўхтайдди. Шу боис сизга маслаҳатим — ташвиқотингизни бас қилинг ва янги фабрикалар барпо этишга эътибор беринг. Биз уз молларимиз учун рекламага муҳтож эмасмиз, аммо биз уларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга эришмоғимиз керак.

— Ундай ҳолда сиз, эҳтимол, менинг саъй-ҳаракатларимни маъқуллар экансиз-да? Чунки мен айнан шу иш билан машғулман, — дедим мен.

— Қандай қилиб? — деди у бироз тараддуланиб. — Наҳотки сиз янги фабрикалар қуришни кўзда тутаётган булсангиз? У ҳолда сизни табриклашдан ўзга чорам йўқ.

— Унчалик эмас, — эътироз билдирдим мен, — мен қўлбола мато туқишни тикламоқчиман.

— Бу нима дегани? — сўради у бадтар ҳайрати ортиб.

Мен унга чарх ҳақида сўзладим, уни узоқ қидирганимиз тарихини баён қилиб бердим ва қўшимча қилдим:

— Мен гапингизга тула қушиламан. Аслида, фабрика молини сотиш бўйича агент бўлишдан ҳеч қандай маъно йўқ. Бу мамлакатга фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиради. Ҳали узоқ вақтгача фабрикаларимиз харидордан тақчиллик кўрмайдди. Менинг ишим қўлбола мато ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва қҳадийни сотиш учун маблағ топишдангина иборат бўлиши керак ва шундан иборат ҳам. Шу боис менинг фикру зикрим қҳадий ишлаб чиқаришга қаратилган. Мен свадешийнинг мана шу шакли тарафидан, чунки фақат шу йўл билан ярим оч-яланғоч, ишсиз

ҳинд хотин-қизларини иш билан таъминлай оламан. Бу хотин-қизларга калава ишлаб чиқаришни ва шу калавадан ишлаб чиқилган қҳадий билан Ҳиндистон аҳолисини кийинтиришни уйлаяпман. Бу ҳаракат қанчалик муваффақиятли чиқишини билмайман. Ҳозир у бошланғич паллада турибди, холос. Аммо мен бунга ишонаман. Ҳарқалай, у зарар келтирмайди. Аксинча, агар у озгина миқдорда бўлса ҳам мамлакатда мато ишлаб чиқаришни купайтира олса, катта фойда келтиради. Бизнинг ҳаракатимиз сиз айтган камчиликлардан холи эканини энди тушунгандирсиз?

— Сизга ҳеч қандай эътирозим йўқ, — деди у, — башартики, бу ҳаракагни ташкил этиб, фақат маҳсулотни купайтиришни назарда тутган бўлсангиз. Машиналар замонида чархни расм қилдириб булармикан — бу бошқа масала. Аммо мен сизга ҳамма жиҳатдан муваффақият тилайман.

СУВНИНГ КҮТАРИЛИШИ

“Қҳадий” ҳаракатининг бундан кейинги тараққиётини тасвирлашга яна бир неча боб бағишлай олмайман. Бутун жамоатчилик кўзи унгида бўлиб ўтган ўз фаолиятининг турли жиҳатларини ҳикоя қилиш бу китоб доирасидан чиқиб кетишни билдирарди, бу мавзуга бутун бир рисола талаб этилиши учун ҳам бундай қилишдан ўзимни тийишим керак бўлади. Менинг мақсадим фақат айрим нарсалар куз унгимда, ҳақиқагни излаш вақтида қандай қилиб, дейлик, уз-узидан очилиб кетганини тасвирлашдан иборат.

Шу боис, келинг, ҳамкорлик қилмаслик туғрисидаги ҳикояни давом эттирайлик. Ака-ука Алилар ташкил этган исломий давлатнинг қудратли ҳаракати айни авж палласида эди. Мен ҳозирда марҳум Мавлоно Абдул Борий ва бошқа уламолар билан узоқ вақт суҳбатлар қурдим. Бизнинг суҳбатларимиз энг аввало мусулмонларнинг куч ишлатмаслик қондасига қай даражада риоя қилишлари туғрисидаги масалага дахлдор булар эди. Охири улар ислом сиёсий услуб сифатида узининг издошларига куч ишлатмасликка риоя қилишни тақиқламаслик учун мен билан келишиб олдилар, модомики куч ишлатмасликка онт ичишдими, демак унга риоя қилиш шарт. Ҳамкорлик қилмаслик туғрисидаги резолюция ислом давлати анжуманида таклиф этилган ва узоқ мунозаралардан кейин қабул қилин-

ган эди. Бир воқеа кечагидай эсимда. Бир куни Оллоҳободда қўмита шу масалани муҳокама қилаётганда, мажлис тонг отгунча давом этди. Аввалига Ҳаким Соҳиб куч ишлатмасдан ҳамкорлик қилмасликни амалда утказиш имкониятига шубҳа билан муносабатда булди. Бироқ унинг шубҳалари тарқалгандан кейин у жон-дили билан бу ҳаракатга берилиб кетди ва унинг ёрдами ҳаракат учун беқиёс булди.

Бирмунча муддатдан кейин мен Гужарот сиёсий анжуманида ҳамкорлик қилмаслик туғрисидаги резолюцияни олға суриб чиқдим. Мухолифат аввалига Конгресс қабул қилмагунча провинциал анжуманни резолюциянинг қабул қилишга ҳаққи йуқ деб эътироз билдирди. Мен бундай чеклов фақат ўтмишдаги ҳаракат учун мақбул деб уқтирдим, аммо гап келажак туғрисида, фаолиятимизнинг бундан кейинги йули туғрисида кетар экан, қуйи ташкилот фақат мутлақо ваколатлигина эмас, балки ҳатто агар унда бунинг учун зарурий сабр-чидам ва журъат бор булса, шундай йул тутиши шарт ҳам. Агар гап бутун ҳадик ва таваккални бўйнига олиб, марказий ташкилотнинг обрўйини кўтаришга интилиш туғрисида кетаётган булса, ҳеч қанақа рухсат-пухсатнинг кераги йуқ, дедим қатъий тусда. Сунг таклиф жиддий муҳокама қилинди, лекин мунозаралар, ҳар қанча кескин булишига қарамай, “хушчақчақ, босиқлик” муҳитида кечди. Резолюция мутлақ купчилик овоз билан қабул қилинди. Резолюциянинг муваффақияти куп жиҳатдан оқловчи Валлабҳай ва Аббос Тйабжийнинг шахсий фазилатлари билан изоҳланади. Аббос Тйабжий анжуманда раислик қилди ва у ҳамкорлик қилмаслик туғрисидаги резолюцияга ҳайрихоҳлик билан қаради.

Конгресснинг Бутунҳиндистон қўмитаси 1920 йил сентябрида Калькуттада ўша масала бўйича кенгашиш учун Конгресснинг махсус сессиясини чақиритишга қарор қилди. Тайёргарлик кенг миқёсда олиб борилди. Раис қилиб Лола Ложпат Рой сайланди. Конгресс аъзолари ва исломий давлат ҳаракатининг иштирокчилари учун Бомбейдан Калькутtagа махсус поезд қатнарди. Калькутта делегатлар ва меҳмонларга тулиб-тошиб кетганди.

Мавлоно Шавкат Али илтимоси билан поездда ҳамкорлик қилмаслик туғрисидаги резолюция лойиҳасини тайёрладик. Бунгача мен уз қорамаларимда, гарчи нутқларимда мут-

тасил ишлатиб келаётган булсам-да, “куч ишлатмасдан” сузини четлаб ўтишга ҳаракат қилар эдим. Менинг луғат бойлигим бу борада энди-энди шаклланиб келаётганди. Мен соф мусулмон тингловчиларига “куч ишлатмасдан” сузининг санскритча синоними тушунарли булмайти, деб ҳисоблардим. Шу боис мавлоно Абул Калом Озоддан унинг муқобилини топишни илтимос қилдим. У “ба-аман” сузини, “ҳамкорлик қилмаслик” учун эса “тарк-и-малват” сузини таклиф этди.

“Ҳамкорлик қилмаслик” тушунчасини ифода этувчи ҳиндий, гужаротий ва урду ча сузларни танлашга ҳаракат қилар эканман, менга Конгресснинг бу шонли сессияси учун ҳамкорлик қилмаслик туғрисидаги резолюцияни ёзиб беришга мажбур қилишти. Лойиҳанинг дастлабки нусхасида “куч ишлатмаслик” тушириб қолдирилган эди. Мен ўзим билан битта купеда кетаётган мавлоно Шавкат Алига резолюция лойиҳасини бердим, ҳалиги суз тушиб қолгани эсимда ҳам йўқ. Тунда мен хатомни англадим. Эрталаб резолюция матбуотга тушгунига қадар хатомни туғрилашга Маҳодевни юбордим. Бироқ энди тузатиш киритиш мумкин эмасди, чунки лойиҳа босилиб бўлганди. Раҳбарлик қилувчи кўмитанинг мажлиси ўша куни оқшом бўлиб ўтиши керак эди. Шу боис зарурий тузатишларни резолюция лойиҳасининг босилган нусхаларига киритишимга туғри келди. Резолюция лойиҳасини олдиндан таёрлаб қўймаганимда менга қанчалик қийин булишини кейинчалик тушундим.

Менинг аҳволим жуда-жуда ачинарли эди. Ким резолюцияни қўллаб-қувватлайдию ким қарши чиқади, мутлақо тасаввур қилолмасдим. Лолажий қайси тарафда туриши борасида ҳам тушунчага эга эмасдим. Мен фақат Калькуттада жанг учун тупланган фахрийлар — жангчиларнинг ақлни шошириб қўядиган лашкарини куриб турардим, холос. Улар орасида д-р Безант, пандит Малвия жий, оқловчи Вижай Рогҳав Ачарйа, пандит Мутилаъл жий ва Дешбандху бор эди.

Мен ўз резолюциямда Панжобдаги воқеалар вақтида ва исломий давлат тузиш борасида ҳокимият адолатсизликларни тузатишга эришиш учунгина ҳамкорлик қилмасликни эълон қилишни таклиф этган эдим. Бу Вижай Рогҳав Ачарйага ёқмади.

— Борди-ю, биз ҳамкорлик қилмаслик кампаниясини бошлаб юборсак, нима учун айрим адолатсизликлар туфайлигина буларкан? Мамлакат унинг сваражидан маҳрум эти-

лишдек чексиз адолатсизликдан жабр чекмоқда. Ҳамкорлик қилмаслик учун мана шу нарса бош асос булмоғи керак, — деди у гапани исботлаб.

Пандит Мутилаъл Ҳам резолюцияга свараж талаби киририлишини хоҳларди. Батафсил, жиддий ва анча жушқин баҳслардан кейин қабул қилинган резолюция матнини мувофиқ тарзда тугрилаб, мен бу таклифни бажонидил қабул қилдим.

Мутилаъл жий ҳаракатга биринчи бўлиб киришиб кетди. Мен у билан резолюция масаласи бўйича ёқимли суҳбатни ҳалигача эслаб юраман. У бир қанча ибораларни ўзгартиришни таклиф қилди, бунга мен рози булдим. У Дешбандхуни биз томонга оғдиришга бел боғлади. Дешбандху дилдан биз билан бўлса-да, халқнинг бу дастурни ҳаётга татбиқ этишдаги қобилиятига шубҳа билан қарарди. Конгресснинг Ногпур сессиясидагина у ва Лолажий тула-тукис бизга қушилди.

Мана шу фавқулодда сессияда Локманяннинг вафоти биз учун қандай йўқотиш булганини айниқса купроқ ҳис қилдим. У тирик бўлганида менинг ташаббусларимга оқ фотиҳа бериб, дуо қилишига заррача шубҳа қилмасдим. Борди-ю, у ҳатто қарши чиққанида ҳам мен буни ўзим учун худонинг раҳмати ва ибрат деб билган бўлардим. Бизнинг фикрларимизда қарама-қаршилиқлар бўларди, аммо улар муносабатларимизга асло путур етказмасди. Шу боис мен ҳар доим орамиздаги алоқаларни ҳеч ким ва ҳеч нарса узолмайди деб ўйлардим. Мен мана шу сатрларни ёзар эканман, хотирамда унинг ўлими билан боғлиқ ҳолатлар гавдаланади. Тунги соат бирлар эди, ўша вақтда мен билан ишлайдиган Патвардхан телефон қилиб Локманяннинг ўлими ҳақида хабар қилиб қолди. Мен сафдошларим қуршовида эдим. Оғзимдан беихтиёр шу гап отилиб чиқди:

— Мен энг ишончли таянчимдан ажралдим!

Ҳамкорлик қилмаслик ҳаракати ўша вақтда энг қизғин паллага кирган, мен Локманяннинг рағбатлари ва ёрдамларини тоқатсизлик билан кутаётган эдим. Ҳамкорлик қилмасликнинг сунгги босқичида унинг нуқтаи назари қанақа булишини фақат жумбоқдай топиш мумкин эди, бу эса фойдасиздир. Бир нарса муқаррар: унинг ўлими катта кемтик қолдирганди ва буни Конгресснинг Калькутта сессияси барча иштирокчилари аниқ ҳис этишди. Миллий тарихимизнинг мана шундай нозик паллаларида барчамиз унинг маслаҳатларига муҳтож эдик.

НОГПУРДА

Конгресснинг Калькуттадаги фавқулодда сессиясида қабул қилинган резолюциялар Ногпурдаги унинг йиллик сессиясида тасдиқланган бўлиши керак эди. Худди Калькуттадагидек, Ногпурда ҳам катта миқдорда делегат ва меҳмонлар тупланди. Конгресс делегатларининг сони ҳали чекланмаган эди. Агар янглишмасам, Ногпурга ун турт минг одам келган эди. Лолажий мактабларни бойқот қилиш бора-сидаги моддага озроқ тузатиш киритди ва мен уни қабул қилдим. Дешбандхунинг талаби билан яна бир қанча тузатиш киритилди, шундан кейин ҳамкорлик қилмаслик туғри-сидаги резолюция бир овоздан қабул қилинди.

Конгресс низомини қайта куриб чиқиш туғрисидаги резолюция ҳам Конгресснинг шу сессиясида қабул қилинган бўлиши керак эди. Кичик ҳайъат лойиҳаси Калькуттадаги фавқулодда сессиясида қараб чиқилган эди. Ушбу масала узил-кесил ҳал қилиниши керак бўлган Ногпурда Вижай Рогҳав Ачарйя раислик қилди. Конгресснинг раҳбарлик қилувчи қўмитаси лойиҳага фақат битта жиддий узгартиш киритди. Менинг лойиҳамда делегатлар миқдори бир минг беш юзта билан чегараланган эди, қўмита олти мингни таклиф этди. Менимча, бу таваккалчилик эди ва сунгги йиллар тажрибаси буни тасдиқлади. Делегатлар сони қанча кўп бўлса, иш шунча яхши олиб борилишига имкон туғилади ёки демократия тамойилларига риоя қилишни яхшироқ қафолатлайди деган фикрни ута хато деб ҳисоблайман. Халқ манфаатларига содиқ, ҳақиқатгўй ва узоқни кўзлаган бир минг беш юз делегат масъулиятсиз, тасодифан сайланган олти минг одамлардан кура демократия манфаатларини яхши ҳимоя қилади. Демократияни ҳимоя қилиш учун халқ мустақиллигини, узини узи ҳурмат қилишни ва бирликни юракдан ҳис этиши, вакиллар сифатида фақат яхши, ишончли одамларни сайлашга ундаши керак. Бироқ катта рақамларга шайдо бўлиб қолган қўмитага ҳатто олти минг ҳам етарлимасдай куринарди. Энди у ҳам муроса йулини танлаб келганди.

Конгресс мақсади ҳақидаги масала атрофида қизгин баҳслар кетди. Мен уз резолюциям лойиҳасида Конгресс мақсадини, агар имкони бўлса, Британия империяси доирасида сваражга эришиш сифатида, агар зарурат тақозо этса — ундан

ташқарида эришиш сифатида белгилаган эдим. Делегатларнинг бир қисми свараж тушунчасини Британия империяси доира-сидаги мухторият билан чегаралашни хоҳлар эди. Худди шундай нуқтаи назарни пандит Малвия жий ва м-р Жинноҳ ҳимоя қилиб чиқди. Шундан кейин низом лойиҳаси мақсалга етиш учун тинч ва қонуний воситаларни қўллашгагина рухсат берди. Бу шартга қарши чиққанлар ҳам бўлди; унинг мухолифлари восита танлаш борасида ҳар қандай чекловларни бартараф этишни ёқлаб туриб олишди. Бироқ ибратли ва ошкора баҳслардан сунг Конгресс дастлабки лойиҳани қабул қилди. Агар халқ бу низомга ҳалол, оқилона ва тиришқоқлик билан риоя қилса, у оммани тарбиялашнинг кучли куролига айланишига ва низомни ижро этиш жараёнининг ўзи бизни сваражга олиб келиши мумкинлигига кўзим етиб турарди. Бироқ бу ерда бу мавзуни муҳокама қилишдан ҳеч қандай маъно йўқ.

Конгресс, шунингдек ҳиндулар ва мусулмонларнинг бирлиги ҳақидаги, дахлсизликни тугатиш ҳақидаги ва қҳадий ҳақидаги резолюцияларни ҳам қабул қилди. Шундан буён ҳиндулар — Конгресс аъзолари ҳиндувийликни дахлсизлик иллатидан тозалаш мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар, қҳадий ёрдамида эса Конгресс кўҳна Ҳиндистон билан жонли алоқа урнатди. Исломий давлат манфаатида ҳамкорлик қилмасликнинг қабул қилиниши ҳиндулар ва мусулмонлар бирлигига етишиш мақсадида Конгресс қўйган катта амалий қадам бўлгани ўз-ўзидан кўриниб турибди.

ХАЙРЛАШУВ

Энди қиссамни тугатсам ҳам бўлади.

Менинг кейинги ҳаётим ҳамманинг кўз ўнгида шу даражада яққол кечдики, унда халққа маълум бўлмаган биронта ҳам воқеа ёки ҳодиса топилмайди. Бундан ташқари, 1921 йилдан бошлаб мен Конгресс раҳнамолари билан узвий алоқада ишладим ва айни вақтда ўзаро муносабатларимиз хусусида ҳикоя қилмай туриб, ўз ҳаётим лавҳаларидан лоақал биронтасини эсимга тушириш амри маҳол. Гарчанд Шраддх Ананд жий, Дешбандху, Ҳаким Соҳиб ва Лола жийлар орамизда йўқ бўлсалар-да, бироқ хайриятки Конгресс эски раҳнамоларидан купчилиги ҳали тирик ва ишлашяпти. Мен бу ерда тасвирлаганим улкан ўзгаришлардан кейин

Конгресс тарихи ҳамон яратилмоқда. Сунгги етти йил давомидаги менинг барча изланишларим Конгресснинг ичида утди. Борди-ю, уз изланишларим ҳақидаги қиссамни давом эттирадиган бўлсам, унда бу уринда унинг раҳнамолари билан узаро муносабатларим тугрисида албатта гапиришим керак булар эди. Аммо ҳеч бўлмаганда одоб юзасидан ҳам энди бундай қилолмайман. Ниҳоят, сунгги изланишлар асосида мен чиқарган хулосаларни узил-кесил деб аташ амри маҳол. Шу боис ҳикоямни шу ерда тугатишни мен айна пайтида қилинган иш деб биламан. Қолаверса қаламимнинг ҳам ортиқ юришга оёғи тортмаяпти.

Уқувчи билан ажрашар эканман, юрагим бир тутам булиб кетаётир. Мен уз изланишларимга катта аҳамият бераман. Билмадим, уларни рисоладагидай қилиб тасвирлай олдимми ё йўқми. Фақат тан олиб айтаманки, улар ҳақида ростини ҳикоя қилиш учун сира кучимни аяганим йуқ. Мен ҳар доим ҳақиқатни қандай тасаввур этган ва уни қандай англаган бўлсам, худди ушандай тасвирлашга интилдим. Бу меҳнат менга ифода этиб бўлмас руҳий хотиржамлик бағишларди, зеро мен иккиланувчиларда ҳақиқат ва аҳимсага ишончини мустаҳкамлай олишга умид қилар эдим.

Мен серқирра тажрибам туфайли шунга тула амин бўлдимки, ҳақиқатдан бошқа Худо йўқдир. Агар ушбу китобнинг ҳар бир саҳифаси китобхонга ҳақиқатни англашнинг ягона воситаси аҳимса ҳисобланишини англамас, бу китоб устидаги барча меҳнатимни бир пулга қиммат деб уйлайман. Бироқ агар бу борадаги менинг саъй-ҳаракатларим самарасиз бўлса, уқувчи билиб қўйсинки, бунда буюк тамойил эмас, воситалар айбдор. Аҳимсага бўлган менинг интилишларим нечоғли самимий бўлмасин, улар барибир ҳали ҳам номукамал, ҳам чала. Шунинг учун ҳам ҳақиқатнинг мен кура олган заиф, онийлик жилвалари биз ҳар куни кўриб турадиган қуёш чарақлашига қараганда миллион марта кучли ғайриоддий жилваси ғоясини ифода этиши амри маҳол. Мен англаб етган нарса бу қудратли жилванинг лип этган заиф ёғдуси, холос. Аммо комил ишонч билан айта оламанки, — бу менинг изланишларим натижаси ҳамдир, — ҳақиқатни мутлақ ҳис этиш фақат аҳимсани тулиқ тушунгандагина кечиши мумкин.

Ҳақиқатнинг ялпи ва ҳамма жойда мавжуд руҳини идрок этиш учун бизнинг ўзимиз сингари энг майда хилқат-

ларни сева билмоғимиз керак. Бунга интиланган одам эса ҳаётнинг қайси бир соҳасидан бўлмасин, узини четга ололмайди. Менинг ҳақиқатга бўлган муҳаббатим мени сиёсат соҳасига олиб келгани сабаби шунда; ҳеч бир иккиланмасдан ва шу билан бирга азбаройи итоаткорлик билан айта оламанки, диннинг сиёсат билан ҳеч қандай алоқаси йўқ деган одам диннинг нималигини билмайди.

Узини покламасдан туриб ерда яшайдиган барча жонзотлар билан уюшиб кетишнинг иложи йўқ. Узини покламай туриб аҳимса қонунига риоя қилиш қуруқ орзу бўлиб қолаверали. Кимнингки қалби пок бўлмас экан, у ҳеч қачон Худони англай олмайди. Шу боис узини узи поклаш деганда фаолиятнинг барча соҳаларида покланишни тушунмоқ керак. Покланиш гоят юқумли ҳамдир: узини узи поклаш муқаррар равишда атрофдагиларнинг покланишига олиб келади.

Аммо узини-уз поклаш йўли уйдим-чуқур ва тикдир. Мукамал покликка эришиш учун фикрлар, сўзлар ва ишларда эҳтирослардан тула халос бўлмоқ, севги ва нафрат, ҳавас ва ирганиш сингари бир-бирига қарама-қарши туйғулардан юқори турмоқ керак бўлади. Биламан, узимнинг бунга мутасил ва толмай интилиб келганимга қарамай, мен ҳозирча бу покликнинг юқори нуқтасига етиша олганим йўқ. Одамларнинг мақтовини ёқтирмаслигим шундан.

Аксинча, мақтовлар кўпинча юрагимга оғир ботади. Инсоний эҳтирослар устидан ғолиб келиш менга қуролли кучлар ёрдамида дунёни забт этишдан ҳам қийинроқ ишга ўхшаб кетади. Ҳиндистонга қайтиб келган вақтимдан бери шу нарсани тушуниб етдимки, қалбимнинг энг теран жойларида эҳтирослар мудраб ётибди. Шунинг англаб туриб, узимни гарчи мағлуб бўлмаса-да, хўрланган ҳис этаман. Тажрибалар ва изланишлар эса менга куч-қувват беради ва буюк қувонч бағишлайди. Аммо мен биламан, узимни узим тула поклаш йўлида ҳали кўп қийинчиликларни бартараф этишим керак бўлади. Токи инсон уз инон-ихтиёри билан яқинлари орасида узини энг охириги ўринга қўймас экан, унғача у халоскорликка етишишга умид қилмаса бўлади. Аҳимса итоаткорликнинг энг сўнги даражасидир.

Ҳеч бўлмаганда вақтинчалик ўқувчи билан хайрлашар эканман, ундан фикрларим, сўзларим ва ишларимда аҳимса марҳаматини мандан дариф тутма деб ҳақиқат Худосига муножот қилганда менга ёр бўлиб қолишини илтижо қиламан.

Мундарижа

Кириш	3	Заҳримни ичимга ютдим	139
Оиламиздагилар ва		Ҳокимият билан кураш	141
қариндош-уруғлар	8	Табаррук хотира ва тазарру	144
Болалик	10	Куллар қишлоқларими	
Болалик никоҳи	12	с геттоларми	147
Мен — эрман	15	Сатйаграҳнинг тугилиши	150
Уғирлик ва унинг музди	17	Овқат борасидаги кейинги	
Отамнинг вафоти ва менинг		тажрибалар	151
қўшалоқ шармандалигим	20	Кастурбайнинг жасорати	153
Англияга тараддуд	27	Руҳ тарбияси	157
Ниҳоят, Лондондаман	31	Гукҳале билан учрашув	
Мен танлаган йул	34	олдидан	160
Мен инглиз жентльмени		Ватанга	162
булаяпман	36	Пуна. Гукҳале ҳузурида	163
Турли динлар билан танишув ...	40	Бу пуписа эдими?	165
Менинг ночорлигим	43	Шантиникетон	169
Райчандбхай	46	Учинчи класс йуловчиларининг	
Ҳаётни қандай бошлаганим	48	машаққатлари.....	171
Биринчи суд иши	52	Ишчиларни шартномада ишлатиш	
Биринчи зарба	55	тизимининг бекор қилиниши ..	174
Жанубий Африка тарадудди	58	Индиго доғи	176
Наталга келганим	60	Аҳимса билан юзма-юз	179
Преторияга сафар	65	Иш ёпилди	182
Преторияда биринчи кун	68	Иш услублари	185
Ҳиндлар билан яқинлашишга		Губернатор яхши одам	
интилиш	71	булгач	188
“Қудий” булиш нима дегани ...	74	Ишчилар билан яқинлашув	190
Судга тайёргарлик	77	Очлик	192
Банданингмас, Худонинг		Пиёз уғриси	196
айтгани булади	81	Кҳеда сатйаграҳнинг тугаши	199
Натаљ ҳинд конгресси.....	83	Бирликка интилиб	200
Балесундарам.....	86	Сафарбарлик	204
Динларни қисслаб урганганим ..	89	Ажал бусағасида	210
Уйга	93	Роулетнинг қонун лойиҳаси	
Ҳиндистонда	94	ва менинг дилеммам	214
Бурон яқинлашмоқда	97	Ажойиб манзара	218
Бурон	99	Унутилмас ҳафта — I	220
Синов	102	Унутилмас ҳафта	225
Браҳмачарйа — I	107	“Ҳимолайдай улкан хато”	229
Браҳмачарйа — II	110	“Навживан” ва “Янг Индия” ...	230
Оддий ҳаёт	114	Панжобда	233
Бур уруши	117	Мусулмонлар сизигр	
Яна Ҳиндистонда	119	ҳимоясига қаршимми?	236
Конгрессда	122	Конгресснинг Амритсарлаги	
Лорд Керзон Дарбори	124	сессияси	239
Гукҳаленикида утган бир ой	126	Конгрессга киришим	242
Иймон синови	129	Ибратли суҳбат	245
Яна Жанубий Африкага	132	Сувнинг кутарилиши	247
Беҳуда уринишлар.....	135	Ногпурда	251
Осиёдан келган мустабидлар	137	Хайрлашув	252

Адабий-бадиий нашр

**МОҲАНДАС КАРАМЧАНД
ГАНДИ**

МЕНИНГ ҲАЁТИМ

Таржимон Амир Файзулла
Муҳаррирлар: *И. Аҳмедов, С. Саидмуродов*
Бадиий муҳаррир *Ш. Ходжаев*
Рассом-дизайнер *Ҳ. Қутлуқов*
Техник муҳаррир *Т. Харитоновна*
Мусахҳиҳлар: *С. Салоҳутдинова, Г. Азизова*
Компьютерда тайёрловчи *Ф. Чанишева*

Босишга рухсат этилди 7.09.2018. Бичими 60×90¹/₁₆.
«Таймс» гарнитурала офсет босма усулида босилди. «Офсетная-пухлая» қоғози.
Шартли босма табоқ 16,0. Нашр табоқ 13,25.
Адади 2 000. Бююртма №18-467.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O'zbekiston»
нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100011. Тошкент, Навоий кучаси, 30
Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.
e-mail: uzbekistan iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz





«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-25-636-1



9 789943 256361